

О. ТУРАЕВА

# ОИЛАВИЙ ҲАЁТ ЭТИКАСИ ВА ПСИХОЛОГИЯСИ

*Педагогика институтларининг  
студентлари учун ўқув қўлланма*

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1990

Ушбу қўлланма авторнинг оила педагогикаси соҳасидаги кўп йиллик иш тажрибаси, кузатиш ва социологик текширишларининг натижалари асосида юзага келди. Автор уни оилавий муносабатлар мавзуида ёшлар билан ўтказилган тематик кечалар, мазкур курс лектори сифатида ота-оналар, ёш келин-куёвлар билан суҳбатлари, ёзишмалари ҳамда болалар тарбиясига бағишланган конференция материалларига таяниб, мазкур курс юзасидан педагогика институтлари учун Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги тасдиқлаган программа асосида ёзди.

Қўлланма педагогика институтлари «Оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси» курси муаллимлари, студентлар, оила қуриш бўсағасида турган ёшлар, келин-куёвлар, ўрта мактаб синф раҳбарлари, юқори синф ўқувчилари, хотин-қизлар совети раҳбарлари, ота-оналар ҳамда кенг жамоатчиликка мўлжалланган.

Тақризчи: педагогика фанлари кандидати *Р. Едгоров*

*На узбекском языке*

*Айша Тураева*

## ЭТИКА И ПСИХОЛОГИЯ СЕМЕЙНОЙ ЖИЗНИ

Учебное пособие для студентов  
педагогических институтов

Ташкент «Ўқитувчи» 1990

Баддий муҳаррир *А. Лукьянов*  
Муҳаррир *С. Тоҳиров*

Тех. муҳаррир *С. Турсунова*  
Корректор *З. Содиқова*

ИБ № 5108

Теринга берилди 30.05.89. Босишга рухсат этилди 09.02.90. Р-06742. Формати 84×108/32. Тип. қоғози № 2. Кегли 10 иллонсиз. Литературнал гарнитурга. Юқори босма усулида босилди. Шартли б. л. 11.76. Шартли бр.-отт. 11,91. Нашр. л. 10.5. Тиражи 35000. Зак. № 2. Баҳоси 55 т. «Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 12—129—89.

Ўзбекистон ССР Матбуот давлат комитети. Тошкент «Матбуот» полиграф-фия ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли 2-босмахона Янгиёъл шаҳ-ри, Самарқанд кўчаси, 44. 1990 й.

Типография № 2 ТППО «Матбуот» Государственного комитета Узбек-ской ССР по печати. Янгиюль, ул. Самаркандская, 44.

T  $\frac{353(04)-117}{4301070000-90}$  145—90

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1990.

ISBN 5—645—00764—6

## КИРИШ

Ҳар бир инсон ҳаётида, у қайси жинсга мансублигидан қатъи назар, оила қуриш масаласини ҳал қилиши лозим бўлган вақт келади. Бу масала қариндош-уруғ, дўстлар, меҳнат ёки ўқув коллективининг эътиборидан четда қолмайди. Тантанали никоҳ кечаси келин ва куёвга гуллар, совғалар берилади, яхши истаклар билдирилади. Уларга бундай эҳтиром тасодиф эмас, балки оилга жамиятнинг ячейкаси сифатида давлат нуқтаи назаридан қаралишининг ифодасидир.

Турмушимизда оила муҳим ўрин тутати. У инсон зотини давом эттиришдек буюк ва улғувор вазифани бажаради. Оила одамнинг меҳнат қобилиятини тиклаш ва дам олиш жойи, шунингдек, муҳим тарбиячи ҳамдир. Болаликнинг дастлабки йилларида инсон шахсининг илк босқичи шаклланади, характерининг асоси вужудга келади, одамийлик фазилатлари ва ахлоқи таркиб топа бошлайди. Шунинг учун ҳам инсоннинг келажаги кўпроқ оилга ва оилавий муносабатларга боғлиқ бўлиб, қайси мамлакатда бўлмасин жамият инсонларнинг табиий эҳтиёжи бўлган оила қуриш ва болалар тарбиясига бефарқ қаролмайди.

Коммунистик партия ва Совет давлати оилани бунёд этиш ва мустаҳкамлашга, ота-оналар ўз бурч ва вазифаларини тўла-тўқис бажаришига ҳамиша жиддий аҳамият бериб келмоқда. КПСС Программасида оила ҳақида ғамхўрлик партиянинг муҳим давлат аҳамиятига молик ишидир, дейилган.

СССР Конституциясида оилани мустаҳкамловчи омиллар қонун даражасида белгилаб қўйилган. Унга кўра, «СССРда аёллар ва эркаклар тенг ҳуқуқлидир». (35-модда), «Оила давлат ҳимоясидадир» (53-модда), «СССР граждани болаларни тарбиялаш, ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлаш, социалистик жамиятнинг муносиб аъзолари қилиб ўстиришга мажбурдирлар» (66-модда).

Оила қуришда туғилиш, болалар тарбияси, уларни ижтимоий-фойдали фаолиятга тайёрлаш каби мақсадлар кўзланади. Оиланинг бундай ижтимоий вазифаси жамият учун ҳам, эр-хотин учун ҳам жуда муҳимдир. Шунга кўра ота-она ва болалар, оила ва никоҳ муносабатларини мувофиқлаштириш учун давлат миқёсидаги тадбирлар ҳамда ёрдам зарурати вужудга келади. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «Фарзандлари бўлган оилаларга давлат ёрдами ни кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги (1981 й). қарорида юқори синф ўқувчилари учун гигиена ва жинсий тарбия бўйича, оилавий ҳаёт этикаси ва психологияси бўйича мажбурий машғулотларни киритиш ҳам кўзда тутилган. Ёш авлодда зарур шахсий фазилатларни таркиб топтириш, ахлоқий-этик, психологик-педагогик тайёргарликни шакллантириш кераклиги уқтирилган.

«Инсонни ўргатиб бахтли қилиб бўлмайди, аммо уни шундай тарбиялаш керакки, у бахтли бўлсин»,— деган эди А. С. Макаренко. Улуғ педагог сўзлари билан айтганда, инсонни бахтли қилиб тарбиялашда уни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг роли каттадир. Бу жараён педагог олим И. В. Гребенниковнинг таъкидлашича, умум-социал, ахлоқий, ҳуқуқий, психологик, физиологик гигиеник, педагогик ва, ниҳоят, хўжалик-иқтисодий билимлар беришдан иборатдир. Уларни ўзлаштириш самарадорлигини ошириш кўп жиҳатдан оила, мактаб ва жамоатчиликнинг баҳамжиҳат куч-ғайрат сарфлашига, талабларининг бир хил бўлишига боғлиқ.

Совет жамоатчилиги ҳар бир кишидан оила олдидаги ҳуқуқий ва ахлоқий мажбуриятларини сўзсиз бажаришни талаб этади. Чунки ёш авлодни жамиятнинг ҳар томонлама етук аъзолари қилиб тарбиялаш совет оиласининг асосий вазифаларидан биридир.

Социалистик оила муаммолари орасида ўзаро муносабат ва ёш авлодни мустақил ҳаётга тайёрлаш, туғрироғи, бўлажак оила бошқарувчиси сифатида тарбиялаш ҳозирги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади. Шу маънода ота-оналар, кенг жамоатчилик зиммасига ёшларни оилавий ҳаётни ўташдек масъулиятли вазифани бажаришга, уй туттиш, рўзгор, оила хўжалигини тежаб-тергаб бошқаришга тайёрлаш, уларда «эркак», «аёл» фазилатларини тарбиялаш, ўзаро муомала-муносабат одобини таркиб топтириш, уларга она меҳри,

ота ғамхўрлиги, фарзанд миннатдорлиги нималигини ва ҳаётда шуларга амал қилиш зарурлигини уқтириш юклатилган. Оила бахти, фарзандлар истиқболи учун ота-она ўғил-қизни оилавий ҳаётнинг ҳамма муаммоларига масъулият билан ёндашадиган, ўз умр йўлдошини ҳурмат қиладиган, унга ҳамма вақт таянч, содиқ дўст бўладиган, шунингдек, қайинбўйинларига муносабатни, келинлик, куёвлик вазифасини ўрнига қўя оладиган, яъни уларни фарзандлик бурчини ўтай оладиган қилиб тарбиялаши зарур.

Ҳаётини тажрибалар шунини кўрсатмоқдаки, аҳил, бахтли оилалар билан бир қаторда турмушдаги, рўзғордаги айрим арзимас машмашалар сабабли ажралишгача борадиган ёш оилалар кескин камайгани йўқ. Ҳатто, олий маълумоти ёки олимлиги ҳақидаги дипломларини рўқач қилиб, қайнона-қайноталарини беҳурмат қилувчи, ўз билимларига, ҳусн-жамолига ортиқча баҳо берувчи, куёвлик, келинлик ҳурматини жойига қўя олмай-диган ёшлар ҳам учраб туради.

Кузатишларда айрим ёшларнинг оилавий ҳаётга маънавий тайёр эмаслиги, уларда ҳис-туйғулар, оилага жиддий масъулият ҳисси етишмаслиги маълум бўлмоқда. Шунингдек, улар оиласи, фарзандлари олдидаги, қолаверса, жамият олдидаги бурчларини яхши англамайдилар. Бундай ёшларнинг кўпчилиги оила бюджетини планлаштириш, унга амал қилиш, уй юмушларини оила аъзолари ўртасида тўғри тақсимлаш, ота-оналар фикри билан ҳисоблашиш ва ҳоказоларни билмайдилар. Бу ҳол ўқувчи ва студент ёшларни, келажакдаги оилавий ҳаётга моддий ва маънавий жиҳатдан олдиндан тайёрлашни тақозо этмоқда.

Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда уларга оила-турмуш муносабатларининг бутун системасини: оилада соғлом психологик муҳит яратиш, келин-куёвнинг бир-бирини тушунишга ҳаракат қилиши, иззат-икром билан бир-бирининг қалбига кириб бориши, майда-чуйда гапларни четлаб ўтиши, муроса-мадорани билиши, уй тутиш, рўзғор тебратиш, поклик, зеболик, ҳаё-андиша, қайнота қайнонани сийлаши, қайинбўйинларни туғишганларидек кўриши, фарзандни қобил қилиб тарбиялай олиш каби фазилатларни сингдириб, ўргатиб бориш зарур.

Афсуски, ҳалигача эскича муносабат асосида қурилаётган оилалар ҳам оз эмас. Хотин-қизларга бой-феодалларча муносабат, уларнинг инсоний қадр-қиммати-

ни таҳқирлаш ҳоллари томомила тугатилгани йўқ, кўп оилаларда маънавий-ҳуқуқий муносабатлар мураккаблигича қолмоқда. Балоғатга етмаган қизларни турмушга бериш; қалин олиш, тўй ва бошқа расм-русмларни серчиқим ўтказиш ҳолларига барҳам берилгани йўқ. Оилада маънавий-психологик муҳитни соғломлаштириш, аҳолининг барча қатламларини социалистик қонунчилик, совет турмуш тарзи принциплари руҳида тарбиялаш лозим. Хотин-қизларга нисбатан чуқур иззат-ҳурмат руҳида тарбиялаш ишини ёшлиқдан изчил олиб бориш, мактабларда, ўрта махсус ва олий ўқув юртларида ёшларни оқилона турмушга тайёрлашга эътиборни кучайтириш, бунда оилавий муносабатлар этикаси ва психологияси курси бўйича дарслар самарадорлигини ошириш гоят муҳимдир.

Йигитларда аёлларнинг она бўлишдек юксак бурчини қадрлаш, уларга зарур ёрдам ва мадад беришга тайёрлик руҳини тарбиялаш лозим.

Ҳозирга қадар халқимизнинг ўзинга хос миллий анъаналарини, ота-боболар, онахонлардан қолган яхши удум, одатларни мужассамлаштирган ўзбек тилидаги дарслик, методик қўлланма йўқлиги ҳамда оилавий ҳаёт муаммоси, фарзанд тарбияси ҳаминша диққатга сазовор масала эканини эътиборга олиб автор қўлингиздаги китобни синов тариқасида нашрга тайёрлади. Мақсад ўғил ва қиз болаларда оила қуриш, никоҳга киришга тайёргарлик эҳтиёжларини, оилавий муносабатларда тўғри йўл тутиш ва бўлажак фарзандларини тарбиялаш малакаларини таркиб топтиришда кўмаклашшидир.

Қўлланмага Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги маъқуллаган «Оилавий муносабатлар этикаси ва психологияси» курси программасидаги<sup>1</sup> мавзулар таҳлили, амалий машғулотлар плани, сўхбат, мунозара, баҳс формасидаги машғулот намуналари, курс юзасидан адабиётлар рўйхати киритилган бўлиб, у асосан педагогика институтларининг студентларига мўлжалланган.

Қўлланма синов тариқасида илк бор нашр этилгани сабабли автор мутахассислар, барча қизиққан ўқувчиларнинг фикр ва мулоҳазаларини мамнуният билан қабул қилади.

<sup>1</sup> Педагогика институтлари программаси, Оилавий муносабатлар этикаси ва психологияси, Т., 1987.

## СОЦИАЛИСТИК ЖАМИЯТДА НИКОҲ ВА ОИЛА

### 1- §. Социалистик жамиятда оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари

Оилавий муносабатларда хотия билан эр баб-баравар шахсий ва мулкый ҳуқуқларга эгадир.

*«Ўзбекистон ССРнинг никоҳ ва оила кодекси»дан*

Шахс ҳаётида муҳим ўрин тутган никоҳ ва оила икки жинснинг икки вакили ва улардан дунёга келган болаларнинг тор маънодаги муносабатлари йиғиндисигина эмас, балки инсониятнинг ривожига, жамият фаолиятига кучли таъсир кўрсатадиган ҳодисалардир.

Никоҳ ва оила ҳодисалари жамиятимиз аъзолари руҳига, моддий бойликлар яратиш жараёнига, маданият ва санъатга, ҳуқуқ ва тартибга, кенг маънодаги турмуш тарзига катта тарбиявий таъсир кўрсатади.

Ҳалол меҳнат, самимият ва муҳаббатга асосланган оиланинг жамиятга муносиб авлод ҳамда коммунизм ишига садоқатли инсонни тарбиялашдаги роли беқиёсдир.

Ҳалол меҳнат, самимият ва муҳаббатга асосланган оиланинг жамиятга муносиб авлод ҳамда коммунизм ишига садоқатли инсонни тарбиялашдаги роли беқиёсдир.

Никоҳдан ўтиб оила қуришдан асосий мақсад инсон авлодининг давомийлигидир.

Марксизм-ленинизм классиклари жамият, давлат, коммунизм ҳақидаги буюк таълимотларини оиладан, никоҳдан ажратмаган ҳолда яратганлар. Чунки давлат ва коммунизм инсоният жамияти эҳтиёжи учун зарур воқеликлардир, жамият тараққиётининг ҳосилаларидир. Жамият эса оилалар йиғиндисидан иборат.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси меҳнаткаш-

ларга ғамхўрликни ўз фаолиятининг бош вазифаси деб билади. Партия қарорларининг туб маъноси инсон фаровонлигидир. Социалистик жамиятда умумдавлат манфаатлари билан гражданларнинг шахсий манфаатлари чуқур уйғунлашиб кетган.

Никоҳга киришда янглишмаслик мустаҳкам оила ташкил топишига олиб келади. Аҳил, тотув яшаш, ҳалол меҳнат ва муҳаббатга асосланган оила жамиятга муносиб авлод ахлоқни пок, жамият ишига садоқатли инсонни тарбиялаб етказишда катта роль ўйнайди. Янги авлод эса жамият тараққиётига, ижтимоий қурилишнинг янада авж олишига таъсир кўрсатади. Оилавий муносабатлар — соф «шахсий муносабатлар» эмас. Оила ва оилавий муносабатлар давлат ва жамият тараққиётига, уларнинг маънавий бойлигига бевосита даҳлдордир. Шунинг учун оила ва оилавий муносабатлар ғоят муҳим ижтимоий нормалар — ҳуқуқий нормалар билан тартибга солинган. «Оила,— дейилади СССР Конституциясининг 53-моддасида,— давлат ҳимоясидадир».

Совет давлати болалар муассасаларининг кенг тармоқларини барпо қилиш ва ривожлантириш, маиший хизмат кўрсатишни ва умумий овқатланишни ташкил этиш ҳамда такомиллаштириш, бола туғилганда нафақа тўлаш, кўп болали оилаларга нафақа ва имтиёзлар бериш, шунингдек, бошқа турдаги моддий ёрдам кўрсатиш йўли билан оилага ғамхўрлик қилади. Шунингдек, бу ғамхўрлик бола бир ёшга тўлгунича онасига қисман ҳақ тўланадиган отпусқа ҳамда бола бир ярим ёшга тўлгунича иш ҳақи тўланмайдиган қўшимча отпусқа бериш, аёлларни оғир ишларга ва асосий ишдан ташқари ҳамда тунги ишларга қўйишни ман қилиш, эмизикли аёлларга қўшимча дам олиш вақти белгилаш, ҳомилладор аёлларни иш ҳақи сақланган ҳолда энгилроқ ишга кўчириш ва шу давр ичида хизмат командировкаларига юбормаслик каби ҳуқуқий нормаларда ҳам ўз аксини топган.

Совет давлатида оила тўғрисидаги ғамхўрлик бошқа соҳаларда, масалан, халқ таълими системасида болаларни бепул ўқитиш ва тарбиялаш, бепул медицина ёрдами кўрсатиш ва ҳоказоларда ҳам намоён бўлади. Булар ичида асосий ўринни оила ва никоҳ ҳақидаги қонунлар эгаллайди. Никоҳ ва оилавий муносабатлар қонун билан тартибга солинади ҳамда ҳимоя қилинади.



Масалан, ҳимоясиз қолган болалар давлат таъминоти ва тарбиясига олинади, уларни қаровсиз қолдирган ота-оналар ҳамда васийларга ғибатан қонуний чоралар кўрилади, жамиятимизга маънавий зарар келтираётган, болалар тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган оилалар тартибга чақирилади. Ҳар бир оила аъзосидан оила ва жамият олдигаги бурчини ҳалол ва виждонан ба-жариш талаб қилинади.

Оилавий муносабатлар фақат никоҳ ва оила ҳуқуқи билан эмас, шунингдек, ҳуқуқнинг бошқа соҳалари — уй-жой, гражданлик, меҳнат, пенсия ва жиноят ҳуқуқлари билан ҳам тартибга солинади ва ҳимоя қилинади. Ана шу ҳуқуқ соҳалари орасида Ўзбекистон ССРнинг никоҳ, ва оила ҳақидаги ҳуқуқий нормалари бош ва ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шундай қилиб, никоҳ ва оилавий муносабатлар ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар, хусусан, «Ўзбекистон ССРнинг никоҳ ва оила кодекси» нормалари билан тартибга солинади. Шу қонунларда совет оила ва никоҳ муносабатларининг қуйидаги асосий принциплари белгиланган: якка никоҳлик принципи. *Бу принципга кўра, ҳар бир совет граждани фақат битта никоҳда бўлиши мумкин.*

*Никоҳнинг ихтиёрийлик ва ўзаро розилик принципи. Бу принципга мувофиқ ҳар бир эркак ва аёл ўзига ёққан шахс билан ўз ихтиёрича никоҳга кириши мумкин. Ҳеч кимнинг бирор шахснинг мажбур қилиши ва тазйиқи билан никоҳдан ўтишига йўл қўйилмайди.*

*Ажралишнинг эркинлиги. Оила у ёки бу сабаб билан бузиладиган бўлиб қолса, эр ва хотин бир-бирларидан ажралиш ҳуқуқига эгадирлар. Аммо ажралиш иши давлат томонидан назорат қилинади.*

*Оилада ва оилавий муносабатларда эр ва хотиннинг тенг ҳуқуқлилиги. Бу принципнинг мазмуни шуки, шахсий ва мулкӣ ҳуқуқда эр ва хотин тенгдир. Оилавий муносабатларни ҳал қилишда ҳам эр ва хотин баравар ҳуқуққа эгадир.*

*Болаларни коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялаш принципи. Бу принцип ота-онанинг болаларни тарбиялашдаги ҳуқуқ ва бурчлари нормаларида ўз аксини топган.*

Оила аъзоларининг бир-бирига ўзаро ёрдами, моддий ва маънавий томондан таъминланиш принципига асосан уларнинг бу борадаги бурчлари белгилаб берилган.

Олининг давлат томонидан ҳимояга олиниши, она-ликнинг рағбатлантирилиши ҳам совет оила ва никоҳ ҳуқуқининг асосий принципларидан биридир.

Шуни ҳам айтиш лозимки, оилавий муносабатларнинг ҳаммасига никоҳ ва оила нормалари қўлланавермайди. Масалан, қайнонани ҳурмат қилиш, хотинни севиш мажбуриятини эрга зўрлаб юклаш мумкин эмас. Бу каби оилавий муносабатлар ҳуқуқий нормалар билан эмас, балки ҳеч қаерда расман қайд этилмаган, аммо халқ орасида кенг тарқалган *ахлоқ, одоб талаблари билан тартибга солинади*. Чунки, эрнинг оиладаги ноҳўя қилиқлари, оила аъзоларини менсимаслиги, ичкиликбозлиги, бошқа аёл билан тил топиб кетиши — бу жиноят эмас, лекин бу ҳаракатлар кенг жамоатчилик, партия совет органлари томонидан қораланади ва бундай шахсга нисбатан жамоатчилик таъсири кўрсатилади.

Судларда кўрилаётган ажралиш сабабларини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, бундай ишлар эр-хотинларнинг ўзларигагина эмас, балки жамиятимизнинг маънавий, ахлоқий принципларига, ўртада дунёга келган «айбсиз айбдор», «тирик етим» бўлиб қолаётган болаларнинг тарбияси, ўқиши, келажагига ва ҳаётда ўз ўрнини топа олишига кўп жиҳатдан алоқадордир. Шу сабабли ажралиш шунчаки «гражданилик иши», эр-хотиннинг ўзигагина боғлиқ иш эмас. Ҳар бир ажралиш жамиятимизнинг битта зарраси бўлган оилага путур етказишини, бунинг натижасида бир қанча кишилар,— эр-хотиннинг қариндош-уруғи, ака-ука ва опа-синглиси ҳам маънавий ва моддий озор чекиши мумкинлигини унутмаслик керак. Моддий зарар деганда ажралган эрнинг қайта уйланишига, аёлнинг қайта турмушга чиқишига кетадиган маблағ «омадсиз никоҳ» туфайли «тирик етим» бўлиб қолган болаларнинг моддий таъминоти тушунилади.

Никоҳларнинг бекор бўлишига олиб келаётган сабаблар ҳаётнинг ўзидек хилма-хил ва мураккабдир. Суд практикасидаги никоҳни бекор қилиш ишларининг таҳлили бўйича бу ишларнинг тахминан учдан бирига келин-куёвлар турмушига ота-оналарнинг аралашуви, арзимас гап-сўзлардан келиб чиқадиган жанжаллар, тўртдан бирига эр-хотинларнинг «характерлари тўғри келмай қолгани», тахминан бешдан бирига эр-хотинларнинг шошилиб, бир-бирларини яхши билмай, «бир кў-

ришда» ошиқ бўлиб, кейин бىр-бирларига ёқмай қолгани, яна шунчасига эрларнинг кичикликбозлиги ҳамда эр-хотинлар ўртасидаги жазжаллар сабабчидир.

*Энг кўп ажралишлар ота-оналар ёш оиланинг ишларига ноўрин аралашуви оқибати эканлиги маълум бўлмоқда. Гап шундаки, ота-оналар уйланган ўғлига, турмушга чиққан қизига энди вояга етган, ўз фикри, мулоҳазасига эга бўлган баркамол кишилар деб эмас, балки «ҳалиям бола» қабилда қарайдилар, оилавий ҳаётни уларнинг ўзига қўйиб бермасдан беҳуда ҳомийлик қиладилар, турмушлари ва оилавий ишларига аралаша-верадилар, натижада бачкана, арзимас гап-сўз кўпайиб, ўз йўлидан бораётган туппа-тузук оила издан чиқади.*

«Характерларнинг тўғри келмаслиги» умумий тушунчадир. Аслида бунинг сабаби эр-хотиннинг бир-бирини устунликка, оилада ҳар ким ўзича «ҳокимликка» интилиши, эр томонидан хотиннинг ҳўрланиши ёки эрнинг оиладаги зикналиги, ўзаро низоларга бардошсизлиги ва ҳоказолардан иборат бўлади.

Хуллас, оилавий муносабатлар гоят мураккаб бўлиб, уларни никоҳ ва оила ҳақидаги қонунлар билангина эмас, балки жамоатчилик ташкилотларининг ёрдамида ҳам тартибга солишга тўғри келади. Бу муносабатларни нормаллаштириш, аҳил, мустаҳкам оилаларни кўпайтириш ва сақлаб қолиш эр-хотинларнинг ўзларига, уларнинг маънавий дунёсига, коммунистик ахлоқ қондаларига қанчалик амал қилишларига ҳам кўпроқ боғлиқдир.

## 2- §. Социалистик оиланинг ахлоқий асослари

Оила инсон ҳаётига тўқисияк бағишлайди, оила бахт келтиради, лекин ҳар бир оила, айниқса, социалистик жамиятдаги оила, энг аввало, давлат аҳамиятига эга бўлган қутлуғ ишдир.

А. С. Макаренко

Оила, пролетариатнинг улуғ доҳийси Фридрих Энгельс сўзи билан айтганда, жамиятнинг бошланғич ячейкасидир. Оила формаларининг иқтисодий тараққиёт натижасида ўзгариши Ф. Энгельснинг «Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши» номли асарида чуқур изохлаб берилган.

Дарҳақиқат, оиланинг шаклланишига иқтисодий муносабатлар, ишлаб чиқариш усулининг ривожланиши ва ўзгариши билан бирга жамиятнинг маданий тараққиёти ҳам, ижтимоий қарашлар ҳам таъсир кўрсатади. Ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши ва ўзгариши эса, оилавий муносабатларнинг ҳам ривожланишига олиб келади.

Оила табиий-биологик ва ижтимоий-тарихий муносабатлар мажмундан ташкил топган коллективдир. Шунинг учун унинг мавжуд ижтимоий ҳодиса сифатида шаклланишида ўша давр ижтимоий муносабатлари ва иқтисодий муносабатлар ҳал қилувчи роль ўйнайди. «Кишиларнинг моддий муносабатлари уларнинг ҳамма муносабатларининг асосини ташкил этади»<sup>1</sup>. Оила жуда мураккаб ва кўп қиррали ижтимоий тушунча бўлиб, иқтисодий ва идеологик, моддий ва маънавий муносабатларни ўз ичига олади. Жамият тараққиёти жараёнида юз берган ўзгаришлар албатта оилавий муносабатларда ҳам ўз ифодасини топади.

Мамлакатимизда ишлаб чиқариш воситаларига хусусий мулкчилик тугатилиб, социалистик ижтимоий мулкчилик вужудга келиши билан оиланинг иқтисодий асоси ҳам ўзгарди. Оила аъзоларининг ишлаб чиқаришда қатнашиши натижасида жамғарилган шахсий мулк социалистик оиланинг иқтисодий асоси бўлиб қолди. Бу оиланинг маънавий ҳаёти учун, унинг шаклланиши учун шарт-шароит яратади.

Совет оиласининг тобора мустаҳкамланиб боришида хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаёт ва оиладаги тенг ҳуқуқлилиги асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилмоқда. Агар буржуа оиласининг асосий функцияси хусусий мулк орттиришдан иборат бўлса, социалистик оиланинг асосий функцияси коммунистик ахлоқ ва совет қонунчилиги асосида ташкил топган оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш, бўлғуси совет гражданини тарбиялаш ва оила аъзоларининг маиший ҳаётини яхшилашдан иборатдир. Демак, совет оиласи буржуа оиласидан тубдан фарқ қиладиган, социалистик сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-ҳуқуқий функциялар асосида ташкил топган янги типдаги оиладир. Оилада ўзаро ҳурматнинг ҳукм суриши эр-хотиннинг маънавий тенг-

<sup>1</sup> Маркс К., Энгельс Ф. Танланган асарлар, 2-том. Т., 1959 йв. 485-бет.

лигига, меҳр-муҳаббат эса оиланинг тобора мустаҳкам-ланишига олиб келади.

«Бир-бирида инсоний қадр-қимматни ҳурматлаш,— деган эди буюк рус файласуфи В. Г. Белинский,— тенглик туғдиради, тенглик эса ўзаро муносабатларда эркинлик ҳосил қилади. Эркак ҳоким, хотин эса қул бўлмай қолади. Ҳар икки томон бир хил ҳуқуқ ва маълумотга эга бўлади».

Совет жамоатчилиги ҳар бир кишидан оиладаги ҳуқуқий ва ахлоқий мажбуриятларини албатта бажаришни талаб қилади. Ёш авлодни коммунизмнинг ҳар томонлама етук қурувчилари қилиб тарбиялаш совет оиласининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Шахсий ҳаётда ва ижтимоий турмушда коммунистик ахлоқ нормаларини ўзида мужассамлаштириш — коммунизм қурувчиси шахсини баҳолашдаги энг муҳим мезондир. Бизнинг оилаларда эр-хотин, ота-она ва фарзандлар ўртасида янгича социалистик муносабатлар тобора аниқроқ шаклланиб бормоқда, кексалар ва ёшлар ўртасида чинакам иззат-ҳурмат, дўстлик ва бирдамлик муносабатлари ривожланмоқда. Ёшларимиз кексаларни самимий ҳурмат билан эъзозласалар, кексаларимиз ёшларга ҳаётда, маданиятли ва бахтли оила қуришда, фарзандларини тўғри тарбиялашда актив кўмаклашмоқдалар.

Оила тўғрисидаги марксистик таълимотда таъкидланишича, жамият тараққиёти ва унинг иқтисодий ҳолати бир никоҳли оиланинг вужудга келиши учун шартшароит яратади.

Революциядан олдинги даврда эр иқтисодий жиҳатдан ҳукмрон бўлган, эр топган моддий бойликни истеъмом қилган аёл эса, иқтисодий жиҳатдан қарамлиги туфайли оилада ҳеч қандай ҳуқуққа эга бўлмаган.

К. Маркс буржуазиянинг аёлларга нисбатан муносабатларини таърифлар экан, бу жамиятнинг ҳукмрон синф вакиллари ўз хотинини оддий ишлаб чиқариш қуроли деб биладилар, деган эди.

Социалистик оила асосида ўзаро муҳаббат, самимий иззат-ҳурмат, дунёқараш ва маслак бирлиги ётса, буржуа оиласи асосида худбинлик ва оила қуриш воситаси билан бойлик орттириш мақсади ётади.

*Никоҳ оиланинг негизи ҳисобланади. У эркак билан аёл кишининг муҳаббатга асосланган узоқ муддатли иттифоқидан иборат бўлади. Оила янги авлоднинг вуж-*

*жудга келишини тақозо этади. Шу сабабли никоҳ оналар билан фарзандлар ўртасидаги муносабатчи уй-ғунаштириб туради. Ижтимоий ҳодиса бўлган оила яшаган даври хусусиятларини ҳамisha ўзида акс эттиради.*

Мамлакатимизда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабаси натижасида кишилик жамияти ҳаётининг ҳамма томонлари, шу жумладан, никоҳ-оилавий муносабатлар ҳам тубдан ўзгарди. Совет ҳокимияти оилада хотин-қизларни камситиши, уларни хўрлаш ва эътиборсизлик ҳукмронлиги остида сақлаш ҳолларини тугатди, эски буржуа қонунларини бекор қилди, никоҳ ва оила масаласида эркакларга алоҳида имтиёз берувчи қонунлар батамом тугатилди. Хотин-қизларни ҳурматлайдиган ва эъзозлайдиган, уларга оилада ва ижтимоий ҳаётда эрлар билан бир сафда туриб ишлари ҳуқуқини берадиган, социалистик жамиятимизни мустаҳкамлаш учун курашда актив қатнашишларини таъминлайдиган декретлар эълон қилинди.

Совет жамиятида оила манфаатлари жамият манфаатлари билан бирлашиб кетади. Оила аъзоларининг виждонан ҳалол меҳнат қилиши негизда бутун жамиятимиз тобора мустаҳкамлана борди. Совет ҳокимияти йилларида уй-жойларни ободонлаштириш масалаларига катта эътибор берилди, чунки уй-жой шароитининг яхши бўлиши оилавий муносабатларни, аввало эр билан хотин ўртасидаги муносабатларни яхшилади.

КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси резолюцияларида 2000 йилгача ҳар бир оилани алоҳида тураржой билан таъминлаш бўйича КПСС XXVII съезди белгилаган вазифани бажариш мақсадига уй-жой қурилишининг ҳажми, суръатларини кескин ошириш ва сифатини яхшилаш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар маъқулланди. Конференцияда СССР ва иттифоқдош республикаларнинг ҳукумат органлари шу масалаларни ҳеч кечиктирмай ҳал этишлари кераклиги таъкидланди.

Конференцияда хотин-қизлар манфаатига бевосита дахлдор муаммоларни янада зўр ғайрат билан ҳал этишга жиддий эътибор берилди. Раҳбарлик органларида хотин-қизларнинг вакиллари кенг миқёсда қатнашиши кераклиги уқтирилди. Уларнинг жамиятдаги ва сиёсий ҳаётдаги роли оширилиши, онанинг обрўси ва ҳуқуқлари қимоя қилиниши, унинг ўз вазифаларини ба-

жариши учун шаронг яратиб берилиши, ёш оилаларга ғамхўрликни кучайтириш зарурлиги алоҳида қайд этилди.

Эр-хотиннинг бир-бирига кўмакчи бўлиши анъана тусини олди. Оиланинг ҳамма аъзоси рўзгорни юри-тишга ўз ҳиссасини қўшадиган бўлиб қолди.

Хотин-қизларнинг меҳнат жараёнида иштирок эти-ши уларнинг тобора камол топишига ёрдам беради, онг-билим доираларини кенгайтиради, ҳаётнинг ҳамма соҳа-ларида эркаклар билан тенглашувини таъминлайди, обрў-эътиборини оширади.

Эр билан хотиннинг совет оиласидаги муносабатини совет кишисининг юксак маънавий фазилатлари белги-лайди.

Бизнинг мамлакатимизда никоҳ иттифоқи эр билан хотиннинг моддий жиҳатдан мустақил бўлишига асос-ланади. Бу эса оилавий муносабатларни мустаҳкам ва барқарор қилади.

Коммунистик оиланинг асосий бурчи халқ ва жамият олдидаги бурчдан иборат бўлиб, оиланинг ахлоқий не-гизи коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси прин-ципларига асосланади. *Оила қуриш—ёшлар зиммасига катта масъулият юклашини тўғри тушуниб олиш оила-ни мустаҳкамлайдиган омиллардан биридир.*

*Эркак билан аёлнинг бир-бирини севиш, ҳурматлаш ва болаларни шу руҳда тарбиялашга асосланган қову-шиши ахлоқий қовушишдир.*

Оиланинг илдизи фарзанддир. Болалар тарбияси ва камолотида оиладаги муҳит, болаларни қуршаган оила-вий муносабатлар муҳим аҳамиятга эга. Оиладаги соғ-лом муҳит, оила аъзолари ўртасидаги ўзаро ҳурмат бо-ла тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади.

Тарбия ғоят мураккаб жараён бўлиб, ўзининг ички қонуниятларига эга. Ота-онанинг меҳри, муруввати, ғамхўрлиги болалар учун сув ва ҳаводек зарур. Улар уйда ҳам кўчада, ишда ва ўқишда юрганларидан ҳам доимо ота-онанинг диққат-эътиборида бўлишга лозим.

Оила боланинг хулқи ва дунёқарашига ҳал қилувчи таъсир этади. Бу эса оилавий тарбиянинг асосидир. Шунинг учун ота-она болага яхши тарбия намунасини кўрсатмоғи керак.

Мактаб билан оила ўртасида мустаҳкам алоқа ўр-натилиши ёш авлодни тарбиялашда муваффақиятга эришиш омилларидан биридир. Оилада ахлоқий муно-

сабатларни шакллантиришда мактабнинг ўрни ва ролига алоҳида эътибор бериш зарур. Бола характеридаги ижобий ўзгаришлар ва интилишларни ривожлантиришда, хулқидаги айрим нуқсонларни бартараф этишда мактаб билан ҳамкорлик натижасидагина кўзланган мақсадга эришилади.

Оилада меҳнат ва меҳнат тарбиясига эътибор ҳам ахлоқий асосларнинг таркибий қисмидир. Чунки меҳнат тарбияси билан ахлоқий тарбия чамбарчас боғлиқ. Социалистик адолат принципларига асосланган ҳалол меҳнатгина барча бойликларнинг асоси эканини болаларга ёшлигидан тўғри тушунтириб бориш керак.

Шундай қилиб, социалистик oilанинг ахлоқий асослари маълум бир чегарага эга бўлмай, балки жамият тараққиёти билан боғлиқ ҳолда ривожланиб борадиган ижобий жараёндр.

### 3-§. Оиладаги соғлом муҳит психологияси

Oilавий ҳаёт эҳтимолки, ҳеч қачон сидирғасига қувончдан иборат бўлолмайди. Фақат шоду ҳуррамликкагина эмас, ғаму андуҳга ҳам, ташвишу бахтсизликка ҳам шерик бўла бил.

*В. А. Сухомлинский*

Улғаяётган шахсда ижобий сифатлар шаклланишида оиладаги соғлом муҳит катта аҳамият касб этади.

Оилада соғлом муҳитнинг сақланиши кўп омилларга боғлиқ. Масалан, онла бошлиқлари билан болаларнинг ўзаро яхши муносабати, хонадон қарияларига ҳурмат, эътибор, оиладаги болаларнинг ўзаро муносабатлари тўғри тарбиялангани, ота-онанинг болалар тарбиясига баробар жонкуярлиги, оилада ўрнатилган тўғри тартиб ва яхши одатлар, ота-онанинг меҳнатга, ижтимоий ҳаёт ҳодисаларига тўғри муносабатда бўлиш кабилар шулар жумласидандир. Буларнинг қай бирида мутаносиблик бузилса, демак, ўша оиладаги соғлом муҳитга путур этади.

Бола тарбиясида ота-онанинг бир-бирига муносабати, ўзларини тута билишлари муҳимдир. Оилада муомаланинг барча қоидаларига амал қилиниши лозим. Катталарга ҳурмат, кичикларни авайлаш, бир-бирига меҳрибонлик, айниқса, аёлларни иззат қилиш одатга, қоидага айланиб бориши керак. Болаларга онани ҳур-



мат қилишни, унга меҳрибон бўлишни ўргатиш отанинг муҳим вазифаси.

Одатда ўғил бола отасига, қизлар эса онасига ўхшашга, улардаги яхши хислатларни ўзига сингдиришга ҳаракат қилади. Ота ҳам, она ҳам болани тарбиялашга ўз ҳиссаларини қўшадилар. Она ғамхўр, меҳрибон, кўнгилчан уй бекаси бўлса, ота — куч-қудрат, жасурлик, қаттиққўллик ва адолат рамзи. Ота кўпроқ боланинг ақлий ва жисмоний ривожланиши учун қайғурса, она юриш-туриш, муомала, ҳис-туйғу, нафосат учун ташвишланади. Буларнинг ҳаммаси нисбий бўлиб, ота ҳам, она ҳам боланинг ақлий, ахлоқий, жисмоний камолоти учун барабар жавобгар, чунки, уларнинг бирдан-бир мақсади шахсни тарбиялашга қаратилгандир. Ана шу жараённинг муваффақиятли бажарилиши, кўп ўринда ота-онанинг обрўсига боғлиқ.

Манфаатлари умумий бўлган аҳил оилада яхши одат, анъаналар вужудга келади, соғлом муҳит меҳреқибат, қадр-қиммат учун замин яратади. Болаларнинг яхши тарбия топишлари учун шарт-шароит туғилади.

Оилада эр-хотин ўртасидаги ўзаро ҳурмат, ишонч ва вафо-садоқат болалар қувноқ, хушчақчақ ўсишларига, нормал тарбияланишларига, хонадонда соғлом муҳит яратилишига бевосита таъсир кўрсатади.

Оила аъзолари ўзаро ҳурматни ўрнига қўйишлари, бир-бирлари учун жон куйдиришлари, яхши муносабатда бўлишлари керак. Оилада ҳамisha самимият ва кўтаринки руҳ ҳукмрон бўлса, оила аъзоларининг кайфиятига ижобий таъсир этади.

Қайси оилада ноаҳиллик, қўполлик, дўқ-пўписа, асабийлик, ҳукмрон экан, унда ҳаловат ҳам бўлмайди. Оиладаги арзимаган жанжал ҳам даставвал болаларнинг психик ҳолатига таъсир қилади, уларда ёмон одатлар ҳосил бўлишига олиб келади. Болалар улғайгач, улар ҳам қуш уясида кўрганини қилади қабилида иш тутишади.

Ота-она бир-бирини беҳурмат қилмаслиги, обрўларини туширмаслиги, оилавий низоларни бола йўқ вақтида бартараф этишлари шарт.

Оиладаги соғлом вазиятни барпо этиш учун эр-хотин барабар масъулиятли бўлишлари, агар улардан бири меҳрибонроқ, хуштавозероқ бўлса, у иккинчисига намуна кўрсатиши лозим.

Бола ёмон ёки яхши хулқли, феъл-атворли бўлиб ту-

гилмайди. Унинг ўсиб бориши жараёнида оила муҳити, ота-онанинг, кишиларнинг, атроф-муҳитдаги муносабатларнинг таъсири ҳал қилувчи роль ўйнайди. Айниқса ота-онанинг ўзаро муносабати, юриш-туриши муҳим аҳамият касб этади. Оиладаги тотувлик, ҳамжиҳатлик, ўзаро ҳурмат ва ёрдам, ширинсуханлик, меҳнатсеварлик ва тўғрилиқ болага ижобий таъсир қилади.

Оилавий анъаналар оилада юксак ахлоқий муҳит яратиш имконини беради. Оила аъзоларидан бирининг туғилган кунини нишонлаш, тўй маросимлари, юбилей кечалари ёки оила аъзоларидан бирининг мукофотланиши, маълум соҳадаги ихтиросига бағишланган оилавий тантаналар оила анъаналари жумласига киради.

Болалар ва катталарнинг совғалар тайёрлаши, уларни алоҳида ҳаяжон билан ўз эгаларига топшириш шундай бир тантанали, шодиёна вазиёти вужудга келтирадики, бу вазият маънавий маданиятни таркиб топтиради, оилани коллектив сифатида жипслаштиради.

Оилага берилган барча тарърифларга яна шунини қўшимча қилиш мумкинки, у мураккаб механизм ҳамдир. Оилада соғлом муҳит яратиш ва уни узоқ вақт—бир неча ўн йиллар мобайнида сақлаш учун оила аъзоларининг дунёқараши, нуқтан назари, фикрлари ўзаро яқин бўлиши лозим.

Оила аъзолари ўртасидаги келишмовчиликлар кўпинча инсоний муносабатлардан, кишилар хулқини, ҳаётий муносабатларини баҳолашдан келиб чиқади. Бу оилавий муҳит қарама-қарши муносабатлардан таркиб топганлигининг натижасидир. Тарбия ишида эса бундай келишмовчиликлар салбий из қолдиради. Болаларда шарубҳа, иккиланиш пайдо бўлади, ота ёки онанинг ўғитларига ишонч сусаяди ёки бутунлай йўқолади. Шунинг учун ҳам оилада соғлом муҳитни шакллантиришда фикрлар яқинлигига катта эътибор берилади.

#### Амалий машғулот

Тема: Социалистик жамиятда никоҳ ва оила.

1. Оила — жамиятнинг бошланғич ячейкаси.
2. Совет давлатининг оила тўғрисидаги ғамхўрлиги.
3. Социалистик оиланинг ижтимоий-ҳуқуқий, иқтисодий асослари. Никоҳ, оилавий муносабатларнинг асосий принциплари.
4. Совет оиласининг ахлоқий асослари. Оиланинг ахлоқий баркамоллиги — болалар тарбиясининг муҳим омилли.

## ЕШЛАР МАЪНАВИЙ ДУНЕСИНИНГ ГУЗАЛЛИГИ

### 1- §. Ёшлик фаслининг ўзига хос одоби ва психологияси

Ёшлик, бу — орзу. Бу — ишонч. Бу — жасоратга интилиш. Бу — лирика ва романтика. Бу — келажакка тузилган улкан режалар. Бу — истиқболнинг бошланиши.

*Н. Ҳикмат*

Улуғ рус педагоги Қ. Д. Ушинский айтганидек, агар ёшлик орзуси бўлмаганда, инсон ҳаёти бир нуқтада тўхтаб қолган бўларди, кўпгина улуғ гоёлар хаёлпараст ёшликнинг беғубор палагида ниш урган.

Ҳақиқатан ёшлик, етуклик ёши — инсон умрининг баҳори. Бадан куч-қувватга тўлган, қалбларда ҳис-туйғу, орзу-тилақлар жўш урган давр.

Севиш, севилиш, яшаш, ўқиш, ишлаш тилаги хаёлни банд қилган дам. «Қандай касбни эгалласам, қандай яшасам экан, қандай кийиниб, қандай юрсам экан, одамдаги энг яхши фазилатлар нима ва уларни қандай қилиб эгаллаш мумкин» каби саволларга жавоб излаш чоғи. Туғилиб ўсган *эл-юрт қадрини, ота-она, туққан-туғишганлар меҳрини, дўст-ўртоқнинг оқибатини тушунмиш, эъзозлаш, ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини топиб олишга интилиш давридир*. Бу давр ижтимоий ишларда активлик, ташаббускорлик, фидойилик, мустаҳкам ирода, қунт, сабот ва матонатлилик, ижодиётга ҳавас, маънавий етукликка интилиш каби хусусиятлар билан характерлидир.

Ёшлик — балоғат ёши, ўзини-ўзи бошқариш, онлавий турмуш қуришга ўзини пухта тайёрлаш давридир. Унинг ўз мураккабликлари ҳам мавжуддир.

Ун саккиз ёшга етган ёки шу ёшга яқинлашганлар учун ҳис-туйғу софлигини сақлаб қолиш жуда муҳим. Бу ёшда қалбда севиш, севилиш истаги жўш ура бошлайди. Аммо, баъзан ўткинчи ҳис-ҳаяжонлар, ҳирсий ин-

тишлилар самимий соф туйғунинг ўрнини эгаллаб, ёшларни нотўғри йўлга олиб кириши мумкин.

Болалик ҳам, ўсмирлик ҳам, кексалик ҳам инсонга бир марта насиб бўлади, шунинг учун ҳар куннинг мазмундорлиги, фазилати ва афзаллиги инсоннинг ўзига боғлиқ. Мазмунли яшаш, орқада қолган умр йиллари билан фахрлана олиш кишининг юқоридаги ҳаёт ҳақиқатини англаб, ҳалол меҳнат билан ўзининг ва ўзгалар ҳаётини тобора кўркамлаштиришга интилишида, ақлидрок амрига амал қилиб яшашида намоён бўлади. Озгина бўлса-да, иродасизлик қилиш кишини ҳаёт оқимидан анча четга суриб қўяди.

М. И. Калинин таъкидлаганидек, болалик ва ўспиринлик йиллари ўқиш ва билим орттириш жиҳатидан энг фойдали, энг «серунум» йиллардир.

Ёшлик даврининг муҳим воқеаларидан бири касб-ҳунар танлашдир. Маълумки, болаликда оммавий касбларга (масалан, космонавт, врач, учувчи, ўқитувчи ва ҳоказоларга) қизиқиш кучли бўлади. Бу болаликдаги соф туйғуларнинг бир кўриниши холос. Аслида ўспиринлик даври тугаб касб эгаси бўлиш арафасида реал факторларни ҳисобга олиб касб танланади. Бундай факторларга оила аъзоларининг таъсири, ота-онанинг касб-кори, моддий таъминот, қобилият ва ҳоказолар киради.

Тўғри, касб танлашнинг инсон келажагини белгилашдаги аҳамияти каттадир. Ҳаётда ўз касбининг усталари, обрў ва эътибор қозонган мутахассислар жуда кўп. Улар ўз касбларини энг аввало қизиқиш ва қобилият нуқтаи назаридан танлаганлар. Натижада шу соҳанинг етук мутахассиси бўлиб етишганлар. Аммо аксинча ҳам бўлади. Ота-оналар баъзан фарзандларининг қизиқишини ҳисобга олмай, улар учун касб танлаб, уларни шу соҳада ишлашга кўндирадилар, ҳатто, мажбур қиладилар. Орадан маълум вақт ўтгач, касб нотўғри танлангани, яъни фарзандлари уни севиб, ардоқлай олмаслиги яққол аён бўлиб қолади. Бундай ҳолларда беш-ўн йиллик касбни ўзгартиришга, ҳаётнинг маълум босқичини қайтадан бошлашга мажбур бўлинади. Олий ўқув юртларини бир мутахассислик бўйича тамомлаб, бошқа соҳада ишлаётганлар ҳам оз эмас. Бундайларга қанчадан-қанча давлат маблағи беҳуда сарф бўлган, халқ хўжалигига керакли мутахассис етказиб берилмаган ва, ниҳоят, уларнинг умрларидан маълум йиллар

самарасиз ўтган. Демак, нотўғри касб танлаш ҳам моддий, ҳам маънавий зарар келтирар экан.

Ёшларнинг касб танлашида ота-онанинг роли бениҳоядир. Лекин улар ҳаёт тажрибалари асосида оқилона маслаҳат беришлари зарур.

Ёшликда болаликдаги характернинг белгилари қатъий тус олади. Айниқса, қизлардаги назокат, чирой, хушрўйлик энди улардаги маънавий белгиларга айланади.

«Синдбоднома»да соч оқармасдан, ёш, гўзал чеҳра сўлмасдан, қуёш оқ булут парда билан қопланмасдан, зебо тўнлар кексалик чандирлари билан алмашинмасдан, қон суюлиб, рангсиз бўлмасдан, тақдир жарроҳи кўзининг асаб нурини қирқмасдан, алдамчи вақт гул юзларга қаҳрабо талқонини сочмасдан, анор беҳиға айланмасдан, кўз-қариликдан қизил юзлар бужмаймасдан бурун, баҳор-ёшликни зинҳор бекорга совурма, дейилади. Ҳақиқатан ҳам ҳар бир йигит ёки қизнинг бирдан-бир орзуси бўлади, у ҳам бўлса, ўзи хаёлида идеал бўлган ёрни учратиб, севиб оила қуришдир. Лекин ҳаётда ҳамма вақт ҳам шундай бўлавермайди. Ёшлар психологиясида шу нарса ҳам учраб турадики, қизлар ўз шаънлари, йигитлар ўз ғурурларини нотўғри тушунишади, бу эса йигит билан қиз бир-бирини тушунмаслигига олиб келади. Масалан, баъзи йигитлар уйланишгача бир неча аёллар ёки қизлар билан учрашадилар, ҳатто, норасмий яқинлашадилар. Уйланишга келганда эса «онаси ўпмаган» қизни қидирадилар.

Қизларимиз эса бундай йигитларнинг ёлғон гапларига учиб, уларнинг илтифотларини севиб деб ўйлашади, кейинчалик йигит бир нарсадан жанжал чиқариб, уришиб ташлаб кетганидан сўнг алданганини сезишади, тушкунликка тушишади, баъзилари бўлар иш бўлди деб, айш-ишратга берилиб кетишади, бошқаларида эса йигитларга ишонч йўқолади. Улар ҳам ёлғон ишлатиб турмуш қуришга интилишади. Йигит кўп қизлар билан яқин алоқада бўлгани туфайли хотин-қизларга нисбатан дидини йўқотиб қўяди ва хотинидан совиб кетади. Бўлар-бўлмасга оилада жанжаллар кўтарадиган, хотинига бевафолик қиладиган бўлиб қолади.

Ёшларнинг маънавий дунёсини шакллантиришда уларга ижтимоий фаолликни сингдириб бориш ҳам муҳимдир. Ҳар бир йигит ва қиз конкрет оила аъзоси бўлиши билан бирга шу замон, муҳит ва жамият аъзоси

ҳамдир. Шундай экан, тарбия ишининг асосида жамият манфаатлари салмоқли ўринни олмоғи лозим. Ижтимоий фаоллик аввало жамият ғояларига садоқат ва фидойиликни талаб этади.

Асримизнинг 80- йиллари ўрталарига келиб идеология ишимизга, хусусан ижтимоий фанларнинг асосларига аниқлик киритилди. Шахснинг эркинлиги, ошкоралик, танқид ва демократия ғоявий бойлигимизнинг белгиловчи хусусиятлари бўлиши лозимлиги яққол кўринди. Ёшларда воқеа-ҳодисага ошкора, эркин муносабатда бўлиш қобилиятини ривожлантириш керак. Шундагина уларда ташаббускорлик, маънавий етукликка интилиш характерли хусусиятларга айланади.

В. Г. Белинский: «Ёшлик кишига фақат бир марта берилади, ҳар бир одам ёшлигида бошқа ёшдагига нисбатан барча юсак ва порлоқ нарсаларга яқинроқ бўлади. Қариган чоғида ҳам қалб меҳри ва ҳароратини сўндирмай, ёшлигини сақлаб қолган одам бахтиёрдир», деганида ҳақли эди. Лекин ёшликда ҳирсий интилишлар, ўткинчи ҳис-ҳаяжонга берилиш кишини бир умрга бахсиз қилиб қўйиши мумкин. Эркини бошқара олмай, ононизм, гомосексуализм билан шуғулланган ёшлар орасида фарзандсизлик, тузалмас дардларга мубтало бўлиш кўп учрайди.

Баъзан тантиқлик, ахлоқсизлик, ҳатто, жиноятга қўл уришни ҳам ёшликка йўйилади. Айтайлик, ўқишга ота-онанинг хизмат машинасида бориш, йигит-қизларнинг спиртли ичимликлар ичиши, ота-онага беҳурматлик, қўл кўтаришини ҳам ёшлик даврининг хусусиятлари, деб изоҳлашга урянишади. Ёшлик бебошлик эмас, булар аслида тарбиясизликнинг оқибатидир.

## 2- §. Қизлик шаъни ва йигитлик ғурури

Қаерда аёллар, қизлар қаттиққўл, талабчан бўлсалар, ўша ерда ўсмирлар ҳақикий эркак бўлиб етишадилар.

*В. А. Сухомлинский*

Оналар қизлар тарбияси ҳақида гапирганда кўпинча «Оқ қанддай авайлаб, гард юқтирмай ўстирдим», дейишади. Бу жуда нозик ва ўринли ўхшатиш. Чунки, оқ қандга бирор гард юқса, тозалаш қийин — уни кесиб ё қирқиб олинади. Кўпинча ташлаб юборилади. Қиз бо-

ланинг номига илашган ёмон доғнинг ҳам кетиши шунча қийин. Баъзан у кишини бир умрлик гумон, шубҳа, бахти кемтиклик қийноғига солиб қўяди. Бунга бир дақиқалик «хузур-ҳаловат»га берилиб, ирода жиловини бўш қўйиш, ақл билан иш тутмаслик, «нима қиляпман ўзи, бунинг оқибати нима бўлади?» деган саволни унутиш сабаб бўлади. Бебошлик кўчасига кириб, қизлик шаънига доғ тушириб ўзини бир умр азоб-уқубатга қўйган қизнинг ушбу мактуби типик ҳолатни тасвирлаб беради:

«...Сизларга ёзаяпману ҳаяжон вужудимни қуюндай қамраб олаяпти. Сўзларим пойинтар-сойинтар тушаяпти. Неча йилдан бери изтиробда, пушаймондаман.

Онам уй бекаси эдилар. Кўпчилик ичида катта бўлдим. Мендан аввалги фарзандларнинг кўпи олий маълумотли. Улар изидан мен ҳам юрдим.

Уйимиз ҳамиша меҳмонларга тўлиқ бўларди. Акаларимнинг ўртоқлари, опаларим, кеннойимнинг дугоналари уйимизга бемалол кириб юришаверарди. Дастурхонимиз оддий, отам ҳеч қачон ичкилик қўйишга рухсат бермасдилар. Ҳеч қачон шу хонадондан узоқда яшган эмасман. Биринчи курсда пахта теримида чиқаётганимизда ўз колхозимизга эмас, узоқроқ совхозга боришимизни билиб юрагим шигиллади. Аммо тез кўникиб кетдим. Худди ўзимизнинг колхоз пахтазорларига ўхшаш, фақат кенгроқ, уфқ билан қўшилган бепоён далалар... Умримда биринчи марта ўзимни катта, мустақил ҳис қила бошладим. Биринчи марта курсдошлар даврасида «пахтабоп» ўтиришларда қатнаша бошладик. Айримларининг туғилган куни баҳона унча-мунча шампан ё чиройли шишалардаги чет эл виноларидан ича бошладик. Одатда бу ўтиришларда қиз-йигитлар аралаш ўтирар, ўзимизни анча эркин, яъни «катталардек» тутардик.

Муаллимларимиз эса бу давраларни кўрмаганга олар, эркинлигимизни «мустақилликка» йўйишарди.

Иккинчи йили пахтани қўмсай бошладим. Биринчи бор онамнинг «тўғри юр, тўғри тур, қиз болаинг шаънига доғ туширадиган ишдан ўзингни эҳтиёт қил» каби одатдаги насиҳатларига қўрсроқ, «кичкина қиз эмасман!» деб жавоб бердим. Нега ўшанда юзимга бир тарсаки урмадилар, деб ҳали-ҳали ачинаман. Кўзим очилармиди! Ўзимга маҳкамроқ бўлиб, бир умр қийноқ азобида қолмасмидим...

Учинчи курсда ноябрь байрамига яқин биз пахта тераётган бўлим мажбуриятини бажарди. Совхоз директори келиб биз ҳашарчиларни ҳам қутлади, теримда актив иштирок этган студентларга мақтов ёрлиқлари топширди. Мен ҳам улар сафида эдим. Эртасига байрамни нишонлайдиган бўлдик, одатдагидек халфана ошга пул йиғдик. Қўшилмаганларни қишлоқи дейишарди. Шу ном менга ҳам ёпиштирилишидан қўрқиб, биринчилар қаторида пул бердим. Аммо шаънимга каттароқ, ўчмас доғ туширдим...

Уша кунни биринчи қадах, ич-ичимни ёндириб юборгандек бўлди. Тажрибалироқлар кулиша-кулиша сув тутишди. Кейингиларини унча билмадим...

Эрталаб ҳар кунгидек репродукторнинг қаттиқ овозидан уйғонганимда, ёнимда одатдагидек дугонам эмас, йигит киши... Бир умр мени азобга қўйган доғ, гумон, шубҳа, ўзимдан ўзим жирканиш ҳисси ўша тонгдан бошланди. «Кўрмайин босдим тиконни, тортадурман жабринни», деган гапни кўп эшитгандим. Мен ўша тиконни кўра-била туриб босдим. Ўзимни ўзим бахтсиз қилдим.

Уша йили пахтага кетмасимиздан сал олдин мени қишлоғимиздаги бир инженер йигитга унаштириб қўйишган эди. У йигит бор гапни эшитибди. Эшитмаган тақдирда ҳам унга турмушга чиқишга, унинг ҳам тоза орзу-умидларини парчин қилишга виждоним йўл бермас эди. Хуллас, бахтим билан қовушмай туриб ажралишдик. Аввалига у мени кечира олмади, кейин эса ўзимни ўзим кечира олмадим. Ичкиликни кўнгилхушлик деб ўйлаб, ёшлик беғуборлигимни йўқотдим. Ҳеч қачон ҳеч қаерда бир қатра ҳам бу оғуни қизлар, бўлғуси оналар, оғизларингизга олмасликларингизни истардим. Умримнинг бу аччиқ сабоғини шу боисдан ҳам сизларга ёзиб юбордим».

Хўш, қизлар шаънига доғ тушиб қолишининг сабаби нима? Энг аввало уларда шарм-ҳаё, иффатнинг етишмаслигидир.

**Иффатлилиқ** — бу ор-номусли, иболи, ҳаёли ва покиза дилли демакдир.

Қиз бола бошқалардан ҳурмат талаб қилишдан олдин, ўзининг ҳурматини йўқотиб қўядиган ишлардан ҳоли бўлиши керак.

Қиз табиатига хос покизалиқ, ҳаё-иболилик, майинлик, ширинлик, нафислик, малоҳат, хушёрлик каби ар-



доқли фазилатлар қизнинг ҳуснига ҳусн, латофатига латофат қўшади.

Қизнинг ҳусни — ярим бойлик, ақли эса хазина.

Улуғ ҳаким Ибн Сино «Инсонда доим турадиган ҳусн ва латофат ҳаё ила иффатдир. Ҳаёсиз юз жонсиз жасад кабидир», деганди. Дарҳақиқат, одамни ўзига тортадиган, истарасини иссиқ кўрсатадиган нарса — кишининг ҳаё-ибоси, иффатидир.

Иффат — қиз бола, аёл табиатига жуда ярашадиган энг муҳим фазилатлардан биридир.

Сукрот «Қизларнинг энг гўзали ҳаё ва иффат пардасига ўралганидир»,— дейди. Ҳақиқатан ҳам қиз бола қалмақош, шахло кўз, узун соч, келишган, сулув бўлса-ю, шарм-ҳаёси бўлмаса, ундайларни ҳеч ким гўзал, дея олмайди. Бунақаларни беҳаё, бети қаттиқ, енгилтак деймиз.

*Ҳақиқий гўзал, иффатли қиз деганда кўз олдимизда мулойим табиат, дид-фаросатли, ҳаё-иболи, андишали, ота-онага меҳрибон, жигарларга ғамхўр, катта-кичikka эътиборли, истараси иссиқ, кўҳлиқ қиз намоен бўлади. Бундай қизлар одатда лобар, чаққон, дилдор ва покиза бўлади.*

Иффатли қиз ўзига ўта талабчан, андишали бўлади. Кийиниш, юриш-туриш, муомала ва муносабатда қизлик шаънига ярашуглик иш тутади. Кўпчилик ўртасида калта, тор, кўкраги катта ўйилган, беўхшов кўйлақда юриш, маҳмаданалик, бачканалик, ўринсиз ҳаракатлар қилишни ўзига ориятсизлик деб билади. Иффатли қиз айниқса йигитлар олдида, умуман эркаклар бор жойда ўзини қандай тутиш кераклигини билади. Бўлар бўлмасга оғзининг танобини қочириб табассумни «ҳадя» этавермайди. Ҳар бир қадамни ўйлаб, ўлчаб босади. Масалан, ўтиб кетаётган қизга йигит гап отди, дейлик. Иффатли қиз бир чимрилиб «Сен ўйлаган аҳмоқ мен эмас», демоқчи бўлиб йўлига кетаверади. Қалтабин қизнинг эса оғзининг таноби қочади. Ноўрин хатти-ҳаракатлар қилади ва бир пасда нотаниш йигит билан апоқчапоқ бўлиб кетади. Тасодифий танишувлар натижасида баъзан қизлик шаънига доғ тушириб, келажагини бадном қилиб қўйиши ҳам мумкин.

Аёлликнинг баҳори, энг гўзал ва латофатга бой даври қизлик давридир. Бу даврда улар ғоят барно, назокатли бўладилар. Яхши орзу-умидлар билан яшайдилар. Уқиб, ҳунар орттиришга ҳаракат қиладилар, мустақил

ҳаётга тўйёрланадилар. Ана шу ажойиб, такрорланмай-  
диган даврнинг қадрига етиш, унинг сермазмуи бўлиши  
ва поклиги учун курашиш лозим. Буving учун ҳар бир  
қиз ўзини бачканалаштирадиган нарсалардан ҳоли бў-  
лиши, ҳамма ерда ўзини доимо содда, камтар ва сино  
гута билиши, муомалада ширин сўз, шунингдек, ҳаё  
андишали бўлиши, ҳаётий масалаларни ҳал этишда ақл-  
идрок, фаросат билан иш юритиши керак. Кўпчилик ўр-  
тасида хандон ташлаб кулмаслиги, ноҳўя қилиқлардан  
сақланиши, зинҳор ёлғон гапирмаслиги, меҳнатсевар  
бўлиши керак. Шундагина у бошқаларнинг ўзига нис-  
батан ҳурмат билан қарашларига муяссар бўла олади.

Қиз бола ўзининг табиий чиройи билан кўхликдир.  
Уни бўяш, сунъийлаштириш бемаъниликдир. Баъзи кал-  
табин қизлар сиртларига оро беришни ёқтирадилар,  
шарму ҳаёни унутадилар. Ўзларича «Гўзалман, ҳам-  
манинг кўзи менда» деган ўй билан товусона юриш қи-  
ладилар. Атрофдагиларнинг ундан кулаётганини, наф-  
ратланаётганини фаҳмламайдилар.

Упа-элик, қўша-қўша тақинчоқлар, қимматбаҳо ки-  
йимлар қиз болага чирой бермайди. Аксинча, уни одам-  
лар назарида «енгилтак», «қўғирчоқсимон» қилиб қўя-  
ди.

Номусли қиз ким қаерга таклиф этса, боравермай-  
ди. Ўз қадамини ўйлаб, ўлчаб босади. Икки-уч марта  
учрашган йигити билан бир уйда ёлғиз қолишни ўзига  
эп кўриб, натижада номусига доғ туширган қизлар бир  
умр руҳий азоб чеккани маълум.

Дугонасининг уйида ҳадеб ётиб қолавериш ҳам одоб-  
дан эмас.

Йигитлар ўртасида мардлик, сўзидан қайтмаслик,  
довжораклик, улфатчилик, дўстга содиқлик юқори баҳо-  
ланади.

Шунинг учун ҳамма йигитлар шундай фазилатларга  
эга бўлишни хошлашади. Аммо йигитлар бу фазилат-  
ларни ўзларича тушунади. Ўспиринлар, мард, довжорак  
бўламан деб зўравон бўлиб кетишади. Дўстлари ўрта-  
сида йигитлик ғурури деб хотин-қизларни камситиша-  
ди. Оилали эркаклар ўртасида эса йигитлик ғурури ни-  
қобида «хотинидан қўрқмаслик» каби иборалар пайдо  
бўлади. Бошқача айтганда, хотинни хизматкордек кў-  
ришади. Бундайлар агар эркак киши ўз турмуш ўрто-  
ғини ҳурмат қилса, оила ишларига кўмаклашса, улфат-  
лар уни «хотинидан қўрқади», деб изза қилишади. Бу,

албатта, бой-феодалларча мушоҳаданинг сарқитидир. Яна шундай мисол келтириш мумкин. Улфатлар ичида арзимаган нарсадан гап қочиб бири иккинчисини она-сидан сўкади. У онамни сўқди деб пичоқлашишгача боради. «Буни ҳам ўз йигитлик ғурури» деб тушунар эди. Лекин оиласида на онасини, на хотинини, на синглисини ҳурмат қиларди. «Қуш уясида кўрганини қилади» дегандек, бундай йигитларнинг фарзандлари ҳам ёшлигидан ўз онасига, аёлларга отаси каби муносабатда бўлишга одатланади, уларда йигитлик ғурури тўғрисида нотўғри тушунчалар шаклланиб қолади.

Ҳар бир эркак кишининг аёлларга нисбатан қандай муносабатда бўлишидан қатъи назар, фарзандига, қизига нисбатан меҳри, ҳурмати кучли бўлади. Қизини турмушга бераётганида кўёви қизига нисбатан ҳурматда бўлишини, уни эъозланишини хоҳлайди. Шунинг учун ҳар бир эркак киши бошқа аёлларни кўрганда ўз қизини, яқин бўлган онасини кўз олдига келтириши керак. Бу борада кўчма маънодаги «Пичоқни олдин ўзингга ур, оғримаса бировга ур» мақоли жуда ўринлидир.

Йигитлар вояга етиб психологияси шаклланигандан сўнг уларнинг дунёқарашларини қайта тарбиялаш анча қийин бўлади. Шунинг учун болаларни ёшлигидан тўғри тарбиялаш керак.

Мардлик, сўзидан қайтмаслик, дўстга содиқлик йигитликнинг фазилатларидир. Ёшлиқдан сўзни қадрлай билиш, сўз ва ишнинг бирлигига одатланиш зарур.

Ота-онага ҳурмат, ака-ука, опа-сингилларга оқибатлилик каби йигитлик бурчини бажо келтириш лозим.

Ватан олдидаги бурч қисман армия сафида хизмат қилиш билан белгиланади. СССР Конституциясида кўрсатилганидек, Совет армияси сафида бўлиш ҳар бир совет граждани учун фахрлидир. Йигитлар Она-Ватан ҳимояси учун армия сафига чақирилишни мамнуният билан қабул қилишлари, бундан ғурурланишлари керак.

#### Амалий машғулот

Тема: *Қиз шаъни ва йигит ғурури*

1. Қизнинг ҳаё-ибоси ҳақида.
2. Қизнинг ҳусни нимда?
3. Йигит — эркакларнинг қайси фазилатларини ёқтирасиз?
4. Қиз шаънига муносиб иш тутмоқликни қандай тушунаси?
5. Севишган қиз билан йигит ўртасидаги муносабат одоби.
6. Бахт ва бахт учун курашмоқ.

### 3- §. Ўртоқлик ва дўстлик

Бизнинг тўқис ва бахтли ҳаёт кечиримиз кўп жиҳатдан ўзимизга муносиб дўст ва ўртоқ танлай билишимизга боғлиқ.

*Ж. Леббок*

Инсонларнинг дўстлиги, халқимиз ўртасида жуда қадимдан улуғланиб келган фарзатдир. Дўстлик туфайли элу юрт тинч ва обод бўлган, халқлар фаровон яшаган.

Халқ дўстлик, ўртоқлик муносабатлари ҳақида жуда кўп ҳикматли сўзлар яратганки, улар орқали дўстликнинг кишилар ҳаётидаги роли ифода этилган. Жумладан, «Қора кунингда дўстинг ярайди», «Дўст ачитиб, душман кулдириб гапирар», «Дўстни бошингга кулфат тушганда сина», «Дўстинг учун заҳар ют», «Дўстсиз бошим, тузсиз ошим», «Дўст сўзини ташлама, ташлаб бошингни қашлама!», «Яхши дўст — жон озиги, ёмон дўст — бош қозиги», «Чин дўст — туғишганинг билан тенг», «Дўстлик барча бойликдан афзал», «Айбсиз дўст ахтарган дўстсиз қолар», «Арпа буғдой бир кунингга ярайди,» «Бевафо дўстдан таёқ яхши, бебаҳра гулдан япроқ яхши», «Гумон дўстни дўстдан ажратади». Бу ҳикматли сўзларда орзу-умидлар, қанчадан-қанча бой маънолар жўш уриб ётибди. Халқимиз эса буларни узоқ йиллик тарихий тажрибалар натижасида яратган. Бу ҳикматли сўзларда дўстлик ва ўртоқликка хос энг яхши сифатлар ифодаланганки, биз ўз ҳаётимизда уларга амал қиламиз.

Одатда бир коллективда ишловчи, бирга яшовчи ёки бирга ўқувчи, умуман бир мақсад сари борувчи маслакдош, ўзаро фикрлаша оладиган, фойдали, маслаҳатлари билан бир-бирига ёрдам бера оладиган, бир-бирининг фикр ва мақсадларини тушуна оладиган кишиларни ўртоқ деб аталади.

Совет кишилари бир мақсад сари, қайта қуриш, жадаллаштириш йўлидан бормоқдалар, улар бизнинг ўртоқларимиздир. Шунга кўра, биз барча совет кишилари билан ўртоқ деб муомалада бўламиз. Бу ўртоқлик ўзига хос юксак сифатларга эга бўлмоғи керак.

Ўртоқликдаги олижаноб хислатлардан бири киши-

ларга нисбатан илтифотли бўлишдир. Масалан, ўртоқларимиздан бири бетоб бўлиб қолди ёки унинг хонадонида қандайдир бахтсизлик рўй берди, дейлик. Шундай пайтда дарҳол ҳол сўраб бориш, зарурат, бўлса, ёрдам бериш лозим. Бунинг оқибатида кишилар ўртасида яқинлик, меҳр иплари боғлана боради.

Ўртоқликка хос энг яхши хислатлардан бири ўзаро ёрдам ҳисобланади. Биз ўқишда, меҳнатда, жамоат ишларида ўртоқлардан ёрдамимизни аямаслигимиз керак.

Ўртоқликнинг ривожланиши ва мустақамланишини таъминловчи бирмунча олижаноб хислатлар бор. Ростгўйлик, ўзаро ҳурмат, ғамхўрлик кўрсатиш, сирдошлик натижасида ўртоқлик ҳақиқий дўстлик даражасига кўтарилади. Дўстлик ўртоқликнинг олий формасидир. Чунки у аввало ўртоқликдан бошланади. Киши ўз ўртоқларидан бирини бошқаларидан ортиқроқ севади. Уни бошқалардан ортиқроқ ҳурмат қилади, унга нисбатан ўз мойнллигини амалда кўрсатишга тиришади. Иккинчи томон ҳам ҳурматга ҳурмат билан жавоб беради. Улар ҳаммадан яширган сирларини айтиб, бир-бирларидан маслаҳат оладилар, бир-бирларига доимо ёрдамлашадилар, моддий ва маънавий жиҳатдан бир-бирларини қўллаб-қувватлайдилар. Шундай қилиб, аввалги оддий ўртоқлар кейинчалик яқин дўст бўлиб кетадилар.

Дўстлар бир-бирларига ҳеч вақт ҳиёнат қилмаслиги ва бир-бирларининг сирларини бошқаларга айтмаслиги, ўзаро ҳурмат ва ишончни ардоқлаши зарур.

Ҳар бир киши ўзининг қайғу ёки шодлигини қадрдон дўстига айтиб юрагини ёзгиси келади. Дўст ўзининг юпатувчи сўзлари, оқилона маслаҳатлари билан унинг дардини енгиллаштиради, муваффақиятидан қувонади. Дўсти бўлмаган одамнинг ҳаёти фэйзсиз, мазмунсиз ўтади. Шунинг учун халқимиз орасида «Дўстсиз бошим, тузсиз ошим» деган мақол юради.

Одамлар ўртасидаги дўстлик кўпинча очиқ кўнгиллилик, тўғрилиқ, бир мақсад ва шу мақсадга содиқлик асосида мустақамланиб келган.

Халқаро ишчилар ҳаракатининг йўлбошчилари, катта қалб эгалари бўлган К. Маркс ва Ф. Энгельс ўртасидаги дўстликни инсоний муносабатнинг гултожи, ўзаро садоқатнинг гўзал рамзи, дейиш мумкин. Улар ўртасидаги бу чинакам дўстлик эҳтиросли, беғараз, принципал эди. Бу дўстлик 1844 йилда бошланиб, қарийб қирқ йил давом этади. Улар ўзаро ҳамкорликда илмий ком-

мунизм назариясини яратдилар. Ишчилар сифининг революцион ҳаракатига раҳбарлик қилдилар. Зотан, уларни революцион шароит, ғоявий эътиқод, умумий мақсад йўлидаги фаолият, манфаатлар уйғунлиги бирлаштирган эди. Улар меҳнат аҳлининг бахт-саодати учун умрларининг охиригача курашдилар. Ана шу олий мақсад йўлида бир жону бир тав бўлиб, бир-бирларини қўллаб-қувватладилар.

К. Маркс дўстликка жуда талабчан муносабатда бўлади. Мен унчалик кўп одам билан дўст эмасман, бу дўстликни жуда қадрлайман, деб ёзган эди у. Ф. Энгельс чинакам дўст сифатида унга беғараз моддий ёрдам берарди. К. Маркс дўстининг ёрдамисиз «Капитал»нинг биринчи томини тугата олмаслигини бир неча бор таъкидлаб ўтган, Ф. Энгельсга: «Шундай қилиб, бу том тайёр бўлди. Бунга мен ёлғиз сен туфайлигина муяссар бўлдим»,— деган эди.

Халқаро ишчилар ҳаракатининг атоқли арбобларидан бири, К. Маркс ва Ф. Энгельснинг сафдоши ва дўсти Лаура Маркснинг қайлиғи Поль Лафарг шундай деб ёзади: «Маркс билан Энгельс қадимги шоирлар тасвирлаган дўстлик идеалини бизнинг асримизда рўёбга чиқардилар. Улар ўспиринлик чоғларидан бирга бўлиб, ёнма-ён ўсиб бордилар, энг самимий фикрлари ва ҳисларини бир-бирлари билан ўртоқлашдилар, ҳар икковлари бир революцион ҳаракатда қатнашдилар ва ёнма-ён бўла олган вақтларида ҳамма вақт бирга ишлаб келдилар... Маркс ўз дўсти билан фахрланар эди.

У Энгельснинг барча маънавий ва ақлий фазилатларини менга жуда хурсанд бўлиб айтиб берарди. Бу икки олим ва курашчининг бир-бирига муносабати қадимги афсоналарда ҳикоя қилинган одамларнинг энг самимий дўстлигидан ҳам аълодир».

Энгельснинг олижаноб ва садоқатли дўстлиги Маркс учун жуда қимматли, унинг оиласи учун катта бахт бўлган. Энгельс Маркснинг қизларига оталарча муносабатда бўлган, қизлар ҳам уни иккинчи оталари деб билишган.

В. И. Ленин ўртоқлик, дўстлик бурчи ҳақида гапириб, ҳақли равишда: «Биз ўртоқлик бурчини, ўртоқларни қўллаб-қувватлаш бурчини, ўртоқларнинг фикрига чидам билан қулоқ солиш бурчини эътироф қиламиз»,— деган эди.

Ўртоқлик, дўстлик асосида ижтимоий аҳамиятга

эга бўлган катта вазифалар ётади. Ана шу вазифалардан четда турган ҳақиқий ўртоқлик ва чинакам дўстлик бўлиши мумкин эмас.

«Одам,— деган эди, М. И. Қалинин,— кишиларни севиш керак. Агар у кишиларни сеўса, яхшироқ яшайдиган, яъни қувноқ ҳаёт кечирадиган бўлади»<sup>1</sup>.

Доҳийларимизнинг буюк дўстлиги биз учун ажойиб намуна бўлиб, бутун онгли ҳаётимизда ундан ўрнак оламиз. Дўстликни қадрлаймиз, эъозлаймиз ва шарафлаймиз. Чунки, онанинг меҳри, инсоний муҳаббат каби дўстнинг садоқати ҳам қудратли маънавий бойлик ҳисобланади.

Чинакам ва яхши дўстга эга бўлиш инсон учун катта қувончдир. Бадий адабиётларда дўстлик ғояси улуғ идеал сифатида тараннум этилади. Буюк пролетар ёзувчиси Максим Горькийнинг «Она» романида ана шу идеал Пелагея Ниловна билан унинг ўғли Павел Власов ўртасидаги маънавий бирлик асосида намоён бўлади. Масалан, Павел турмушнинг аччиқ сабоқларини бошидан кечирган, ўзининг озодлик йўлидаги мардонвор курашида яқиндан ёрдам берган онаси ҳақида: «Агар фарзанд онасини маънавий жиҳатдан ҳам «ўз онам» дея олса — бу нодир бахт»,— дейди. Романда Пелагея Ниловна фақат она сифатида гавдаланмайди, балки жафокаш халқнинг озодлик ҳақидаги эзгу тилақларини рўёбга чиқариш йўлида курашга отланади, оғир пайтларда ўғлининг энг яқин дўсти бўлиб унга ва унинг маслакдошларига катта ёрдам беради.

Дўстлик, ўртоқлик ва биродарликни Ўрта Осиёнинг буюк мутафаккирлари ҳам қадрлаган, эъозлаганлар ва шулар ҳақида ўзларининг кўпчиликлари учун ибратли фикрларини айтганлар.

Ибн Синонинг фикрича, инсонда ахлоқий сифатларнинг камол топишида яхши, хуштабиат, илмли дўст катта роль ўйнайди. «Яхши дўст ойнадир,— дейди Ибн Сино — унда кишининг бутун яхши ёки ёмон томонлари акс этади. Яхши дўст ўртоғининг ёмон қилиқларини ўз вақтида кўрсатади, ўзининг маслаҳати ва хулқ-одобини билан уларни бартараф этишига ёрдам беради».

Ибн Сино дўстликнинг уч категориясини кўрсатади:

---

<sup>1</sup> Қалинин М. И. О коммунистическом воспитании, М., Изд-во «Молодая гвардия», 1958 г. стр. 176.

1. Ҳақиқий дўстлик — бунда дўстлар ҳар қандай шароитда, жумладан, ҳаётдаги энг оғир шароитларда ҳам бирга бўладилар.

2. Бойлик, амал-мансаб туфайли боғланган дўстлик.

3. Ягона мақсад ва ғоявий бирлик асосидаги дўстлик.

Булардан биринчи ва учинчисини мустаҳкам, ҳақиқий ва бузилмас, иккинчисини эса муваққат, заиф ва сохта дўстлик, деб таърифлайди.

Форс-тожик адабиёти классиги Абдурахмон Жомий фикрича, киши маълум жамиятда ҳаёт кечириб тарбияланар экан, бошқа одамлар билан алоқасиз яшай олмайди. Ҳар бир кишининг дўстсиз, ўзгаларнинг ёрдамисиз камолотга эришиши жуда қийин. Шунинг учун ҳар бир кишининг ўзига муносиб, ҳақиқий дўсти ва ёр-биродари бўлиши лозим.

*Чин дўст ул дўстлиги ошаверса гар,  
Дўстдан ёмонлик кўрганида ҳам,  
Бошига минг жафо тоши ёғилса,  
Меҳр уйи у тошдан бўлур мустаҳкам,—*

деб Жомий дўстликни юқори баҳолайди.

Биров билан дўст тутинган киши ўз дўстининг камчиликларини бартараф қилишга, яхши хулқ, сифатларни эгаллашига ёрдам бериши керак. Лекин дўстларнинг айбини фақат ўзларига айтиш лозим. Бегоналар олдида уларнинг камчилигини айтиб, мулзам қилиш чин дўстнинг иши эмас. Ҳаётда ҳақиқий дўстлардан ташқари сохта, нодон, дўстлар учраб туради. Шунинг учун ҳам мутафаккирлар дўст танлашда жуда эҳтиёт бўлиш кераклигини уқтирадилар. Айрим сохта дўстлар борки, улар бошқаларнинг бойлигига учиб, шахсий манфаатлари йўлида дўст бўлишга интиладилар. Бундай қалбаки дўстликни Жомий қаттиқ қоралайди.

Жомий ҳақиқий дўст дўстликнинг қонун-қондаларига риоя қилиши, дўстга ҳар қандай йўл билан ёрдам кўрсатишга интилиши, агар зарур бўлса, ҳатто, жонини қурбон қилиши кераклиги ғояларини илгари суради. Бундай дўстликнинг намуналари ўзбек халқ оғзаки ижодида ҳам, ёзма адабиётларда ҳам ардоқланиб, оғизма-оғиз ўтиб, улуғлаб келинади. Масалан, ўзбек халқ достони «Алпомиш»да унинг етакчи образлари Алпомиш ва Қоражон ўртасидаги дўстлик туфайли асар во-



қеаларидаги конфликтлар яхшилик ва адолат фойдасига ҳал бўлади.

Алпомиш билан Қоражоннинг дўстлиги асосида адолат, очиқ кўнгиллик, ягона мақсадга интилиш ётади. Алпомиш қалмоқ юртига севимли ёри Барчинни қутқаргани келганида, дастлаб қалмоқ алпи Қоражон билан учрашади. Қоражон Ҳакимжоннинг дилидаги самимий орзу ва ниятларни тўғри тушуниб:

«У (қалмоқлар) қилмаса, сен ҳам қилмайсан зулмди»,— дейди ва Алпомиш билан дўст бўлишга аҳд қилади. Воқеалар ривожини давомида бу дўстлик янада мустаҳкамлана боради. Қоражон ўз акаси Қўкалдошнинг ёмон ниятларини тушунади, у адолатсизликка қўл ураётганини кўриб, унга: «Қўнглинг бузуқ, хаёлинг бадга боради»,— дейди ва ўз дўстлигига содиқлигини намойиш қилади.

Қоражоннинг дўстликка содиқлигини, самимийлигини Барчин ҳам синаб кўради. У Қоражон билан дуч келганда, «Алпнинг зўри Қоражонга тегаман»,— деганда, Қоражон ўз дўсти Алпомишга содиқлик қилиб: «Сен мени қўйгин, бундай қилма, инсофга келгин, меҳнат тортиб Алпомиш келибди, қандай бўлса қуруқ қолмасин, шунга теккин»,— дейди.

Қоражон Алпомишнинг оғирини енгил қилади, «дўстинг учун заҳар ют» дегандек, ўз акаларининг адолатсизликларига қарши бориб, адолатнинг ғалабасига хизмат қилади — пойгада, курашда Алпомишнинг ёнини олиб, қанчадан-қанча жабр-жафо чекиб дўстига содиқлигини кўрсатади. У ўз дўсти Алпомишдан ҳеч бир сирини яширмайди. Кучи етган ишни бажаради, агар кучи етмаса, очиқ айтади: «Бизнинг сир у ҳолимиз бир-биримизга маълум, ...уларни илгари ҳам йўқитар эдим, ... энди бир қалмоқ қолибди, бунга (курашга) тушиб ўлгандан бир нима чиқарми, ғайратинг бўлса кўрсат энди»,— дейди Алпомишга унинг Қўкалдош билан курашга тушиши олдидан.

Демак Алпомиш билан Қоражон ўртасидаги дўстлик самимият, адолат ғалабаси учун кураш йўлидаги ягона мақсад билангина мустаҳкам боғланган дўстликдир.

Алишер Навоий дўстлик, ростгўйлик, ўртоқлик мадҳини баланд куйлаган ва шу ғояни ривожлантиришга ҳисса қўшган. У Фарҳод билан Шопур, Мажнун билан Навфал, Ширин билан Меҳинбону образларини яратиб,

ана шу образлар тимсолида киши кишига дўст, биродар бўлиши ҳақидаги азалий орзуларни баралла куйлаган. Инсон ва унинг қадр-қиммати Навоий ижодида марказий ўринни эгаллайди. Навоий фикрича, инсонпарвар кишигина ҳақиқий инсондир. Унинг:

*Одами эрсанг демагил одами,  
Ониким йўқ халқ ғамидин ғами,—*

деган байти халқ афоризмига айланиб кетган.

Навоий инсондаги энг яхши фазилат — дўстлик деб ҳисоблайди ва дўстликдаги садоқат, адолатга катта эътибор беради. Ҳақиқий дўст ҳеч вақт дўстини оғир аҳволга солиб қўймайди, у билан ҳамдард бўлади, унга ёмонликни раво кўрмайди.

Дўстлик, ўртоқлик, ҳамкорлик, биродарлик, аҳиллик ва бирликнинг улуғ кучи ҳақида халқ мақоллари ва ҳикматларида ҳам ажойиб фикрлар билдирилган: «Бирлашган дарё бўлар, тарқалган ирмоқ бўлар», «Бирлашган куч — енгилмас», «Дўстинг мингта бўлса ҳам кам дегин, душманинг битта бўлса ҳам кўп билгин».

Инсон ҳамма вақт яхши кишилар билан яқинлашишга ҳаракат қилади, бу хусусият жуда эрта, болалик чоғидан бошланади. Ҳар бир инсон ёшлигиданоқ ўз тенги билан ўйнаб, дўст тутинишга тиришади, ҳаёт ва меҳнатда, бошига оғир-енгил иш тушганда синашта бўлганлар билан дўстлашади. Баъзи дўстлар содиқ бўлиб қолади, баъзилар ажрашиб кетади. Зотан, доно дўст, шинаванда улфат, ғамгузор ўртоқ орттириш жўн иш эмас.

Дўст ва ўртоқ орттириш ҳақидаги ривоятларидан бирини қисқача келтириб ўтамиз.

Қадим замонда Бухорода бир подшо ўтган экан, у бир куни икки ўғлини чақириб работ қуршни буюрибди.

Икки ўғил хазинадан жуда кўп олтин, кумуш олишиб работ қургани жўнанибди. Шоҳнинг катта ўғли дуч келган жойда, шаҳарда, қишлоқда, кўлда, тоғда ғоят ҳашаматли работлар қуриб кетаверибди.

Кенжа ўғил эса ҳар бир шаҳардан, қишлоқдан ўртоқ орттирибди, топишган ўртоқлари билан қалин дўстлашибди.

Шоҳ кенжа ўғлининг ишларидан мамнун бўлиб:

— Раҳмат, сен менинг айтганимни тўғри тушунибсан, сендан хурсандман, ақлингга қойил, работни кўп-

роқ қургин, шу бугундан бошлаб элатимга сен шоҳсан, мен энди дўстларингникига бориб келиб юраверсам умр қандай ўтганини билмасам керак,— дебди».

Бу ривоятдан дўст, ўртоқ орттириш, улар билан қадр-қимматли бўлиш фаҳм-фаросат иши эканлиги кўриниб турибди.

Инсонга дўст ҳамма вақт кераклиги, дўстсиз одамнинг ҳаёти мазмунли, тўлақонли ўтмаслиги турли халқ дурдоналарида турлича ифодаланади. Масалан, мўғул халқининг «Доно кишига ҳам дўст керак, кучли одамга ҳам таянч керак»,— деган нақли бор.

Улуғ гуманист Саъдийнинг қуйидаги машҳур ҳикоясида ҳам бу фикр қувватланган:

«Қадим замонларда бир мамлакатда икки қалин ва ипоқ дўст бўлган экан. Улар замона зайли билан бир-бирларидан ажралишиб, анча йиллардан сўнг яна учрашдилар. Улардан бири жуда бой, иккинчиси камбағал бўлиб қолади. Фақир киши ўзининг қадимги дўстини сўроқлаб топиб келади ва у билан учрашади. Бадавлат киши ўзининг эски дўстини танимайди, кеккайган ҳолда ундан: «Сен кимсан ва нима учун менинг ҳузуримга келдинг?»—деб сўрайди, фақир унга «Мен сенин эски қадрдон дўстингман. Сени кўр бўлиб қолибди деб эшитдим. Шунинг учун сени кўргани келгандим»,— дейди.

Албатта, ҳар ким ўз дўстининг ким эканлигини, характери яхши билиш зарур. Халқимизда «Кийимнинг янгиси, дўстнинг эскиси яхши», деган нақл бор. Ҳақиқатда ҳам узоқ синовлардан ўтган дўстликда киши дўстининг ким эканлигини, унинг характеридаги хислатларни яхши билиб олади.

«Шундай «дўстлар» ҳам бўладики, кўринишда, ўзаре муносабатда энг яқин, вафодор кишига ўхшаб кетади, сенинг шаънингга баландпарвоз гапларни ҳам айтади. Амалда эса, бошқа бир жойда пайти келиб қолса, ҳатто, кўпчилик ўртасида сен ҳақингда турли тўқималар, майда-чуйда, фисқу фасод гаплар юритишдан ҳам тоймайди. Бу дўстликдек юксак фазилатга хиёнат қилиш ёки доғ туширишнинг ўзгинасидир.

Дўстлик ўз вафоси билан гўзалдир. Ваъдага вафо қилиш, ҳамдам, ҳамдари бўлиш самимий дўстликнинг белгиларидан бири. Биродарлик, дўстлик олижаноб, инсоний фазилатларнинг ифодасидир.

Дўстлик гулдан нозик, пўлатдан қаттиқ, довулдан

кучли. Дўстлик лимни енгади. Халқ мақолларида айтилганидек, дўстлик қонунсиз, қилчсиз ҳам ҳукмронлик қилади. Дўстлик-бебаҳо бойлик, дурдона. Бу кўнгил бойлигини кўз қорачиғидек сақлаш, қадрлаш лозим.

Инсон қалбининг туб-тубида ётган меҳр-муҳаббат, дўстлик шундай қудратлики, бу қудрат билан одам боласи олам-олам гўзалликни яратиши мумкин. Гўзаллик эса, донишмандлар айтганидек, инсоннинг ташқи ҳуснида эмас, балки одамийлигида, меҳр-муҳаббатига, чин инсоний фазилатларида ўз аксини топади.

Социалистик жамиятда одам одамга дўст, ўртоқ ва биродар. Ҳамма нарса инсон учун, унинг бахт-саодати учун бунёд этилади.

Дўстлик кишилар орасидаги самимий муносабатларнинг чўққиси бўлиб, бу туйғу кишиларнинг ўзаро тўқнашуви, муомаласи натижасида пайдо бўлади. Ўқиш, жамоат ишлари шахсда одамийлик хислатларини, дўстликни вужудга келтирувчи манбалардир.

Дўстликда қадрланадиган омиллардан ташқари унинг бузилишига олиб келувчи сабаблар ҳам мавжуд. Булар мунофиқлик, сохталикдир.

Инсонлар орасидаги дўстлик индивидуал характерда бўлиши билан бирга ижтимоий аҳамиятга ҳам эга. Жамиятда соғлом муҳит юзага келишида инсонлар ўртасидаги аҳиллик, ўртоқлик ва дўстликнинг роли катта.

Баъзан шундай ҳоллар ҳам рўй берадики, айрим шахсларнинг дўстлиги улар мансуб бўлган халқлар дўстлигига асос солади ёки уни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Навоий ва Жомий, Ғафур Ғулом ва Мирзо Турсунзода ораларидаги мустаҳкам дўстлик ўзбек ва тожик халқларининг бир-бирига янада яқинлашувига хизмат қилди.

Шундай қилиб, дўстлик ҳаёт мазмунини ташкил этувчи инсоний туйғуларнинг олижаноб кўринишларидан биридир.

#### Амалий машғулот

Тема: *Ўртоқлик ва дўстлик*

1. «Ўртоқ», «дўст», «биродар» тушунчалари.
2. Жамият ҳаётида, инсон камолотида ўртоқлик, дўстлик муносабатларининг аҳамияти.
3. Кимни дўст дейиш мумкин? Қандай қилиб дўстлар орттириш мумкин?
4. Дўстлик бўрондан кучли, пўлатдан мустаҳкам, айни вақтда

гулдан нозик дейишади. Нега? Бу ҳақда психолог ва социолог олимлар фикри.

5. Севги, муҳаббат дўстлик ўртоқликдан бошланади. Шу ҳақдаги фикрингиз?

#### 4- §. Севги ва муҳаббат

Муҳаббатни фақат соғлом жинсий инстинктив қониқтириш сифатида тушунмаслик керак. Инсонга кўпдан-кўп қувонч бахш этувчи бу туйғу ғоявий яқинлик, ягона ният сари интилиш, умумий иш учун кураш каби мақсадлар билан уйғунлашиб кетмоғи зарур.

*Н. К. Крупская*

Ҳар бир йигит ва қизнинг ҳаётида шундай бир пайт бўладики, бутун қалб, вужуд, бутун туйғулар, фикр-ўй, бутун руҳий ҳолат кимнидир излайди, кимгадир интизор. Одамда бутун қалби, борлиғини кимгадир бағиш-лаш, кимнидир ардоқлаш, бир умрга у билан ҳаётини боғлаш истаги пайдо бўлади. Бундай одам оромини йўқотади. Атрофга боқиб дил қувончини излайди. Мана бу ҳолатни севги эҳтиёжи, муҳаббатга бўлган талабнинг етилиши, дейиш мумкин.

Муҳаббат инсонга қанот бахш этади, дилини хушнуд этиб, ҳаётига маъно — мазмун олиб киради.

**Севги — инсоннинг маънавий ва жисмоний интилиши, эҳтиёжлари ўзаро узвий бирикиб кетган юксак ахлоқий эстетик туйғудир.**

«Севгининг ҳақиқий моҳияти,— деб ёзади улуғ немис философи Г. Гепель,— ўзини-ўзи тан олишдан воз кечиш, бошқа «мен»да ўзини унутиш, лекин худди шу йўқолиш ва унутишда ўз-ўзини топиш ва ўз-ўзига эгаллик қилишдан иборатдир»<sup>1</sup>.

Севги инсон ҳаётидаги энг катта ва қувончли воқеа бўлиб, кишига олам-олам қувонч бағишлайди, унинг меҳнат ва ижтимоий фаолиятига ижобий таъсир қиладди.

Кимнидир севган ва унинг севгисига сазовор бўлган инсон бой маънавий ҳаёт билан яшайди, у ўзидаги нуқсон ва камчиликлардан халос бўлишга интилади, ўзига-ўзи талабчан бўлади, унинг характеридаги олижаноб, яхши томонлар камол топади, ижодий куч-қуввати яна-

<sup>1</sup> Воронцов В. л. Тафаккур гулшани, Т., 1981, 372- бет.

да ортади. Севги инсонни юксак даражадаги ахлоқий босқичга кўтаради, ўзининг хатти-ҳаракати ва хулқ-атвори учун масъулиятни оширади. Кучли ва чуқур муҳаббат оламида яшаётган киши маъшуқаси учун ҳар қандай жасоратга тайёр, фидойиликка қодир бўлади.

Чинакам муҳаббат фақат бахт ва қувонч келтириб қолмай, қийинчиликлар, машаққатларга, ҳижрон азобига ҳам мубтало қилади. Севишганлар бир-бирига шунчалик яқин бўлиб қоладики, бирининг тирноғига тикан кирса, иккинчисининг аъзойи бадани зирқирайди. Севилган кишининг қувончи севган кишининг ҳам қувончи, азоблари ҳам унинг азоби бўлиб қолади. Шунинг учун француз ёзувчиси А. Сент-Экзюпери ёзганидек: «Севиш — бир-бировига қараш эмас, балки биргалашиб бир томонга қараш демакдир»<sup>1</sup>.

Муҳаббат ажойиб ҳиссиёт бўлиши билан бирга, унинг эволюцион асосида, унинг ибтидосида — кўпайиш инстинкти ётади. Муҳаббат ва инстинктни ўзаро боғлиқликда қарамоқ лозим. Булар минг йиллар мавжуд бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Севгининг асосини биологик инстинкт, жинсий иштиёқ, жинсий яқинлашишдан бошқа нарса эмас, деб тушунмаслик керак. Инсон жисмоний ва маънавий ҳаёт кечиради, унинг хатти-ҳаракати, хулқ-атвори фақат инстинкт билан эмас, балки ақл билан ҳам белгиланади. Инсоннинг маънавий дунёси, маънавий манфаат, эҳтиёж ва қарашлари қанчалик бой бўлса, булар эркаклар билан аёллар ўртасидаги муносабатларда шунчалик катта роль ўйнайди. Зотан, кимда-ким онглими ёки онгсизми, гўзал ҳиссиёт билан қидимий инстинктни мужассамлантирса у, ўзининг шахсий бахтини топади. Муҳаббат шундай мураккаб ҳиссиётки, унда шахснинг эмоционал-физиологик ва ахлоқий эҳтиёжлари узвий боғланиб кетади. Улар биологик ва социал томондан бир бутунлик касб этади. Индивидуал онгдаги севгига нисбатан ижтимоий идеаллар, ахлоқий нормалар ва талаблар унинг эволюцион асосини ташкил қилади. Севгининг мазмуни бой ва кўп қиррали бўлса, унинг намоён бўлиши индивидуалдир. Татар шоири Ходи Тоқтош муҳаббат эски нарса, аммо ҳар бир юрак уни янгилайди, деб ёзган эди.

Севгига эҳтиёж нега бировда барвақт, бировда ҳеч

<sup>1</sup> Ўша жойда, 389-бет.

пайдо бўлади? Одамлар олган тарбияларига қараб, турли дид-истакка эга бўладилар. Биров ўқишга астойдил берилади, бошқа барча ишларни ўқишни тугатгач қилмоқчи бўлади ва шу фикрни ўзига обдон сингдиради. Онгга, руҳга сингиб кетган бу фикр севишга интилишни қалб тўрида бекитиб тураверади, ниҳоят, ўқишни тугатгач, у ўзини енгил ҳис қилади, шунда қалбида яшириниб ётган туйғулар, орзулар қалқиб юзага чиқади. Бошқа бировнинг, чунончи бирор қизнинг оила қуриш учун онги, тушунчаси ва руҳий оламига маълум иқтисодий мўл-кўлликка эга бўлиш керак, деган фикр ўрнашган бўлади ва унда ҳам севги истаги яшириниб ётади. Бир пайт келиб қиз хаёл қилган шароитлар яратилганда, яшириниб ётган истаклар, туйғулар намоён бўлади.

Севиш эҳтиёжи ва характерлар, майллар, интилишлар мос келиб қолганда ҳақиқий севги туғилади. Бир томонда маънавий эҳтиёж бўлиб, иккинчи томонда у ҳали етилмаган бўлса, унда севги пайдо бўлмайди. Борди-ю, манъавий эҳтиёж икки томонда ҳам бўлиб, аммо характерлар ва интилишлар ҳар хил бўлса, унда ҳам кучли ва эҳтиросли муҳаббат вужудга келмайди.

Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, севги-муҳаббат мутлақо табиий равишда пайдо бўлишини, уни зўрлаб, турли йўллар билан яратиб бўлмаслигини ёшлар яхши англаб олишлари лозим. Инсон кўнгли шунчалар нозикки, кўнгил торларининг бир-бирига боғланиши бир кунда бўладиган воқеа эмас. Қалблар жуда аста, сезилмайдиган даражада бир-бирига яқинлашиб боради. Гарчи севгининг туғилиши ва мустаҳкамлана бориши ички психологик жараён бўлса ҳам, икки томон ҳамма вақт онг ва тафаккурга асосланиб иш тутиши керак, акс ҳолда ҳис ва туйғулар яқинлигининг умри қисқа бўлиб қолиши ҳам мумкин. Сизги ва туйғулар яқинлигини онг ва тафаккур бошқариб бориши лозим.

Мустаҳкам оила гарови — чинакам севгидир. Атоқли ёзувчи Абдулла Қаҳҳор ёзганидек «Чин муҳаббат туғилиши, мустаҳкам оила вужудга келиши учун жисмоний балоғат туйғусигина кифоя қилмайди, бунинг устига маънавий камолот ҳам керак. Шундагина йигит қиз зотининг, қиз эса йигит зотининг энг мукаммалини топа олади, очиқ кўз билан муҳаббат кўяди, бу чин муҳаббат асосида мустаҳкам оила вужудга келади»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Қаҳҳор А. Асарлар, 6- том, 341- бет.

Ҳар бир ёш — йигитми, қизми ўзида худди шундай севги пайдо бўлганига тўла ишонганидан кейингина, бир-бирининг шодлиги ва қийинчилигига шерик, оила ташвишларини бартараф этишга қодир эканлигини тўла ҳис қилгандагина никоҳга рози бўлиб «Бахт уйи»га бориши лозим. Севги оила қуришга олиб келади, бу эса жамият ва шахс ҳаётида жуда катта роль ўйнайди.

«Никоҳ муҳаббатнинг қарор топишидир,— деб ёзган эди В. Г. Белинский,— том маъноси билан пишиб етилган юраккина чинакамига сева олади ва шундагина муҳаббат ўзига ҳадя этилган энг олий мукофотни кўради ва ҳар қандай шухрат қаршисида ҳам хираланмайди, балки офтоб нуридан ўзининг хушбўй исли гулларини барқ уриб очилтиради.»<sup>1</sup>

Севги оилга негиз бўлиши керак, севгисиз оила бахтли бўла олмайди. Аммо оила учун севгининг ўзи кифоя қилмайди, албатта.

Ёшларимиз мана шу масалада баъзан хатога йўл қўядилар.

Севишганлар баъзан кўчада, боғда, кино, театрларда учрашадилар. Айтайлик, севишганлар бирга ўқишсин ёки ишлашсин. Ушанда ҳам севги оилга тенг бўлавермайди. Севишганлар: «Биз бир-биримизни жуда кўп кузатдик, турли шароитларда, турли вазиятларда синашдик, муҳаббатимиз қатъий», деганларида ҳам, севги оилга тенг бўлмайди.

Қизлар баъзан қисқа ўйлашлари, турмушга енгилелли муносабатда бўлишлари, оддий, шу билан бирга улуғвор муҳаббатни чиройли сўзлар, кинотеатр, сайру саёҳат, боғдаги учрашувлар ва баъзан қимматбаҳо соғалар билан ниқобланган юзакиликдан, алдамчи туйғудан ажратолмай қоладилар. Ана шу тоифадаги қизларга бироз насиҳат қилинса, улардан «ҳозир замон бошқача» деган беўхшов ва бачкана гапларни эшитиш мумкин.

Хўш, замонга нима бўлибди? Ахир уни инсон яратади, инсоннинг ақл-заковати яшнатади. Демак, ёшлар замоннинг «қули» эмас, эгаси бўлишлари керак. Мудроқ туйғу ва ғофил хаёлга берилиб, «мен севаман», «мен тушундим» демай, ўзидан каттароқ, ҳаётнинг паст-баландини тушунган кишиларга маслаҳат солиши мумкин.

Икки ёш ўз севгиларини синовдан ўтказиб, бир-бирини ҳақиқий севишларига қаттиқ ишонгандан сўнг

<sup>1</sup> Воронцов Вл. Тафаккур гулшани, Т., 1981, 402-бет.



оила қуришга ҳозирланишлари лозим. Оила қуришга тайёрланаётганда, оила нималигини яхши билиб олиш, бу ҳақда тажрибали кишилар билан маслаҳатлашиш, ўз имкониятларининг бир чамалаб кўриш мақсадга мувофиқдир.

Оилавий ҳаётнинг иқтисодий томонини олайлик. Иқтисодий ҳаёт маънавий ҳаётни ушлаб турувчи пойдеворидир, унга озгина бўлса-да бефарқ қараш билан маънавий томонга катта зарар етказиш мумкин.

Шуни унутмаслик керакки, қанчалик синашда бўлманг, қанчалик ёнма-ён юрманг, оила қургандан сўнг бошқача ҳаёт тарзи бошланади. Оилавий ҳаёт биринчи кунларданоқ севишиб юргандаги ҳаётдан маълум жиҳатлари билан фарқ қила бошлайди. Ота-она хонадониде кўзи пишган ёшлар қоқилишмайди.

Оиладаги нотўғри тарбия, ота-онанинг хатоси оқибатида тик ўсган фарзандлар турмуш қургач оила ташвишларига бардош бера олмайди.

Қиз келин бўлгандан сўнг унда янги орзу-ҳаваслар уйғонади, назокат кучаяди, у ўзини бошқа келинчакларга солиштириб кўради.

Йигит куёв бўлгандан сўнг йигитлик ғурури, йигитлик иззат нафси қалқиб чиқади, у ўз ўртоқлари орасида яқинда уйланганлиги сезилиб туришини истайди. Ёш эр-хотин ўртасида авваллари бўлмаган сирли, нозик муносабатлар пайдо бўлади. Мана шуларнинг ҳаммаси маълум иқтисодий асос билан узвий боғланган. Тўйдан кейин устма-уст қийинчиликлар бўлаверса, келин ҳам, куёв ҳам ичдан зил кетадилар, олдинлари ҳамма гапларни очиқ-ойдин гаплашиб юрганлар, энди у-бу гапларни ичига ютадиган, ичдан қийналадиган бўладилар. Ниҳоят, жуда чидаб бўлмаган дамларда ичдаги алам юзага чиқади, хафагарчиликлар пайдо бўлади. Буларнинг ҳаммаси эр-хотин ўртасидаги муносабатга салбий таъсир қилади. Ҳашаматли тўй қилиш, қўша-қўша кийимлар, ортиқча харажатлар, исрофгарчилик, кўз-кўз қилиш учун тўпланадиган мол-давлат оилавий муносабатлар илдизига сув қуяди. Қувноқ ва эркин юрган йигит ташвишларга ўралиб қолади. Аста-секин улар ўртасида асабийлик, жанжаллар содир бўла бошлайди.

Қиз бола ҳам ўзини оилавий ҳаётга тайёрлаши керак, уй-рўзгор ишларини уйдалаш, бола тарбияси оила ҳаётида шунчалик муҳимки, баъзан қизлар турмуш қураётганда бу ҳақда унча ўйлаб ўтирмайдилар. Ҳаёт-

нинг паст-баландини тушунган ота-оналар қизларини ёшликдан оила, рўзгор юмушларига солиб кўзини пиштиб борадилар. Борди-ю, қиз бўйи етгунча бирор сабаб билан оила учун зарур нарсаларни ўрганмаган бўлса, оилавий ҳаётнинг оддий қоида ва талабларини ўрганиб олиши керак. Яъни янги оилага кўникиб кетиш, келинлик ҳам бир давр эканини, унинг ўзига хос ширин ташвишлари бўлишини ҳис этиш, тансиқ овқатлар қилиш, ҳар хил пишириқлар тайёрлаш, уйни саранжом-саришта тутиш, эркаклар кийимларига дазмол босиш, эрга, қайинбўйинларга қандай муомала-муносабатда бўлиш кабиларни қунт билан ўзлаштириш лозим. Шундагина келин бўлиб тушган хонадониде обрў-эътибор топади.

Оиланинг маънавий асоси ҳам, унинг иқтисодий асоси сингари севишганлардан маълум фазилатларга эга бўлишни тақозо қилади. Оила қургандан сўнг ўз тақдирингиз билан бирга яна бир одамнинг тақдири учун ҳам жавобгар бўласиз, фарзандлар бўлгандан сўнг, уларнинг жавобгарлиги ҳам қўшилади. Буларни олдиндан ҳис қилиш, бу ҳақдаги фикрларни онгга сингдириш лозим. Шундай қилинса, турмуш қурганда довдираб қолинмайди, оила тебратишга киришиш мумкин бўлади. Севги ва оила яхлит бир ҳаёт, унинг ҳар иккаласи мавжуд бўлганда бир умрли бахт яратилади.

Севги — муҳаббатни ҳам умрбод ардоқлаб, асрамоқ зарур.

Ҳаётда турли воқеалар учраб туради. Масалан, йигит билан қиз ўртасида муҳаббат пайдо бўлади. Чин, ҳақиқий муҳаббат. Улар бир-икки йил синашиб, сўнг турмуш қурадилар. Дастлабки ойларда улар ўртасидаги муҳаббат аввалгидек порлаб тураверади. Аммо ордан икки йил ўтар-ўтмас муҳаббат сўнади, эр-хотин бегоналашиб қолишади. Уруш-жанжаллар, нохушликлар бошланади. Нега бундай бўлганига эр ҳам, хотин ҳам ҳайрон. Нима қилишни билмай охири улар бир-бирларини қоралашга ўтадилар, таъна тошларини ота бошлайдилар. «Асли мени севмас экансиз, алдаб юрганингиз билиниб қолди». «Алдаб юрган менми — сизми, битта-яримта яхшироғини топгандирсиз», каби бачкана гаплар чиқа бошлайди.

Хўш, уларнинг муҳаббатига ким раҳна солди? Қим уларнинг тотувлигини ўғирлади? Эр-хотинни муҳаббатдан маҳрум этиб, бегоналаштириб юборган нарса нима?

Уларнинг ораларига учинчи бир киши суқулиб киргани йўқ. Эр ҳам, хотин ҳам ахлоқсизлик йўлига, оилага хиёнат қилиш йўлига ўтмаган. Эр ҳам, хотин ҳам ҳалол меҳнат билан шуғулланишади, ножўя ҳаракатлар қилишмайди. Маълумотли, маданиятли, ҳурмат-эътиборли кишилар. Ундай бўлса ота-она, қариндошлар айбдордир? Йўқ, улар анча узоқда туришади, оилавий муносабатларга кўп аралашаверишмайди. Ёки бўлмаса сила аъзоларидан бирортаси жисмонан хаста бўлиб қолдими? Йўқ, улар соппа-соғ, жисмонан бақувват.

Оилавий муносабатнинг сўнишига эр ва хотиннинг ўзлари сабабчи бўлдилар. Улар муҳаббат деган туйғунинг пайдо бўлиши, шаклланиши ёки баъзан унинг сўнишини яхши билмаганликлари ёки билсалар ҳам илк муҳаббатни сақлаб қолиш ва уни мустаҳкамлаб боришга унча эътибор бермаганликлари туфайли мана шундай нохушлик рўй берди.

Шуни яхши уқиб олиш керакки, илк муҳаббат ҳам худди нозик ниҳол. Эндигина кўқарган ниҳол парвариш-ни талаб қилади. Ўз вақтида тагини ишлаб, сув қуйиб, гармсел шамолларидан ҳимоя қилиб турилса, ниҳол гуркираб ўсади. Ниҳолнинг яхши ўсиши учун сув каби ҳаво ҳам зарур. Шу тариқа шарт-шароит яратилгач, ниҳол вояга етиб, бақувватлашиб, ҳосилга киради. Сиз унинг мевасидан баҳраманд бўлиб, меҳнатларингиз зое кетмаганидан хурсанд бўласиз. Лекин парваришни тўхтатиб қўйсангиз, ўстирган дарахтингиз аста-секин сўлиб, қурий бошлайди.

Муҳаббатни ниҳолга, дарахтга қиёс қилиш бироз ўринсиз туюлади. Аммо улар ўртасида яқин бир монандлик бор. Муҳаббат энг нозик, энг мураккаб инсон туйғулари билан боғлангани учун, уни парвариш қилиш ҳам шунчалик мураккаб ва нозик ишдир. Қимки, бунинг уддасидан чиқолса, оилада муҳаббат сақланади ва барқ уриб яшайди.

Буни яхшироқ тасаввур этиш учун шартли равишда исмлари Баҳодир ва Муяссарлар оиласини, эр-хотин ўртасидаги муносабатларга дахлдор баъзи бир воқеаларни кўриб чиқайлик.

Тўйдан кейин бахтиёр ҳаёт кечира бошлашди. Уй-жой етарли, кийим-кечак, ейиш-ичиш дейсизми, хуллас. ҳеч нарсадан камчилик йўқ. Ҳамма нарса бадас-тир.

Баҳодир — медик, Муяссар эса бўлажак муаллима —

институтнинг охирги курсида ўқийди. Бирга кинотеатрларга боришади, ўртоқлари дўстлари келиб-кетишади. Иккаласининг ҳам қариндошлари узоқда... Шундай бўлса ҳам бири келиб, бири кетиб, келин-куёвни ёлғиз қўйишмайди.

Тўйдан биров ўтар-ўтмас Баҳодир командировкага кетадиган бўлиб қолди. Бунни эшитиб, ёлғиз қолишни ўйлаб Муяссар хомуш тортди. «Кейинроқ борсангиз бўлмасмиди?» деди эркаланиб. Баҳодир ўн беш кунга кетди. Муяссар ҳар кун ё телеграмма, ё хат кутди. Баҳодир ишлар билан овора бўлиб, бунга эътибор бермади. Тўғрироғи, у хотинини, йўлга интизор дилдорасини кўз олдига келтирмади, чамаси. Аммо у ҳам севгилисини соғинар, сафарнинг тезроқ тугашини истарди. Ниҳоят, совға-саломлар билан уйга кириб келди. Муяссар ҳам хурсанд бўлиб отилиб чиқди. Муяссарда қандайдир ички бир ўзгариш рўй берган эди. Аммо бунга Баҳодир сезмади эътибор бермади шекилли. «Соғиндим» деганига Муяссар «соғинган киши битта хат ёзмайдими», дея гина қилди. Демак, Муяссар Баҳодирнинг соғинганига шубҳа билан қаради. Улар ўртасида илк бор шубҳа уйғонди. Аммо Баҳодир бу шубҳани тезда бартараф қилишга унча аҳамият бермади.

Бир кун Баҳодир уйга хафаҳол кириб келди. Диванда хаёл суриб ўтириб қолди. Муяссар: «Қорнингиз тўққа ўхшайди, овқат сузмай қўя қолай», деди. Бу гап Баҳодирнинг ҳушини жойига келтирди. У хотинининг гапига кинояли жавоб қайтарди: «Жуда тўқман». Муяссар ростдан ҳам овқат сузмади. Баҳодирнинг қорни оч эди. Охири чидолмади, зарданамо: «Бугун оч ётамизми, энди?» деди. «Тўқман, дедингиз-ку!». Баҳодирнинг хаёлига: «Ғам-ташвишли пайтларда бир оғиз ширин сўзини аямаса нима бўларкан?» деган фикр келди. «Кундан-кун қўполлашиб кетаяпти, бу киши», деб ўйлади хотини.

Бир пайт Муяссарнинг вужудига югурган ғашлик энди Баҳодирнинг ҳам вужудига синга бошлади. Атрофга нур таратиб, беқиёс порлаб турган севги гулханига бехосдан сув сепилди. Бунга эр ҳам, хотин ҳам сезишмасди. Оилада бўлиб турадиган оддий воқеа-да деб ўйлаб, ўзларини овутишга ҳаракат қилишарди.

Баҳодир бир сафар дўстлар даврасида бўлганида Муяссар уйига кетган эди. Даврада жуда кўп қиз-йигитлар бор эди. Баҳодирнинг рўпарасида битта чирой-

ли қиз ўтириб қолди. У Баҳодирга тикилиб-тикилиб қараркан, Баҳодир ҳам уни кузата бошлади, «жуда келишган чиройли қиз экан», хаёлидан ўтказди ва мулозамат билан «овқатдан олинг», деди, кейинроқ танцага таклиф қилди. Танца тушишаётганида қиз астагина: «Уйланганмисиз?» деб сўради. Баҳодир: «Ҳа» деб жавоб берди. Қиз яна: «Келинойим чиройлимилар?» деб сўради. Баҳодир жавоб ўрнига кулимсираб қўйди. Қиз бундан ўзига яраша хулоса чиқариб олди. Баҳодирнинг юраги бироз сиқилди, у кеча тамом бўлмасидан хайрлашиб уйига кетди. Бўлган воқеа шу.

Баҳодир бу ўринда оилага хиёнат қилгани йўқ. Қиз билан танишишга ҳам қизиқмади, уни кузатиб ҳам қўймади. Лекин Баҳодирда қандайдир ўзгариш бўлди. Буни у сезмади ва сезишни ҳам истамади.

Гап шундаки, олдинлари Баҳодир мана шунақа давраларда қатнашганда, мана шунақа қизларни кузатганда ҳамма вақт Муяссар унинг кўз олдида турар, хотинини даврадаги қизлар билан қиёслар, «Муяссар ҳамма қизлардан яхши, ҳамма қизлардан аъло» деган фикр хаёлини банд қиларди. Хотини гўё ёнида тургандек бўлар, у билан фикран гаплашарди. Лекин бу сафар ундай бўлмади, уни кўп ўйламади, кўз олдига келтирмади, ҳам, рўбарўсидаги қизни: «Яхши экан чиройли экан», деб хаёлан ўйлади.

Муяссар ўқишни тугатди. Кечқурун сўнгги-хайрлашув кечасига боришга тайёрлана бошлади. Хотинининг муваффақиятидан хурсанд бўлган эр кечага бирга борамиз деб ўйлаб, сартарошхонага чиқиб кетган эди. Уйга қайтганида хотини кийиниб бўлганди. У эрига қараб: «Сиз бормасангиз дегандим», деди. Бу эрга жуда қаттиқ ботди, нозик томири узилиб кетгандек бўлди. Қўнглини аллақандай шубҳалар эза бошлади. Нима қилишини билмай, ён қўшнисиникига чиқиб кетди. Эрининг руҳан эзилганини хотин сезмади ёки сезмасликка ҳаракат қилди.

Муяссар нега шундай қилди? Унинг кўнглида бирор ёмон нияти бўлганмиди? Ёки эри билан ёнма-ён ўтиришдан оро қилдими? Йўқ. Унинг кўнглида ҳеч қандай ёмон нияти йўқ эди. Эри билан неча бор ёнма-ён ўтирган ва ҳар сафар бундан фахрланган эди. Муяссар беш йил бирга ўқиган қизлар билан бирга ўтиришни ўйларкан, гўё турмуш қўрмагандек бўлиб ўтиришни, қизлар билан қизлардек ўйнаб кулишни қўмсади, ҳар

қандай ёш келин бир-биригизни йил қизлик даврини қўмсаб юради. Айниқса, дугоналари — қизларни учратганда улар билан бирга бўлганда, оилани эканини бир дам унутгиси, қизлар билан қизлардек ўйнаб-кулгиси келарди. Аммо Муяссар шуни Баҳодирга аниқ тушунтирмасдан хато қилди.

Шундан сўнг улар ўртасида совуқлик, келишмоқчиликлар тез-тез чиқадиган бўлиб қолди. Баҳодирнинг яқин бир ўртоғи уйланадиган бўлди. Тўйга Баҳодир билан Муяссар ҳам таклиф қилинди. Уша кезлари ўртоғига дурустроқ ёрдам беришга Баҳодирнинг қўли «калта» эди. Тўйга боришга ҳозирлик кўраркан эр хотинга бундай деди: «Яқин дўстимиз, қуруқ борсак бўлмас. Мана шу сервисни олиб борайлик, тез орада ўрнига бошқа олиб қўямиз». У сервантда турган, ўз тўйларига совға қилинган сервисни назарда тутаётган эди. Муяссарнинг кўзларидан ўт чақнаб кетди. «Уйдаги нарсани олиб боришни хаёлингизга ҳам келтирманг. Яхшиси биронтадан қарз олинг», деди.

Эр хаёлга чўмиб:

— Шу пайтда кимдан ҳам қарз олиш мумкин,— деди.

Хотин эрни қаттиқ жеркиб берди:

— Тўйга борадиган одам олдин совғани тайёрлаши керак. Қўли қисқа одамга тўйга боришни ким қўйибди. Бу гап эрнинг жон-жонидан ўтиб кетди.

Жаҳл билан ўрнидан турди-да сервантдаги сервисни «мана-мана» дея битта-битта ҳовлига улоқтира бошлади. Хотини унинг қўлларига ёпишди, у хотинини итариб юборди ва сал жаҳлдан тушиш учун кўчага отилди...

Баҳодир ҳам, Муяссар ҳам тўйдан олдинги ва тўйдан кейинги дастлабки пайтларини эслашади, нега буннақа бўлиб қолишганига ҳайрон бўлишади, охири чора тополмай, бир-бирини қоралашга ўтишади.

Агар улар бир-бирларига нисбатан доимо диққат-эътиборли бўлишганда, ҳар бир кўнгилсизликнинг олдини тез олишганда, энг муҳими ўрталаридаги севгини сақлаб қолиш ҳақида қайғуришганда, севги уларни бир умр тарк этмаган бўларди.

Хўш, муҳаббат шундай олижаноб фазилат ва инсон ҳаёти учун катта аҳамиятга эга экан, нега айримлар муҳаббатга енгил-елпи қарашади, баъзи бировлар ҳатто чин муҳаббатнинг борлигига шубҳаланишади ҳам?!

Бунинг сабаблари бор, албатта. Севги-муҳаббат инсон ҳис-туйғуси билан чамбарчас боғлиқ, МУҲАББАТнинг пайдо бўлиши ва шаклланиши кишида туйғулар мўл ва софлигини, ҳаётдан, гўзалликдан таъсирланиш ва лаззатлана билишни талаб қилади. Ҳислари бачкана, туйғулари қашшоқ ва ожиз бўлган одам юксак севги нималигини тушунишдан маҳрум. Ҳаётга синчковлик билан разм солсак, муносабатларга жиддий эътибор берсак, икки жинсни бирлаштириб турган нарса баъзан ўзаро қизиқишдан юқори эмаслигининг гувоҳи бўламиз. Бу ҳолат севги-муҳаббатсиз ҳам яшайвериш мумкин, деган хулосани келтириб чиқаради ва бу бемаъни, фикр баъзи ёшларни ҳали ҳам чалғитмоқда. Хўш, севги-муҳаббатсиз, ўзаро ҳурмат ва тушуниш асосида ҳам яшай-верса бўлмайдими?! Йўқ, муҳаббат инсон ҳаётининг таркибий қисми, инсон туйғусининг гўзал ифодаси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверади. Муҳаббат, инсоннинг доимий йўлдоши, ҳаётнинг безаги, умрнинг лаззати бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Севги-муҳаббатнинг намоён бўлиши ва кишиларга бахт-саодат бағишлашига халақит бераётган иккинчи сабаб — гарчи камдан-кам бўлса-да, чин севги фақат китобларда, спектакль ёки кинофильмларда бўлади, ҳаётда асл севгини учратиш амримаҳол деган ўй-фикрда бўладилар. Улар севги-муҳаббатга бағишланган китобларни ўқиганларида, театр ёки кинофильмни томоша қилганларида қаттиқ ҳаяжонланадилар, севгининг яратувчилик кучига қойил қоладилар, севишганларга ҳавас қиладилар, севги душманларидан нафратланадилар, аммо ҳаётда бепарво бўладилар, чин севги-муҳаббатни сезмайдилар ёки фаҳмамайдилар.

*Севги-муҳаббатга ота-онанинг муносабати.* Ота-оналарнинг ўз ўғил қизлари қалбида уйғонган илк муҳаббат ҳиссига бефарқ қарашлари ёки сўраб-суриштириш ўрнига «менинг айтганим бўлади» қабилида иш тутушлари кўпинча ёмон оқибатларга олиб келади.

Тўғри, ҳеч бир ота-она фарзандига ёмонликни раво кўрмайди. Бироқ тушунмовчилик, қайсарлик, ўз билганидан қолмаслик ҳоллари ҳамон учраб туради.

Ота-оналар фарзандларининг юрак дардларини диққат билан тинглашлари, агар фарзандлари ҳақиқий севги оғушида бўлса, уларнинг муҳаббати икки томонлама ва давомли бўлса, унда фарзандларининг бахтиёр бў-

лиши, қовушиб, ширин оила қуришлари учун имконият яратишлари даркор.

М. исмли аёл шундай ҳикоя қилади:

«Мен беш фарзанднинг онасиман, ёшим 50 да. Икки ўғлимни уйлантириб, бир қиз чиқарганман. Учинчи ўғлим мактабда ўқиб юрган пайтларида бир қиз билан аҳду паймон қилган экан. Ўғлим мактабни битиргач институтга кириб ўқий бошлади. Сўнг ҳарбий хизматга чақирилди. Икки ёш бир-бирларига хат ёзиб юрганлари менга маълум эди, бундан қувонардим. Лекин ўғлим армиядан қайтишига уч ой қолганида ўша қизнинг ўқи-мишли, маданиятли ота-онаси (иккаласи ҳам ўқитувчи) уни бошқа йигитга мажбуран узатиб юборишди. Ўғлим тақдирининг бу кутилмаган зарбасидан изтироб чекди, анча вақтгача ўзига келолмай, ўша қизни унутолмай юрди».

Бизнингча, ҳар бир ота-она ўз фарзандига вояга етган, ақл-ҳуши тўлишган, ўзининг мустақил ўй-фикрларига эга инсон деб қараши, уни қалбдан тушуниши, бахтига, муҳаббатига зомин бўлмаслиги, турмушнинг тўғри йўлини топишда ёрдам бериши керак.

Айниқса, она қиз боланинг энг яқин ҳамдарди, биринчи сирдоши бўлмоғи керак. Она қизни секингина ёнига чақириб қалбига қўл солиши, ҳис-туйғуларининг барқарор ёки барқарор эмаслигини аниқлаши, унинг ҳаёт турмуш ҳақидаги тасаввурини ўз кўрган-билганлари асосида бойитиши керак. Ана шунда қиз бола ҳам кўнглини очади, онанинг панд-насиҳатларини қулоғига қўйиб олади. Менимча, ўғил ва қизларнинг ўзаро дўстлиги, ҳамфикрлигини тескари тушунмаслик, аксинча бундай ҳолатларда вазмин, ҳаёт тажрибалари, ақл йўлидан бориб иш юритиш, ёшлар ҳаётдаги энг улкан бахти, муҳаббатидан жудо бўлмаслиги керак.

Ёшлар ҳам ўз бахтлари учун курашмоқлари лозим. Ута уятчанликка бориб, ота-оналари амрига итоаткорона бўйин эгиш — ўз бахтига ўзи зомин бўлишидир. Мана, бир мисол: Шарофат жуда уятчан қиз бўлган. Бир севган йигити бор эди. Бир кун нотаниш йигит унга севги изҳор қилади. У уялиб ўзини йўқотиб қўяди. Йигит сукут розилик аломати деб тушунади. Байрамда унга совға тақдим этади. Қиз уялиб қандай қилиб совғани олганини билмай қолади. Йигит қизнинг уйига совчи юборади. Ота-онаси қизнинг розилигини сўрашади. Ушанда ҳам ота-онасидан андиша қилиб ичидаги гап-



ларни айта олмайди. Тўй бўлиб ўтади, қиз уятчанлиги натижасида севганига етиша олмайди. Дардини ичига ютади. Ҳеч қанча вақт ўтмай оғир касалликка чалинади. Бундан ота-онаси, турмуш ўртоғи ҳам ташвишга тушади...

Агар у онасига ўз қалбини, севгисини, ўзининг энг нозик сирларини ётиги билан тушунтирганида, онаизор уни тушунарди. У бахтли тақдир эгаси бўлиши мумкин эди. Ҳаётда ақлу фаросат билан, дўсту қариндошларнинг фикри, маслаҳатини инobatга олган ҳолда иш юритган одам кам бўлмайди.

«Севги мислсиз қудратга эга: дунёда унинг ғамига йўлиқшдан оғирроқ жазо йўқ, ундан баҳраманд бўлишдан ортиқроқ бахт йўқ», — деган Шекспир.

Ешлар, севги учун қаттиқ туриб, муҳаббат шунчаки ҳавас эмас, ҳақиқий, ҳар қандай майда-чуйдалардан юқори турувчи пок эътиқод эканлигини, тақдири учун жон-дилдан куюнувчи ота-оналарига, қариндош уруғларига, дўсту ёрларига исботлаши керак.

#### Амалий машғулот

Тема: *Севги-муҳаббат ҳақида*

1. Ф. Энгельс сўзи билан айтганда: «Машаққатлар орасида энг олижаноби, энг юксаги ва энг индивидуали муҳаббат машаққатидир». Нега?

2. Чин севги-муҳаббатни қандай тушунмоқ керак?

3. Қиз ёки йигит бировни севиб қолса, қандай иш тутгани маъқул?

4. Қиз ёки йигит бировни севиб қолса, аммо у бошқани севса, у ҳолда нима қилиш лозим?

5. Қиз бола оилали эркакни севиб қолса-чи?

6. Қиз бола номусига доғ тушириб қўйса-чи?

7. Қиз ёки йигит бировни севса, аммо ота-она унга розилик бермаса-чи?

8. Севгида, оила қуришда янглишмаслик учун нималар шарт?

9. Севган кишинг сенга бевафолик қилса-чи?

10. Йигит билан қиз ўртасидаги самимий дўстлик муносабатининг севгига айланиши.

11. Севги-муҳаббат билан оилавий турмуш қургандан сўнг йигит ва қиз ўртасидаги муҳаббатни бир умр асраш ва ардоқлаш.

## 5- §. Ахлоқий эркинлик ва бурч

Усиб улгайиш ҳар жиҳатдан — жисмоний ҳам, унга уйғун ҳолда ақлий, эстетик, ахлоқий жиҳатдан ҳам мутаносиб бўлмоғи керак.

*П. Ф. Лесгафт*

Ахлоқий эркинлик ва бурч тушунчалари фалсафий категориялар бўлиб, ижтимоий характер касб этади. Ҳозирги шароитда ахлоқий эркинлик ва бурч тушунчаларига жиддий эътибор берилиб, унинг мазмунидаги янги қирралар изоҳланмоқда.

Ахлоқ ижтимоий онг формаларидан бири бўлиб, муайян жамиятда яшовчи кишилар амал қилиши зарур бўлган хатти-ҳаракат нормалари, принциплари, қоидалари йиғиндисидир.

Коммунистик ахлоқлилиқ деганда жамият аъзоларининг барча хатти-ҳаракатларида, турмуш тарзларида шу юксак принцип ва нормаларга тўла амал қилиши англашилади.

Ахлоқ одамларнинг бир-бирларига, жамиятга, давлатга, халқ мулкига, оилага, ишлаб чиқариш воситаларига, меҳнат маҳсулотларига муносабатини муайян тартибга соладиган принцип — нормалар системасида намоён бўлади.

Одоб — одамнинг жамоат, эл-юрт, орасида ўзини тутиши, бошқалар билан қай йўсинда муомала қилиши, ўз турмуши, маишати ва бўш вақтини қандай ташкил этиши, хуллас, шахснинг кундалиқ хулқ-атвори, юриш-туриши, хатти-ҳаракати қандай бўлиши лозим ва маъқул экани хусусида бахс этади. Аниқроғи, ахлоқ кишининг ички олами, эътиқоди, фазилатлари, сифатида мавжуд бўлса, одоб шахснинг кўзга ташланадиган мулозамати, хулқ-атвори, муомала-муносабати тарзида намоён бўлади. Ахлоқ кишидан конкрет вазиятда қандай хатти-ҳаракат қилиш кераклигини яхши ўйлаб, шулардан мақсадга энг мувофиғини танлашни талаб қилса, одоб ўз қондаларининг одат тусига киришини, яъни одам ҳар қандай вазиятда ана шу (одамийлик) одатини намоён қилишини тақозо этади. Ҳар бир одам хусусида, одатда, унинг фаолиятига, қандай иш билан шуғулланишига,

бу фаолияти ва иши коммунистик ахлоқ нормаларига, социалистик турмуш қоидаларига, жумладан, социалистик қонунга мувофиқ ёки хилоф эканлигига асосланиб муайян фикр айтилади.

КПСС XXVII съезди ўртага қўйган улугвор вазифалар ичида шахсни ахлоқий камол топтириш ҳам муҳим ўрин тутади. Съездда таъкидланганидек, «Социализм — юксак ахлоқ жамиятидир. Инсон ҳалол, номусли, пок қалбли. ўзига талабчан бўлмасдан туриб, ғоявий, инсон бўлиши мумкин эмас... Жамиятнинг етуклик даражасини ошириш, коммунизм қуриш — онгнинг етуклигини муттасил ошира бориш; инсоннинг маънавий дунёсини бойитиш демакдир»<sup>1</sup>.

Совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм, социализм ғалабаларини ҳимоя қилишга тайёр туриш ғояларини меҳнаткашлар, жумладан, ёш авлод онгига сингдириш партиянинг энг асосий вазифаларидан бири бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Бу ҳақда улуг совет педагоги В. А. Сухомлинский шундай деган эди: «Тарбияланувчини болалик чоғиданоқ Ватаннинг бугуни ва келажаги тўлқинлаштиришига эришиш — унинг ўсмирлик йилларида маънавий бузилиши олдини олишнинг энг муҳим шартларидан биридир. Гражданлик фикрлари, туйғулари, ташвиш-хавотирлари, гражданлик бурчи, гражданлик масъулияти — инсоний кадр-қимматининг асосидир.

Коммунистик ахлоқнинг муҳим хусусияти империалистлар ва уларнинг малайларига, инсониятга душманлик, ирқчилик, ва миллий-адоват ҳамда уруш уругини эсмоқчи бўлганларнинг ҳаммасига нафратдан иборат. Бу нафрат — муқаддас, олижаноб туйғу, у инсонни улуглайди».

Маълумки, кундалик ахлоқ нормаларини мустаҳкамламасдан, меҳнат интизомига қатъий риоя қилмасдан, кишиларнинг ташкилотчилиги ва масъулиятини юқори поғонага кўтармасдан туриб, ишлаб чиқариш самарадорлигига ҳам, фаровон ижтимоий турмушга ҳам эришиб бўлмайди. Шундай вазиятни вужудга келтириш ахлоқий тарбиянинг вазифасидир.

Одоб-ахлоқ қоидаларини билиш билан, уни амалда қўллаш ўртасида ўзаро бирлик бўлиши даркор. Киши-

---

<sup>1</sup> «Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVII съездининг материаллари» Т., «Ўзбекистон», 1987, 101, 103-бетлар.

нинг амалий фаолияти ва хулқ-атвори унинг ғоявий ва ахлоқий эътиқодига мувофиқ келиши лозим.

Бизда ҳар бир совет граждани учун ижтимоий эркинликлар, жумладан ахлоқий эркинлик берилган. Социалистик жамиятда меҳнаткашлар умумий мақсад, умумий иш, умумий интизом асосида ўз қобилиятларига яраша ишлайдилар. Жамиятнинг тартиб-қоидалари ҳамма иш учун баробардир.

Жамият манфаати ҳар бир кишидан ишда, юриш-туришда, ўзаро муносабатда коллективнинг, социалистик турмушининг тартиб-қоидаларини ҳурмат қилиб, унга риоя этишни тақозо қилади.

Эркинлик — тарихий тараққиётнинг самараси. Эркинликнинг реал моҳияти ижтимоий тузумнинг моддий ва маънавий имкониятларига боғлиқдир.

Албатта, социалистик жамиятда эркинлик қандайдир чексиз нарса эмас. Бунда энг аввал ишлаб чиқариш даражаси билан боғлиқ чеклашлар бор. Шунингдек, социалистик жамият ўз табиатига зид ва меҳнаткашларнинг умумий манфаатларига қарама-қарши ҳар қандай ҳаракатларни тақиқлайди. Ватанга, социалистик мулкка ҳамда меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига, хиёнат қилган шахсларни шафқатсиз жазолайди. Бундай тақиқлар ва жазо чоралари ўз моҳияти билан социалистик жамиятнинг барча аъзоларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Ошкоралик, социал адолат, демократия асосида моддий-маънавий шарт-шароитларнинг яратилиб бориши, ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга меҳнатига яраша принципининг ривожланиши мамлакатимизда рўй берган турғунлик даврининг маънавий таъсири қолдиқлари бартараф қилиб борилиши билан кишилар тобора кўпроқ турмуш нормаларига ихтиёрий равишда амал қилишга кўникиб борадилар. Бундай шароитда жамият тартиб-интизомига мажбурий суратда эмас, балки ихтиёрий равишда риоя этила бошланади. Бу ҳол барча соҳаларда шахс эркинлигининг янада кенгайиб боришини таъминлайди.

Социалистик жамиятдаги ахлоқий эркинликнинг асл моҳиятини ғарб «советологлари» атайин бузиб кўрсатишга ҳаракат қилишади. Улар бизда умумжамят ахлоқ нормалари мавжудлигини чекланганлик деб изоҳлайдилар. Уларнинг фикрича, кийиниш, юриш-туриш, ахлоқий поклик, ижтимоий ишлаб чиқариш воситаларини

га нисбатан маълум муносабат ва бурчнинг ўз принциплари борлиги синфий характер касб этиб, шахс эркинлигини таъминламас эмиш. Бу билан улар буржуа ахлоқи ҳам синфий эканини инкор этмоқчи бўладилар. В. И. Ленин таъкидлаганидек, маънавий муносабатлар ҳамisha синфий характерга эга бўлиб қолаверади. Шундай экан, «ахлоқ эркинлиги» ниқоби остида расмий фохшиахоналар мавжудлиги, оила, жамият, Ватан олдидаги бурчни ҳис қила билмаслик буржуача ахлоқ нормаларининг кўринишлари холос.

Ахлоқий эркинлик бурч масъулиятини инкор қилмайди, балки тақозо этади.

Бурч шахснинг оила, коллектив, жамият, Ватан олдидаги маънавий мажбуриятидир.

Ёшларнинг бурчи жамият талаб қилган вазифаларни қатъий, чуқур тушунган ҳолда бажаришдан иборатдир. Бу уларнинг билим эгаллаш учун курашидан, ўзларида ижобий ахлоқий-иродавий сифатларни таркиб топтириш ва мақсадга эришишга тўқинлик қиладиган ҳамма қийинчиликларни енгишидан иборат. Ёшлар аъло ўқиш, жамоат ишларида актив қатнашиш билан, яхши хулқ-атвори, амалий ишлари билан коммунизм қурилишига ўз ҳиссаларини қўшган бўладилар.

Ҳар бир инсон, шу жумладан, ёшлар бурчни — кишининг маънавий мажбурияти эканини, маънавий мажбуриятни киши ҳар қандай шароитда ҳам ўзига қўйилган талаб сифатида албатта бажариш кераклигини билиши зарур. Бурчга масъулиятсизлик жамиятга зарар етказиш, кишини субутсиз, худбин қилиб қўйиши мумкин.

Фараз қилайлик, ёш эр-хотин шароитлари бўла туриб фарзандларини болалар уйига, ота-оналарини қариялар уйига ташлаб қўядилар, йигит мажбурий ҳарбий хизматдан бош тортади, қиз қишлоғида яшашни «ор» деб билади ва ҳоказо. Бундай ҳаётий воқеалар айрим ёшларнинг жамият олдидаги, туғилиб ўсган юрти, халқи, оиласи, ота-онаси олдидаги бурч ва мажбурияти маънавий зарурат эканлигини тушуниб етмаслигининг натижасидир. Шунингдек, бизнинг жамиятимизда шахсий ва ижтимоий мақсадлар ягона талабга айланган зарурат эканини англамасликдир.

Оилавий муносабатларни шакллантириш ва тарбиялаш ишида бурч ахлоқ нормаларининг бир кўриниши эканига алоҳида эътибор бериш лозим.

Педагог суҳбати:—Тарбиянинг ахлоқий асослари бир-мунча кенг тушунча бўлиб, у ахлоқий эркинлик, бурч, виждон, масъулият каби қатор категорияларни ўзида мужассамлаштиради. Суҳбатимиз чоғида ҳаётий мисоллар билан бу бирликларни таҳлил қилиб кўрамиз.

Ахлоқий эркинлик — кишининг хатти-ҳаракати, хоҳиш-истагини турли йўллар, одатлар, қонунлар билан чеклаб қўймасликдир. Лекин бу эркинлик биз нимани тўғри, нимани мақбул деб билсак, шуни қила олишимиз мумкин, деган маънони ҳам англатмайди.

Совет кишиларининг ички дунёси, маънавий қиёфасига бир назар ташлаб, коммунистик ахлоқ принциплари ҳақида фикр юритар эканмиз, бизнинг ахлоқимиз нималарни маъқул топиши равшан бўлади. Совет кишилари ўз хоҳиши билан қўриқ ва бўз ерларни, жумладан, бепоён Сурхон-Қарши даштларини, Новгород ва Сибирь ботқоқликларини ўзлаштириш учун мардонавор меҳнат қилмоқдалар. Бу баландпарвоз, қуруқ гаплар эмас, балки ҳозирги кунимизда оддий воқеа бўлиб қолган кишиларимизнинг мардликларидан биргина мисолдир. Бу кишиларни ҳеч ким чўлга борасан, деб мажбур қилмаган. Ҳеч ким уларни иссиқ ўрнини совитишга, ҳузур-ҳаловатдан кечиб, шафқатсиз табиат билан курашишга, қийинчиликларга бардош беришга мажбур этмаган. Бу хайрли ишга уларнинг маънавий бурчи ва фаровон турмуш кечириш истаги йўллаган.

Лекин... Шу «лекинлар» баъзан кишини жуда ранжитади. Уларни айтиб ўтиш жоиздир. Лекция заллари, аудиторияларда айрим стол ва стулларга ўйиб ёзилган турли исмлар, бемаъни шеърлар, оғизга олиб бўлмайдиган сўзларни кўриб бир нарсага ажабланасан. Ахир бу ерда бўлажак педагоглар таълим олишади-ку. Бу ўқув қуроллари, бинолар фақат улар учун, ота-оналарнинг пешона тери туфайли бунёд этилган нарсалар-ку!

Бир мисол. Айрим студентларнинг ўзлари яшаётган ётоқхонага муносабатларини кўриб киши ранжийди, унда «Наҳотки, бу ёшлар ўз уйида ҳам шундай бефарқ бўлишса», деган савол туғилади. Афсуски, фахрланса арзийдиган одобли студентлар орасида ҳам шунақанги ноҳус ҳодисалар учраб туради.

Бугунги темага буларнинг нима алоқаси бор дерсиз?

Бевосита алоқаси бор. Чунки стол, стулларни эҳтиётлаб, аудитория ва ўқув залларини лекцияга устозларнинг огоҳлантиришисиз тайёрлаб қўйиш, ўзи яшаётган жойларни озода тутиш, ётоқхонада ишлайдиган фаррошларнинг меҳнатини ҳурматлаш, санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш ҳам студентларнинг ўз маънавий мажбуриятларини қанчалик тушуниши, ҳис қилишини кўрсатади. Буларни студентлардан ҳадеб талаб қилиб туриш, уларни мажбур қилиш, тергаш шартми? Ўзлари шу камчиликларни бартараф қилишлари, ўрни келганда баъзи ўртоқларга тушунтиришлари, танбеҳ беришлари зарур. Бу ҳам студентларнинг маънавий бурчидир.

Инсон жамиятдан ташқарида эмас, балки унинг аъзоси сифатида бирор коллектив муҳитида яшайди. Шунинг учун кийиниш, юриш-туриш, кишилар билан муносабатда бурч, масъулиятни унутмаслик керак. Гоҳи жуда яхши кийинган йигит ёки қизни юриш-туриши, ташқи кўринишига қараб одобли бўлса керак, деб унга ҳавасимиз келади. Лекин ўзи билан гаплашганда қўполлиги, коллективни менсимаслигини кўриб ажабланамиз, унинг ҳақидаги фикримиз ўзгаради қолади. Баъзан жамоат йиғилган жойда оғзидан боди кириб, шоди чиқаётган саёқ йигитни атрофдагилар тартибга чақирмоқчи бўлади, у эса «Нима, оғзимга хўжайинмисиз, ўз эрким ўзимда», деб жавоб беради. Бизнингча, бу ҳар иккала ёш ҳам ахлоқ эркинлиги меъёрини тўғри ҳис қилмаслигини кўрсатади.

Маълумки, студентларнинг кўпчилиги областлардан келишган, ётоқхонада туришади. Уларнинг деярли аксарияти, мен ётоқхонада яшайпман, нима қилсам ихтиёрим ўзимда, демайди. Улар маънавий жавобгарликни ҳис қилишади, ўзларига талабчан бўлишади, бир-бирларини тергаб туришади.

Ҳар бир совет кишиси, жумладан, ёшлар ҳар қанча эркин бўлган тақдирда ҳам жамият олдида, коллектив олдида ўз бурчини, маънавий масъулиятини унутмаслиги даркор.

Ахлоқ кишининг юриш-туриши, одоби, ақл-идроки, хулқ-атвори, характери, коллективда ўзини тутиши, хуллас, бутун инсонга хос хусусиятларини намоён қилиши билан белгиланади. Ахлоқ инсон ҳаётида муҳим роль ўйнагани учун ҳам жамият кишиларига хос фазилатлар коммунизм қурувчисининг ахлоқ нормалари қилиб белгиланган.

Мамлакатимизда кишиларга яхши шарт-шароит, имконият ва, ниҳоят, ахлоқ эркинлиги ҳам берилган. Лекин бу эркинликдан ўринли фойдаланиш, меъёрдан ошмаслик керак.

Киши ахлоқ эркинлигини тўғри тушуниб, жамият олдидаги бурчи, вазифасини унутмаслиги, ўзининг беўхшов хулқ-атвори, юриш-туриши билан одамларни ранжитмаслиги лозим. Масалан, студентларни олайлик. Уларнинг ўқиши учун барча имкониятлар яратилган. Уқув заллари, узоқдан келганлар учун ётоқхоналар бор, дарсдан бўш вақтларида кино, театрларга бориш, кўнгилли кечалар ўтказиш ва бошқа эркинликлар берилган.

Мен бу қизни кўпдан кузатаман. У ўз вақтида ўқиш ва ўз вақтида бошқа нарсалар билан шуғулланади. Атрофдагилар унинг одоби, юриш-туришига ҳавас қиладилар. Бир кун у дугонасига бир жойга бирга боришга ваъда қилган эди, лекин ўша кун унинг қандайдир зарур иши чиқиб қолиб бора олмаслигини айтди. Уртоғи ундан хафа бўлмади, аксинча, уни ҳурмат қилиб, кечирим сўраб, атайлаб келганидан хурсанд бўлди. Бу, қизнинг ахлоқий эркинлик ҳамда бурч-масъулиятини тўғри тушунишидан далолат беради.

Аъло ва яхши баҳоларга ўқиса-да, ахлоқ-одоб бебида бебурд, коллектив олдидаги маънавий жавобгарлигини унутиб қўядиганлар ҳам учрайди. Кези келганда шунини айтиш ўринлики, бундайларнинг номаъқул қилиқларини вақтида айтиш, уларни кўпчилик ўртасида уялтириш, айбига иқдор бўлиб, тўғри йўлга тушиб олгунича кузатиш керак.

Ҳар бир йигит ва қизнинг ўзи туғилиб ўсган қишлоғи, ота-онаси олдидаги бурчи ҳам одобу ахлоққа киради.

Бурчни, маънавий жавобгарликни ҳис этиш масъулият дейилади. Бу сўзни ҳамма, шу жумладан, ёшлар ҳам бирдай тушунади. Аммо ёшлар орасида ана шу маънавий жавобгарликни унутиб қўядиганлар учраб турибди.

М. исмли йигит илм олиш иштиёқида пойтахтнинг олий ўқув даргоҳларидан бирига кирди. Йиллар биринкетини ўтиб серзавқ, серҳаяжон студентлик ҳаёти ортда қолди. У энди олий маълумотли мутахассис. Нима қилиши керак? Қадрдон қишлоғига борсинми ё шу ерда бирор ишга кирсинми? Унга кейинги фикр маъқул туш-



ди, шаҳарда ўз мутахассислиги бўйича ишга қолдиришларини сўраб ўқув юрти маъмуриятига мурожаат этди. Унинг илтимоси қондирилди. Тез орада ишга қабул қилингани ҳақида тўлиб-тошиб ота-онасига мактуб йўллади.

Йигитнинг омади келди. Марказда яшаш, обрўли ерда хизмат қилиш унинг дилини ифтихор туйғуларига тўлдирди. Вақт-вақти билан ота-онасига мактуб йўллаб, улардан ҳол-аҳвол сўраб турди. Моддий томондан ҳам қўлидан келганича ёрдамни аямади. Мактуб орқали қилинаётган ғамхўрлик, у юбораётган пуллар, ойда-йилда бир бориб бир-икки кун туриб келишлар ота-онасини қаноатлантирадими-йўқми, ўзининг укасингиллари билан секин-аста бегоналашиб бораётгани уни сира ўйлатмасди. Йигит меҳр кўзда эканлигини унутиб қўйди. Эҳтимол бу бепарволик бир кун эмас бир кун армон бўлиб унинг қалбига тошдек чўкмасмикин?

Ҳар бир инсон, шу жумладан, ёшлар бурч-кишининг маънавий мажбурияти эканини, маънавий мажбуриятни киши ҳар қандай шароитда ҳам ўз олдига қўйилган талаб сифатида, албатта бажариши кераклигини билиши зарур. Бурчга масъулиятсизлик жамиятга қанча зарар етказиши, кишини субутсиз, худбин қилишини ҳам билиб қўйганлари маъқул.

*Топшириқ:* Қуйидаги саволларга «Мулоҳазалар дафтари»нгизга жавоб ёзинг:

- Сиз ахлоқий эркинликни қандай тушунасиз?
- Маънавий жавобгарликни-чи?
- Ота-онангиз, дўстларингиз олдидаги масъулият ва бурчингиз нималардан иборат?

ФАРЗАНД — УМР МЕВАСИ

1-§. Совет оиласи ва болалар тарбияси

Оила ҳаётининг бош муддао ва мақсади болалар тарбиясидир. Болалар тарбиясининг бош мактаби эса эру хотин, ота-онанинг ўзаро муносабатидир.

*В. А. Сухомлинский*

Фарзанд — оиланинг қувончи, ота-онанинг таянчи. Шунинг учун ота-боболар ўз мақолларида эр-хотинга фарзандларни кўпайтиришни ва бу билан жамиятнинг тараққиётига ҳисса қўшишни тавсия қилганлар: «Ўнта бўлса ўрни бошқа, қирқта бўлса — қилиғи», «Боланинг йўғидан бори яхши, очидан тўқи яхши», «Хотинсиз ўтиш — хато, боласиз ўтиш жафо», «Ўғли йўқнинг ўрни йўқ, қизи йўқнинг — қадри йўқ», «Ўрада ёт-да, ўғил туғ», «Туғиладиган болага тўғаноқ бўлмас», «Болали уйдан бахт аримас», «Олти ўғиллининг олти аршда моли бор» (Арш — эътиқодли тушунчага кўра осмоннинг энг юқори қисмидаги сарой, тахт, кўчма маънода ҳар қандай одамга ҳам муяссар бўлавермайдиган олий мартаба ёки юксак жой, тахт, салтанат), «Қўй эгиз туғса, чўпнинг боши айри тугади» (чўп — ўт-ўлан), «Оғилда ўғлоқ туғилса, адирда ўти униб чиқади.» (Ўғлоқ — эчкининг эмизикли боласи). Кейинги икки мақолда эр-хотинларга «Болам кўпайиб кетса, уларни боқишга қийналиб қоламан, деб қайғуриб юрманг, ҳар бир боланинг ўз ризқи бор», дейилмоқчи.

Халқ мақолларида яхши ва ёмон фарзандларнинг феъл-атвори, юриш-туриши, хатти-ҳаракати, гап-сўзи, қилиқлари, ота-онага ва бошқаларга тегадиган фойдаси ҳамда зиёни ҳар томонлама ифода этилади: «Яхши бўлса — бола, ёмон бўлса — бало», «Яхши қиз ёқадаги қундуз, яхши йигит — кўкдаги юлдуз», «Қобил фарзанд — жонга пайванд», «Яхши қиз эрта туриб соч тарар, ёмон

қиз эрта туриб нон сўрар», «Яхши ўғил уй тузар, ёмон ўғил тўй бузар», «Қобил ўғил отга миндираар, ноқобил ўғил отдан йиқитар», «Ёмон бўлса боласи, камон бўлар отаси».

В. И. Ленин революциядан кейинги дастлабки йиллардаёқ мамлакатда болалар тарбияси ишига жуда катта аҳамият бериб социализмнинг келажаги янги кишининг тарбиясига боғлиқ, деб таъкидлаган эди. Чунки социалистик жамият саводли, эътиқодли, социализмга садоқатли бўлиш билан бирга фаол, излашувчи, демократия шароитида яшай ва ишлай олувчи, социалистик маъсулиятни ҳис қила билувчи граждандарга муҳтож. Граждандлик эса ёшлиқдан тарбияланади. Шунинг учун ҳам бизнинг мамлакатимизда болалар тарбиясига умумхалқ ҳамда умумдавлат иши сифатида қаралади.

Тарбия бутун бир социалистик институтлар системасини ташкил этади. Мактабгача тарбия ўчоқлари, мактаб, олий ўқув юртлари, меҳнат коллективлари, оила шулар жумласидандир.

Оила коммунистик тарбия системасининг муҳим звеносидир. Шунинг учун КПСС Программаси ва СССР Конституциясида совет оиласини мустаҳкамлаш ва болалар тарбиясида ота-оналар маъсулиятини оширишга алоҳида эътибор берилган. Ота-оналарнинг бурч ва фазилатлари белгилаб берилган.

Фарзанд ота-онанинг қувончи, хонадонга эрмаккина эмас, балки у умр меваси, оила фахри, келажаги, бахтидир.

Инсоннинг қандай киши бўлиб етишиши кўп жиҳатдан оиладаги тарбияга, ота-онанинг маъсулиятига, бола тарбиясининг умумий қонуниятларини яхши билишга ва ҳаётда уларга қанчалик амал қилишига ҳам боғлиқ. Болаларнинг ҳозирги кундаги интилишлари биргина оилавий манфаатлар билан чекланмайди.

Тарбия — кўп қиррали, узоқ давом этадиган жараён-дир. Болани ўраб олган муҳитнинг ҳаммаси — одамлар, нарсалар, ҳодисалар унинг онгида, хулқ-атворида маълум из қолдиради, уни ўзгартиради ва ўстиради. Ота-оналик бурчи мана шу ўсишни зийраклик билан бошқариб бориш зарур. Ота-онанинг меҳри, муруввати, ғамхўрлиги болалар учун сув ва ҳаводек зарур.

«Агар Сиз граждандан — фуқаронни туғиб қўйиб, уни ўз меҳрингиздан бенасиб қилсангиз, марҳамат қилиб, жамиятти бу разил ниятингиздан огоҳ этиб қўйинг,— дей-

ди улуғ совет педагоги А. С. Макаренко.— Ота-она меҳридан бенасиб ўсган болалар кўпинча майиб кишилар бўлиб етишадилар».

Баъзи бир нобоп болаларнинг ёмон қилиқларини, улар ота-оналарини хўрлашини кўрсак одатда ғазабланимиз, уларни койиб тартибга чақириб қўямиз. Аммо шундай пайтларда бир адолатсизликка йўл қўямиз. Болада пайдо бўлган ёмон хулқ-атворда ота-онанинг ҳам айби борми-йўқми, бу ёғи билан ишимиз бўлмай қолади. Ҳолбуки, хулқ-атвори ёмон болаларнинг аксарият қисми асосан ота-онанинг парвосизлиги ёхуд ёмон тарбиянинг маҳсулидир. Баъзи ота-оналар фарзандларининг уст-бошлари, қоринлари ғамини ейишади-ю, маънавий ва жисмоний эҳтиёжларини аввал боғчага, кейин мактабга ҳавола этиб, фарзанд тарбиясидаги бениҳоя катта бурчларини бўйинларидан соқит қиладилар.

Яна бошқа тонфа ота-оналар ҳам бор. Бундайлар болаларини ёшлигидан талтайтириб, эрка-тантиқ қилиб ўстирадилар, меҳнатга солмай, ўз ихтиёрларини ўзларига ташлаб катта хатога йўл қўядилар. Уларнинг хулқ-атворига, ўқиш-ўрганиши ва юриш-туришига бепарво қарайдилар.

Баъзи оталар, кўпинча оналар болаларга меҳрнинг қуллари бўлиб қолиб, нотўғри изҳор қилинган бу меҳрнинг келтирадиган зарарини кўрмайдилар. Яна шу ҳам сир эмаски, айрим ота-оналар ҳамма болаларга бир кўз билан қарашмайди, уларни олалашади. Бундай оиладаги болалар ўса борган сари ота-онага меҳрсиз, оқибатсиз бўлиб қоладилар. Улғаяётган ўғил ва қизларда ижобий сифатлар шаклланишида оиладаги яхши муҳит, оила бошлиқлари билан болаларнинг ўзаро тўғри муносабати, хонадон қарияларига ҳурмат-эътибор ва ҳоказолар муҳим аҳамият касб этади.

Манфаатлари умумий аҳил оилада яхши одатлар, анъаналар, соғлом муҳит, меҳр оқибат вужудга келади. Болалар яхши тарбияланиши учун қулай шароит туғилади.

Бола тарбиясининг темир қонунини билмаган ё уни вақтида писанд қилмаган ота-оналар панд ейишлари, ўғил-қизларидан яхшилик кўрмай хўрланишлари мумкин. Шунинг учун болани илк ёшлариданоқ тўғри тарбиялашга, педагогика фанининг тавсияларига жиддий эътибор бериш зарур. А. С. Макаренко таъбирича «бо-

лалар тарбиясидек мураккаб ва қийин ишни фақат мактаб зиммасига юклаб қўйиб бўлмайди. Мактаб билан оила ўртасида яқин ва мустақкам алоқа ўрнатилгандагина ёш авлодни тарбиялашда муваффақиятга эришиш мумкин».

«Табиий тарбиянинг ўрнини,— дейди П. Ф. Копте-ров,— сунъий мактаб тарбияси ҳеч қачон босолмайди. Табиий, оила тарбияси — шахс камолотининг мағзи, мактаб таълими эса шу мағизнинг пўстидир».

Одатда, боланинг хулқ-атворига қараб ота-онасига баҳо берилади. Тўй-маракаларда енг шимариб, хизмат қилаётган йигит-қизларга, катталарни кўрганда четга ўтиб, одоб сақлаб турган ёшларга қараб меҳринг товланади. Беихтиёр «баракалла», «отангизга раҳмат», «кам бўлманг», «мартабангиз улуғ бўлсин», «ота-онасининг ўзи яхши одамлар, фарзанди ҳам ўзларига тортибди», деб қўйилади. Хулқ-атвори, муомаласи қўполларни кўрган кишининг гаши келади, кайфияти бузилади, «тавба, буларнинг ота-онаси бормикан? Шунақа бола ўстирадими?» деб ажабланади.

Болани ёшлигидан оилавий одоб-қоидаларга одатлантириш, саломлашиш, ширинсўзлик, сизлаш, раҳмат айтиш, кечирим сўраш каби маданий, хулқли, яхши атворли бўлишга даъват этиш ота-она учун ҳам фарз, ҳам қарз. Болаларда кишиларга меҳр-муҳаббатни, иззат-ҳурматни, инсоннинг қадрига етишни шакллантириш, биринчи галда болаларнинг ўзига яқин кишиларга, ота-она, ака-ука, опа-сингил ва оиладаги катталарга меҳрибонлик туйғуларини тарбиялашдан бошланиши керак.

Оила аъзолари ўртасидаги ўзаро ҳурмат, ҳамжиҳатлик, оиланинг яхши йўлга қўйилган ички ҳаёти тарбияда муҳим аҳамият касб этади. Одатда табиатан мулозим, хушчақчақ, одамшаванда, меҳнаткаш, қийинчиликларни енга оладиган кишилар мана шундай вазиятда — аҳил оилада камолга етадилар. Буни ҳар бир ота-она эътиборга олиш, оилада нормал, соғлом муносабатларни вужудга келтириш учун ҳаракат қилиш лозим.

Оиладаги эр-хотиннинг ўзаро тотувлиги, бир-бирига самимий севгиси, вафодорлиги, ишонч ва ҳурмати, оғир-вазминлиги, ақл билан иш тутиши, бир-бирининг қалбига кириб боришга интилиши бола тарбиясига сезиларли таъсир этади. Ота-она ўзининг яқин ва узоқ кишиларига яхши муносабати, меҳр-оқибати билан болалар-

ни ҳам шунга ўрғатиб, одатлантириб боради. Масалан, оилага кимдир меҳмон бўлиб келди, дейлик. Уй бекаси уни самимий ва очиқ чеҳра билан қарши олади. Уни дарҳол тўрга чиқиб ўтиришга таклиф этади. Меҳмоннинг ҳол-аҳволини сўрайди, ўзларини ҳурмат қилиб келганлигидан жудэ хурсандлиги ва миннатдорлигини билдиради. Уй эгаси меҳмон кўнглини хушнуд қилишга интилиб, унга манзур бўладиган таомлар тайёрлайди. У билан кўнгилли суҳбат қуради.

Меҳмон ҳам ҳурматига ҳурмат билан жавоб беришга ҳаракат қилади. Бу ишларда болалар ота-оналарига дастёрлик қилиб меҳмон кутишни ўрганиб борадилар. Меҳмондорчиликнинг тарбия воситаси сифатидаги дастлабки қондаларидан бири меҳмон ва мезбоннинг юксак ифтовий одоё қоидаларига амал қилишидир. Болалар ота-оналарининг кўзлари олдида кишиларга кўрсатган ғамхўрлиги ва эҳтиромидан ибрат олиб, уларга ўхшаб иш тутишга одатлана борадилар.

Ота-она кишиларни, айниқса катталарни ҳурматлаш ва сийлашда намуна кўрсатиш билан бирга, бу яхши одат эканлигини болаларига ҳам тушунтириб бориши зарур.

Қариялар, одатда оиланинг бош маслаҳатчиси ҳисобланади. Кўп нарсалар уларнинг раъйи билан қилинади. Қариялар ҳамма ерда ҳурмат қилиниб, уйнинг тўрига ўтқазилади, сузилган овқат ёки қуйилган чой олдин уларга узатилади. Бола буларнинг ҳаммасини кўради. Ота-она болаларга катталар нима сабабдан ҳурмат қилинишини тушунтириб бериши лозим.

Оилада эр-хотин ўртасидаги аҳду паймон, ўзаро ҳурмат ва ғамхўрлик бола тарбиясига ижобий таъсир кўрсатишини аниқ тасаввур этиш учун қуйидаги мисолни кўрайлик. Ота ишдан уйга барвақт қайтди, аммо ҳали она қайтгани йўқ. Ота болаларни ёнига олдида, улар билан биргаликда овқат тайёрлашга, уйни йиғиштиришга киришди. Ишдан ҳориб келган она саранжом-сариштиликни кўриб, юзи беихтиёр жилмайди, бир зумда ҳордиғи чиққандек ўзини енгил ҳис қилди.

Шак-шубҳасиз, эр билан хотин ўртасидаги бундай ўзаро ҳурмат ва ғамхўрлик болаларни онани ҳурмат қилишга, унга меҳрибон бўлишга ўргатади. Натижада, оилада сансалорликка ҳеч қандай ўрин қолмайди. Энг муҳими, ўғил бола отадан ибрат олади. Отадаги яхши хусусиятлар болаларга ҳам ўтади. Ешларни оилавий

ҳаётга тайёрлашда ота-оналарнинг оила хўжалигини оқилона ташкил этишлари, болаларни қўлларидан келадиган ишларга жалб қилиб туришлари катта аҳамиятга эга. Болани муайян меҳнатни бажаришга қанчалик барвақт ўргатган, кундалик юмушларга одатлантирган, болада оиланинг фойдали аъзоси бўлиш истagini уйғотган оила фарзанд истиқболи йўлида тўғри иш тутган бўлади.

Болаларини, ҳатто, ўзига-ўзи хизмат қилиш меҳнатидан ҳам озод қилиб қўйган ота-оналар катта хатога йўл қўядилар, чунки кейинчалик болани меҳнат қилишга одатлантириш жуда қийин бўлади. Болага донмий топириқ бериб, унинг бажарилишини ва қилинган ишнинг сифатини текшириб туриш, бажарилган ишга ижобий ёки салбий баҳо бериб бориш натижасидагина болалар меҳнат қилишга одатланадилар.

Ота-онанинг меҳнат билан топилган ҳар бир сўм пулни жой-жойига эҳтиётлаб сарфлаши ва бу ишга болаларни ёшликдан ўргатиб бориш ҳам тарбиянинг муҳим белгиларидан биридир. Оиладаги нечта киши ишлаши ва бундан оилага қанча даромад келишини бола ҳам билиб қўйгани яхши. Тўпланган маошни оилавий кенгашда нималарга сарфлаш кераклиги келишиб олинса, яна ҳам яхши бўлади. Чунончи, яқинда совуқ тушиб қолади, ўтин-кўмир ғамлаш керак, болалардан бирига иссиқ ботинка, яна бирига пальто олиш зарур, деган қарорга келинади. Шунда бирор киши ортиқча харажат қилишга ботина олмайди. Болалар ҳам бунга тушуниб, ўринсиз талаблардан ўзларини тийишга ўрганадилар.

Оила-рўзғордаги тежамлилик, саранжом-сариштали, исрофгарчиликка йўл қўймаслик, рўзғорга барака киритади ва болага катта тарбиявий таъсир этади. Болани оила-рўзғор ишларига ўргатиш билан бирга бозор-ўچار ишларига, пул билан муомала қилишга ҳам ўргатиб бориш керак. Аввал бола бу ишларда бизга дастёрлик қилади, шунда кўзи пишиб ўрганиб боради. Аста-секин боланинг ўзига ҳам пул бериб, кичикроқ харажатлар қилишга буюриш керак. Бунда катталарнинг болага ишонч билан қараши, яхши ташаббусини маъқуллаб қўйиши ўринлидир. Болани ҳеч қачон қолган пулни чўнтагида олиб қолмасликка, ҳалолликка одатлантириш зарур. Баъзи оталар «хотамтойлик» қилиб, пулнинг қолганини талаб қилмайдилар ва бу билан кат-

та хатога йўл қўядилар. Ортиқча пулнинг бола чўнтагига тушиши, унинг фикр-хаёлини бузади. Бу пулларни қачон, қаерга ва қандай сарфлашни ўйлайди. Аксарият ҳолларда уни ноўрин, ёши ва қизиқишига номувофиқ буюмлар сотиб олишга ишлатади. Болага пул билан муомала қилишни ўргатишда ахлоқий тарбияга эътибор берилган ҳарид қилишга йўл қўймаслик зарур. Энг ёмони болага пул бериб, унга ароқ, папирос кабиларни олиб келишни буюришдир. Ота-она болани кичиклигидан нарсаларни қадрлашга, эҳтиёт қилишга ўргатиб, одатлантириб бориши лозим.

Катталар болага бирон иш буюрганда, уни ширинсўзлик билан уқтиришлари керак. Бола бажарган иш кўнгилга ёқмаса, уни силтаб, қўлидан ишни олиб, ўзлари қилишга тутинсалар, бола тарбиясини бузган бўладилар. Яхшиси, боланинг хатосини аюлатиб, уни ўзи бажаришга ундашдир. Шунда бола аста-секин меҳнатга кўнгил қўяди, унинг иродаси ҳам чиниқа боради. Йўл-йўлакай унинг кўнглини кўтариб, тасалли беришни унутмаслик керак. Бажарган ишнинг натижасига баҳо бериш тарбиявий жиҳатдан катта аҳамиятга эга эканини ота-она назаридан қочирмаслиги керак. «Яшанг, оипоқ қизим», «баракалла, азамат ўғлим» каби ширин сўзлар боланинг руҳини кўтаради. Бақриш, жеркиш, дўқ-пўписа билан болани яхшиликка ўргатаман, деган ота-она қаттиқ янглишади. Бу йўл болани ота-онадан бездиради, қайсар, одамови қилиб қўяди.

Боланинг одобни аввало унинг катталарга муносабатида ўртоқларига муомаласида намоён бўлади. У ўз ўртоқлари билан муносабатда ҳеч қачон қўполликка, дилозорликка йўл қўймаслиги, ҳар бир ишда бир-бирларига ёрдамлашиш кераклигини тушуниб олиши керак. Ўзаро гаплашганда «ўртоқжон», «оғайни», «дугонажон» каби ширин сўзларни тилга олса, нур устига аъло нур бўлади.

Болаларнинг ўзаро ва катталар билан муомаласига баъзи ота-оналар, ўқитувчилар жиддий эътибор бермайдилар. Бола яхши одатларни, шу жумладан, хушмуомалаликни ота-онаси, ўқитувчилари ва катталардан кўриб ўрганadi. Болада яхши хулқ-атвори шакллантириш учун яхши ибрат зарур. Ҳар қандай ота-она, ўқитувчи, тарбиячи шахсий ибрат кўрсатиш даражасида бўлса ва уни бажара олсагина ўз тарбиячилик бурчини адо этиши мумкин. Ҳар қандай ўғит ибрат билан-



гина таъсирлидир. Бинобарин, ахлоқий тарбиянинг таъсирчанлиги тарбиячида ижобий фазилатлар мужассамлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Бола эс-ҳушини танидими, уни ўзини-ўзи эплашга (ювиниш, кийиниш, ечиниш, уст-бошларини тартибли сақлаш, узилган тугмани қадаб олиш, йиртилганда тикиб олиш ва ҳоказоларга) ўргатиш керак. Бу, албатта, осон иш эмас. Бунинг учун ота-она қунт қилиши, сабр-чидамли бўлиши, болага ҳар бир ишни тўғри бажариш тартиб-қоидасини кўрсатиб бериши лозим. Айрим ота-оналарда ана шу қунт, сабр-чидамнинг етишмаслиги сабабли ўғил-қизлари ношуд бўлиб қоладилар.

Ота-она доимо ўғил-қизининг тарбияси ҳақида қайғуранган, уларни хушмуомалаликка, тўғриликка, катталарни ҳурмат қилишга, одил бўлишга, ҳақли суратда ўзини ҳимоя қилишга, одамларга ҳамдард бўлишга, яхшилик қилишга ўргатиши керак. Шубҳасиз, ҳар бир ота-она ўз фарзандининг келажаги ҳақида қайғуради, унинг бахт-иқболини ўйлайди. Маълумки, фарзанднинг келажаги ота-она меҳнатининг самарасидир.

Ёш авлодни ҳар томонлама камол топтириш совет оиласининг вазифасидир. Бунда болаларга давр билан ҳамоҳанг бўлган ошкоралик, муносабатлардаги демократик белгилар руҳини сингдириб бориш керак.

#### Амалий машғулот

*Тема: Оила тарбиясининг умумий масалалари.*

1. Бола тарбиясида ота-онанинг бурч ва масъулияти.
2. Бола тарбияси ҳақида халқ педагогикаси.
3. Оилада ўзаро муносабатлар ахлоқи ва психологияси.

### 2-§. Оилада болаларни тўғри тарбиялаш шартлари

Болаларнинг мурғак қалбига ҳеч бир нарсга ибратдек кучли таъсир этмайди ва барча ибратлар ичида ота-она ибратидан кўра чуқурроқ ва мустаҳкамроқ ўрин олдиган ибрат йўқ.

*Н. И. Новиков*

Оилада болага тарбия беришнинг ўзига хос қатор муҳим принциплари борки, уларга амал қилиш тарбия ишининг самарали бўлишини таъминлайди. Чунончи, тарбияда ота-онанинг масъулияти, тарбиядаги бирлик,

ота-она обрўси, меҳнат тарбияси, ота-онанинг бола тарбиясини мактабгача тарбия муассасалари, мактаб ва жамоатчилик билан ҳамкорликда олиб бориши, ота-онанинг ҳамма болаларини тенг кўриши, уларга адолатли муносабатда бўлиши, тарбияда боланинг ўсиши ва ривожланиш хусусиятларини ҳисобга олиши, бола шахсини ҳурмат қилиши ва унга инсбатан талабчан бўлиши ана шу принциплар жумласига киради.

Шунингдек, болаларда ижобий хулқ-атвор кўникма ва малакаларини шакллантиришнинг ўзига хос кўпгина метод ва усуллари борки, ҳар бир ота-она уларни билиши ва ҳар қайсисидан ўз ўрнида, меъёрида фойдалана билиши ғоят муҳим аҳамиятга эгадир. Булар жумласига: ибрат-намуна усули, яхши хулқ-атворга ўргатиш, одатлантириш, ўрни келганда насиҳат қилиш, жиддий танбеҳ бериш, бола билан вақтинча гаплашмаслик, унга муносабатни, ўзгартириш, ишонтириш, жамоатчиликнинг таъсири, рағбатлантириш ва қоралаш каби воситалар шундай методлардан ҳисобланади. Ҳар бир ота-она тарбиянинг ўзига хос назарий ҳамда амалий қонунқоидаларини ўзлаштириб, уларга амал қилиши лозим. Негаки, оилада бола тарбияси ғоят нозик, мураккаб масала бўлиб, ота-онадан педагогик билим, катта тарбиячилик маҳоратини талаб қилади.

Тарбияда мақсаднинг аниқлиги муҳим ўрин тутди, тўғрироғи, у тарбия ишларини тўғри йўналтириш имконини беради. Мақсад — коммунистик ахлоқ нормалари асосида, халқнинг энг яхши урф-одатлари ва оилавий анъаналари руҳида жамият учун олижаноб фазилатли, билимдон, маданиятли шахсни тарбиялашдир.

Оилада болаларни тўғри тарбиялашнинг асосий шартларидан бири тарбиядаги бирликдир. Ота-она, оиладаги катта кишилар ҳамма ишда бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишлари керак. Ҳамма нарсада: болаларга муомалада, уларни рағбатлантириш ва жазолашда, тарбиявий таъсир ўтказишнинг бошқа воситаларини қўллашда мана шу бирлик бўлиши лозим. Кўпинча боланинг ояси ёки бувиси руҳсат берган нарсани отаси тақиқлаб қўяди ёки отаси берган жазони онаси бекор қилади, боланинг бир қилигини бувиси мақтаса, шу қилиғи учун отаси уни койийди ва ҳоказо. Бундай келишмовчилик бола тарбиясини бузади. Болалар талабчан отаси билан кам талабчан онаси ва ҳеч талабчан бўлмаган бувиси ўртасида ўзларича йўл то-

пишга тез одатланадилар. Катталарнинг ҳаракатларидаги келишмовчиликни кўриб, муғомбирлик, алдамчилик, хушомадгўйликка ўрганадилар. Болага нисбатан ўзаро келишилмаган талаблар қўйилса, у ўзини бутунлай йўқотиб қўяди ва нима қилишини билмай қолади. Шундай қилиб, оила аъзолари ўртасида аҳиллик, ҳамжиҳатлик бўлмаган оилаларда болаларнинг ахлоқий тарбиясига катта путур етади.

Қўп оилаларда тарбиянинг бу муҳим принципи бузилишига ҳеч қачон йўл қўйилмайди.

Масалан, онлада шундай воқеа рўй бериши мумкин; бувиси 5 яшар неварасидан овқатланишдан олдин қўлларини ювиб келишини талаб қилади. Орадан анча вақт ўтишига қарамай, қизчанинг ҳали ҳам қўлларини ювмай юрганини кўрган ота ундан жиддий оҳангда сўрайди:

— Қўлингни юдингми?

— Йўқ, дада.

— Бувинг сенга нима дедилар?

Шунда қизча индамай, бошини қуйи эгади.

— Қани, қулоқсизлик қилганинг учун, бувингдан узр сўра, кейин қўлларингни яхшилаб ювиб, менинг олдимга кел.

Отанинг бу сўзлари гарчи оҳисталик билан айтилган бўлса-да, тарбиявий таъсири кучли бўлади.

Буви ҳам ўрни келганда ўғил ва келинининг гапини маъқуллашга тиришади. Уйин билан чалғиб отанинг гапини унутган неварасига дакки беради, отаси рухсат бермаган жойга боргани учун койийди. Бола яхши ишлар қилганида мақтаб, ёмонлик қилиқлари учун койиб, тийиб қўяди.

Болани оқилона, талабчанлик билан севиш, унинг қизиқишларига диққат-эътибор бериш, боланинг турли ёшдаги талаб ва эҳтиёжларини билиш ота-онага уни руҳан ва жисмонан бардам қилиб тарбиялаб етиштириш имконини беради. Бундай фарзанд эса ўз навбатида ота-онасини меҳр билан севади, улар тўғрисида ғамхўрлик қилади. Бу ажабланарли ҳол эмас. Чунки биз болаларни қай тарзда яхши кўрсак, уларнинг характери, ички дунёси, атроф-муҳитга муносабати ҳам шу тарзда таркиб топа боради.

Айрим ота-оналар болага ҳаддан ташқари меҳрибонлик қилиб гиргиттон бўладилар. Унинг ҳамма вази-фаларини ўз гардонларига олиб, барча инжиқлик ва

Ўжарликларини кўтардилар. Натижада бола ношуд, бемеҳр бўлиб ўсади.

Болани кўр-кўрона севиш кўпинча кўнгилсиз оқибатларга олиб келади.

Ота-онанинг ҳамма болаларига бир хил муносабатда бўлиши тарбиянинг муҳим шартларидан бири бўлиб, ака-укаларнинг аҳил, бир-бирига меҳрибон, оқибатли бўлишига олиб келади; бола назарида ота-онанинг обрў ва ҳурматини оширади, уни ўз тенгқурлари ва бошқа одамларга яхши муносабатда бўлишга, улар тўғрисида ғамхўрлик қилишга, ўртоқлари билан чиқишиб, яхши ўртоқ, дўст бўлиб яшашга, одамлар билан ҳисоблашишга, уларнинг кўнглини ранжитмасликка, одамларни қадрлашга ўргатади.

Бир ота, бир онанинг фарзандлари — бир оилада катта бўлган болалар кўпинча феъл-атвор жиҳатидан бир-бирига ўхшамайди. Бири мўмин, гапга қулоқ соладиган бўлса, бошқаси шўх, ерга урса, осмонга сакрайдиган бўлади. Шунга кўра «ўнта бўлса ўрни бошқа, қирқта бўлса қилиғи» дейдилар. Ота-она болаларининг шўхини ҳам, қобилини ҳам бир хил меҳр билан севиши, каттасини катта, кичигини кичик ўрнида билиб, ҳар бирининг ўзига қараб муомала қилиши лозим. Бирини иккинчисидан ортиқ кўриш ёки олаш ярамайди.

Бола тарбияси доимо мунтазам шуғулланишни талаб қилади. Тарбияда пайсалга солиш, «кейин», «вақтим йўқ», «бу арзимас майда-чуйда» деб қараш ярамайди. Бундай қилиш кейинчалик бола тарбиясида катта қийинчиликларга сабаб бўлиши мумкин. Тарбияда ҳамма нарса муҳим.

Ота-она болаларга қўйиладиган ахлоқий талабларни аста-секин, изчил мураккаблаштириб борсагина тарбиядан кўзланган мақсадга эришилади.

Тарбиядан мақсад болани жисмонан ва ақлан соғлом, ахлоқан пок ва гўзал бўлишига эришишдир. Болани яхши одатга, хулққа ўргатиш, турмушга тайёрлаш осон ва бирдан амалга ошадиган иш эмас. Бу иш отадан бирмунча машаққат чекишни, билимдонликни талаб қилади.

Тарбия аввало оилада, мактабгача тарбия муассасаларида, сўнг мактабда, жамоатчилик томонидан мунтазам, мақсадга мувофиқ равишда олиб борилади. Демак, тарбиянинг муҳим хусусиятларидан бири унинг узлуксиз олиб борилишидир. Бола тарбиясида бу прин-

ципнинг бузилиши унинг хулқ-атворига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Фикрни самимий, ишончли далиллар асосида тушунтира билиш, тарбия таъсирчанлигини оширади. Ҳаётда учраб турадиган қуйидаги мисолга эътибор беринг.

Бир кун и она ўғлининг «Кундалик дафтари»ни кўздан кечирар экан, кейинги ҳафтада баҳолари пасайиб кетганини кўриб, унда «Нега бундай бўлди?» деган савол туғилди. Жиддий мулоҳазадан сўнг, бундан кўпроқ ўзини айбдор деб билди. Чунки у кейинги вақтларда иш билан банд бўлиб, ўғлининг ўқиши, юриш-туришларига етарли эътибор беролмади. Бунинг учун ўзини ич-ичдан койиди. Бу воқеа онани бола тарбияси билан кунда шуғулланиб туриш зарурлигига яна бир бор ишонтирди.

Она қулай фурсат топиб, ўғлини ёнига ўтқазди. ва мулойимлик билан шундай насиҳат қилди:

— Ўғлим, сени энди катта бўлиб қолди,— ўзини-ўзи эплайди, деб ишониб юргандим. Бундан буён укаларингга ҳам бош бўлиб, менинг ташвишларимни озгина енгиллаштирарсан, деган умидда эдим. Сен буни яхши тушунишинг, менинг энг яқин ғамхўрим, ёрдамчим бўлишинг керак. Афсуски, ўйлаганимча бўлиб чиқмади. Жон ўғлим, бундай ўйлаб қарагин, оиламиздаги катта эркак сенсан. Мен уй-рўзғор ишларида энди сенга суянаман. Ақл-ҳушингни йиғ, ўғлим, энди йигит бўлиб қолдинг. Синглинг ва укангга бош бўл, намуна бўл. Йигитчасига иш тут!

Онанинг ишончга тўла сўзлари ўғилга куч бағишлади. У бирданига улғайиб қолгандек бўлди, ўзига талабчанлик қила бошлади. Бир кун и бувиси ҳам насиҳат қилди. «Араванинг катта гилдираги қаердан юрса, кичиги ҳам шу ердан юради», деган халқ мақолини эслатди. Укалари ҳам у билан анча ҳисоблашадиган бўлиб қолишди. Бунда бувиси билан онасининг укаларига: аканинг сўзини қайтармай, айтганини қилиш — одобдан, деб уқтириб туришлари муҳим роль ўйнайди. Бош ўғил укаларига меҳрибон бўлиб қолди, ҳар ишда уларга кўмаклашиб турди, ўқиши ҳам яхшиланиб, изга тушиб кетди.

Юқоридаги ҳаётий фактдан қандай педагогик хулоса чиқариш мумкин? Биринчидан, ота-она болага доимо

кўз-қулоқ бўлиб туриши керак, уни вақтида тийиб, йўл-йўриққа солиши лозим.

Тарбия ғоят зийрак бўлишни, боланинг қалбига қандайдир илиқлик билан кириб боришни талаб қилади. Бунда ота-она боланинг табиатини яхши билишлари алоҳида аҳамиятга эга.

Баъзан оналар иккинчи фарзанд кўришгач каттаси негадир унга ғашлик қилаётганини айтиб қолишади: «Укаси билан овора бўлганимни кўради-ю ўзгариб қолади, бўлар-бўлмасга хархаша қилаверади. Қайси кунни йиғлаётганида чопиб кирсам ёстиқни укасининг оғзига ёпмоқчи бўлиб турибди. Жуда кўрқиб кетганимдан бир шапалоқ уриб юбордим. Бир кунни бешигини ағдариб қочиб қолибди...

Хўш, нега болада чақалоққа нисбатан ғашлик туғила бошлади?

Иккинчи фарзанд дунёга келди. Ота-она давлати зиёда бўлгандек қувонади. Кундалик ташвишларига ташвиш қўшилади. Гўдакнинг ўзига яраша парвариши бор: кечалари оромингиз бузилади, таги ҳўл бўлса янгилайсиз, соғлом ўсишини ўйлаб баданини яйратиб кунора чўмилтирасиз, ёғлаб яйратасиз. Хуллас, ота-она кўп вақтини у билан ўтказади. Ўзи сезмаган ҳолда катта фарзандга эътибор камая бошлайди. Натижада илгари ҳамманинг оғуши, эътиборига ўрганган бола ўзини ёмон ҳис қилади. Унга чақалоқ туғилиб, ҳамманинг меҳрини тортиб олгандек, ўзини ҳамма ёмон кўриб қолгандек туюлади. Шу сабабли у укага ғашлик қила бошлайди. Илгаридек унга эътибор билан қарашлари, эркалашларини истайди, шунини қўмсаб инжиқлик қилади. Бундай ҳолат юз бермаслиги учун ота-она қандай иш тутиши керак?

Чақалоқ туғилиши билан тўнғичга энди ака, опа бўлганини айтиш, укасини боқишда ёрдамлашиши кераклигини тушунтириш лозим. Унинг меҳрини уйғотиш мақсади-да: «қарагин, уканг худди сенга ўхшайди-я! Сенга тикилиб қараяпти, «акам», «опам» деб танияпти, фақат буни ҳозир у айтолмайди, гапиришни билмайди, кичкина-да», десангиз унга меҳри тушиб, йиғласа, юраги ачиб, чопиб бориб овутишга уринади, ёнидан кетмай айланиб-ўргилади.

Яна муҳими унинг ҳали бола эканини унутмаслик, вақти-вақти билан эркалаб, кўнглини топишга ҳаракат қилиш керак. Катталар олдида уни мақтаб, укасига жу-

да меҳрибонлигини, ўзи дастёр бўлиб қолганини айтиб туриш тарбиявий жиҳатдан жуда фойдалидир.

Ота-она шундай йўллар билан болаларини ёшлигидан бир-бирига меҳрибон бўлишга ўргатиб борадилар. Бола эс-ҳушини таниб, дастёр бўлганидан хурсанд, қўлидан келса-келмаса ҳар ишга уриниб кўради, онасига ёрдам бермоқчи бўлади, ака, опа бўлганидан фахрланади. Она юмуш билан банд бўлган пайтларда укаларига қараб, овутиб туради. Ўирин тиллари билан укасига нималарнидир айтиб чуғиллайди. Каттароқ бўлганида ўйинчоқлар ясаб беради, қизиқ-қизиқ ўйинлар ўйлаб топади. Укалар эса ғамхўр опа-акаларини жондан яхши кўрадилар, уларга жуда ўрганиб қоладилар, бирор жойга кетсалар, соғиниб хархаша қиладилар, уларни қўмсайдилар. Опа, акалар ҳам бирор яхши, тотлироқ нарса бўлса, ўзлари емай укаларига илинишади. Буни кўрганда ота-она: қара, аканг (опанг) сени қандай яхши кўради-я, қорбобо берган совғани ўзи емай сенга олиб келибди... Укасига меҳрибон, ақлли ўғлимдан айланай, деб бошини силаб эркалаш, боланинг олижаноблигини рағбатлантириш лозим.

Ота-она ҳамма болаларини ҳаминиша бир хил кўриши, бирини ҳимоя қилиб иккинчисини ноҳақ ранжитмаслиги керак. Баъзан ака-укалар ўзаро жанжаллашиб қолишади. Масалан, кичкинаси ерга ётиб, дод солиб йиғлаяпти. Каттаси бўлса, укасининг икки қўлини куч билан орқасига қайиришга уринмоқда. Буни кўрган онанинг жаҳолати авжига чиқди. Гап нимада эканини суриштирмай каттаси шаънига ёмон гаплар айтиб ҳақоратлади. У воқеани тушунтирмоқчи бўлди, она эшитишни ҳам истамади. Уст-устига аччиқ гаплар айтиб, таъна қилди. Бу инсофданми?

Аслида воқеа бундай бўлганди уканинг гугурт ўйнаётганини кўрган ака уни уришиб, бу ишни иккинчи қилмасликни айтди. Яна кўрадики, ука қалтис ўйинни тарк этмабди, бундан жаҳли чиққан ака унинг қўлидан гугуртни олмоқчи бўлиб қўлини қайиради, бола қаршилик кўрсатиб дод солади. Бу ҳолда катта ўғил ҳақ эди. Бебош укани тийиб қўймоқчи бўлди. Она эса унинг яхши ниятини ёмонлик деб тушунди. Болалик ғурурини менсимай ҳақоратлади. Бундай пайтда вазминлик керак. Ака-укадан гап нимада эканини аниқлаб, сўнгра акаси тўғри иш қилганини, акс ҳолда, ёнғин чиқиб бахт-

сиз ҳодиса рўй бериши мумкинлигини уқтириш керак эди.

Юқоридаги фактда она ўзининг ноҳўя хатти-ҳаракати билан ака-укани бир-бирига қарши қилиб қўйди. Энди ака қандай қилиб бўлса-да, ундан ўч олишга, унга алам етказишга тиришади.

Яна бир мисолни кўрайлик. Қичкина Карима шўхлик қилиб дарс тайёрлаб ўтирган опасига тош отиб бошини ғурра қилади. Оғриқ зарбига чидай олмаган опа ўтирган ерида ҳўнграб йиғлай бошлади. Шу пайт ота уйдан чиқади-ю, унга ўшқириб кетади: «Ҳа, мунча додивой солмасанг, кичкина боланинг урганига шунчани? Бўйингни қара, теракдай бўлиб қолибди-ку, ақлдан заррача йўқ».

Биринчидан, бўйга етиб қолган бола билан бундай муомала қилиш мутлақо хатодир. Иккинчидан, у бутунлай гуноҳсиз. Хўш, бола атайлаб қилган гуноҳ ишни «бола» деб кечиравериш керак-ми?

Бундай муносабат ака-ука, опа-сингил ўртасида ўзаро адоват, аламзадаликни кучайтиради. Ноҳақ жабрланган бола «шу тантиқ укамни деб гап эшитдим» деб ўйлайди. Ука унинг кўзига ёмон кўринади. «Дадам ўзлари мени ёмон кўрадилар, уларга эркатойлари бўлса бас. Бошимни ғурра қилсаям жим тураверармишман. Қараб турсин, дадам йўғида бир адабини бериб қўяй-ки, кейин опа билан ўйнашиш нималигини билиб қўйсин», деб аҳд қилади. Албатта, ота қизига нисбатан адолатсизлик қилди. Опага тегажўғлиқ қилган укани қилган айби учун қаттиқ койиб қўйиш, «ақлли бола ҳам опани урадими? Сени қандай яхши кўради-я? Қара, опаннинг бошини ғурра қилиб қўйибсан, жуда оғриётганга ўхшайди», деб унда ачиниш, афсусланиш ҳиссини уйғотиш отадан лозим эди. Шунда бола шўхлиги орқасида ҳаммани безовта қилиб қўйганидан уялиши иккинчи марта бундай ёмон қилиқлардан ўзини тийишга ўрганиши мумкин эди.

Болага муносабатда аввало унинг ёш даражасини инобатга олиш керак. Боланинг ўсиш даражасини ёшига кўра тахминан қуйидагича тақсимлаш мумкин: уч ёшгача; учдан етти ёшгача; еттидан ўн ёшгача; ўндан ўн тўртгача; ўн тўртдан ўн саккиз ёшгача.

Ўч ёшгача болада анатомик, психологик белгилар ривожланади. Бу давр бола ҳаётида жуда масъулиятли даврдир. Қичкина вужуднинг инсон қиёфасига ки-



риши, яъни, овқат ейишга, юришга ва гапиришга ўрганиши мана шу даврда амалга ошади. Шунинг учун ота-оналар жуда сезгир ва эҳтиёткор бўлишлари керак. Тана аъзоларининг тўғри ривожланиши, аниқ-равон сўзлашга ўрганиши, яхши-ёмон нарсалар ҳақида тўғри тушунчалар ҳосил қилиши ота-оналарнинг сабр-тоқати, ақлирасолик билан иш тутишларига боғлиқдир.

Боланинг ўсишида 3—7 ёш оралиғи алоҳида аҳамиятга эга. Бу даврда болада ҳаётга актив аралашиб иштиёқи туғилади. Бола кўпроқ мустақил ҳаракат қилишга: кийимларини ўзи кийишга, овқатини ўзи ейишга, шотиларга тирмашиб чиқишга, ўйноқларини бузиб, яна қайта тузатишга, хуллас, ҳамма нарсани ўзи бажаришга интилади. Кўчада ўйнашни кўпроқ ёқтиради. Нимани кўрса, эшитса, ўша ҳақда қайта-қайта сўрайверади. Ота-оналар боладаги бу хусусиятларни тўғри тушунишлари, унинг интилиши, қизиқишини бўғмасликлари, аксинча, эркинлик бериб, хатти-ҳаракатларини бошқариб туришлари керак. Бу даврда болада замон ҳақида тўғри тушунчаларни шакллантириш учун унга ёлғон гапирмаслик, саволларига жиддийлик билан оқилона жавоб бериш керак.

Етти ёшдан ўн ёшгача болаларда бошқачароқ жараёнлар кечади. Бола анча оғир тортиб, жиддийлашади. Бу асосан янги давр-мактаб ҳаёти бошланиши билан боғлиқ. Ота-оналар оила тарбиясининг мактаб тарбиясига зид келиб қолишига эътибор беришлари керак. Улар мактаб ўқитувчилари билан суҳбатлашишлари, боланинг уйдаги ва мактабдаги хатти-ҳаракатларини таққослаб кўришлари, зиддият пайдо бўлса, тезда баргараф этишлари зарур. Бу даврда болани руҳан қўллаб-қувватлаб, унга мададкор бўлиш, кўнглини кўтариб туриш лозим. Чунки янги ҳаётга — мактаб ҳаётига ўрганиш, янги кўникмалар ҳосил қилиш ҳамма болалар учун ҳам осон бўлавермайди.

Ўн ёшдан ўн тўрт ёшгача болаларда янада янги жараёнлар пайдо бўлади. Боланинг гап-сўзлари, хатти-ҳаракатлари аввалгидан ҳам жиддийроқ тусга киради. Бу даврда бола мактаб ҳаётига тўла мослашиб олган, анча мустақилликка эришган бўлади. Ота-оналар бу даврда боладаги ўзгаришларга эътиборни қаратишлари, яъни, унда жинсий безлар ривожланаётгани, бу эса болада аллақандай нохуш кайфиятлар туғдираётганига

аҳамият бериб, унда яхши, гўзал туйғуларнинг таркиб топишига кўмаклашишлари керак.

Ун тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача боланинг вояга, етукликка эришиш даври ҳисобланади. Бу даврнинг асосий характерли белгиси бола ўзини тўла мустақил ҳисоблашга ҳаракат қилиши билан боғлиқ. Энди у ўзига нисбатан катталардек муносабатда бўлишни, унинг фикр-мулоҳаза ва режаларини ҳам ҳисобга олишни талаб қилади. Бу даврда ота-оналар билан болалар ўртасида келгусидаги режалар борасида жиддий зиддиятлар чиқиб туради. Энг муҳими, ота-оналар: «Боламиз биз нима десак, ҳаммасини сўзсиз бажаравериши керак», деган хаёлга берилмай, унинг юрак дардларини тинглашлари, бола ҳақ бўлса, унга тан беришлари маъқул.

Яна шуни айтиш керакки, тарбияда ҳар бир болага алоҳида муомала, муносабат, эътибор керак. Бунда унинг ёши, жинси, руҳий аломатлари, жисмоний куч-қуввати ва ҳоказоларни ҳисобга олиш зарур. «У болаку, болага бўлаверади», «Юмалаб-сумалаб катта бўлса, ризқини топиб ер», «Ҳаммасига кейин ўзи ўрганиб кетади» каби зарарли фикрларни қўйиб, болани туғилганидан бошлаб, вояга етгунича кеча-ю қундуз ақли-расолик билан тарбиялаб бориш керак. Катта бўлгандан сўнг одамларнинг ҳурматига лойиқ бўлиб, ўзи танлаган соҳасида жамият учун фойдали иш кўрсата олиши, оиласига ғамхўр ота-она бўлиши — яхши тарбиянинг натижасидир.

Боланинг ёшини, шу ондаги ҳолатини яхшироқ тушуниш учун ўзимизни боланинг ўрнига қўйиб кўришимиз керак. Шунда боланинг нима учун инжиқлик қилаётгани бизга аён бўлади.

Боланинг руҳияти сирли бир дунё. Бу оламга киришимиз, боланинг ҳаяжоналри, изтироблари, қувончлари, ўй-хаёллари, хис-туйғуларини ўзимизда ифодалаб кўришимиз болаларни тушунишда бош мезон бўлиб хизмат қилади.

Фарзандларнинг ота-она ўғитига сўзсиз итоат қилиши кўп жиҳатдан уларнинг оиладаги обрўсига ҳам боғлиқдир. А. С. Макаренко тарбиячи билан тарбияланувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг шундай бир нормал ҳолати вужудга келадикки, унда тарбияланувчилар ўз тарбиячиларини ҳурматлаб, уларга ишониб, уларнинг иродасига, талаблари ва кўрсатмаларига бўй-

сунадилар, бу эса тарбиячининг обрўсидир, деган эди. Демак, ота-онанинг обрўси — ахлоқий тарбияда ҳал қилувчи омиллардан биридир.

Баъзи ота-оналар болам менга қулоқ солмаяпти, деб шикоят қилишади. Болаларнинг гапга қулоқ солмаслиги ота-оналарнинг обрўи йўқлигини кўрсатувчи белгидир. Хўш, ота-оналарнинг обрўи нима ва улар оилада қандай обрў қозонишлари мумкин?

А. С. Макаренко «Ота-оналар обрўи тўғрисида» мавзудаги лекциясида обрў нималардан ва қандай ҳосил бўлишини, бунга нималар халақит беришини ифодалайди. У обрў турларини таҳлил қилиб, болаларга нотўғри ёндашиш уларнинг тарбиясига қандай зарар келтиришини баён қилади. Масалан, «тазйиқли обрў»ни А. С. Макаренко энг даҳшатли деб атаган эди, чунки бундай обрў дўқ қилиш, жазолаш, қўрқитишга, ота-оналарнинг болаларга даҳшат солишига асосланади. Бундай обрў болани ота-онадан бездириб қўяди. Кўпинча оталар мана шундай йўл билан обрў орттиришга интиладилар. Бундай оилаларда болалар иродасиз бўлиб ўсади, кейин катта бўлганларида баъзан ўзлари ҳам бўлар-бўлмасга зулм қиладиган бўлиб қоладилар.

Бизнинг оилаларимизда «меҳр обрўи» кўп учрайди. Бу болаларнинг ота-оналарга меҳрибон бўлиш лозим, деган тўғри хулосаларига асосланган обрўдир. Бироқ болалар билан ота-оналар ўртасидаги мана шу табиий ўзаро муносабатлардан нотўғри фойдаланиш ёмон натижаларга олиб келади. Боланинг онаси унга «сен айтганимни қилмадинг, демак, онангни ёмон кўрар экансан», деяверса, бу билан болада бора-бора онасни ёқтирмаслик ҳисларини туғдириш мумкин. Шу билан бирга, баъзи ота-оналар болаларига ўзларининг меҳрибон эканликларини кўрсатиш учун уларни ҳадеб эркалайверадилар, ўпиб, талтайтирадилар. Оиладаги бундай муносабатлар натижасида бола кўпинча иккиюзлама ва худбин бўлиб ўсади. Бола ёши улғая борган сайин ўзи хоҳлаган нарсаларнинг ҳаммасини қилишга рухсат олиш учун ўзини ота-онага меҳрибон қилиб кўрсатиш, шу тўғрида бир оғиз гапириш кифоя қилишини тушуниб қолади.

Баъзи оилаларда ота-оналар «обрўни сотиб олишга» уринадилар. А. С. Макаренко бундай обрўни ахлоққа тўғри келмайдиган беандишалик, деб атаган эди. Болага: «ўзингни яхши тутсанг, сенга ўзи юрадиган ма-

пина олиб берамиз», «гапга қулоқ соладиган бўлсанг, велосипед олиб берамиз» каби мантиқсиз ваъдаларни бераверадилар, шундай ваъдалар билан боланинг яхши хулқли бўлишини сотиб олмоқчи бўладилар. Бундай шароитдаги болалар ота-оналаридан ҳамма нарсани илтимос қилиб ундириш мумкинлигига ишонч ҳосил қилдилар. Ота-оналар ноаҳил оилаларда бу турдаги обрўни айниқса кўп учратиш мумкин. Бундай ота-оналарнинг ҳар қайсиси баъзан бир-бирларининг зиддига юриб болани ўзига қаратиб олиш йўлини тутди. Бунда аввало болаларга, сўнгра ота-оналарнинг ўзига ҳам зарар етади. Болаларга берилган қимматли совғалар туғган ёки уларнинг талаблари ва истаклари қондирилмаган ҳамоно дарров уларнинг меҳри совиб қолади.

Чинакам обрўнинг ўзи нима, у нимага боғлиқ, деган савол туғилиши табиий.

Ота-онанинг бутун ҳаёти, жумладан, ижтимоий бурчига муносабати, меҳнатсеварлиги, ота-онаси олдидаги фарзандлик бурчини қай даражада ўтаётгани, оиласи ҳақида қайғуриши, болажонлиги, пок ва виждонли бўлиши, одамларга меҳрибон ва жонкуярлиги кабилар улар қозонадиган обрўнинг асоси ҳисобланади.

Ота-оналар болалар учун энг яқин, азиз кишилардир, шу боисдан болалар ота ёки онага тақлид қилишга, уларга ўхшашга интиладилар. Ота-она ҳамма жиҳатдан болаларга ибрат бўлиши табиий. Оилада болалар билан ота-оналар ўртасидаги нормал муносабатлар уларнинг бир-бирларига ҳурмати ва ишонишларига асосланади. Болалар ўзларининг ҳамма ишларида ота-оналарини маслаҳатчи, ҳар хил қийинчиликлар билан курашда ўзларига ёрдамчи деб ҳисоблайдилар, ота-оналарини ҳақиқий дўст деб билиб, шодликларини ҳам, ташвишларини ҳам уларга изҳор қилдилар, айни вақтда уларни қадрлашлари, ҳурматлашлари ҳам лозим. Катталарнинг болаларга нисбатан оқилона талабчанлиги болага таъсир қилмаслиги мумкин эмас, бу талабчанлик болани ахлоқли бўлишга руҳан тайёрлайди.

Бола кичикликда катталарга тақлидчан ва итоаткор бўлади. Катталар нима қилса, шуни қилади, айтганларидан чиқмайди. Ёши ўсиб борган сари ақли кўп нарсаларга етадиган бўлиб қолади. Энди у баъзи масалаларда катталар билан келиша олмайди, ўз фикрида туриб олади. Катталар буни одобсизлик, ўжарлик, ўзбошимчалик деб тушуниб, уни ноҳақ жазолашга ҳам ури-

надилар. Бу ҳақсизлик боланинг қалбини жароҳатлайди, натижада, ота-она обрўйига путур етказди. Яна бир бор таъкидлаш ўринлики, болани тушунмаслик, тарбияда унинг ёш ва характер хислатларини ҳисобга олмаслик кўпинча ота-она билан болалар ўртасидаги меҳр-муҳаббат, ишонч йўқолишига сабаб бўлади. Тарбияда ҳар қандай майда-чуйда ҳам муҳимдир. «Болани фақат у билан гаплашганда, насиҳат қилганда ёки унга бирор нарса буюргандагина тарбиялайман деб ўйламанг,— деган эди. А. С. Макаренко,— Сиз болани турмушингизни ҳар бир лаҳзасида, ҳаттоки, ўзингиз уйда йўқлигингизда ҳам тарбиялайсиз. Сизнинг қандай кийинишингиз, бошқалар билан ва бошқалар ҳақида қандай гаплашишингиз, хурсанд бўлишингиз ёки ташвишланишингиз, дўст ва душманингиз билан қандай муомала қилишингиз, газета ўқишингиз — буларнинг ҳаммаси бола учун катта аҳамиятга эга»<sup>1</sup>.

Ота-она болаларнинг биринчи тарбиячисидирлар. Бола ҳулқининг шаклланиши ва унинг умумий камол топишида уларнинг таъсири ғоят катта. Бола ўз отонасини ҳаммадан яхши, ҳар қандай ишнинг уддасидан чиқадиган ажойиб кишилар деб ҳис этади. Бола қанчалик ёш бўлса, катталар хулқ-атвориغا шунчалик эргашувчан бўлади. Бунинг сабаби боладаги ҳаёт, турмуш тажрибасининг камлигидир.

Бола ота-онадан ташқари, оиланинг бошқа аъзолари таъсирида ҳам тарбияланади. Баъзан катталар ўз ташвишлари билан бўлиб болага қандай ҳаракатлари билан таъсир кўрсатаётганликларини сезишмайди. Оилада бола доимо катталарнинг бақриқ-чақриғини, дарғазаб юзини кўрса, у ҳам ёмон феъл-атворли, жаҳлдор бўлиб, оила аъзолари ўзаро хушмуомала, бир-бирларига меҳрибон ва аҳил бўлсалар, улардан ибрат олиб хушчақчақ, одамохун бўлиб ўсади.

Ота-она ўз болалари олдида ҳеч қандай обрў қозонмаган ҳоллар ҳам учраб туради. Булар боланинг ҳар қандай инжиқлигини дарров бажарувчи, ўз талабларига мантиқсиз қаровчи, болага бугун бирор нарса ни қилишга рухсат бериб, эртасига худди шу нарса учун жазоловчи ота-оналардир.

---

<sup>1</sup> Макаренко А. С. Болалар тарбияси ҳақида лекциялар. Т., «Ўқитувчи», 1967, 16—17-бетлар.

Ҳақиқий ота-оналик обрўйига болани қўрқитадиган беҳад қаттиққўллик ёки боланинг ҳамма нарсани қилишига йўл қўядиган, ҳар қандай шўхлигини кечирадиган ўтакетган даражадаги марҳаматлилик билан эришилмайди. А. С. Макаренко ота-оналарга мурожаат қилиб:

«Чинакам обрў сизнинг гражданлик фаолиятингизга, гражданлик туйғуларингизга, бола ҳаётини билишингизга, сизнинг унга берадиган ёрдамингизга ва унинг тарбияси учун ўзингизни жавобгар деб билишингизга, асосланади»<sup>1</sup>,— деган ва яна ота-оналар обрўининг асосий негизи бўла оладиган биргина нарса борлигини, у ҳам бўлса, ота-онанинг туриш-турмуши ва иши, ота-онанинг гражданлик сиймоси, хулқ-атвори эканлигини уқтирган эди.

Ота-она ўз болалари олдида обрў қозонган оилалардаги болалар уларнинг талабларини сўзсиз бажардилар, кўрсатмаларига бажонидил бўйсундилар. Агар болалар ўз ота-оналарини чиндан ҳурмат қилсалар, доимо уларнинг гапидан чиқмайдилар. Ҳар бир ишда улар билан маслаҳатлашишга ўрганадилар. Бу уларни кўп хатолардан сақлаб қолади.

Оилада ота-она обрўининг сақланишида сўз билан иш бирлиги жуда муҳимдир. Болаларнинг ўқиши, дам олиши, оила юмушларига ёрдамлашиши ва ҳоказоларини муайян тартибга солиб, унга риоя этишни талаб қилиш билан бирга, аввало ота-онанинг ҳам бу режимга итоат этишда намуна кўрсатиши катта аҳамиятга эга. Чунки, **режим тўғри тарбия воситасидир. Режим — боланинг кундалик ҳаётини маълум тартибга солинишидир.** Режим болани батартибликка ўргатади, интизомли қилади, унинг кучи ва вақтини тежайди, топшириқларни ўз вақтида пухта, аниқ бажаришга, жамоат орасида ўзини тутишга одатлантиради. Боланинг ҳаётини муайян бир маромда ташкил этиш унинг меҳнати билан дам олиши тўғри алмашилиб туришини таъминлайди. Режим—боланинг соғлом, тетик ўсишига, ақлий жиҳатдан ривожланишига ижобий таъсир этади. Режимга риоя қиладиган бола ҳар бир ишни вақтида бажаради. Вақтида меҳнат қилиб, вақтида дам олади ва қизиққан машғулоти билан шуғулланишга ҳам вақт топади. Уй юмушларида дастёрликка одатланади. Бундай бола

<sup>1</sup> Уша жойда 28—33-бетлар.

ҳамиша руҳан тетик, мақсадга интилувчан, серзавқ бўлади.

Ўқувчи дарсдан улгурмаслигининг асосий сабабларидан бири унинг режимга, маълум тартибга одатланмаганидир. Маълумки, ўқув машғулоти бола учун меҳнатнинг энг мураккаб тури бўлиб, ундан актив фаолиятни, диққат-эътиборини, чидам ва иродани талаб қилади. Боланинг ўқишдаги муваффақияти, аввало унинг меҳнатсеварлигига, оилада ҳар бир юмушни ўз вақтида бажаришига боғлиқ.

Мактабга тайёрланаётганида ҳар бир бола яхши ўқигиси ва ўзини яхши тутгиси келади ва агар бунга эриша олмаса, айб кўпроқ ота-она гарданига тушади. Шунинг учун ота-оналар болалар уй вазифаларини қандай бажараётганини, уларнинг мактабдаги ўқишлари, юриш-туришларини мунтазам назорат қилиб, муваффақиятларини тақдирлаб, ўз кучларига ишончларини қувватлаб боришлари керак. Шунингдек, ота-оналар ўз болалари ахлоқий мажбуриятларини қандай бажараётганини, ўқитувчи ва мактабнинг болаларга қўядиган талабларини доимо кузатиб ва билиб боришлари ўз фарзандларини муваффақиятли ўқитиш ва тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Айрим ҳолларда бола ўз ҳолига ташлаб қўйилгани сабабли дарс тайёрламай, сандираклаб кунини кеч қилади. Ота-она ишдан қайтгач биладики, бола дарс тайёрламаган. Уни койиб, кеч бўлса ҳам дарс тайёрлашга мажбур қилиши керак. Аммо бола кун бўйи кучини сарфлаб чарчагани туфайли ухлагиси келади, ишининг унуми бўлмайди. Шунинг учун боланинг вақтида дарс тайёрлашини назорат қилишга оиланинг ҳар бир аъзоси жиддий эътибор бериши зарур.

Бола овқатга ўтиришдан олдин албатта қўлини ювиш кераклигини, овқатланиб бўлгач эса Сизга миннатдорчилик билдириш одобдан эканини билсин. У вазиятга қараб иш тутишни ўргансин, фаҳм-фаросатли бўлсин.

Эрта билан турганда ётган ўрнини тузатсин.

Мактабга кечикиб бориш мумкин эмас. Шунинг учун болани ўқиш бошланишидан бир-бир ярим соат олдин уйқудан туришга, шошилиб қолмай, нонушта қилиб, ўз вақтида мактабга етиб боришга одатлантириш лозим.

Кундалик тартибга риоя қилмаслик болада пала-

партишлик, интизомсизликни вужудга келтиради, унинг мактабга, ўқишга ва тенгқурларига муносабатига салбий таъсир қилади.

Болани яхши одатларга ўргатиш билан бирга уни қандай бажараётганини кузатиш, унга яхши одатни тарк этмаслик одобли боланинг иши эканини англатиш зарур.

Фарзандларни революцион ғоялар ва анъаналарга содиқ, партия сиёсатини ҳимоя қиладиган, амалга оширишга интиладиган ва бунга лаёқатли кишилар қилиб тарбиялаш оилавий тарбиянинг асосий мақсадларидан биридир. Ана шу мақсадга эришишнинг муҳим омилларидан бири болаларни китобхонликка қизиқтириш, уларда китобхонлик қобилиятини тарбиялашдир. Болалар В. И. Ленинни ўқий билишлари, ўрганишлари, унинг асарлари устида мустақил фикр юрита оладиган бўлишлари керак. Баъзи ота-оналар болаларнинг китоб ўқишига эътибор бермайдилар. Бу масала билан мактаб шуғуллансин, деб қўя қоладилар. Тарбия соҳасидаги барча ишларни мактаб зиммасига юклаш мутлақо нотўғридир. Чунки болаларда ҳар бир воқеликни мустақил идрок этиш қобилиятини ривожлантириш мактабнинг ҳам, оиланинг ҳам вазифасидир. Ҳаёт идеалларини бировнинг (айтайлик, ўқитувчи ёки ота-онанинг) айтгани бўйича эмас, балки ўзининг онги ва қалби билан ҳис эта олиш бола ақл-заковатининг даражасига боғлиқ. Оилада тарбиянинг тўғри йўлга қўйилиши эса боланинг ҳар томонлама камол топишини хусусан ақл-заковати ривожланишини таъминлайди.

Фарзандларимиз кўп миллатли мамлакатда вояга етаётирлар. Улар умуминсоний манфаатлар билан ўзаро боғланган, айни вақтда зиддиятларга тўлиқ дунёда яшамокдалар. Ана шу шароитда фарзандларига интернационалистик ва ватанпарварлик фазилатларини сингдира бориш ҳам, ота-онанинг муҳим вазифасидир.

Икки тилни — миллий ва рус тилини билиш болалар истиқболи учун муҳим аҳамиятга эга. Ҳар бир тил умумий бойлигимизнинг таркибий қисми, шахснинг маданиятлигини белгиловчи омидир. Шунинг учун болалар камда икки тилни ўрганиши масаласига лоқайд қараб бўлмайди.

Оилада болаларни тўғри тарбиялашнинг асосий шартларидан бири *мактаб, оила ва жамоатчилик ҳамкорлигидир*. Мактабда ўтказиладиган тарбиявий соатларда, тураржойлар ёки маҳалла комитетлари ташаб-



буси билан чақириладиган болалар тарбиясига доир кенгашларда иштирок этиш, уларнинг кўрсатмаларидан болаларни тарбиялашда кенг фойдаланиш яхши натижа тар беради.

Тарбия — ижодий жараён сифатида ота-онадан педагогик билимларга эга бўлишни тақозо этади. Ёш авлодди тарбиялаш жуда мураккаб ва энг қийин ижтимоий ҳолисалардан бўлиб, унинг туб моҳияти ва илдиэлари кийинлик жамияти тараққиётининг қонунлари билан чамбармас боғланган. Ҳар қандай тузумни насл-авлодсиз ёки унинг тарбиясисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Болалар тарбияси ва унинг натижаси ижтимоий ҳамда шахсий манфаат касб этади. Яхши тарбия фақат оила учун қувонч, бахт-саодат, руҳий ва иқтисодий бойлик келтириб қолмай, шу билан бирга, жамият учун зўр сийсий-маънавий аҳамиятга эга.

Ёшлар тарбияси — ҳаётий зарур масала. Утмишнинг буюк мутафаккирлари ўз давридаги ижтимоий тузумнинг сийсий, иқтисодий ва маънавий асослари қандай бўлишидан қатъи назар, бола тарбиясига биринчи даражали иш деб қараганлар ва уни ҳаёт тақозосига мувофиқ таҳлил қилганлар.

Атоқли совет педагоги А. С. Макаренко: «Болалар тарбияси — ҳаётимизнинг энг муҳим соҳасидир. Болаларимиз мамлакатимизнинг бўлажак граждандир. Улар тарихни ижод қиладилар. Болаларимиз бўлажак оталар ва оналардир; улар ҳам ўз болаларини тарбиялайдилар. Болаларимиз ажойиб граждандар, яхши оталар, гузал оналар бўлиб ўсмоқлари керак. Бугина эмас: болаларимиз — бизнинг қарилгимиз ҳамдир. Тўғри тарбия — бизнинг бахтли кекалгимиздир. Ёмон тарбия — бизнинг келасида жафо чекишимиз, қайғу, гуссамиздир. У — кўз ёшларимиздир, у — бизнинг ўзгалар олдида, давлат олдида катта гуноҳимиздир»<sup>1</sup>, — деган эди.

Дарҳақиқат, бола тарбияси ниҳоятда нозик, мураккаб, чуқур педагогик ва психологик билимларни талаб қиладиган санъатдир.

Маълумки, ҳар бир ота-она фарзандининг соғлом, одобли, билимдон, меҳнатсевар ва умуман давримиз талабларига мувофиқ инсон бўлиб етишишини истайди.

<sup>1</sup> Уша жойда, 10-бет.

Аmmo фарзандларини яхши тарбиялаши учун фақат ота-онадаги хоҳиш, истакнинг ўзи кифоя қилмайди. Бунинг учун улар тарбиялашнинг нозик томонларини ва қонуниятларини, ҳар бир конкрет вазиятда болага қандай муносабатда бўлиш ва қандай ёрдам бериш кераклигини билишлари лозим.

Оила тарбиясида йўл қўйиладиган хато ва камчиликларга кўпинча ота-оналарнинг тарбия борасидаги билимлардан хабарсизлиги, тажрибасизлиги сабаб бўлади. Оилавий ҳаёт тартибини, талабларини, боланинг ўсиши ва тарбияланишида оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари муҳим аҳамиятга эга эканини ҳамма ота-оналар яхши билади деб бўлмайди. Тарбия ишига бир томонлама қарайдиган ота-оналар ҳам кўп учрайди. Баъзан эса ота-она ёки оиладаги катта кишиларнинг болага қўядиган талаблари бир хил бўлмайди, бундай оилаларда болани рағбатлантириш ёки жазолашнинг таълим-тарбияга зид усуллари ҳам қўлланилади.

Таълим-тарбия тўғрисидаги билимлар ота-оналарга аввало ўз болаларини яхшироқ билиб олишларида ёрдам беради.

Кўпчилик ота-оналар ўз боламни яхши биламан, деб ўйлайдилар ва баъзан улар янглишадилар. Болани билиш, биринчи навбатда, унинг қандай ўсаётгани ва камол топиб бораётганини, унинг талаблари, қизиқишлари, лаёқати, феъл-атвори, хулқи, кимлар билан дўстлигини билиш ва унинг ана шу жиҳатларига жиддий эътибор билан қараш демакдир, шундагина боланинг қизиқишини лозим бўлган йўлга буриб юбориш ёки уни ёмон хулқдан вақтида тийиш мумкин бўлади.

Аҳил ва ҳамжиҳат оилада ўсган, яхши ота-она тарбиясини кўрган ўғил-қиз ҳам ота-онасига тортади, одамшаванда бўлиб етишади. Чунки бола инсонга хос энг яхши фазилатларни ўзининг отаси ва онаси сиймосида кўради, уни ўзига сингдиришга ҳаракат қилади. Бундай оилаларда ота-она бола учун яхши ахлоқий намуна бўлса, айрим оилаларда болалар ёшлигидан нотўғри тарбияланади. Болага қўйиладиган талабларнинг ҳар хиллиги, баъзан англамай қилинган хатти-ҳаракатлар, сўз билан ишнинг бир хил эмаслиги каби ҳоллар боланинг тарбиясига салбий таъсир кўрсатади: бола тартибсиз, эрка, ишёқмас, қайсар бўлиб қолади.

Бундай болалар қайта тарбияланишга муҳтож бўлади-лар. Шунинг учун «болаларни мумкин қадар жуда кичик ёшидан бошлаб тўғри тарбиялашга киришиш керак, акс ҳолда уларни кейинчалик қайта тарбиялаш ғоят оғир бўлади, болани қайта тарбиялашга нисбатан уни тўғри ва нормал тарбиялаш анча осондир».

Тарбияда болаларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш зарур. В. Г. Белинский: «Тарбия — буюк иш, у билан инсон тақдири ҳал қилинади», — деган эди. Дарҳақиқат, тарбия ниҳоятда мураккаб, лекин ҳар бир ҳолатда индивидуал ва ижодий ишдир. Бой ҳаётий тажрибага эга бўлган ота-оналару педагоглар, олимлару, мутахассислар тарбияда болаларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш тўғрисида ўз фикрларини билдиришган.

Болаларни тарбиялашда уларнинг ёш хусусиятларини ҳисобга олиш учун қуйидаги босқичларга эътибор бериш лозим: мактабгача ёшдаги болалар тарбияси, ўсмирлик даври, ўспиринлик ёши.

Мактабгача ёшдаги болалар тарбиясининг мазмуни асосан болани яхши фазилатларга, масалан, озодаликка, ювиниш-таранишга, хушмуомалаликка, кишиларга жонкуяр ва ғамхўрликка, меҳнат қилишга, уни севишга ва қадрлашга ўргатишдан иборат бўлиши лозим. Болани ёшлигидан маълум гигиеник шароитда тарбиялаш уни озодаликка одатлантиради. Айрим ота-оналар «каттароқ бўлса, эс-ҳушини таниб, ўзини билиб олади» деб хато қиладилар. Бола жисмонан ўсган сайин унда ижобий хислатлар ҳам таркиб топиб, мустаҳкамланиб борганидек, ёмон қилиқ ва одатлар ҳам чуқур илдиз отиб боришини англамайдилар. Боланинг хулқидаги камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш осонроқ бўлади. 2—3 ёшдаёқ болада дастлабки хулқ-атвор нормалари таркиб топа бошлайди: У «мумкин» ва «мумкин эмас», «яхши» ва «ёмон» тушунчаларини фарқлай бошлайди. Шу даврда унда хатти-ҳаракат маданияти одатларини, маънавий ҳис-туйғуларни тарбиялаш зарур.

Ёш бола ҳамма нарсадан тез таъсирланади, ҳис-туйғуга берилувчан бўлади. Бола қанча ёш бўлса, шунча беихтиёр ҳаракат қилади.

Ёш бола одатда ҳар қандай ишни ақлга таяниб эмас, балки ҳис-туйғуга берилиб қилади. Қўрқув, жаҳл,

раҳмдиллик каби ҳис-туйғулар кўп вақт болани ҳаракатга солувчи куч бўлиб қолади.

Ёш болалар кайфиятининг жуда тез ўзгаришини, йиғи бирдан кулгига айланиши ёки аксинча бўлишини ким кўрмаган? Боланинг таъсирланувчанлигини қандай тушунтириш мумкин?

Ёш боланинг нерв системаси ҳали шаклланмаган бўлиб, унда қўзғолиш процесси тормозланиш процессидан устунлик қилади, шунинг учун улар кўпинча номаъқул ишларни қилиб қўядилар, ўзларини тия билмайдилар. Бу улардаги ирода сифатининг бўшлигидандир. Масалан, боланинг узоқ кутишга тоқати чидамайди. Қорни очса, сабр қилиб ўтирмайди, бетоқат бўлади, уйқу босса уни қочира олмайди ва булар унинг характериға таъсир қилмай қолмайди.

Боланинг табиий эҳтиёжи бўлган нарсаларни тақиқлаш ярамайди. Акс ҳолда унинг нормал ўсишиға зарар етказилади. Боланинг тез ўсаётган организми ҳаракат қилиб туришни талаб қилади. Агар унинг бу эҳтиёжига қарши борилса, бола ўжарлик билан гапга қулоқ солмайди, йиғлайди ва асабийлашади. Кўпинча болани шўхлиги учун койиб, жим ўтиришга ёки узоқ вақт бир хил иш билан шуғулланишга мажбур қилинади. Болада бунга сабр-тоқат етишмаслигини, у бир хил фаолиятдан тез толиқиб қолишини тушуниш керак.

Болалар узоқ чопишлари, ўйнашлари, турли ишлар билан машғул бўлишлари мумкин, аммо бунда уларнинг чарчагани сезилмайди. Шундай пайтларда баъзи «қаттиққўл» ота-оналар тоқатлари тоқ бўлиб, болани жеркиб ташлайдилар, «тинч ўтир!», «жонимға тегма!», «овозингни ўчир!», «шовқин солма!», «югурма!», каби қўпол сўзлар билан боланинг шахдини қайтариб, нотўғри қиладилар.

Ёш болалар характериға хос яна бир хусусият ҳар бир нарсаға қизиқиш, уни тезроқ билиб олишға интилишдир. Шунга кўра, улар дам-бадам «бу нима», «нега бунақа!», «бунинг ичида нима бор?» каби саволларни берадилар. Бунинг сабаби уларда ҳаёт тажрибаси камлиги, олам «сир»ларини тезроқ билишға қизиқиш кучлилигидир. Боланинг саволларига бефарқ қарамаслик, уларға қисқа, аниқ жавоб қайтариш керак. Вақт йўқлигини баҳона қилиб, пайсалға солиш ёки жавобсиз қолдириш ярамайди. Боланинг бу хусусияти атроф-

муҳитни ўрганишига, билишига, унинг ақли, зеҳни кўп нарсаларга етадиган бўлишига ёрдам беради.

Баъзан бола ўз ёшига тўғри келмайдиган саволлар беради. Бундай пайтларда уни бошқа нарсаларга чалғитиш ёки катта бўлганинда ўқиб билиб оласан, дейиш маъқул.

Болаларнинг ҳаммасига бир хилда муносабатда бўлиш мумкин эмас, чунки ҳар бир боланинг ўзига хос қилиги, одати бор. Масалан, бир болага мулоимлик билан айтилган яхши, бошқасига қаттиқроқ танбеҳ таъсир қилади. Яна бирига маъноли қараш ёки бош қимирлатиб қўйишнинг ўзи кифоя. Бунда аввало боланинг муайян таъсир этиш чораларига кўникканлиги муҳим роль ўйнайди. Бироқ табиатан ҳар бир одамда нерв системаси айрим хусусиятларга эга эканлигини ҳам ҳисобга олиш лозим. Агар бола билан муносабатда шу хусусиятлар ҳисобга олинмаса, вазмин, уятчан болага қўпол муомала қилинса, арзимаган хатоси учун койиб уришилаверилса, у зада ва қўрқоқ бўлиб ўсади. Ота-оналар олдида титраб, чўчиб туради, улар бўлмаган пайтларда ўзича иш тутади. Тўполончи, серҳаракат, шўх болаларга тасодифий хатоси ва ўзини тута олмаслиги учун тез-тез жазо берилса, уларда қаршилик кўрсатиш, ўзини қандай қилиб бўлса-да ҳимоя қилиш, ўжарлик пайдо бўлади, кўпинча улар ёмон хулқли, тарбияси «қийин» болаларга айланади.

Болаларнинг хатоси кўпроқ уларнинг «ҳамма нарсани қила олишини», ўзининг «катталигини» исботлашга уринишидан келиб чиқади. Айрим ота-оналар болани ноҳўя ишни қилишга ундаган сабабларни суриштирмай, фақат бола келтирган зарарнигина кўрадилар, уни бекорга жазолайдилар. Шундай пайтларда ўзларини тута билмайдилар.

Боланинг активлиги, ҳар нарсани билишга қизиқиши каби хусусиятларини ёддан чиқармаслик керак.

*Ўйин бола ҳаётида катта ўрин тутади. Шунинг учун бу ёшни «ўйинқаролик даври» деб атайдилар. Ўйин жараёнида бола жисмонан ўсади, унинг ақли тўлишади, ўй-фикрлари теранлаша боради, атроф олам ҳақидаги тушунчаси кенгайиб боради.*

Ижобий мазмунли ва ижодий характердаги яхши ўйинлар ахлоқий тарбиянинг кучли воситаси бўлиб хизмат қилади. Болалар ўйинида меҳнат тарбиясининг элементлари бўлади. Болалар ўйинининг кўпчилиги

бошдан-оёқ қисман кишилар меҳнатига тақлид қилишдан: ўйинда ишлатиладиган материалларни, ўйинчоқларни ўз вақтида йиғиштириб олиш, жой-жойига қўйиш, айримларини ювиш, тозалаш, тузатиш ва ҳоказолардан иборатдир. Шундай ўйинлар орқали болалар ўзларига тегишли ишларни ўзлари қилишга ўргана бошлайдилар.

Болалар ўйинлари тарбиявий аҳамият касб этиш учун уларга раҳбарлик қилиш керак. Бу иш ота-оналардан алоҳида вақт талаб қилмайди. Ўз иши билан банд бўлиб турган ота-оналар ҳам болалар ўйинининг мазмунини, болаларда инсоний фазилатларни таркиб топтиришга ташаббускорлик, мустақиллик ва коллективчилик хусусиятларини ривожлантиришга ёрдам бериши ёки бермаслигини билиб олишлари мумкин.

Кўпгина йирик педагоглар ўйинни меҳнатга тайёргарлик деб ҳисоблайдилар. Ф. П. Лесгафт ўйинни боланинг турмушга тайёрланишига восита бўладиган машқ, деб таърифлайди. А. С. Макаренконинг айтишича, бола ўйинда ўзини қандай тутса, кўпинча ўсиб катта бўлгач, ишда ҳам ўзини шундай тутати. Яхши ўйин ишга ўхшайди. Ҳар бир яхши ўйинда аввало, қўл ва мия ишлатилади, ўйин болаларга шодлик бахш этади, яхши иш ҳам одамга ана шундай шодлик келтиради, ишда бўлгани каби ўйинда ҳам катта масъулият ҳис қилинади.

Ўйин боланинг жисмоний ўсишида, ақлий ва ахлоқий камолотида катта роль ўйнайди. Унинг хаёлини ва ижодий қобилиятини бойитади. Эътиборли ота ёки она боланинг нима билан шуғулланиши ва унга қизиқарли ўйинларни топишда ёрдам бериш кераклиги ҳақида ўйлайдилар ва, албатта, топадилар. Мисол учун кир юваётган она қизига қўғирчоғининг кўйлагини ювишни тавсия этади. Қизча шу заҳоти онасининг олдида кўйлакчаларни ювишга киришади. Қизча ҳам ўзини онаси сингари зарур иш билан шуғулланаётгандек ҳис қилади. Кечқурун акаси ва опаси дарс тайёрлашга ўтирганда, бола ҳам улар билан бирга ўтириб гоҳ расм чизади, гоҳ қоғоздан нималарнидир кесади ёки бирор нарса ясайди. Хонада сокинлик ҳукм суради. Қизча фойдали иш билан банд, катталарга ҳам ҳалал бермайди. Шундай қилиб, ёш бола аста-секин катталарнинг ишини ҳурмат қилишга одатланиб боради.

Баъзи оилаларда мактабгача боланинг камолоти

ҳақида қайғурилмайди, бу мактабнинг иши деб қаралади. Бу нотўғри. Болани мактабга тайёрлаш оиланинг энг муҳим вазифасидир. Оилада болаларни ҳар тарафлама камол топтириш ишлари ота-оналардан ўз болаларининг ёш хусусиятларини яхши билиш ва ҳисобга олишларини талаб қилади.

Бола мактабга қатнай бошлагач, оила тарбияси янги мазмун билан тўлдирилади. Ота-она мактаб билан ҳамкорликда боланинг яхши ўқиши ва интизомли бўлиши устида жонқуярлик қилади.

Фарзанд мактабга бориши билан унинг кичик ҳаётида катта ўзгариш рўй беради, асосий вазифаси ўқиш бўлиб қолади.

Ота-она ўқитувчига катта ишонч, умид билан қарайди, унинг маслаҳатларини тинглаб, уларга амал қилишга, болада мактабга, ўқишга ҳавас орттиришга ҳаракат қилади. Болага ўқитувчини ҳурматлаш, унинг ҳамма айтганларини ўз вақтида пухта бажариш, мактабга кечикмай бориш, яхши ўқиш зарурлигини такрор-такрор уқтириб боради.

Бола мактабда ўқиш бошлаган дастлабки кунларданоқ унга одоб қондалари, катталарни кўрганда салом бериш, ўздан кичикларга ғамхўрлик қилиш, ўртоқлари билан аҳил дўст бўлиш, ўқишда ва бошқа ишларда бир-бирларига ёрдамлашиш кераклигини ва ҳоказолар тушунтирилади. Уйда бола яхши ўқиши учун керакли ҳамма шарт-шароитни яратишга ҳаракат қилинади, унинг кун тартиби белгиланади. Болани вақтида дарс тайёрлаб, вақтида дам олиш, ўйнаш, ухлаш, овқатланиш ва фойдали меҳнат билан шуғулланишга одатлантириб борилади. Биринчи синф айниқса ота-онадан кўпроқ вақт, чидам, куч талаб қилади. Чунки унда болани мактаб шароитига кўниктириш лозим бўлади.

*Боланинг яхши ўқиши, одобли бўлиши учун ота-она нима қилиши керак?* Бола дарс тайёрлаётганда ота-онанинг кузатиб бориши, қийналган пайтида ўзига мустақиллик берган ҳолда кўмаклашиши, йўлланма бериши — муваффақиятли ўқишнинг гаровидир. Уқувчининг ёмон баҳо олиши унинг мутлақо қобилиятсизлигини билдирмайди. Ота-она бола билмаган, одатланмаган нарсаларга эътибор бериши, эринмай ўргатиб, тушунтириб бориши зарур. Шунда у тез орада маълум тартибга тушиб, ўқишга кўникиб қолади: уй вазифаларини

ни хушига келганда эмас, ўз вақтида бажарадиган бўлади. Хатоларини кўра бошлайди, уларни тузатиш чораларини ахтаради. Бола билан мунтазам шуғулланиш уни юқори баҳога етаклайди. Масалан, фарзанд мактабдан «5» баҳо олиб, қувониб қайтди. Унга: «Мана кўрдингми, дарсингни ўз вақтида ҳафсала қилиб бажарганинг учун «5» олдинг. Яна ўқитувчи тушунтираётганда диққат билан қулоқ солсанг, баҳоларинг «5» дан тушмайди,— деб руҳлантириб қўйиш айни муддаодир. Меҳнати эвазига яхши баҳо олгани учун болани оила аъзолари тўпланганида мақтаб, сайрга ёки кинотеатрга бирга олиб бориб, унга бирор совға (китоб ёки ўқув қуроли) тақдим этиб рағбатлантириш мумкин. Лекин яхши баҳо олган болани пул билан хурсанд қилиш, шунга ўргатиш қанчалик кўнгилсиз оқибатларга олиб келса, ёмон баҳо олган болага азоб бериш ҳам шунчалик зарарлидир. Чунки бундай муносабат болада салбий хусусиятларни пайдо қилади: бола ёмон баҳо олса уйга келишга зириллайди. «Яна дадам, ойим уришади, сўкади» деб, «дайдиб» юради. Кундалик дафтарни «йўқотиб қўйдим» деб баҳона қилиш ёки ундаги ёмон баҳоларни ўчириш ҳоллари шундан келиб чиқади. Умуман у ўқишдан совийди.

Ота-она боланинг ўқиши, юриш-туришига бефарқ қараса, уни назоратсиз қолдирса ҳам бола ўқишга қизиқмай қўяди, бўш вақтини кўча-кўйда сандирақлаб ўтказишга ўрганади. Шунинг учун болани ўқишнинг биринчи кунидан бошлаб тиришқоқлик билан ўқишга, яхши хулқ-атвор эгаси бўлишга даъват этиш, унга дарс тайёрлашида амалий ёрдам бериб бориш лозим. Лекин айрим ота-оналар болага уй вазифаларини тайёрлашида кўмаклашишни бутунлай бошқача тушунадилар. Яхшилик қиламан деб, ёмонлик қилиб қўядилар. Улар ҳисобини ечиб, машқларини ёзиб бериш билан гўё болаларининг яхши ўқишига катта «ҳисса» қўшгандек бўладилар. Бир-икки марта шундай қилинса, бола бунга ўрганиб, уларга орқа қиладиган бўлиб қолади. Бу нарса болани ўқишдан совитади, унинг мустақил ўйлаш, меҳнат қилиш қобилиятини сусайтиради.

Бола дарс тайёрлаётганида жиддийроқ ўйланадиган жой чиқиб қолиб, катталарга мурожаат қилса, унинг ҳар бир саволига тайёр жавоб бермаслик, сабртоқат билан болани масалани тўғри ечишга йўллаш керак. Қолганини ўзи ҳал қилсин. Болани ўз кучига



ишонтира бориш, йўл қўйган хатосини тузатишни ўзига топшириш лозим. Бола ўқиган ёки ўқиётган текст мавзун бўйича унинг ўзи кўрган, эшитган нарсалар ва воқеалар асосида суҳбатлар ўтказиш, бунда боланинг актив қатнашишига эришиш орқали унинг билим савиясини ошира боради, нуқти ва фикрининг ўсишига ёрдам беради.

Болани математикага қизиқтириш учун уни эринмай ижодий характердаги қизиқ масалалар тузишга ва ечишга ўргатиш, карра жадвалини ёд олишида бирлашиб машқ қилиш зарур.

Ана шу тариқа болада секин-аста мустақил ишлаш кўникмаси ҳосил бўлади.

Бола балоғат ёшига ўтгач ота-она у билан муносабатда унда шаклланаётган ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олиши муҳимдир.

В. А. Сухомлинский айтганидек: «Болаликдан ўсмирликка ўтиладиган ҳаётий йўл шод-хуррамлик, қувонч, бирдамлик, тетиклик йўли бўлиши керак — бу тарбиявий ишимиздаги бутун системанинг энг муҳим қоидаларидан бири. Шод-хуррамлик бола қалбидаги умидбахш ишончнинг манбаи бўлиб, атрофидаги оламга чинакам кенг муносабатларнинг шартидир, бундай муносабатларсиз маънавий камолот бўлиши мумкин эмас».

Гоҳо ота-оналар боласи қуйи синфларда яхши ўқиганини, ниҳоятда тартибли, қобил бўлганини айтиб, бешинчи-олтинчи синфларда ўзгариб, ишга қовушмайдиган, қўрс ва гап кўтара олмайдиган бўлиб қолганидан нолийдилар.

Ота-оналар таъбири билан айтганда, қобил болалари нима учун бирдан айниб қолди? Ўсмирлик даври (12-15 ёш) ривожланишдаги энг мураккаб давр бўлиб, уни ўтиш даври ҳам дейилади. Бу даврда бола организмда мураккаб анатомик-физиологик ва руҳий ўзгаришлар рўй беради. Ўсмирлик ёшида бола бўйига тез ўсади. Суяклар мускуллардан тезроқ ўсиши натижасида бола қаттиқ оғриқ сезади, томирлари тортишади, иситмалайди. Шу боисдан кўп болалар асабий ва жаҳлдор бўлиб қолади.

Ўсмирлик даври бошланганда асаб системаси морфологик жиҳатдан шаклланиб бўлади. Нерв системасининг бундан кейинги ривожланиши организмнинг ҳамма функциялари устидан назоратнинг кучайишига ва

иккинчи сигнал системасининг такомиллашувига олиб келади.

Ўсмирни тарбиялаш шунинг учун қийинки, у ўзини кўп жиҳатдан мустақил ҳаракат қилишга қобилиятли деб ҳис этади. Ўзига катталарнинг ғамхўрлигини кераксиз ҳисоблаб, ундан қутулишга ҳаракат қилади. Аслида эса унинг ҳамма вақт ўзи ўйлаганча иш қила олиши мумкин эмас. Ўсмирлар билан ота-оналар орасидаги келишмовчилик кўпинча шу заминда юз беради.

Ўсмирлик даврида нерв системасига эндокрин беги гормонлари таъсирининг кучайиши туфайли бош мия қобиғида қўзғалиш ва тормозланиш процессларининг мувозанати бузилади. Бу эса хулқнинг бетайинлигини, ўсмирнинг юқори қўзғалувчанлигини, кайфияти тез ўзгаришини, иш қобилияти гоҳ кутилмаган даражада кўтарилиши ва гоҳ пасайишини вужудга келтиради. Ўсмир ё «тоғни ағдарадиган» даражада актив бўлиб қолади, ё пассивлашиб ишлашни ҳам, ўқишни ҳам хоҳламайди.

Мана шу психологик ҳолатлар сабабли ўсмир жуда иззатталаб ва тез ачкиқланадиган бўлади. Имкониятларига катталар томонидан етарли баҳо бермаслиги унда алам, адоват ҳисларини вужудга келтиради, уни ранжитади. Шунинг учун ўсмирлар билан муносабатда А. С. Макаренко таъкидлаганидек, «иложи борича тарбияланувчилардан талаб қилиш ва мумкин қадар уни кўпроқ ҳурматлаш керак.»

Ўсмир ёшидаги болаларнинг муҳим сифатларидан яна бири шуки, улар ижтимоий меҳнатнинг аҳамиятини яхши тушуна бошлайдилар ва фақат ўзларининг эмас, балки ўртоқларининг ва бошқа катта кишиларнинг меҳнати сифатларига ҳам қизиқиб қарайдилар.

Ўсмирлик ёшидаги болаларга хос психологик хусусиятлардан бири шуки, улар гарчи ирода сифатларига эга бўлсалар-да, кўпинча уларда бўшанглик, сабрсизлик, бардошсизлик, ўзини тутта билмаслик каби ҳолатлар ҳам юз бериб туради. Бу даврда бола кўкрак қафаси мускулларининг такомиллашуви қўл ва оёқларининг ўсишидан анча ортда қолади. Шунинг учун болада бесўнақайлик, баъзан қўполлик ҳолатларини кузатиш мумкин. Бола тез ўсаётган қўлларни ва умуман гавдасини идора этишга анча қийналади. Баъзи ота-оналар ёларни ҳисобга олмай, ўғил ва қизларини «мунча қў-

полсан», «нега қовушмайсан», «катта бўлган сари лапашанг бўляпсан» каби ноўриш танбеҳ ва жеркишлар билан ранжитиб қўядилар, уларда ўзига ишончсизлик ва ҳадиксирашни вужудга келтирадилар. Ўсмирлик боланинг ҳам жисмоний, ҳам ақлий ўсиш даври экан, ота-оналар ўсмир организмда модда алмашинувини нормалаштирадиган овқатлар ейишга, жисмоний тарбия билан шуғулланишига алоҳида эътибор беришлари лозим. Бунда ўсмирнинг ҳаддан ташқари оғир юк кўтаришига, ортқча куч сарфланадиган машқлар қилишига йўл қўймаслик керак.

Буржуа психологияси ўсмирлик даврини оғир, хавфли, ҳалокатли, тарбиявий таъсирга берилмайдиган давр деб ҳисоблайди. Бизда ҳам бу ёшни оғир ҳисобловчилар топилади. Совет педагогикаси коммунистик тарбия тажрибасига таяниб болага оила, мактаб ва жамоатчилик ҳамкорлигида тўғри тарбия берилса, унда юқоридагича салбий хусусиятлар пайдо бўлмаслиги мумкинлигини исботлади.

Ҳар бир ота-она, катталар аввало боланинг катта бўлиб қолганини ҳисобга олиб, иложи борича у билан юмшоқ ва жиддий муомалада бўлишга ҳаракат қилишлари, айрим масалаларда уларнинг ҳам фикрини билишга қизиқишлари, гапларига эътибор билан қулоқ солишлари керак.

Оила аъзолари жам бўлган пайтларда фарзанднинг бу йил катта бўлиб, ақли кириб қолгани, ўқиш, хулқи яхшиланиб бораётганини айтиб мақтаб қўйиш фойдалидир. Шу билан унга катта тарбиявий таъсир кўрсатиш мумкин. Қўнгли кўтарилган бола ўзини яхши тутишга, ёмон одатларини ташлашга ҳаракат қилади.

Укалари олдида ўсмирнинг ҳурматини кўтариш, уларга уни ака ёки опа сифатида ҳурматлаш, унинг сўзидан чиқмасликни уқтириш муҳим тадбирдир. Бунинг тарбиявий томони шундаки, энди ўсмир ўзини-ўзи тарбиялашга ўтади. Катта бўлиб сўзини ўтказиш учун, аввало, ўзи яхши бўлишини англайди.

Ўсмир ўзини «катта» билганида ҳар бир ишда мустақил бўлишга интилади. Кўп нарсаларни ўз билганича қилишга уринади. Ўсмирдаги бу нозик ҳисни, хусусиятни тушунмаган айрим ота-она ва катталар уни ўзбошимчаликда, одобсизликда айблайдилар. Дилига озор етган бола аламзада бўлиб, қайсарлик, қўполлик қилади. Боланинг ўзи билганича қилган иши ота-онага

ёқмаслиги мумкин. Аммо улар бу норозиликни асло бақариб-чақариб ёки башарани буриштириб изҳор этиш ярамайди. Аввал боланинг яхши ташаббусини маъқуллаш ва унинг эътиборини ўз хатосига қаратиб, бирор иш қилишдан олдин ўйлаш, катталардан сўраш кераклигини, шошма-шошарлик қилмаслиги кераклигини оҳиста тушунтириш лозим.

Тажрибали ўқитувчилардан бири шундай ҳикоя қилади «Мен раҳбарлик қилаётган синфда Шокир исмли бола ўқийди. Мулойим ва қувноқ бола. Анча меҳнаткаш, ўқишлари ҳам дуруст. Уртоқлари билан ҳазилкашлик қилишни ёқтиради. Кейинги кунларда қандайдир воқеа юз берди-ю, Шокир ўзгариб, кам гап бўлиб қолди. Болалар билан илгаригидек очилиб, кулиб ҳазилкашлик қилмай қўйди. Эшитишимга қараганда, у дарсларда ўқитувчиларнинг саволларига жавоб беришдан ҳам бош тортиб, қайсарлик қилармиш. Мен бундан ташвишланиб танаффус вақтида уни ёнимга чақариб: «Шокир, сенга нима бўлди, соғлигинг дурустми, бир еринг оғрияптими», деб сўрадим. Шунда у бошини қуйи солган ҳолда «ҳеч ерим оғриётгани йўқ, соғман», деб жавоб қилди. Унинг юз-кўзларига синчиклаб тикилар эканман, қалбида қандайдир алам борлигини сездим. Чехрасидаги ноҳушликнинг хулқ-атворидаги қўполлик ва ўжарликнинг сабабини билишга қизиқдим. У билан очiqроқ гаплашишга, бундан бирор натижа чиқмаса, уйига боришга аҳд қилдим. Лекин тасодифан отаси билан учрашиб қолдим. Отаси мени кўриши билан ўғлидан гап очди: «Сизни учратганим яхши бўлди, деди у қувониб, ўзим олдингизга ўтмоқчи эдим. Шокирға жуда ҳайронман. У кейинги вақтларда ўзбошимча бўлиб қолди. Уйда онасига, менга ҳам қўполлик қилади. Ўзимиз гапирмасак, соатлаб ҳам жим юраверади. Негадир мендан ўзини олиб қочади. Назаримда, бирор тарбияси бузуқроқ болага қўшилиб қолганга ўхшайди. Бундан бир ҳафта олдин уйга кечаси соат 9 да қайтди. Шундай кетаверса, охири нима бўлади».

Отанинг гаплари мени ўйлантириб қўйди. Воқеани аниқламай туриб, у кишига бирор нарса дейишим қийин эди. Шундай бўлсада, отага тасалли бердим. Бу ҳақда Шокир билан дурустроқ гаплашмоқчи эканлигимни айтдим.

Уша куннинг эртасига Шокир билан иккимиз қолиб узоқ суҳбатлашдик. «Шокир»— деб сўз бошладим оҳис-

та,— яхши биласан, мен сенинг ўқитувчинг-тарбиячинг бўламан. Мен ўз ўқувчимнинг хурсандчилиги-ю, хафгарчиликларини билишни истайман. Буни сендан бир неча кундан бери кутардим. Кеча дадангни учратиб қолдим. У киши ҳам сендан бир оз хафа кўринади. Уйга кеч келармишсан...»

Дадасининг номини эшитиши билан Шокирнинг ранги қув ўчди, вужудини титроқ босди. Узини босиб олгач воқеани сўзлади. Ҳамма нарса ўша куни уйга кечикиб келишидан бошланган. Мактаб биринчилиги учун футбол мусобақасида ўйинчилардан бири тасодифан Аъзам деган болани тепиб юбориб, оёғини шикастлантирган. Шокир билан Манноп жароҳатланган ўртоғини касалхонага олиб боришган. У ерда Аъзамнинг оёғи синганлиги маълум бўлган. Дўстлари бу ҳақда унинг ота-онасига хабар қилишган. Болалар уйларига кеч қайтишган. Шокирнинг дадаси унинг кечикканидан ғазабга келган. У кўриниш биланоқ, сўрамай-нетмай, гуноҳсиз болани ура кетган.

«Биласизми, Ёқуб ака,— деди титроқ овозда Шокир,— менга, дадамнинг бир оғиз ҳам суриштириб билмаганлари алам қилади. Ахир мен дайдиб юрмаган эдим-ку! Айбим бўлса, нима қилсалар ҳам майли эди! Яна укаларим олдида! Мен Манноп билан гаплашдим. Уйдагилар уни дадамга ўхшаб дўппослашмаган, суриштириб яхши иш қилибсизлар. Ҳақиқий ўртоқ шундай бўлади, деб мақташибди.

Шокир бу гапларни кўзларидан оққан алам ёшлари билан айтди.

— Шокир,— дедим мен шунда,— тўғри, ўртоғинга ёрдам бериб яхши иш қилгансан. Лекин ҳар вақт бир нарсани унутма. Сенинг кечиккан ҳар бир минутинг ота-онангни ташвишга солади. Бунақа пайтларда кечикишга кўзинг етса, иложини топиб уйингга албатта хабар қилиб қўйгин. Уша куни ҳам бошқа болалар орқали уйингга хабар қилишинг мумкин эди. Тўғрими?

Шокир масаланинг бу томонларини ўйламай, уйдагиларни ташвишга қўйганлигидан ҳижолат тортди. Менинг ҳақли талабларим олдида бош эгди».

Келтирилган бу мисолда ота болага нотўғри муносабатда бўлган, адолатсизлик қилган. Яхши иши учун болани мақташ, кўнглини кўтариш ўрнига уни ноҳақ жазолаган.

Мана шундай воқеадан сўнг отанинг бола олдидаги

обруйи нима бўлади? Катталарга хос босиқлик, улуг-лик, саҳоват қани? Боладаги кишиларга яхшилик қилиш иштиёқи, шу ҳақдаги фикрлари нима бўлади? Бу ҳақда жиддийроқ ўйлаб кўриш керак эди.

Жаҳолатга берилиш, сабрсизлик нималарга олиб келмайди. «Жаҳолат — бахт душмани» деб бекорга айтишмаган.

Боланинг хулқ-атвори ўзгариб кам гап, қўпол бўлиб қолиши отанинг ноҳақлигидан бўлади. Болани уриб, бўлмағур гаплар айтиб, иззат-нафсига тегди. Натижада бола отасидан безиб узоқлашишга тиришди. Қандай бўлмасин отага дуч келмасликка уринди. Бирга бўлганда ҳам очилиб-сочилиб гаплашмади. Гапи «ҳа», «йўқ» дейишдан нарига ўтмайди.

Агар ота-она болага муносабатда юқоридаги сингари адолатсизликка йўл қўйса, уни дарҳол ўзи тузатиши, хатосига иқроф бўлиши маъқул. Бу бола қалбидаги жароҳатнинг тезроқ тuzалишига ва болада ота-онага аввалги ҳурматининг тикланишига ёрдам беради.

Ўсмирлик ёшидаги йигит-қизлар жамоат ишларида ўз активлиги ва жўшқин фаолияти билан ажралиб турдилар.

Ота-она қандай йўл билан бўлмасин ўсмирни ўз куч ва имкониятларига ишонтира олиши, кўзланган мақсад йўлида ҳар қандай тўсиқ ва қийинчиликларни енгишга ўргатиши лозим. Ижтимоий ишларни кўтаринки руҳ билан бажаришга ундашлари керак. Жамоат ишларида бола кўп нарсаларни ўрганади: унинг масъулият ҳисси, ташкилотчилик қобилияти ўсади, ўқиши, одоби ҳам яхшиланиб боради. Афсуски, айрим ота-оналар бунинг аҳамиятини тушуниб етмайдилар, болаларини жамоат ишларидан қайтариб ёмон иш қиладилар.

Абдулла мактабдан кечроқ қайтди. Унга пешвоз чиққан она ўғлида қандайдир ички ҳаяжон борлигини сизди:

— Тинчликми? Нега кечикдинг?

— Бугун синф мажлиси бўлди,— деб ҳаяжон билан гап бошлади Абдулла. Қураторимиз Раъно опа кўп нарсаларни гапирдилар. Синфда ёмон ўқийдиган, сабабсиз дарс қолдирадиган болаларни уялтирдилар. Болалар ҳам сўзга чиқиб улар синфимизни орқага тортаётгани ҳақида, айрим ўқувчиларнинг бир-бирларига лақаб қўйишини, ноаҳиллигини айтишди.

Раъно опа синфда дўстона коллектив йўқлигини, синф активлари яхши ишламаётганини, пионерлар ўз бурчини яхши бажармаётганини айтиб, мени класкомликка сайлашни таклиф қилдилар. Болалар ҳам мени мақтаб бу вазифани яхши бажаради, дейишди. Мен қизариб кетдим, нима дейишимни билмадим. Кейин ҳамма болалар табриклашди, ҳайронман... эплай оламанми?

Она ўғлининг сўзларини эътибор билан тинглаб, хаёлидан нималарнидир ўтказди-да, меҳр билан ўғлига боқиб: «Ҳа, ўғлим ўртоқларинг сенга катта ишонч билдирибди. Ҳаракат қилсанг, эплаб кетасан. Фақат бир нарсани қулоғингда тут: бир иш қилмоқчи бўлсанг, албатта, синф раҳбаринг билан маслаҳатлаш, болалар билан гаплашиб, биргаликда ҳал қилишни ўрган. Синфга тегишли ҳар қандай ишни ҳеч қачон бир ўзинг дабдурустан қилма»,— деди.

Кечки пайт, ҳамма тўпланганда она Абдулладан сўз очиб, бугун уни синфбоши қилиб сайлашганини фахрланиб сўзлади. Ота ўғлини табриклар экан, шуларни қўшиб қўйди: «Ўғлим сенга қийинроқ бўлади. Ҳамма ишда аввал ўзинг илдам бўлишинг керак. Бўлмаса сенга қулоқ солишмайди. «Ўзинг-чи», дейишлари турган гап.

— Нима, ундай бўлса, бўлмайман қўяман-да.

— Йўқ, ўғлим, ундай қилиш ярамайди. Сенга ишонидими, уни оқлашинг керак,— деди ота қатъий оҳангда. Акс ҳолда, хунук иш бўлади.

Сўнг ҳаммалари болаларни бир ёқадан бош чиқариб ишлашга ундаш учун нима қилиш кераклиги ҳақида фикрлашишди, ҳар бири қўлидан келганича ёрдам беришларини айтишди. Шу кундан бошлаб Абдулла ҳам ўзгариб, анча ўйчан, жиддий бўлиб қолди.

Баъзи ота-оналар боланинг дилидаги яхшиликни пайқамайдилар, қўполлик қилиб уни бекорга ранжитадилар.

Шавкат еттинчи синфда ўқийди. Уни ҳам синф активига — деворий газетанинг редактори қилиб сайлашди. Бу ҳақда онасига айтганида

— Ҳа, нима бўлибди, сайлашса?,— деди онаси.

— Ҳеч нима бўлмайди. Шундоқ сайлашдида...

— Ҳа, шунақа керакмас нарсаларга бошингни қотириб юрма. Ўқишингни бил. Қараб тур, агар баҳоларинг пасайиб кетса, мендан яхшилик кутма!

...Синф газетасининг навбатдаги сони душанба куни чиқиши керак эди. Шанба куни мақолалар етишмагани сабабли болалар дам олиш куни битирадиган, эртасига соат 10 ларда Шавкатларникига тўпланадиган бўлишди.

Шавкат айтишга айтди-ю, онасининг феълени ўйлаб юраги ғашланди. Ўйлаб, ўзига тасалли берди: «Кетинглар, дея олармидилар. Кейин уришсалар уриша қоларлар. Майли. Иш битса бўлди... Аммо иш ўйлаганича бўлмади. Болаларни кўриши билан онанинг авзойи бузилди. «Ўйларни эндигина неҳасратда йиғиштирдим. Яна ҳаммаёқни ивирситишга қўймайман», деди.

Шавкат онасининг қилмишидан уялиб ялинишга тушди:

— Ойижон, жуда зарур-да, тушунинг. Ифлос қилмаймиз. Кейин ўзимиз йиғиштириб қўямиз.

Болалар нима қилишларини билмай ҳайрон бўлиб туришарди, шунда рассом бола:

— Қани бизникига кетдик, болалар. Майли, кўпчилик бўлсакда, барибир газета ишлашимизга ойим жой топиб берадилар, деди.

Мана икки оиладаги болага муносабат. Уларнинг биринчисида ота-она бола ҳаётида рўй бераётган ҳар бир ҳодисага қизиқиш, эътибор билан қараяпти. Боланинг ўз кучи ва имкониятларига ишончини мустаҳкамлаб, уни кўпчилик манфаатини кўзлаб иш тутишга ундаяпти. Ижтимоий иш, меҳнат тарбиянинг муҳим воситаси эканини ота-она яхши биладилар. Иккинчи ҳолатда эса она бола ҳаётига бефарқ қараб, фақат унинг яхши баҳосини ўйлайди-ю, боланинг кўнглини, одамгарчиликни унутади. Она бола кўнглида яхшилик уруги униб чиқишига ёрдам беролмади! Арзимас меҳнатини, озодагарчиликни меҳрга алишди. Боласи ўзидан узоқлашиб, бегонасимон бўлиб қолаётганини сезмади. У ўғлининг жамоат ишларига қизиқишини сўндириб, келажакда унда худбинлик, бефарқлик каби иллатлар ниш уришини ҳаёлига ҳам келтирмади.

*Успиришлик ёши.* Ўғил ёки қизингиз балоғатга етди, бўй-басти, қадди-қоматини кўриб қувонасиз. Энди у бола эмас, балоғатга етган йигит, ёки қиз. У ҳулқ аторида, юриш-туришида катталардан қолишмасликка интилади. Илгариги ҳовлиқиш, жиззакилик, тортинчоқлик, кўрслик йўқолиб, ўзини тутадиган, хушфеъл бўлиб бо-



ради. Шу даврда кишида ўзини-ўзи тарбиялашга эҳтиёж сезилади. Ҳар бир ота-она боладаги бу хусусият катта бўлганлик аломати эканини пайқаб, уни ҳар доим ақл билан иш тутишга, ҳаёли қиз, одобли йигит бўлишга ундаб бориш лозим.

Агар ота-она болани бошидан тўғри тарбиялаган, тиришиб қунт билан ўқишга, меҳнат қилишга одатлантирган бўлса, у ҳаётда қоқилмайди, тўғри йўлни топиб олади.

Боланинг ўқишга муносабати ҳам ўзгаради. Илгари вақтида дарс тайёрлашга мажбур қилган бўлсангиз, энди ўзи мустақил тайёрлашга уринади, ҳатто, вақти етишмай қолаётганидан нолиб ҳам қўяди. Ўғил-қизингиз характерида намоён бўлаётган тиришқоқлик, мустақиллик, маъсулиятлилик, қатъиятлилик каби хусусиятларни вақтида маъқуллаб, уларда ўз кучи ва имкониятларига ишончини тарбиялаб бориш гоят зарур.

Ўспирин ўзини юриш-туришига эътибор беради, чиройли, ихчам кийинишга ва одобли бўлишга интилади. Худди шу даврда айрим ёшлар ўзларига оро бериб, кўча-кўйда санғиб юриш одатини ҳам чиқарадилар. Ота-она бўйга етган ўғил-қизини тергамай, ўз ҳолига ташлаб қўйса, албатта, кўнгилсиз оқибатларга олиб келади, чунки 16—17 ёшда бола ҳали ақл-ҳушини бир ерга тўхтатиб олмаган бўлади. Ҳаётнинг паст-баландига тушунмайди. Бундай пайтда ота ўғлига, она қизига яқин бўлиши, ўғил бола ўзини эркакдек тутиб, бачканаликка йўл қўймаслигини, қиз бола ўз шаънига, қизлик ғурурига яраша ифбатли, назокатли бўлиши кераклигини уқтириб туриши керак.

Ёшлик даври чексиз ғайрат-шижоат, интилиш, изланиш, дўстлар ва дугоналар билан боғлиқ бир даврдир. Шоирлар ёшликни кўпинча баҳор фаслига ўхшатадилар. Бу бежиз эмас, албатта. Дарҳақиқат, ёшлик баҳор каби ғўзал, тонг шабадаси сингари, ёқимли, гул сингари хушбўйдир. Ёшларимиз ана шу такрорланмайдиган ғўзал даврни мазмунли қилиш ва қадрлаш билан ўзларига бахтли ҳаёт яратадилар. Улар худди шу даврда ҳам маънавий, ҳам жисмоний томондан камолотга эришадилар. Дунёқарашлари таркиб топиб, илм-ҳунар эгаллайдилар. Мустақил ҳаётга тайёрланадилар, одоб, ўз-ўзини тута билиш, дид фаросат, шарм-ҳаё ширинсуханлик ва ишбилармонлик билан янада ғўзал кўринадилар.

Катта ёшдаги ўқувчиларнинг ўсишлари ҳам жисмоний, ҳам психологик ривожланишдаги жиддий ўзгаришлар билан характерланади. Бу даврда ўғил ва қизлар жисмонан етилади. Уларнинг психикасида болалик ва ўсмирлик ёшидаги баъзи хусусиятлар сақланса-да, катта бўлганликнинг жуда кўп белгилари пайдо бўла бошлайди. Мана шу белгилар ёшларимиздаги қобилиятнинг равшанлигида, ҳис-туйғуларининг кучида, шиддатли активликда, жўшқинликда намоён бўлади. Ота-она ўғил ва қизлардаги бу сифатларни ҳурмат қилиши, ёшлардаги ташаббускорлик олови сўнишига йўл қўймаслиги, тарбияланувчиларнинг дадил интилишларини қўллаб-қувватлаши, уларни йўлга солиши керак. Бунинг учун тарбиячи сезгир, қизгин интилишлардан завқланадиган бўлиши зарур.

Ёшлик — қизгин мунозаралар, атрофдаги борликни танқидий тушуниш давридир. Бу ёшда фақат бошқаларни баҳолаш эмас, балки ўзига ҳам баҳо беришга интилиш пайдо бўлади, ўзининг кучли ва бўш томонларини тушуниб олишга ҳаракат қилади. Бу хусусият ёшларда тобора тараққий этиб боради ва ўз-ўзини англаш эҳтиёжини уйғотади. Шу пайтда катталарнинг ўринли далдаси, ишончи ўспиринга куч бағишлайди.

Ота-она ўғил-қизига ўз иродасини мустаҳкамлаш, характер хислатларини таркиб топтириш ва ҳоказолар тўғрисида маслаҳат бериб туриши зарур. Ёшларнинг ўзини-ўзи тарбиялаши ўзи учун намуна сифатида танлаб олган ва изидан боришга ҳаракат қиладиган киши — идеал (тақлид) билан чамбарчас боғлангандир. Ёшлар идеали ўзига хос ахлоқий андаза бўлиб, ҳаётда унга ўхшашни истайдилар. Ёшларнинг идеаллари революция доҳийлари, меҳнат қаҳрамонлари, Ватан ҳимоячилари, ажойиб тарихий шахслар, олимлар, ёзувчилар, адабий асарларнинг ижобий қаҳрамонлари ва бошқалардир. Йигит ва қизларда яхши одамларга тақлид қилиш иштиёқи ҳосил бўлади. Ота-оналар ёшларнинг бу интилишларини қўллаб-қувватлашлари ва, аксинча, уларни ўйламасдан қилинадиган хатти-ҳаракат ва қилиқлардан эҳтиётлаб, катта ёки кичик жасоратларга илҳомлантиришлари лозим.

В. А. Сухомлинский айтганидек: «Биз ҳар бир тарбияланувчининг ёшлик йилларида жасорат кўрсатишига, ўзининг маънавий ҳаётида онгли, етакчи роль ўйнашига ҳаракат қиламиз. Жасорат учун имконият

қиякат катта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган феодалиятдагина бўлмай, балки оғир қийинчиликларни енгиниш зарур бўлган жойларда, ўғил ёки қизларнинг яқинларига онд энг оддий, кундалик ҳаракатларида ҳам вуҷудга келади».

Успириин ўқишда, ижтимоий йилларда жамоат манфаатларини кўзлаб иш тутишга, коллектив билан ҳисоблашишга интилади. Ўз ҳуқуқ ва имокниятларини яхши билишдан ташқари, Ватан олдидаги муқаддас бурчларини ҳам чуқурроқ ҳис қила бошлайди. Жамиятимизга фойдали кишилар бўлиб етишиш орзусида ўқиб, билим олади. Ота-оналар эса ўғил-қизларини ҳар қандай ишни удалайдиган, актив жамоатчи, ташаббускор қилиб тарбиялашга алоҳида эътибор беришлари, бунинг учун уларни жамоатчилик ишига қизиқтиришлари, ижтимоий ишларда кўтаринки руҳ билан ишлашга ундашлари зарур.

Жуда кўп оилаларнинг бола тарбиясидаги тажрибаларини кузатиш ва ўрганиш материалларига таяниб оила тарбиясида йўл қўйиладиган хатоларнинг сабаби ҳақида қўйидагиларни айтиш мумкин:

1. Баъзи ота-оналар болалар тарбиясида жамиятимизнинг талабларини ҳисобга ола билмайдилар.

2. Ота-оналарнинг кўпчилиги болаларга яхши тарбия бериш ниятида бўлсалар ҳам, лекин бу ишнинг ўзига хос қонуниятларини билмайдилар.

3. Айрим ота-оналар бола тарбиясидаги ўз бурч ва масъулиятларини тўла англамайдилар.

4. Қатор оилаларда боланинг майли ва истагини ҳисобга олиб уни оқилона йўлга солинмайди.

5. Баъзи ота-оналар иш билан бандлигини баҳона қилиб, болаларнинг тарбияси билан деярли шуғулланмайдилар.

Хулоса қилиб айтганда, ота-онанинг ўз фарзанди тарбиясига эътибор бермаслиги, уни ўз ҳолига ташлаб қўйиши, бу соҳадаги вазифаларига бир томонлама қараш ота-оналик бурчини, жамият олдидаги масъулиятни ҳис қилмасликдир. Ҳар бир ота ва онанинг ўз фарзанди тарбияси билан асосли равишда шуғулланиши, бунинг учун эса тарбия ишининг ўзига хос томонларини, қонуниятларини, боланинг психологик ва ёш хусусиятларини, жисмоний ва физиологик ривожланиши қонуниятларини билишлари ёш авлодни тарбиялаш соҳасида муваффақиятларга эришишнинг асосий омилларидир.

Тема: *Оилада болаларни муваффақиятли тарбиялаш шартлари*

1. Ота-онанинг шахсий намунаси ва обрўси.
2. Оиладаги соғлом муҳит — болани муваффақиятли тарбиялаш гарови.
3. Оила хўжалиги ва бола тарбияси.

### 3- §. Оилада болаларнинг ахлоқий тарбияси

Бола тарбияси учун давлатни бошқаришдан кўра ҳам теранроқ мушоҳада, ундан ҳам чуқурроқ донишмандлик керак.

У. Ченнинг

Ахлоқий тарбия барча даврларда ҳам долзарблиги билан характерланади. Бундан икки минг йил илгари яшаган юнон файласуфи Софокл ҳам «Бугунги ёшлар қаёққа қараб кетишмоқда, ўзи?» дея хитоб қилган экан.

Одамзод пайдо бўлибдики, ҳамisha одамийлик шаънига яраша хатти-ҳаракат қилишга, ўзида у ёки бу фазилатларни мужассамлаштиришга интилиб келади. Одоб, хулқ-атвор нормалари асрлар давомида таркиб топиб, такомиллашиб борган. Улар ҳар бир шахснинг ўзини тута билиши, хатти-ҳаракатида ва гап-сўзларида ўз ифодасини топади.

ҚПСС XXVII съезди ўртага қўйган улуғвор вазифалар қаторида шахснинг ахлоқий камолоти масаласи ҳам муҳим ўрин тутади. Бинобарин, ҳар бир совет оиласи, мактаб ва жамоатчиликдан ахлоқий тарбияни такомиллаштиришдек масъулиятли вазифани ҳамкорликда бажариш талаб қилинади.

Оилада болаларни ахлоқий тарбиялаш кўп қиррали мураккаб жараён бўлиб, у одоб, меҳнат юритиш малакаларини, оила хўжалигини, ота-онага, катталарга ҳурмат, ижтимоий бурчга содиқлик каби фазилатларни таркиб топтиришдан иборатдир.

Оилада болаларни кичик ёшдан бошлаб коллектив бўлиб меҳнат қилишга ўргатиш, меҳнатни ва меҳнат аҳлини ҳурматлаш руҳида тарбиялаш лозим. Бунда меҳнат мақсадга мувофиқ ижтимоий фойдали меҳнат бўлиши муҳимдир.

Доно ҳалқимиз «инсоннинг бахти, кўрки-меҳнатдан», деб бежиз айтмаган. Дарҳақиқат, киши ўз бахтига ҳалол меҳнати туфайли муяссар бўлади. Инсонни улуғлайдиган, элга танитадиган меҳнатдир. Меҳнатнинг самараси киши руҳини кўтаради, уни қувноқ ва тетик қилади, янада унумлироқ меҳнат қилишга чорлайди. Одам ҳаётига маъно, мазмун киритади.

Боланинг ёши, кучи ва имкониятларига тўғри келадиган ҳар қандай меҳнат уни чиниқтиради, ақлини ўстиради. ҳамда қийинчиликни енга оладиган, кучли, иродали қилади. Шунингдек, ахлоқий фазилатларнинг камол топишига сезиларли таъсир кўрсатади.

«Меҳнатдан ташқари ва меҳнатсиз тарбия йўқ ва бўлиши мумкин эмас»,— деган эди В. А. Сухомлинский. Бу гап ахлоқий тарбия меҳнат тарбияси билан эгизаклигининг ифодасидир.

Маълумки, болада мустақилликка интилиш жуда эрта вужудга келади. У ҳар бир ишни «ўзим қиламан» деб уринади. Ота-она боланинг ана шу табиий эҳтиёжидан тарбиявий мақсадда фойдаланиб болани ўзини-ўзи бошқаришга, онла, рўзғор ишларида кучи етадиган юмушларни бажаришга ўргатиши лозим.

Бола улғайган сайин унга оиланинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида маълум меҳнат топшириғи бериш ва шу орқали болада топширилган иш учун масъулият ҳиссини тарбиялаш керак.

Болага иш буюрганда бундан кўзланган мақсадни, ишни яхши ва сифатли бажариш учун сабр-тоқат зарурлигини тушунтириш, вазифани бола қандай бажараётганини назорат қилиш, кези келганда ёрдам бериши, ишнинг натижасини баҳолаш жуда муҳимдир. Шунингдек болага буюриладиган ишларнинг мазмунини тобора кенгайтириб ва мураккаблаштириб бориш лозим. Акс ҳолда болада фаоллик йўқолиши мумкин.

Ота-оналар ҳар хил бўлади. Бунинг далили сифатида эр-хотин яхшигина маош оладиган бир оилани кўрайлик. Эр ҳам, хотин ҳам феъли кенг одамлар. Лозим бўлганда ёру дўст, қўшнилардан ҳеч нарсани аяшмайди. Болаларга қолганда эса пулга қаттиқ туришади, уларга ортиқча пул беришмайди. Болалар меҳнат қилиб топилган пулнинг қадрига етсин деб шундай қилишади.

Ота-она фарзандларини ёшликдан меҳнатда тарбиялашга алоҳида аҳамият беришди. Кичикларини ўзини-

ўзи эплашга, каттароқларини ёшн, кучи, имкониятига қараб жисмоний меҳнатга ўргатиб боришди. Эндиликда болалар қўлидан ҳар бир иш келадиган, уддабурон, меҳнатсевар ўғил-қизлар бўлишди.

Меҳнатсевар оилаларда ўсган болалар ёшлигиданоқ рўзгорнинг бутун «сир»ларини ўрганиб борадилар. Чунки улар ота-оналари ҳалол меҳнат билан топилган пулнинг ҳар бир тийинини тежаб-тергаб сарфлашини кўриб, кўзлари «пишиб» боради. Бундай оилаларда тирикчилик эҳтиёжларига сарфланган ҳаражат сўмлаб эмас, тийинлаб ҳисоб қилинади, Шунинг учун болалар ҳам пул, меҳнат ва ота-онанинг қадрига етадилар.

Катта маош болани яшайдиган баъзи оилалардаги болалар кўпинча, меҳнат ва унинг моддий ўлчов бирлиги бўлган пулнинг қадрини билмайдилар. Улар ота-оналари катта-катта сарфлашини, унча-мунча пулни менсимаслигини кўриб, турмушни осон деб ўйлай бошлайдилар. Бундай ота-оналар болаларининг чўнтакларига майда ҳаражатлар учун ҳам катта-катта пулларни солиб қўядилар. Бола эса бемеҳнат, беташвиш чўнтакка тушган пулни ҳеч аямай исроф қилади. У ота-онаси яна пул беришини билади. Шу тариқа бола пулга ўрганади, уни қадрламайдиган бўлади. Бу эса болада меҳнат қилмай ҳам яхши яшаш мумкин, деган ниҳоятда хатарли тушунчани пайдо қилади. Бола уй ишларига ҳам бўйни ёр бермайдиган, тайёрга-айёр бўлиб ўсади. Шунинг учун ота-онанинг фарзандига меҳр-муҳаббатини болага моддий шароит яратиб бериш билан ўлча-масдан уни келажagini ўйлаб тўғри тарбиялашга қараб белгилаш керак. Демак, ота-она болани ёшлигидан меҳнатда иштирокини бориши, меҳнат билан топилган ҳар бир нарсани ва буюмни эҳтиётлаш ва қадрлашга ўргатиши керак.

Маош олган кунни ўйга кўтариб келинган совға озгина ширинлик айниқса кичик болаларни ниҳоятда қувонтиради. Шу қувонч онладагиларнинг ва ўзингизнинг ҳам кайфиятингизни чоғ қилиб юборади, чарчоғингизни тарқатади. Баъзи бетавфиқ оталар, ўғиллар маош теккан кунни ўйга ичиб маст бўлиб қайтадилар. Ун беш кунлик меҳнат эвазига олган мойнанинг ярмини ичкиликка сарфлаб юборадилар.

Айрим ота-оналар шу кунни ечилиб кетишади, болаларига қимматбаҳо ўйинчоқлар, қўша-қўша кийимлар олиб келишади. Қўша-қўша уст-бош ва ўйинчоқлар уйин-

либ ётса, тезда боланинг кўнглига тегади. У инжиқлик қилиб яна бошқаларни истаб қолади. Ҳамма буюмлар пешона тер билан топилган пулга келишини бола ҳаёлига ҳам келтирмайди. Бунинг ўрнига болага бир сидра уст-бош қилиниб, уни аяб, озода кийинишга ўргатиш аини муддаодир. Ўйинчоқ хусусида ҳам шундай: бола учун қизиқ ва керакли ўйинчоқ олиб бериб, уни бузмай эҳтиётлаб ўйнашни ўргатсак, тўғри иш қилинган бўлади. Бола уларнинг қадрига етади. Ота-она «ҳамма нарсага қудратим етади» деб боланинг раъйига қарайвериши тарбияни бузади.

Ҳар бир ота-она ўғил қизини ёшлигидан оилавий ҳаётга тайёрлаб бориш билан бир қаторда, уни ижтимоий фаолиятга ҳам тайёрлаши, яъни унда жамият, одамлар фойдасини кўзлаб меҳнат қилиш иштиёқини тарбиялаши жуда муҳимдир. Ижтимоий тушунчаларни шакллантиришда мактаб катта роль ўйнайди. Чунки у болага билим беради, оқ-қорани танитади, ахлоқ-одобни ва меҳнат қилишни ўргатади. Мактаб болада маълум бир касб-ҳунарни эркин танлаш учун асос бўладиган меҳнат кўникмаси ва малакаларини шакллантиради.

Ёшларни ҳаётга, онгли равишда касб танлашга тайёрлаш мактаб билан бирга оиланинг ҳам муҳим вазифасидир. Бола ёшлиқдан ўзи тиришиб меҳнат қилишга одатланиши ўзини ўзи эплаши, ҳар бир ишни уddалай оладиган уқувли бўлиши керак. Унга кучи етadиган ишларни буюриш ва ўргатиш лозим. Баъзан у ёки бу ишга боланинг қўли қовушмай туради. Уқуви, ақли, фаросати етишмаганидан бу ишни uddалай oлмайди ёки ёмон бажаради. Боланинг келажагини, бахтини ўйлаган ота-она сабр-тоқат билан болага эринмай иш ўргатиши, такрор-такрор уқтириши, кўрсатиши, уни ишга руҳлантириб «Баракалла, ўғлим, ана қўлинг келиб қолди, фақат мана бу ерини бироз...» дейиши, болани қизиқтириши лозим. Шунда бола вазифани бажаришга астойдил ҳаракат қилади.

Афсуски, айрим ота-оналар сабрсизликлари, ноўрин хатти-ҳаракатлари билан боланинг меҳнатга иштиёқини сўндириб қўядилар. «Мунча ношудсан!», «Шуни ҳам uddасидан чиқа олмадингми?», «Сен бир нарсани эплай олармидинг?» каби қўпол сўзлар айтиб, жеркиб, боланинг қўлидан ишни тортиб олиб, ўзлари қилишга тутинадизла! Болани яхши гап билан яхшиликка ундади

мумкин бўлганидек, ёмон гап билан йўлдан чиқариш ҳам мумкин.

Болалар ёшликдан уринчоқ бўлишади, ҳар нарсани қилиб кўришни, яшашни, бузишни ёқтирадилар. Катталар боладаги ана шу ташаббусни қувватлаб, уни фойдали томонга буришлари керак.

Айтайлик, Анвар исмли бола VI синфда ўқийди. Меҳнат дарсида қоркурак яшашни ўрганиб қайтди. Уйда ўзи қоркурак яшагга ҳаракат қилади. Ҳаммаси жойида бўлди-ю, дастасига келганда негадир уддалай олмади. Дастанни арралаб фанерни қандай бириктириш ҳақида ўйлаб турган эди, дадаси эшикдан кириб келди. Ўғлининг ишига разм солган ота мийиғидан кулиб қўйди.

— Ҳа, уста, ҳорманг, нима ҳаракат?

Боланинг ақли етмай қолган ишни энди ота-бола биргаликда бажаришди. Ниҳоят, қоркурак ҳам тайёр, ёш «уста»нинг юзида севинч, табассум пайдо бўлди.

Ота ўғлининг қилган иши учун мақтаб қўяди. Онанинг ҳурсандлиги ҳам шундай кўриниб туради.

Анвар отасига ўхшаб устахонада ишлашни жуда ёқтиради. Тунов куни укасига стулча ясаб берганида у роса севинди. Уйга атаб сабзи тахта, тузлик, вешалка, оёқ кийимлари учун махсус тахмон ясаб ойсини ҳурсанд қилди.

Бу оилада отанинг ўзи меҳнатсевар, қўли олтин, билмаган иши, ҳунари йўқ. Ота ўғилларини болаликдан ёнига олиб, ҳар хил ишларга ўргатади, чиниқтиради. Яхши ишлари учун мақтади, ўз билганича иш қилганда севинди; қўллаб-қувватлади. Шу тариқа уларда меҳнатга ҳавас, ихлос уйғотиб борди. Айрим ота-оналарга ўхшаб «Сенга ким қўйибди бунни, аввал ўқишингни қойил қилгин, Қаши, йиғиштир, ҳаммаёқни ивирситиб юбординг», ёки «Мунча тақиллатасан. Ҳа, нима, дуррадгор бўлармидинг» қабилида иш тутмади.

Ёки бошқа бир мисол.

...Мансур меҳнат дарсидан «б» олганини айтиб ота-онасини суюнтирмоқчи бўлди. Аммо онасининг энсаси қотиб, «Ҳа, келиб-келиб меҳнатдан «б» олибсан-да. Бундай, кераклироқ фанларга ёпишсанг бўлмайдими?», деди. Боланинг ҳафсаласи пир бўлди.

Болаларнинг ёшлигидан бошлаб қандай ишларга майли ва қобилияти борлигини аниқлаш керак. Кўпинча улар расм солишга, лой ва пластилиндан турли нарсалар яшагга уринадилар. Ўқиш даврида айрим бола-



лар физика, математикага, бошқаларни адабиёт, тарих фанларига қизиқадилар. Буни сезган ота-оналар ўз болаларини жуда қобилиятли деб ўйлаб, буни болаларга ҳам айтадилар. Бу зарарли бўлиб, боланинг мағрурла-нишига, кибрланишига олиб келади.

Болаларнинг ҳаваси истеъдод бўлавермайди. Аммо боланинг қобилиятини, майлини ва соғлигини ҳисобга олиб иш тутиш керак.

Ўйигит-қизлар мактабни тугатгач, қаерда ўқишни да-вом эттириш ёки қайси соҳада меҳнат фаолиятини бош-лаш ҳақида ўйланиб қоладилар. Ўзига ёққан касб ҳа-қида атрофлича ўйлайдилар, ҳаётда янглишмаслик учун қобилияти, имкониятларини синаб кўрадилар, яқин-лари билан маслаҳатлашадилар. Аммо айрим ёшлар касб танлаш масаласига юзаки қарайдилар, бир амал-лаб бирор ўқув юртига кириб олиш ёки бирор енгил-роқ иш топиш ҳақида бош қотирадилар. Кейинчалик улар ҳаётларида афсусланадилар, кимдандир домангир бўладилар ёки бир ишдан иккинчисига кўчиб юрадилар. Шунинг учун ҳар бир ота-она ўғли ёки қизининг касб-ҳунар танлашга жиддий эътибор бериши, улар тасо-дифларга, шошмашошарликка йўл қўймаслиги учун ўз вақтида тўғри маслаҳат бера олиши зарур.

Маълумки, ахлоқий сифатлар жумласидан бурчга содиқлик ҳам болаликдан шакллана бошлайди. Бурч ҳиссини тарбиялашга жамиятимизда доимо жиддий эътибор билан қаралди ва қаралмоқда.

Бурч ҳисси ижтимоий талабларни билиш, уларни бажариш зарурлигини англаш ва ўз манфаати учун фой-дали вазифалар сифатида бажаришдан бошланади. Шахс ижтимоий бурчни адо этиши учун маънавий масъу-лиятни чуқур ҳис қилиши, ўз вазифасини тўла-тўқис ба-жаришга интилиши, ўз ҳатти-ҳаракати ва бурчини ички эҳтиёжга айлантириш керак.

Бурч туйғуси — Ватан, партия, халқ манфаатларини ўз манфаатидан юқори қўйиш, ўз фаолиятини коллектив талабларига бўйсундириш, яхши ўртоқ бўлиш, ўртоқ-лари ва бошқа кишиларга ёрдам бериш, барча топши-риқларни бажариш, катталарни ҳурмат қилиш, уларга ва ўзидан кичикларга кўмаклашиш, қийинчиликлардан қўрқмай, уларни енгил, ботир, жасур, ҳаққоний бўлиб, дангасалик, ичкиликбозлик, беодоблик каби салбий одат-ларга йўл қўймасликдан иборат. Ижтимоий бурчни англаш одатда итоткорлик, катталарнинг топшириқ ва

талабларини дарҳол бажариш ҳамда билан ҳаракатнинг бирлигидан бошланади.

Болаларда бурч ҳисси таъсирида ўзини тута билиш, мақсадга эришишда қатъийлик, талабчанлик, фикр юри-тиши ва ҳаракатида мустақиллик, маълум даражада танқидий қараш, уюшқоқлик, режалилик сезилади.

Бола эс-ҳушини таний бошлагач, ота-онаси, яқинла-рининг ғамхўрлигини тушуна бошлайди. Бунга жавобан ўзининг ширин табассумини ҳадя қилади, талпинади. Яхши нарсани илиниб оғзига тутсангиз билади, дарҳол уни сиз билан бўлишиб ейишга тиришади. Қўнглингиз-га хушнудлик келтирадиган ишларни қилишга, сизга ёқмаган қилиқларни такрорламасликка уринади. Хул-лас, яхшиликка яхшилик билан жавоб бериш керакли-гини ўқиб боради.

Бола секин-аста ота-онаси, яқинлари, одамлар ол-дида бурчли эканини ҳис қила бошлайди. Чунончи, ўзи-ни-ўзи эплаш, қўлидан келганича катталарга кўмакля-шиш-дастёрчилик қилиш, кичикларга ғамхўрлик, қа-риялар ҳамда муҳтожларга эътиборли бўлиб, уларнинг оғирини енгил қилиш; ўзига тегишли буюмларни эҳ-тиётлаб асраш, бошқаларнинг ҳам меҳнат маҳсулини қадрлаш кабилар. Болада ёшлиқдан топширилган иш учун жавобгарлик ҳиссини тарбиялаш лозим. У айтган сўзи — ваъдасининг урдасидан чиқадиған бўлсин. Сўзи-да туриш, ваъдага вафодорлик — мард кишининг иши эканини билсин. Лафссизлик — сўзининг урдасидан чи-қа олмаслик, бўшанглик, одамларнинг ишончини оқла-маслик ёмон иллатлар эканини англасин.

Бола мактабга қатнай бошлагач, ота-она унга ва-танпарварлик бурчи яхши ўқиш, намунали хулқ-атво-ли бўлиш, ижтимоий ишларда актив фаолият кўрсатиш эканини уқтириб ва тушунтириб боришлари лозим. Бола-га маълум қондаларга амал қилиш яъни дарсга кечик-май ўз вақтида бориш, ўқитувчининг топшириқларини ўз вақтида ҳалол бажариш, ўқитувчига, катталарга итоаткорлик, уларнинг кўрсатмаларини сўзсиз баж-ариш, уйда, мактабда, жамоат жойларида ўзини қандай тутиш кераклигини англатиб бориш айна муддаодир. Болани масъулиятни сезишга одатлантириш мактаб би-лан бир қаторда ота-онанинг ҳам шарафли вазифаси-дир.

#### 4- §. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда мактаб, оила ва жамоатчиликнинг ҳамкорлиги

Инсонни ҳамма: одамлар, буюм ва нарсалар, воқеа-ҳодисалар, аммо энг аввало ва аксари ҳолларда одамлар тарбиялайди. Булар орасида эса ота-оналар билан ўқитувчилар биринчи ўринда турадилар.

*А. С. Макаренко*

Тарбия ўз табиатига кўра бир мақсадга қаратилган ягона, узлуксиз жараёндир. У ҳамма жойда: мактаб ва оилада, ҳовлида ва кўчада, жамоат тўпланадиган жойларда амалга ошади. Шунинг учун кўпдан кўп тарбиявий кучларнинг бола шахсига таъсири бу кучларнинг ўзаро мувофиқ ҳолда амал қилишини тақозо этади. Тарбия жараёнининг мураккаблигига ҳаётнинг ҳамма соҳалари тез суръатлар билан ривожланаётгани ҳам сабаб бўлмоқда. Агар илгари ҳар бир авлод билими, маданий ва профессионал савияси билан аввалги авлодлардан жуда оз фарқ қилган бўлса, ҳаёт ғоят тараққий этиб бораётган ҳозирги даврда бу фарқ тобора кўпайиб бормоқда. Бу ҳол бола тарбиясида оилавий тарбиядан ташқари мактаб ва жамоатчилик таъсиридаги тарбиянинг аҳамиятини оширмоқда.

Мактаб — тарбиявий фаолиятни бир мақсадга қаратган ҳолда ва педагогик жиҳатдан малакали амалга ошира оладиган тарбия ўчоғидир. Ота-она болаларни оилавий ҳаётга тайёрлашда мактаб билан, хусусан, болаларнинг ўқитувчилари билан яқин алоқада бўлиши лозим. Мактабда ўтказиладиган ота-оналар мажлисларида қатнашиш, боланинг хулқи ва билимларни ўзлаштиришда содир бўлаётган ўзгаришлардан доимо хабардор бўлиб туриш, ундаги ижобий ҳислатларни қўллаб-қувватлаш, нуқсонлар сезилса, уларни ўқитувчилар ҳамкорлигида тез бартараф этиш бола шахсини камол топтиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Баъзи бола ўзини оилада бошқача, мактабда бошқача тутаяди. Бунда ота-она бола қандай ўқиётгани, юриш-туриши, ўртоқлари кимлиги билан қизиқмагани сабаб бўлади. Борди-ю, боланинг бирор ноҳўя хатти-ҳаракати ҳақида бундай ота-онага айтилса, улар «болам унақа болалардан эмас, мактабдаги ўртоқларидан ўргангандир-да», деб боланинг айбини хаспўшлашга

ҳаракат қиладилар. Ана шундай ҳолларда болада тарбия омилларига қизиқиш сусаяди, билим ва ахлоқ-одоб қондаларига бефарқлик вужудга келади. Натижада тарбия воситаларининг таъсир кучи аста-секин пасаяди. Болада лоқайдлик, ўзбилармонлик, қайсарлик каби платлар пайдо бўлади. Бундай болаларни эса мактабнинг ўзи тарбиялай олмайди. Оила ва жамоатчилик ҳамкорлигига зарурат туғилади.

«Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг Асосий йўналишлари»да болалар ва ўсмирлар билан турар жойларда ўтказиладиган тарбиявий ишни тубдан яхшилаш зарурлигини уқтирилади. «Ишни шундай йўлга қўйиш керакки,— дейилади мазкур ҳужжатда,— мактаб микрорайондаги ўқувчилар билан тарбиявий иш олиб борадиган ташкилотчи бўлиб қолсин».

Шубҳасиз, мактаб ёш авлод тарбиясини таъминловчи коммунистик тарбиянинг етакчи муассасаларидан биридир. Лекин у давлат ва ижтимоий институтларидан ажралган ҳолда иш юрита олмайди. Шунинг учун ота-оналар, маҳалла комитетлари мактабнинг тарбиявий таъсирини янада кучайтиришда бевосита ҳамкорлик қилишлари, ўзаро яқин алоқада бўлиб, келишган ҳолда иш олиб боришлари лозим.

Маълумки тарбия биргина назарий билимлар билан чегараланиб қолмасдан, амалий тадбирлар таъсирида мустаҳкамланиб бориши керак. Кейинги йилларда мамлакатимизда, жумладан Ўзбекистонда ҳам ўқувчилар билан турар жойларда тарбиявий ишларни такомиллаштириш бирмунча яхшиланди. Бунинг учун керакли моддий-техник база мустаҳкамланди, мактабдан ташқари спорт, маданий-оқартув муассасалари сони ортиб бормоқда, умумий таълим мактабларида тарбиявий ишлар ташкилотчиси, турар жойларда ташкилотчи-педагог штатлари жорий этилди. Маҳаллаларда махсус маданий-оқартув марказлари (клуб, қизил бурчак ва ҳоказолар) фаолият кўрсатмоқда. Улар болалар тарбиясига онд кўрсатмали қурооллар билан жиҳозланган.

Боланинг ҳаёти фақат оила ёки мактабда ўтмайди. У дарсдан бўш вақтининг анча қисмини жамоат жойларида, ўз тенгдошлари даврасида ўтказади. Боланинг бу вақтни қандай ўтказиши тарбияда жуда оз фойдаланиб келинаётган резерв — турар-жойларда болаларнинг дам олишини тўғри ташкил этиш билан боғлиқ.

Шунинг учун ҳам Н. К. Крупская: «Мактабдан таш-

қари иш ниҳоятда муҳимдир, чунки бу иш болаларни тўғри тарбиялашга ёрдам беради, уларнинг ҳар томонлама камол топишлари учун шароит яратиб беради»<sup>1</sup>— деб ёзган эди.

Шуни унутмаслик керакки, ўқувчилар яшаб турган ижтимоий муҳитда уларнинг ахлоқий қарашлари, юриштуриш ва алоқа малакалари, тажрибалари маълум даражада таркиб топади. Бунда ўсмир мактабда олган билимларини ҳаёт тажрибалари билан солиштиради, мустақилроқ бўлишни, ўзидан кичикларга ғамхўрлик қилишни, ўз ўртоқлари, тенгдошлари билан муносабатни ўрганади. Шунингдек, у оила доирасидан кенг уй, кўча, маҳалла, шаҳар ёки қишлоқ ҳаётига мослашиб боради.

Баъзан ўқувчининг назарий билимлари билан мактабдан ташқари микромуҳитнинг ижтимоий йўналишлари бир-бирига мос келмайди ёки ҳатто, қарама-қарши бўлади. Бунинг устига ўқувчининг онги етарлича ривжланмаган бўлади. Ана шу боисдан билим ва амалиёт бир-бирига қанчалик мослигини дарров сезади.

Буларнинг ҳаммаси болалар ва ёшларни тарбиялашга мактаб билан бирга жамоатчиликни ҳам жалб қилишни тақозо этади. Шундай қилиб, агар ота-она мактаб ва жамоатчилик ёрдамига таянмаса, болани тарбиялашдаги бурчи ҳамда вазифасини тўла бажара олмайди.

### Топшириқ:

1. Она ўғлини ўринсиз ҳимоя қилаётганини, тарбияда йўл қўйган хатосини қандай англаб етди?

2. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида ота-оналар жамоатчилиги ўртасида қандай мавзулар бўйича суҳбат, лекция ҳамда конференциялар ўтказиш маъқул.

3. Мактаб, оила ва жамоатчиликнинг бола тарбиясидаги ҳамкорлиги яхши самаралар беришини қандай фактлар билан асослайсиз?

Бу масалага эътиборсиз қаралса, нима бўлади?

---

Крупская Н. К. Танланган педагогик асарлар. Т., «Ўқитувчи», 1974, 644—645- бетлар.

## 5- §. Ота билан она — боланинг биринчи мураббийси

Боласини сўйишни товуқ ҳам билади. Уларни тарбиялай олмоқ эса — қобилият ва кенг ҳаётий билимларни талаб этувчи давлат миқёсидаги буюк ишдир.

*М. Горький*

Маълумки, ҳар бир киши доимо ўзининг моддий, маънавий, маданий, ахлоқий ва бошқа талаб-эҳтиёжларини қондириб боришга ҳаракат қилади. Бу унинг табиий ва ижтимоий зарурияти бўлиб, кундан-кунга ўзгариб, давр тақозосига мувофиқлашиб туради. Ана шу ўзгариш жараёнида кишиларнинг бир-бирига тақлид қилиши тобора кенг ва муҳимроқ мазмун касб этади. Демак, тарбияда намунанинг роли ошиб, миқёси, кенгайиб боради. Катталарнинг ёшларга, ота-оналарнинг болаларга, устозларнинг шогирдларга, раҳбарларнинг ходимларга намуна бўлиши, ибрат кўрсатишини тарбиянинг ҳеч қандай воситаси билан таққослаб ҳам, алмаштириб ҳам бўлмайди.

Намуна бўлувчидан қилнадиган талаб унинг оилада, коллектив жамиятда тутган мавқеидан келиб чиқади. Зеро у соғлом, жисмоний тетик, онгли, ахлоқли, хушмуомала, касбининг жонкуяри, ватанпарвар, дидли бўлиши, меҳрибон ота ёки она сифатида ҳам атрофдагилар диққатини ўзига тортиши, жамоатчилик ўртасида обрў-эътибор қозониши шарт.

Ошкоралик ва демократия турмушга актив жорий этилаётган ҳозирги пайтда тарбияда ибрат, намунанинг роли янада ортади. Ота ва она боланинг биринчи мураббийси бўлиши билан бирга, уни тарбиялашда шахсан ибрат кўрсатувчи таъсирчан омил ҳамдир.

Ота-она ўз фарзандларига ҳалоллик, поклик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик каби ахлоқий нормаларни сингдириш билан бирга, уларда оилавий муносабатлар психологиясини ҳам шахсан намуна кўрсатиб тарбиялашлари лозим. Бунда улар аввало болаларда аёл ва эркек, оила бошлиқларни, эр ва хотин, ота ва она каби тушунчаларни таркиб топтиришлари керак. Хўш, ота-она тарбиячи сифатида қандай хислатларга эга бўлиши лозим.

Она аёлдир. Аёл қалбини дарёга ўхшатишади. Чунки унинг қалб чашмасидан оила ҳам, фарзандлар ҳам—

ҳамма-ҳамма баҳраманд бўлади. Хонадондаги сарншталик, фаровонлик, ҳамжиҳатлик, тўкин-сочинлик, рўзгордаги қут-барака, фарзандлар баркамоллигининг асосий омили аёлдир.

Аёл табиат яратган эзгуликларнинг энг олийсидир. Аёлнинг гўзаллиги кишининг руҳини тетиклаштиради, унга маънавий ҳузур-ҳаловат бахш этади, кишида яшашга иштиёқ уйғотади, ҳаётни гўзаллаштиради. Аёл латофати шундай қудратга эгаки, у кишиларни қаҳрамонликка ундайди, жасоратга чорлайди.

Аёл-она. Аёл-дўст. Аёл-тарбиячи. Аёл-бунёдкор.

Аёлнинг бахтини, оиланинг саодатини фарзандлар тақдиридан ажратиб бўлмайди. Яхши фарзанд она дилига қувонч ва гурур бағишлайди. Унинг ҳаётини мазмундор қилади. Бу бахтга эришиш ҳам кўп жиҳатидан онанинг ўзига боғлиқ. У ўз фарзандининг асосий тарбиячиси. Она қалбидаги меҳр туганмас дарёдир ва у ҳар қанча фарзандни ардоқлашга этади. Аммо оилага ҳам, жамиятга ҳам фойда етказадиган менҳатсевар, одобли, билимдон, юксак маданиятли ўғил-қизларни вояга етказиш учун меҳрнинг ўзи кифоя қилмайди. Унга талабчанлик ҳам қўшилиши шарт. Шунда онгли тарбия она меҳри билан уйғунлашиб, фарзандлар камолотида муҳим восита бўлади.

Инсон, шу жумладан аёл ўз бахтини ўзи яратади.

Аёлнинг бахти — оиладаги тотувликда, ўғил-қизларнинг бахтиёрлигини кўришдадир. Бу бахт учун курашмаган аёл ҳаёт лаззатидан баҳраманд бўлолмайди. Вақти келиб афсус-надоматлар қилади.

Худди шу тотувлик йўқлиги туфайли қанча-қанча оилаларда аёл ҳам, эркак ҳам ўзини бахтсиз санайди.

Эр-хотиннинг тотувлиги уларнинг ўзаро самимий муносабатига, тadbиркорлиги ва меҳнатсеварлигига боғлиқ. Лекин, масалан, эр эртадан кечгача тер тўкиб меҳнат қилса-ю, хотин унинг меҳнатиини қадрламаса, унга кўмакдош бўлмаса, оилада тотувлик, бир-бирини ҳурматлаш йўқолиб боради.

Оила бахтини ижитмоний ҳаётдан ажратиб қараш нотўғри. Зотан халқ бахти оила бахтидир. Ҳар бир оила Ватан халқ манфаатига ўз ҳиссасини қўшиши лозим.

Эр билан ёнма-ён меҳнат қилган аёлнинг турмуши тотувроқ, завқлироқ ўтади. Қим бўлиб хизмат қилишидан қатъи назар, врачми, ўқитувчими, ишчими, деҳқонми, ўз халқини манфаати йўлида тер тўкаётган аёл,

шубҳасиз бахтиёрдир. Шу билан бирга ҳар бир аёл ўз оналик вазифасини ижтимоий ҳаётдаги меҳнат билан қўшиб олиб бориши лозим. Гап шундаки, меҳнат қилаётган аёл ҳам манъавий, ҳам моддий жиҳатдан оила бахтини таъминлашда иштирок этаётгани билан фахрланади. Бинобарин унинг ҳар жиҳатдан эр билан тенглиги таъминланган бўлади. Ана шу тенглик оиладаги ўзаро ҳурмат-эҳтиромнинг, оила бахтининг асоси бўлиб хизмат қилади. Натижада майда-чуйда гапларга ўрин қолмайди. Аҳил оилада яшаган кишининг ҳаёти эса сермазмун, ижтимоий фаолиятдаги меҳнати серунум бўлади.

Хотинга ўз ҳукмронлигини устун қўювчи эркаклар учраб туради. «Ишингни йиғиштир, сени ўзим боқиб оламан» ёки «Ҳа, еб-ичишдан камчилигинг бўлмаса ишлаб нима қиласан?» деб ўшқирадиган эркаклар ҳам бор. Улар ўз хотинларининг фақат пул учун меҳнат қилмаётганини тушунмайдилар.

Маълумки, инсон дунёга фақат ейиш-ичиш учун келмайди. Унга маънавий озуқ ҳам керак. Ижтимоий меҳнат аёлга чин инсонийликни, ўзининг оналигини чуқурроқ ҳис этишга ёрдам беради. Чунки ўзининг кимгадир кераклигини, ўзига яраша ўрин, қадр-қиммати борлигини ҳис этади. Бу ҳис фахр, ғурур ҳиссидир. Бундай бахтдан маҳрум бўлиб бола боқишу, овқат пишириш билан кунини ўтказадиган аёлнинг ҳаёти ниҳоятда зерикарли, мазмунсиз кечади.

Оиладаги она аёлнинг мавқен болалар тарбиясига жиддий таъсир ўтказиши, шубҳасиздир. Шунинг учун оиладаги эр-хотиннинг муносабатлари фарзанд туғилгач ижтимоий аҳамият касб этади. Чунки уларнинг ўзаро муносабатлари таъсирида болаларнинг дунёқараш шакллана бошлайди. Ота-оналикнинг муайян формуласи ёки шакли мавжуд эмас. У ҳар бир ҳолатда индивидуалликка эга. Умумий ахлоқий қоидалардан ташқари ижобий, ҳаётий ибрат болалар тарбиясида ота-онанинг вазифа ва бурчини белгилаш мезони бўла олади. Мана, шундай оилалардан бири.

Мунаввар опа билан унинг умр йўлдоши Неъмат ака тотув ҳаёт кечиришарди. Турмушда нималар бўлмайди, дейсиз. У ҳар қанча қийналса ҳам ҳеч қачон юлмасди. Шундай пайтларда яна ҳам ишга кўпроқ берилиб кетарди. Эрта-ю кеч тиниб-тинчимасди. Уйим-жойим деб тиришгани-тиришган эди. «Эрни эр қилган



ҳам хотин, қаро ер қилган ҳам хотин» дейдилар ота-боболаримиз. Мунаввар опа Неъмат ака хонадонига файз киритди. Ниҳоят режали аёл бўлганидан уйни уй, жойни жой қилди. Эрнинг топганини тежаб, жой-жойига сарфлади. Исрофгарчиликка йўл қўймади. Айрим хотинларга ўхшаб зеб-зийнатга берилмади. Уйга кераксиз, фақат чирой бериб турадиган буюмларни йиғмади. Бор кучини оиласининг бахтига, болаларининг яйраб-яшнаб ўсишларига сарфлади. Қайин-бўйинларини ўз туғишганларидек кўрди ва ҳурматлади. Қайнона-келин она-боладек яшашди.

Мунаввар опа ота-онасига ҳам меҳрибон фарзанд бўлди. Тез-тез бориб уларнинг ҳолларидан хабар олди. Шундай қилмаса, кўнгли тинчимади.

Ота-онасининг якка фарзанди — қизи ҳам ўғли ҳам ўзи эди.

Она ёлғизим деб, ардоқлаб, эрка-тантиқ қилиб ўстирмади. Оилада тотувлик бўлди. Катта хонадон бир қозондан ош ичишди. Она эпчил бўлиб катта рўзғорни эплади. Ёлғиз қизнинг бахтини ўйлади. Уқитди, юмушга солиб чиниқтирди. Қизлигида ўзи ҳам уринчоқ бўлиб, онаси нима ишни бажарса, у ҳам кетидан қолмади. Дастёрлик қилишни жуда-жуда ёқтирарди. Она ҳам раъйини қайтармади. Унга лойиқ иш берди, билмаганини эринмай ўргатди. Болалик ажойиб давр бўларкан. Ҳамма-ҳамма нарсани билгинг келар экан. «Нега бундай» деган савол бошингни чулғаб, хаёлингни аллақарларга олиб кетар экан.

Кичкина Мунаввар ҳам шундай бўлди. Баъзан ойнасини шундай муаммолар дарёсига ғарқ қилиб юборар эдики, она жажжи қизининг тилини оналикка хос меҳр билан топди. Ҳаёт сирларидан унга дарс берди.

Мунаввар опа ҳамма яхшиликни онасидан ўрганди. Онанинг удумини тутиб, ўзи ҳам меҳрибон она, севимли рафиқа, одамларга садоқатли дўст бўлди.

Мунаввар опа меҳмондўст аёл. Еру дўстлари уни йўқлаб келса, боши осмонга етиб, елиб-югуриб хизмат қилди. Меҳмоннинг кўнглини овлаб бор-йўғини тўкиб солди. Бирор тапсиқроқ овқат тайёрлашга шошилди. Қизлар ҳам оналарига ўхшайдилар. Меҳмон келса уйлари тўлиб кетгандек суюнадилар. Одоб билан саломлашишни, тўрга кўрпача ёзиб ўтқазишни, ёки стул кўрсатиб «ўтиринг!» деб илтифот қилишни яхши биладилар. Оналари меҳмон билан ҳол-аҳвол сўрашаётганда

ими-жимиданиши бирадидилар. Чой қўйиб, дастурхон ёзадилар. Ҳаммаёқни супуриб саранжом-саришта қиладилар. Овқат пиширишда оналарига ёрдамлашадилар.

Мунаввар опа яхшигина пазанда аёл. Унинг лаззатли таомларини кўрганлар неча бор таҳсин ўқиганлар. У ҳақда сўз борганда қўшнилар «қўли олтин, ақни доно» дейишади. Дарҳақиқат, унинг билмаган нарсаси йўқ. У дурустгина чевар, болалар кийим-кечакларини тикади.

Уй-рўзгор тутишига қараб, унинг фаросатли, дидли аёл эканлигини яққол кўриш мумкин. Бирор нарсанинг ўринсиз ётганини кўрмайсиз. Болалари ҳам шунга ўрганишган.

Айниқса қизлари онанинг одатларини олишган. Уларнинг ишлари худди оналарига ўхшайди. Мулойимгина, чаққонгина қиз бўлишган. Кўриб одамларнинг ҳаваси келади.

Қиз бола онанинг малҳами жони, дейишади. Дарҳақиқат, Мунаввар опанинг қизлари қўлидан ишини олиб, жонига оро киришди. Тўғри, у болалари ёшлигида анча қийналди. Ҳамма юмуш ўз зиммасида бўлди. Болаларини оқ ювиб, оқ таради. Тиним нималигини билмади. Улар эс-ҳушларини таний бошлагач ўзларини-ўзларини эплашга ўргатди. Қизларига уй ишларини ўргатди. Ўқишларидан хабар олиб турди. Зийрак қизлар ҳам онанинг ишларига разм солиб, ундан ибрат олдилар.

Мунаввар опа энди уйдан тинчиган, истаган жойга бориб дилини ёзади. Қизлари кўнгилдагидек уй тутишини билади. Ўқишлари ҳам дуруст. Қачон мактабга бора, кўнгли тўлиб қайтади.

Мунаввар опанинг болалари устма-уст туғилиб, у институтда ўқий олмади. Лекин баъзи аёлларга ўхшаб уй ишлари билан ивирсиб ҳам қолмади. Қанча-қанча китоблар ўқиди, тикувчилик ҳунарини ўрганди.

Бу оилада ҳаммага ибрат бўларли одатларни кўрасиз. Ҳафтанинг охирида уйлар яхшилаб йиғиштирилади, ҳамма нарса саранжом саришта қилинади. Урин-кўрпаларнинг оқ ғилофлари алмаштирилиб ювилади. Шу кунни ҳаммом қилиб ҳаммалари навбатма-навбат ювинадилар. Енгил тортиб, яхши ҳордиқ чиқарадилар. Стол атрофига тўпланиб чой ичиб ширин суҳбат қурилади. Она ювилган кирларни кўздан кечиради. Тикиш-чатиш лозим бўлганларини алоҳида тахлайди. Кечки пайт, қизлар она атрофига тўпланиб, тикиш-чатиш ишларини

бажарадилар. Бири тугма қадаса, иккинчиси пайпоқ тўрлайди, яна бири кўйлак этагини тикади. Узаро гаплашиб куладилар.

Она шу тариқа қизларини меҳнатга, одобга ўргатиб боради. Қизлар ҳам тобора чиниқиб унинг ёнига кирадилар.

Бола тарбиясида мактаб, жамоатчилик даврий характерга эга, ота-она эса унинг биринчи ва доимий тарбиячисидир. Боланинг тарбияси билан фақат унинг ёшлик чоғида эмас, балки доимо шуғулланиш керак.

Мунаввар опа мисолида оқила аёл, она ва тарбиячини кўрдик.

Яна бир ҳаётий мисолга эътибор беринг:

— Бепарво эр-хотиннинг азоби экан,— деди Ҳабиба опа пешонасини тириштириб,— ҳайронман, ота ҳам шунақа бўладими? Болаларга тарбия беришни ўйламанса, эрта кетиб, кеч қайтса. Бу ёғи нима бўларкин? Бошқалардек ишдан келиб, бола-чақа билан ўтириш қаёқда дейсиз. Нарибери овқатланиб, ошна-оғайнилари олдига чопадилар. Дардимни ичимга ютаман. Бир куни жаҳлим чиқиб: «Ахир сизни ҳам бола-чақа билан ишингиз бўлса-чи» деган эдим, эрим қизишиб: «Нима, мен бола-чақа демаяпманми? Билсанг, эртадан кечгача шуларни деб юрибман... Айт, рўзғорда камчилигинг бўлмаса, болаларнинг эғни бут, қорни тўқ. Папка, китоб дафтар дейсанми — ҳаммаси бор. Бундан ортиқ яна нима қилишим керак?» деб жеркдилар. Бир томони тўғри. Лекин одамга ейиш-ичишдан ташқари меҳр ҳам керак. У илиқ сўз ва эътиборга муҳтож бўлади.

— Кеча ўғлимнинг хулқи тўғрисида мактабга чақирибди,— гапида давом этди Ҳабиба опа,— айтишларича у дарсларни кўп қолдирар эмиш. Эшитиб, хафа бўлиб қайтдим. Ота «ҳай» демагандан кейин шу-да. Ўғил болани тарбиялашда отанинг йўли бошқа. Мана, болалар ҳам оталарига тортиб бераҳм бўлишяпти. Ҳамма нарсага ўзим жон куйдирсам, шу ҳам инсофданми? Лоақал дам олиш кунлари болаларга иш ўргатай демайдилар. Болани ёшликдан ишга солмасанг, катта бўлганида меҳнатга бўйин эгиши қийинлигини тушунмайдилар. Меҳнат қилмаган киши на бировнинг, на буюмининг қадрига етади».

«Қарс — икки қўлдан» дейдилар. Аёл ишни, уйни ҳам эплайди. Фарзандлар-чи? Кўп оилаларда болалар ёшлигидан меҳнатга ўрганадилар. Ота-оналарига дас-

тёрликда пишиб борадилар. Муҳими, эркадаги бола-жонлик, рўзғорбоблик, ўғилларига ҳам ўтади. Уларда «эркак», «эр», «ота» шунақа бўлиши керак, деган тушунчалар шакллана боради.

Халқимизда насл-насабни суриштириш одати бор. Бундай бойлик, амал назарда тугилмайди, албатта. Балки тарбия кўрганлик, ота-онаси қанақа одамлар экани тушунилади. Қиз чиқариш тараддудида бўлган ота-она тинч бўлса, боламнинг кўз ёши оқмаса, деган фикрда бўлади.

Ҳалол пул топиб бола-чақа боқиш, пок яшаш, инсонийлик ўғил-қиз тарбиясига жонкуярлик, кенглик, ширинзабонлик бўлиш, меҳрибонлик оиланинг бугунги ҳамда эртанги истиқболидир.

Турмуш мураккаб, унинг ўз қонун-қоидалари бор. Кўп ҳолларда муросаю-мадора қилинади. Акс ҳолда оиланинг бузилиши ҳеч гап эмас.

Қомилжон хотинининг табиатини яхши билади, характери «тезроқ» кўп нарсада «ўзи билармон».

Хотинининг қайсарлиги тутганда у ўзини оғирликка соларди. «Сеники маъқул» қабилида иш тутарди. Буни онадан бевақт ажралиб етимликда ўсганидан деб билар, уни кечирар, гапларини кўнглига олмасликка тирришди. Ўша пайтлари унга осон бўлмади, албатта. Ўзини ушласа ҳам, ичида қаттиқ ранжиди. Бу ҳақда эғиз очиб биронта одамга нолимади. Шундай кезларда хотини ўз хатосини тушунибми, эр ҳурматини яна оширди.

Халқ мақолларида ҳам яхши ва ёмон хотинларнинг феъл-атвори, хусусиятлари, юриш-туриши, эрига ва бошқаларга тегадиган фойдаси ёки зиёни ифодаланиб, уларга баҳо берилган «Яхши хотин — умр боли, ёмон хотин — жон заволи», «Яхши хотин — уй бўстони, ёмон хотин — зимистони», «Яхши тўн — тўй савлати, яхши хотин — уй савлати», «Яхши хотин — йўқни йўмизаб тўйдирар, ёмон хотин отни сўйдирар», «Яхши хотин йўқ нарсани бор этар, ёмон хотин кенг уйингни тор этар», «Эпчил хотин қор қалаб, қозон қайнатар», «Хотин борки, арпа ундан ош қилар, хотин борки, бугдой ушни тош қилар», «Яхши хотин жун қарз олар, ёмон хотин ун қарз олар». (Яхши хотин рўзғор тебратишда эрига кўмаклашади. Агар ўз уйида бўлмаса, қўшнидан қарзга бўлса ҳам жун олиб, эшиб, йигириб, шолча, гилам, чакмонлар қилиб сотиб, рўзғорини яхшилайди. Ёмон

хотин эса ишѣқмас, дангаса бўлиб, то эри топиб келгунича ўзи ишламайди, қўшнидан озиқ-овқатларни, масалан, унни қарзга олиб, оиланинг обрўсини туширади, дейилмоқчи). «Хотиннинг сариштаси — одамнинг фариштаси», «Хотиннинг яхши-ёмони меҳмон келганда билинади», «От минмай отингни мақтама, йил турмай — хотинингни», «Ёғмас булут ерни алдар, ёмон хотин эрни алдар», «Хотин эрка бўлса, эрига серка бўлади. (Эрка хотин эрининг «бурнида ип ўтказиб, уни ўз йўриғидан олиб юради» дейилмоқчи), «Хотиннинг қақилдоғи-тегирмоннинг шақилдоғи», «Эрни эр қиладиган ҳам хотин, қаро ер қиладиган ҳам хотин» ва ҳоказолар.

А. С. Макаренко болаларни ажойиб гуллаган олмазор боққа таққослаб, бу боғда албатта ишлаш зарурлигини, акс ҳолда боғ қаровсиз қолишини таъкидлаган эди. «Вақти-вақти билан ерни юмшатиш, дарахтларни суғориш, қуртларни йўқотиш, қуриб қолган шохчаларни кесиб ташлаш керак. Дарахтни ҳам ўз вақтида усталик билан тўғри парвариш қилинса, кузда ундан яхши мева кутиш мумкин. Болаларни ҳаётнинг бой йўллари-дан, унинг гулзорлари ва бўронларидан оқилона ва тўғри олиб ўтиш иштиёқидаги ҳар бир киши бу ишни қила олади», деган эди.

Демак, ота-она фарзандларининг таъминловчисигина эмас, балки уларнинг биринчи ва доимий тарбиячиларидир

## 6- §. Қиз бола тарбиясида онанинг роли

Одамзоднинг биринчи тарбиячилари оналардир.

*О. Голдсмит*

Маълумки, боланинг туғилиши оилага катта қувонч бахш этади. Аммо ўтмишда исломнинг реакцион таълимотлари туфайли кўп оилаларда қиз туғилиши бахтсизлик ҳисобланган, қиз туққан аёллар камситилган, хўрланган. Утган асрда Урта Осиёга саёҳат қилган шу ерлик халқларнинг ҳаётини, урф-одатлари ва расм-русмларини ўрганган этнограф А. П. Хорошхин шундай ёзган: «Бола туғилганини эшитган қўни-қўшнилар табриклаб келмоқ учун ўша оилага ошиқадилар. Агар ўғил туғилган бўлса, бамисоли тўй бўлиб кетади. Ўғил кўрган ота туғулуқ сўраб келганларни қўй, ҳатто, мол

сўйиб палов дамлаб, дастурхонга шириликларни тўкиб-солиб меҳмон қилади. Қиз туғилганида эса сира ҳам бундай қилмайдилар. У дунёга келган дамларданоқ гўё яккаланган, қоронғу, ҳуқуқсиз ҳаётга маҳкум этилгандай бўлади».<sup>1</sup> Қуйидаги мақоллар қиз туғилишига салбий муносабатнинг маҳсулидир: «Қиз туғилди — ғам туғилди»; «Қиз туққунча — қуз туғ!» («Қуз — соя, кўланка, урвоқ» деган маъноларни билдирган). Қиз боққунча қиср боқ», «Япалоқ-япалоқ қор ёғар, ёмон хотин қиз туғар», «Ўғил туғмаган хотиндан ўғлоқлаган эчки ортиқ» ва ҳоказо.

Халқ оммасининг илғор дунёқарашга эга бўлган вакиллари бундай нотўғри фикр ва хулосаларга қарши зарба бериб, қизни ҳам ўғил каби тўлақонли фарзанд деб ҳисоблагандир, қизларнинг ўзига хос фазилатларини мадҳ этганлар, қиз кўрган ота-оналар келажакда эл-юрт ўртасида қадрли ва эътиборли бўлажакларини қайд қилганлар: «Хотиним қиз туғди деб ўпкалама, шернинг эркак-урғочиси баравар», «Ўғил ёққан чироқни қиз ҳам ёқади», «Қиз билагин шимарур, турли ипак химарур», «Қизнинг жони қирқта» (Бу билан қизларнинг чидамли, сабот-матонатли, унча-мунча касалликларга, қийинчиликларга бардошли эканини билдирмоқчи бўлганлар). «Қизли киши қиш ошар», «Қизли уй — қизил гул», «Гул ўсса ернинг кўрки, қиз ўсса элнинг кўрки», «Қизни ким суймайди, қимизни ким ичмайди», «Қизли уй-қимизли уй». Ота-болалар ўз мақолларида қизларнинг ажойиб хусусиятларини ифодалаб, ота-оналарга қизни ахлоқли, одобли, ҳар ишга моҳир ва меҳнатсевар қилиб тарбиялаш, бўйи етгач, тенгини, севганини, ҳар жиҳатдан яхши оилани топиб, узатиш, уйли-жойли ва бахт-саодатли қилиш ҳақида панд-насиҳат қилганлар: «Қизин тиймаган-тизин кучоқлар», «Қиз сақласанг туз сақла, туз сақламасанг юз сақла» (Туз — тўғри), «Қизни онаси тийсин, ўғилни отаси», «Қизнинг қилиғи кўчада билинади», «Қизим уйда, қилиғи тузда», Қиз бор — нап тегизар, қиз бор гап тегизар», «Қиз бола — бировнинг хасми», «Қизнинг боши палахмоннинг тоши», «Бўйга етган қиз — учирма бўлган қуш», «Қизга олтиндан тахт эмас, бармоқдай бахт керак», «Қиз қариса қози бўлур, қари чолга рози бўлур» (Бунда: «Қо-

---

<sup>1</sup> Хорошхин А. П. Сборник статей, касающихся до Туркестанского края, Сиб., 1976, стр. 119.

зи бўлур» дейиш билан «инжиқ, унча-мунчани ёқтирмайдиган, ўз айтганидан қайтмайдиган, ҳаммани тергайдиган бўлиб қолади» дейилмоқчи).

Ҳар бир ота-она ўз фарзанди бахтли бўлишини истайди ва шу йўлда қўлидан келганини қилади. Бунда гап қиз боланинг бахти ҳақида боради. Ота-она қизининг бахтли бўлиши учун қандай йўл тутгани маъқул?

Ҳаётда тенгини топиб бахтли, ували-жували бўлиб яшаганлар кўп. Аммо ўзига муносибни учрата олмай ёшлик даврини ўтказиб юборган қизлар ҳам йўқ эмас. Уларнинг аксарияти бир уйни гуллатадиган, бахтли қиладиган қизлар. Бундан ота-она ҳам изтироб чекади. Баъзилар қизлари ўтириб қолишидан чўчиб уларни барвақт узатиб юборишга ҳаракат қиладилар. Бошқалар эса қизлари ўқиб ёки ишлаб тенгини ўзи топса бахтли бўлади, деб ҳисоблайди.

*Хўш, қиз боланинг бахти нимада? Уқишдами, ишдами, оиладами, мол-дунёдами, бола-чақадами ёки муҳаббатдами?*

*Қиз боланинг бахти унинг ақл-идрокида, ҳушёрлиги, эпчиллиги, лобарлиги, одоблилиги ва ҳаё-иболилигидадир.*

Халқимизда «Она қизига тахт эмас, бахт ясайди», деган нақл бор. Бу нақл чуқур маънога эга. Қадим замонларда она қиз кўрган кундан бошлаб унинг учун сеп йиғишга киришган. Чунки улар хонадонга сепли қиз тушса иззатли бўлиб, тиниб-тинчиб кетарди, деган тушунчага эга бўлган.

Доно халқимиз турмуш тажрибаларига таяниб қиз боланинг бахти кўпроқ онанинг тарбиясига боғлиқ эканини уқтиради. Қизни бахт йўлига даставвал она етаклайди, уни ўз кетидан эргаштириб, ҳаёт сўқмоқларидан чиниқтиради, авайлаб ёруғ йўлга олиб чиқади.

Демак, қиз боланинг бахти асосан онага боғлиқ. Қиз бола бахтли бўлиши учун она лозим бўлган ҳамма чора-тадбирларни кўриб қўйиши ҳам фарз, ҳам қарз-дир. Шунинг учун она қунт қилиши, сабр-чидамли бўлиши, қизига ҳаётнинг мақсади ва маъносини, турмушда учрайдиган мураккаб вазиятларни тушунтириши, ҳар хил ишни тўғри бажариш қоидаларини ўргатмоғи лозим. Баъзи оналаримизда ана шу қунт, сабр-чидам ёки ҳаётий тажриба етишмаслиги сабабли қизлар ношуд, баъзан эса енгилтак бўлиб қоладилар. Айрим оналар «ҳали қизим ёш, ўйнаб кулсин, уй ишларини, одатлари-

мизни ўрганадиган вақти келар, дейдиларки, бу нотўғригина эмас, балки зарарли фикрдир. Чунки физиолог олимларнинг таъкидлашича, ижобий одат инстинкти болада қанча эрта шакллантирилса, унинг меҳнат ва идрок этиш қобилияти шунча тез ва мукамал ривожланади.

Қиз болани ёшлигиданоқ пок табиатлилика: вақтида ювиниб-таранишга, уст-бошларини вақтида алмаштиришга, эҳтиётлашга ўргатиш керак. Болани маълум гигиеник шароитда тарбиялаш озодагарчилика, батариблика одатлантиради.

Кўпинча болада мустақиллика интилиш жуда эрта вужудга келади ва у ҳар бир нарсани «ўзим қиламан» деб уринади. Боланинг ана шу табиий эҳтиёжидан тарбиявий мақсадда фойдаланиш яхши самаралар беради. Аввало, қиз бола уй ишларида онасига дастёрлик қилади. Унга ўхшаб иш тутишга тиришади. Она ҳам қизини кучи етадиган ишларга солиб, ёши ўсган сайин юмушларнинг тури ва ҳажмини кенгайтириб бориши маъқул. Она қизига иш буюрганда уни осон ва тез бажариш йўлини ҳам кўрсатиши мақсадга мувофиқдир. Лекин боланинг ўзига ҳам эркинлик беришни унутмаслиги зарур.

Қиз бола уй тутиш, саранжом-саришталикни асосан ўз онасидан ўрганади. Шундай экан, она уй юмушларини овқат тайёрлаш, стол тузатиш, кир ювиш, уй тозалаш, дазмол босиш, бичиш-тикиш, меҳмон кутиш ва ҳоказоларни қизнинг дастёрлигида бажарса, ўзи учун ҳам, қизига ҳам фойдали иш қилган бўлади. Чунки ҳар ким «қилганинг менга, ўрганганинг — ўзингга» деган нақлни эшитган.

*Қизлардаги муҳим фазилатлардан бири одоб, шарму ҳаёдир.*

*Шарму ҳаёли бўлиш — номусли, ориятли бўлиш, ўзгаларни ҳурмат қилиш демакдир.* Ақл билан иш кўриб, ўз номусини пок сақлаш, ҳар қандай вазиятда ўзини тутиб, ҳар бир қадамини ўйлаб, ўлчаб босиш демакдир. Қиз бола бу фазилатларни ўзининг энг яқин кишилари ўртасидаги яхши муносабатлардан ўзлаштириб олади.

Шуни таъкидлаш жоизки, ота-она, оиладаги катталар болалар олдида беҳаёларча сўзларни, бўлар-бўлмас гапларни айтмасликлари ножўя, бачкана қилиқлардан ўзларининг тийишлари, четда кузатаётган болалар улардан ибрат олаётганликларини унутмасликлари керак.



Пири бадавлат онахонлардан Рухсора ая ўз болалиги ўтган ота-она хонадони ҳақида шуларни фахрланиб сўзлади:

«Мен онамнинг ўринлари ёйиқ турганини бир марта ҳам кўрган эмасман. Улар ҳеч вақт биздан аввал ухлаган эмаслар. Қачон ётиб, қачон турганларини кўрмасдик. Отам асло бизнинг олдимизда овозларини кўтариб гапирмасдилар, акаларимга эса «қиз бола гулдан ҳам нозик, опа ёки сингилни сансираш онани беҳурмат қилмоқдир», дердилар. Уйимизда меъеридан ортиқ хохолаб кулиш, эснаш, керишиш беадаблик ҳисобланарди. Бирор ножўя ҳазил ёки бачкана қилиқ рўй берса, отам бир томоқ қирсалар, бизларга қаттиқ танбеҳ бўларди. Қизлар хонаси алоҳида, ичкарироқда, меҳмонхона эса дарвоза олдида эди, акаларимиз барча оғир юмушларни ўзлари бажардилар.

Онамиз қизлар одоби, ибоси ҳақидаги ибратли ривоятларни бизга кўп айтиб берардилар, биз билан яқин сирдош эдилар. Сочимизни ўратуриб, нозик бир саволлар билан кўнглимизни билар, сўнг тўғри бир маслаҳат берардилар, «ҳар бир гулнинг ўз ҳаридори, қадрига етгувчиси бўлади», дердилар.

Акаларимизга эса «қиз бола — чинни пиёла. Унга қаттиқ тикилса ҳам дарз кетади, болам. Назаринг пок бўлсин, кўча-кўйда бировларнинг қизларига гап отиш, раъжитиш — энг оғир гуноҳ», деганларини кўп эшитганман.

Яшириб нима қилдим, илк бор опам ҳайз кўрганида хун бўлиб йиғлаб келганди онамга. У киши «энди, катта қиз бўлибсиз, қизим. Эсли-ҳушли бўлиб, қизлик шаъни ва ғурурига мос равиш-рафтор қилинг, онаси ўргилсин», дегандилар. Бу менинг ҳам бир умр эсимда қолди. Уларнинг зийрак нигоҳларини сезиб турардим, лекин бирор гал бақриб-чақириб, дакки берганларини эслолмайман...

Ота-болалардан қолган яхши удумлардан ибрат олиш ёшлар учун фойдалидир.

Қизлар инсон организмдаги табиий ўзгаришлар ҳақида биринчи маълумотни онадан эшитгани маъқул. Баъзи хонадонларда ота-она қизлари, ўғиллари олдида ўзларини бачкана тутадилар, айниқса, ўспирин йигитлар, бўйи етган қизлар олдида жуда уят қилиқ қилдилар. Ота-онанинг бепарволиги, ножўя муомаласи оиладаги болаларга ниҳоятда салбий таъсир кўрсати-

ши мумкин. «Қуш уясида кўрганини қилади», деб бежиз айтылмайди.

«Онасини кўриб қизини ол» деган афоризм асрлар оша бизгача етиб келган. Бу, хусусан, шарқ халқларида она қиз учун фақат тарбиячи эмас, балки қизининг тасаввурида идеал аёл сифатида намоён бўлиб келганини кўрсатади. Қизлар ўз оналарининг юриш-туришига, одати, воқеа-ҳодисага муносабати ва ҳоказоларига тақлид қилишга уринадилар. Шу тариқа оналаридаги ажойиб фазилатлар билан бирга салбий хислатлар ҳам қизларнинг характерига сингиб кетади. Она ибрат, тарбияда муҳим омил эканини унутмаслиги керак.

Қиз бола, айниқса балоғат ёшига етганида сирли ҳис-туйғуларга берилувчан бўлади. Бундай пайтда уларда интим характердаги фильм ва китобларга қизиқиш ортади. Она қизидаги ёш билан боғлиқ ўзгаришларни вақтида пайқай олиши лозим. Қизининг интим муносабатларга қизиқишини ҳисобга олиб, онанинг ўзи маълумот бергани маъқул. Одатда қизлар балоғат ёшига боғлиқ маълумотларни опаларидан, улар бўлмаса, қариндош, таниш аёллар ёки дугоналаридан билишга ҳаракат қилади. Чунки қиз бола онаси билан бу ҳақда гаплашишдан тортинади, буни уят деб ҳисоблайди. Шундай ҳолни сезган оналар ташаббускорлик кўрсатишлари лозим. Шарқ афсоналаридан бирида, она турмушга чиқаётган қизига шундай маслаҳат беради:

— Эй, қизим! Сен ўз ўрганган уйингдан кетиб, нотаниш хонадонга бораяпсан, сен бўлажак куёвингинг ҳамма ҳолатларини билмайсан! Сен ер бўл, у эса осмон бўлади. Демак, сен у билан шундай йўл тут; унинг олдида ер каби камтар бўлсанг, у осмон каби олижаноб бўлади. Осмон шифоли ёмғири билан ерни кўкартиргани каби у ҳам ўз меҳру шафқат билан сени хушнуд этади. Сен унга кавизак бўлсанг, у сенга қул бўлади.

Қизим! Куёвингдан кучи етмаган ва сотиб олишга имкони бўлмаган нарсаларни талаб қилма! Бундай қилсанг, оиладаги тотувлик йўқолади, турли жанжаллар келиб чиқади. Узингга хушбўй нарсалар билан оро бер, ноҳуш ҳидларинг эр димоғига киришининг олдини ол! Покизалик ҳаминша йўлдошинг бўлсин! Узингни аччиқ ва пичинг сўзлар айтишдан сақла, тилингни ширин, юзингни ҳаминша очиқ тут. Эринг сендан фақат юмшоқ ва ширин сўзлар эшитсин, ярашмайдиган ёки эски либосда, юзларингга оро берилмаган ва сочларинг тар-

тибга солилмаган ҳолда унинг олдида ўтирма. Эрингнинг яқин кишиларини, хусусан, қайнота ва қайнонани ҳурмат қил, уларни ўз отанг ва онанг қаторида кўр, болаларини ака-ука, опа-сингилларнинг ҳисобла. Қайнота-қайнонанинг насиҳатларини яхшилаб тинглаб, уларга амал қил. Оила аъзоларининг хулқ ва табиатларини яхши ўрганиб уларга мос муомала қил. Улар билан оранг бузилишидан сақлан, чунки бунинг огирлиги эрингнинг устига тушади. Сени деса, уларнинг кўнгиллари қолади, уларни деса сени қизғанади. Шу сабабли эринг икки ўт орасида қолиб, жуда қийналади, эрингни азоб ичида қўйма, унинг оила аъзолари билан тотувликда яша.

Эрингдан ҳеч бир сирингни яширма, эрингдан бошқа ҳеч кимга сир сўзлама. Эринг ёнида бир киши ўтирган бўлса, эрингга қарши бир оғиз ҳам сўз айтма. Эрлар хотинларнинг кўп камчиликларини кечирадилар, ammo чет киши олдида айтган сўзларини кечира олмайдилар. Бу нарса уларнинг табиатларига хилофдир. Бунинг учун уларни айблаб бўлмайди. Агар эрингнинг бирор ножўя одати бор бўлса, ёнида ҳеч ким йўқ вақтида ўзига айтиб, унинг яхши йўлдан юришига ғайрат қил.

Эринг севмайдиган ишлардан, кўнгли тўлмайдиган, рашкини келтирадиган одатлардан узоқ бўл.

Қайнонанига қараб турмагин, кучинг етадиган ишларни ўзинг бажар, унинг розилигини, дуосини ол. Уйнинг топ-тоза, бежирим ва ҳар нарса ўз ўрнида бўлсин. Болаларинг эрингга, эринг болаларингга муҳаббатли бўлиши учун ҳаракат қил. Оталар ўз болалари билан овунса, доим улар билан бирга бўладилар. Болаларини севган эрлар кўп вақт тавфиқли бўладилар. Болалари билан овуниб, шодланиб ножўя йўлларга қадам қўймайдилар.

Эрларнинг энг севган нарсалари хотини ўйнаб-кулиб, ишларини қилиб юришидир. Эрининг ёнида ўйнаб-кулиб юрадиган, эрини ҳурмат қиладиган хотинларни ёмонлашга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқдир. Эринг ишга кетишга отланса, ҳамма нарсасини тайёрлаб, кейин эрингни шодлик билан кузатиб қўй, ишдан қайтганида эса очик юз билан қарши ол.

Турмуш ҳамма вақт бир хил кечмайди. Турмушнинг шод кунлари қатори заҳарли, тиканли кунлари ҳам бўлади. Эринг билан орангга совуқлик тушса, ўзингни

оғир тут, совуққонлик билан сўзла, қизишма, юзингни буриштириб, бақириб-чақириб сўзлашма. Яхши муомала қил. Сўзингда ҳақли бўлсанг, мулойим сўзлаб, ётиғи билан тушунтир, эринг бу чиройли муомалангни кўриб, дарров ғазабдан тушади, сенга муҳаббати яна ҳам зиёда бўлади.

Болаларингни яхши тарбиялаб ўстир, яхши хулқларга одатлантир. Айтган ҳамма сўзларимни бажо келтириш ақлли ва тадбирли хотинлар учун оғир эмас. Кучқувват билан қилиб бўлмайдиган ишларни яхши хотинлар ўз ақллари билан қила оладилар.

Она, айниқса қизи турмушга чиққан дастлабки йилларда бошқа оилага кўникиб кетгунига қадар одил маслаҳатларини, керак бўлса, ёрдамини аямасин. Баъзан келин бўлиб борган оила аъзолари, оила муносабатларидан шикоят қилиб келса, она ўзи мисолида ҳар бир ишда идрокли, сабр-қаноатли бўлиш, энг муҳими турмуш ўртоғи билан меҳр-муҳаббатли бўлиши кераклигини тушунтириши зарур.

Хуллас, оилада қиз бола тарбияси, унинг ҳаётида бахтли бўлиши кўп жиҳатдан оналарга боғлиқ.

Тенги чиқса, текин бер, дейишади. Ҳамма гап тенгини топиб турмуш қуришда. Кўнгил қўйиб турмуш қуриш айб эмас. Бир-бирини қанчалик яхши билиб, ўрганиб турмуш қурилса, кейинчалик афсус-надоматларга ўрин қолмайди.

Ота-оналар ҳам ёшларнинг қўнглига қараб иш тутсалар, ёмон бўлмайди. Баъзан шундай ҳоллар ҳам рўй берадики, қиз билан йигит бир-бирларини яхши кўриб қолиб, қанча вақт Тоҳир — Зуҳра бўлиб юрадилар. Умрбод бирга бўлишга онт ичишади, бир-бирига ваъдалар беришади. Қарабсизки, қиз бояқиш дарди ичида чирқираб қолаверади... Тоҳиржон ваъдаларни унутиб отасининг гапи билан онаси топган қизига уйланиб кетади. Аслида у қизни севганмиди?

Севса, вафосизлик кўчасига қандай кириб қолди? Бу ўтакетган бебурдлик. Йигитни марди бунақа иш қилмайди. Афсуски, муҳаббат масаласида бевафолик қилаётган йигит, қизлар кам эмас.

Ҳозирги кунда қизларни ёш узатиш, йигитларни барвақт уйлантириш расм бўлиб бормоқда. Яхши ўқиб, ишлаб турган ёшлар бўшашиб, ўқишлари ўлда-жўлда бўлиб қолмоқда. Айни илм-ҳунар эгаллаш палласида турган ёш, ҳали ҳаётда чиниқмаган йигит-қизлар зим-

масига барвақт оила ташвишини юклаш қандай бўларкан? Тушган хонадондагилар инсофли бўлса яхши-я! Аммо олгунча ваъдани катта бериб кейин бебурдлик йўлига ўтиб оладиган ноинсофлар ҳам йўқ эмас-ку! Фарзандини умид билан 13—14 йил ўқитиб, тугатишига 1—1,5 йил қолганда қуда томоннинг катта ваъдаларига «учиб» узатиб, сўнгра пушаймонда юрган ота-оналар ҳам топилади. Ота-онага жаҳл қилиб ёки иродасизлик оқибатида ўзи ёқтирмаган қизга ёки йигитга розилик бериб бир умр бебахт қилиб қўйишнинг нима кераги бор?! Ахир, буни «умр савдоси», дейдилар. Бир-бирига ўрганиб яхши туриб кетса майли-я; аммо биринчи меҳри тушган кишисига ўхшатолмай афсус-надоматда яшашдан ортиқ азоб борми? Уғил-қиз бахтига ўзи зомин бўлганини кўрган ота-она қай аҳволга тушиши маълум. Ҳар ҳолда охирини ўйлаб иш тутган маъқул, ёшларнинг кўнглини ҳам тушунмоқ керак. Кўриб, билиб, синаб турмуш қурса, бунинг нимаси ёмон!

Бир-бирини яхши кўриб турмуш қурган келин-куёвларнинг рўзғори бузилиб кетаётганига, муҳаббати ерга урилаётганига нима дейсиз? Қиз боланинг тушган жойида туп қўйиб, палак отиб тиниб-тинчиб кетиши кўпроқ хонадон улуғлари ота-оналарга ҳам, уларнинг янги оиласига, келин-куёвга муносабатларига ҳам боғлиқ. Қиз билан йигит иноқ бўлса-ю, қуда-андалар аҳил бўлмаса, бу ҳам ёмон — икки ёшнинг ширин турмушига раҳна солади. Икки ўртада гап қочиб, келинни ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ қила бошланади. Куёв ота-онасининг раъйига қарши бориб, хотинини ҳимоя қила олмайди. Бу орада фарзандли бўлишади. Лекин у ҳам орадаги совуқчиликни кўтариб ташлай олмайди. Қарабсизки, қиз кўз ёшини оқизиб, боласи билан отасиникига қайтиб келади. Мол-дунё топиладиган нарса. Лекин бир кетган бахт қайтиб келармикин?! *Қиз ҳам, йигит ҳам яна бошқа турмуш қилишар, ўзларига мос эр ва хотин топишар, лекин ўртадаги фарзанднинг тақдири нима бўлади?*

*Боланинг ота-она меҳрига тўйиб катта бўлганига не етсин! Уғил-қизи бор ҳар ким унинг келажagini йўламай иложи йўқ. Лекин ота-оналар орасида қизларининг бахтини эмас, тахтини йўлайдиганлар кўпайиб бормоқда. Улар қизларини кўпроқ мол-ҳол билан узатишга, тўқисроқ, мартабалироқ кишиларга қуда бўлишига интилишмоқда. Қиз боланинг бахти сепида, мол-*

дунёсида деб ўйлаш тўғримики? Амалига ёки бойлигига учиб, қиз берадиганлар ҳам йўқ эмас.

Лекин ўзининг қадрини билган, қизнинг бахтини ўйлаган инсон бундай қилмайди. Энг муҳими, қиз бола кўнгилдагисини топсин, турмуши ширин бўлсин.

Пешона тери билан топилган мол-дунё қадрли бўлади. Ҳаром нарса хонадонга қадрсизлик, бахтсизлик олиб келади. Буни яхши билиш зарур.

Қиз чиқарадиган ота-она, албатта, кўёв томонни суриштиришлари, ота-онаси қанақа одамлар эканини, кўёвнинг хулқ-атворини, касб-корини маҳалла-куйдан, қариялардан сўраб кўнгилни тўқ қилиш яхши, негаки бу умр савдоси. Ўғилни уйлантиришда, ҳам шундай қилиш керак.

Оналар қизларини келин бўлиб тушгач янги хонадоннинг раўйига қараб иш туттишга тайёрлаб боришлари лозим. Эркакка мулозамат, қайин-бўйинларига муомала-муносабат, бекалик вазифаси, келинлик зийнати ва ҳоказоларни тушунтиришлари шарт. Зийраклик, покизалик, саранжом-саришталик, сабр-қаноат аёл кишининг ҳусни, борган ерида тиниб-тинчиб кетиш чораси эканини қизнинг қулоғига қуйиб бориш фойдалидир.

Қиз боланинг ўзида ҳам гап кўп. Очиқ чеҳра, ширин сўз, оёқ-қўлли бўлса, ўзига яхши: кўёвнинг ҳам қайин-бўйинларининг ҳам меҳрини қозонади. Ким яхши? Келин пошша яхши, уни ўстирган ота-онаси яхши бўладики, бунга не етсин!

## 7-§. Қиз болани овлави ҳаётга тайёрлаш

Ота-оналар айни ўзлари сингдирган нуқсонлари учун фарзандларини камдан-кам кечирадилар.

Ф. Шиллер

Ешларнинг уқувсизлиги, оила рўзгор туттишини эп-ламаслигидан бузилиб кетаётган оилалар ҳам кам эмас. Одатда фарзандларини етим қилган эркакларга таъна тошлари отамиз. Бунда аёлларнинг ҳам айби борми-йўқми, бу ҳақда камроқ ўйлаймиз. Бекалик, оналик бурчини унутиб қўйиб, «қизим ёшлигида ўйнаб олсин, бошига тушса, билиб кетар», деб уларни ёшлиги-

да рўзгор ишларига аралаштирмаётган оналар хато қилшмаяптимикан?

Келинг, қашқадарёлик Санобарнинг редакцияга йўллаган хатини ўқийлик. Чунки бундай воқеалар ҳаётда учраб туради.<sup>1</sup>

Ўн тўққиз ёшимда институтнинг иккинчи курсини тугатгач ёзги таътил вақтида тўйимиз бўлди. Фарҳод акам мендан бир курс юқорида ўқирдилар. Меҳр-муҳаббат билан оила қурдик. Тўйимиз ҳақида анча вақт қариндошлар ҳам, курсдошлар ҳам гапириб юришди. Шу қадар чиройли ўтди у. Лекин бу тўйга икковимиз бир тўйин ҳам харж қилганимиз йўқ. Биз жуда бахтли яшай бошладик. Қийинчиликни ҳис қилмадик. Фарҳод акам қаршилик бўлганлари учун институтни битиргунча бизникида яшадик, Тошкентда. Бу вақт ичида икки фарзандли бўлдик. Бола боқиш у ёқда турсин, ҳатто, ўз кўйлагимга, Фарҳод акамнинг шимига дазмол урганим йўқ. Негадир бундай ишларга вақтим бўлмасди.

Тунлари болаларимнинг эгини ювардилар, дазмол қилардилар, эрталаб турганимизда понуштага стол устида иссиқ овқат ҳам тайёр бўларди. Мен буларнинг ҳаммаси табиий деб ўйлардим. Эрим, болаларим билан уларга тирик говонман деб ўйламасдим. Ойимнинг чаққонликларига, ҳамма нарсага улгуришларига тан берар эдим, аммо буларнинг ҳаммаси уларнинг бедор, беоромликлари эвазига, дадам олаётган қўшимча ишлар эвазига эканини англаб етмабман. Оила даромади қандай, уни ким келтираяпти — бу масала билан бизни чалғитишмас, аралаштиришмасди. Чунки биз стипендия олмасдик, икковимизнинг ҳам учларимиз бор эди. «Ёшсанлар, ўқиб, дипломли бўлиб олинглар, тирикчилик ташвишини ҳали кўп тортасизлар», дейишарди.

Бир кун ойимни «тез ёрдам» касалхонага олиб кетди. Ўн беш кун ҳам даволанмай, врачлардан ялиниб-ёлвориб рухсат олиб қайтиб чиқдилар. Чунки биз қийалалаётган эдик. Шу ўн беш кун ичида овқатни вақтида тайёр қилолмай, болаларимнинг инжиқликларини тинчитолмай Фарҳод акам билан икки марта қаттиқ уришдик. Уч кун ётоқхонада ётиб юрдилар. Ойим қайтиб, яна жонимизга оро кирдилар. Бир кун ойимнинг ҳолам билан гаплашиб ўтирганларини беҳос эшитиб қолдим.

---

<sup>1</sup>«Соодат» журнали, 1986 йил, № 7.

— Бошига тушса эплаб кетар,— дедилар ойим.

— Бошига тушганими бу? Ҳозир ўзини эплаб ол-маса, кейин кеч бўлади!,— деди куйиниб, кўпни кўрган холам.

Гап биз ҳақимизда кетаётганини билмабман. Аммо кўп ўтмай «бошимга тушди». Иккимизни Қаршига, у ердан районга тақсимот қилишди. Ойим билан дадам бизни кузатиб келишди. Қонтейнер билан менга тўйда қилинган ҳамма нарсани, ҳатто, чет эл стенкасини ҳам олдириб боришди.

— Қийналмайсан энди,— дедилар ойим.— Рўзгорингни тўла-тўқис қилдик.

Аммо рўзгор қанча бут бўлмасин, уни ишлатишга уқув бўлмаса улар — оддий буюм, тахта-ёғоч, темир-ёғоч, темир-терсақнинг ўзгинаси экан, холос.

Ташкилотимиз бизга квартира бергунча бир математика ўқитувчисиникида ижарага турдик. Ойимлар Тошкентга қайтиб кетишгандан бир ҳафта кейин катта жанжал бўлиб, Фарҳод акам уйдан чиқиб кетдилар. Жанжалга сабаб, энди билсам, унча арзигулик нарса ҳам эмас.

Ўша кунни бизда тегишли бир йиғилиш бўлди, кейин яхши бир кинофильм намоиш қилинмоқчи эди. «Ўртоқларим қўйишмаяпти, хоним, бу сафар мен кўрай. Дам олиш кунни болаларни олиб қоламан, сиз борасиз», деб илтимос қилди Фарҳод акам. Қўнмадим. Бир институтни битирганмиз, мавқеимиз бир дедим-да, кинофильмни охиригача кўрдим. «У ота-ку, болаларни ўйламаяпти, фарзанд битта меникимиз?» деб ўзимни оқладим.

Мураббиялар бизни кута-кута болаларимизни уй эгасига ташлаб кетишибди. Аёл уларнинг қорнини тўй-ғазиб, ухлатибди. Бизнинг эса егулик овқатимиз йўқ эди. Пиширишга эса менда вақт ҳам, хоҳиш ҳам, муҳими уқув ҳам йўқ эди.

— Сиз оналикни, болаликни эсдан чиқариб, қўйяпсиз,— деди Фарҳод акам. Мен: «Жуда ўринлатиб хотин бўладиганини топиб олинг. Уй ишига кўмилиб кетинг учун ўқиган эмасман», деб бақирдим. У десалар у дедим, бу десалар бу. Охири чиқиб кетдилар.

Уй эгаси ҳамма нарсадан хабардор экан. Эрталаб у менга:

— Аёл кишисиз, пастроқ келинг. Аёл киши оила, бола деб кўп нарсани қурбон беради.— деди.

Мен эса қурбон беришни билмасдим. Аниқроғи, қур-



бон беришга тайёр эмасдим. Қўнглимнинг хоҳишича яшаб ўргангандим.

— Биласизми, Санобар... кеча тортишувларингизга беихтиёр гувоҳ бўлдим. Ёшим сиздан катта, ҳаётда унча-бунча кўрганим учун айтиб ўтай. Кеча эрингиз билан ҳамма нарса ҳақида тортишдиларинг-ку, гапларинг орасида асосий масала — болалар, муҳаббат ҳақида лом-мим демадинглар. Ахир, севишиб турмуш қурган экансизлар-ку. Сизга насиҳат қилиш мендек бегона аёлнинг иши эмасдир. Одатда оналар насиҳат қилади. *Хафа бўлмангу, онангиз сизни ҳаётга тайёрламаган эканлар. Тўрт фарзанд ўстирдим. Ҳаммаси мендан йироқда, мустақил яшашади. Мен билан кенжам қолган, у эса ўқишда. Сизлар унинг хонасида яшаяпсизлар. Оилада асосий мақсад оилани, муҳаббатни сақлаб қолишга қаратилган бўлиши керак.*

Ўй бекасининг ўша кунги сўзларини айнан эслай олмайману, аммо мазмуни юқоридагидек эди. Шу кундан бошлаб бу бегона аёл онам қилиши керак бўлган ишни қилди. Иккимизни, олий маълумотли, икки болали кишиларни қайтадан тарбиялади. Ростини айтсам, бизга осон бўлмади. *Гап овқат пиширишни билиш, дазмол уришда ҳам эмас экан. Атрофингда яқин кишинг борлигини ҳис қилиш, кичкина яхшилик билан унинг кўнглини олишинг, қалбига қувонч бағишлаш эса малол эмас, аксинча, энг бахтли туйғу эканини ҳис қилиш қандай яхши! Мўҳими биз шуни англадик.*

Ҳозир яна кўпайишганмиз. Иноқ яшаймиз. Ширин-ширин овқатлар қилишга ҳам, дам олишга ҳам вақт топамиз. Фарҳод акам иккаламиз бизга ҳам уй, ҳам ҳаёт таълимини берган ўша аёлдан миннатдормиз.» *«Севишиб турмуш қурдик» дегани бу ҳали катта ҳаёт йўлининг бошланиши экан. Бу йўлда қоқилмаслик учун 'Сиз оиладаёқ бунга тайёр бўлишингиз керак экан. Қизларни шундай тарбиялаш оналардан лозим.*

## 8-§. Ўғил бола тарбияси

Ўз ўғлини ҳеч бир фойдали ишга ўргатмаган одам ўғрини боқаётган бўлади.

Т. Фуллер

Тарбия ва онлавий муносабатларнинг шаклланишида жинсий тафовутни эътиборга олиш лозим. Чунки, айниқса ўғил болани тарбиялаш ўзига хос хусусиятларга

эга. Гарчи аёл ва эр маънавий жиҳатдан тенг ҳуқуқли бўлсалар-да, онлада эркак кишининг ўрни, масъулияти алоҳида белгиланади. Бу эса феодал-патриархал муносабатларнинг қолдиги ёки қадимдан эркакнинг оилада асосий моддий таъминотчилик масъулияти билан боғлиқ эмас. Балки оилавий муносабатларнинг халқ характери билан боғлиқ ҳолда асрлар давомида шаклланган белгиларидир.

Ўғил болаларни асосий оғирликни ўзларига олишга, ана шу масъулиятни ҳис қилишга ёшлиқдан ўргатиш мақсадга мувофиқ. Йўлга чиққанда оғир юкни болалар кўтаргани, кўчат ўтказиш учун чуқур қазишни болалар, унга сув қуйишни қизлар бажаргани маъқул; автобусда қизларга жой берилгани яхши ва ҳоказолар. Ўғил болаларга, агар сени одамлар ҳақиқий эр йигит деб ҳисоблашларини, бошқалар сен ҳақиқда яхши йигит экан, деб айтишларини истасанг, эркаклар ва аёллар ўртасидаги ўзаро муносабатнинг шунга ўхшаш қоидаларига амал қилишинг керак, деб унинг онгига синдириб бориш лозим.

В. А. Сухомлинский ўғил болаларда учта хислатни, яъни эркаклик бурчи, эркаклик масъулияти, эркаклик ғурури ва ҳамиятини қарор топтиришга алоҳида эътибор бериш зарур, деб таъкидлайди.

*Эркаклик бурчи.* Эр киши эркакларга хос руҳий ва жисмоний тетиклигига риоя қилиши, ўзига юкланган ота-она, оиласи, ватан, дўст ва ўртоқлари олдидаги бурчидан юз ўгирмаслиги, жамоа орасидаги, кўча-кўйдами ҳамма ерда ҳақиқий эркаклигини кўрсатиши, мард бўлиши, йигит деган номга иснод келтирмаслиги лозим.

У кучли томон бўлгани ҳолда ҳамиша заифларга, ёрдамга муҳтожларга қўл чўза билиши зарур. Ҳаётда ҳамиша эр кишига ўхшаб иш тутишни билиш ҳам эркаклик бурчидир.

*Эркаклик масъулияти.* Бу ўз яқинлари: ота-она, умр йўлдоши, болалари, ака-ука, опа-сингиллари, қариндош-уруғ, ёру-дўстларига меҳрибон, оқибатли бўлишни қийин дамларда уларга моддий, маънавий мадад бера олиши, зарур бўлганда ватан ҳимоясига ҳамиша шайлигидадир. Ҳаётда эркак киши ўз яқинлари: туғишганлари ҳам, қадрдон дўстлари ҳам, ҳамма фахрланиб «барака топкур, у бизнинг суялган тоғимиз, ишонган

богимиз», дейдиган бўлиши керак. Бундай кишилар ўз хатоларини тан оладиган ва уларни бартараф этишга иродаси етадиган, шунингдек, ваъдасининг устидан чиқа оладиган, уни ҳалол, принципиаллик билан бажара оладиган бўладилар.

*Эркаклик ғурури.* Эр киши шу тоифага мансублигидан, эркакларга хос фазилатлар: мардлиги, кучлилиги, довиюраклиги, ор-номуси, сўзидан қайтмаслиги, руҳининг тетиклиги ва кучли иродаси билан фахрланиши лозим. У қатъий мақсадни кўзлаб иш тутадиган ҳар қандай қийинчиликлар олдида тиз чўкмайдиган, забардаст бўлиши керак. Ҳаётда учрайдиган ҳар қандай қийинчиликни енгиш ҳал эта олиш имкониятига эга бўлишдек фазилат эр киши ғурурининг асл манбаи ҳисобланади. Унинг ғурури ҳаётдаги мақсадига, тева-рак-атрофдагиларга, ўз ишига муносабатига асосланади.

Ўғил бола тарбиясида эркаклик хусусиятларини таркиб топтириш билан бирга унга *келажакда оила бошлиғи, оталик бурчи, масъулиятини ҳам сингдириши керак.*

Албатта тарбия ижодий характерга эга. Шунинг учун ҳар бир оила, ҳар бир ҳолатда масалага индивидуал ёндашиш зарур. Ҳаётий тажрибалар шуни кўрсатадики, оилада болани тўғри тарбиялашда ота билан онанинг биргаликда қайғуриши, турмушда учрайдиган қийинчиликларни биргаликда ва ўз вақтида бартараф этиши муҳим аҳамиятга эгадир.

Оиланинг қадрига етадиган, болажон, аёлманд эркак — хотин кишининг бахти, оиланинг қувончи, қобил фарзандларнинг отаси, фахри, ғуруридир.

Беш кунлик, «хузур-ҳаловат» деб бола-чақани ҳўрлайдиган, ҳалолликни ҳаром ишлардан ажрата билмайдиган суюғ оёқ эркакни оила бошлиғи деб бўлмайди. Бундай ёмон ота бошлиқ оилада ҳамаша уруш-жанжал, дилсиёҳлик бўлади. Оқибатда, меҳр-муҳаббат кўтарилади, рўзғордан барака кетади, болалар безори бўлиб ўсишади.

Бола тарбиясида бу отанинг вазифаси, бу онанинг вазифаси деб чегара қўйиш мутлақо нотўғри, чунки болаларни социалистик жамият талабларига жавоб бера оладиган, ахлоқли, ақлли ва меҳнатсевар қилиб етиштиришда ота ҳам, она ҳам бирдек масъулиятлидир.

Отанинг бола олдидаги обрўсини оширишда онанинг роли катта. Икки ёш турмуш қурганидан сўнг, албатта, оиланинг бутунлигини, аҳиллик ва фарзандларининг қобил бўлишини ўйлайдилар. Улар ҳатто болалар туғилмасдан олдин бўлажак ўғил-қизларнинг орзу-ҳавасларини тасаввур этадилар, уларнинг кўпчилилик ўртасида эътиборли бўлиб етишишини умид қиладилар. Фарзанд кўргач, унинг устида ота-оналик меҳри билан парвона бўладилар ва ўзларининг инсоний туйғуларини фарзандларига сингдириб борадилар. Агар боланинг ота-онаси ўзаро иноқ, муҳаббатли, ота-оналарига меҳрибон, таниш билиш ва қўни-қўшниларга доим яхши муносабатда бўлса, умуман, одамга ғамхўр, тўғри сўз бўлса, бола ҳам мана шундай меҳрибон бўлиб ўсади. Жамиятимизда жуда кам учраса-да, айрим оталар ҳам борки, улар уйланиб бола-чақалик бўлгандан кейин оилани мустаҳкамлаш, фарзандларни вояга етказиш тўғрисида ғамхўрлик қилишни унутиб, фақат ўз маишати билан овора бўлиб қолади. Ота-она назаридан четда қолган бола эса нима қилишини, нимага қўл уришини билмай, кўп ҳолларда нотўғри йўлга кириб кетади.

Фарзандлар қобил чиқса ҳам, ноқобил бўлса ҳам кўпчилиكنинг эътиборидан четда қолмайди.

Баъзи сабабларга кўра отасидан жудо бўлган болаларга меҳрибон она ҳам оталик, ҳам оналик қилади. Бундай онанинг поклиги, меҳрибонлиги, меҳнаткашлиги, жонкуярлиги болага ҳам ижобий таъсир этади ва бундай отанинг тарбиясини олган бола жамиятимиз учун фойдали киши бўлиб етишади. Аммо баъзи оналар боласини ортиқча эркалаб, инжиқлигига, ўринсиз талабларига ён бериб, унинг хулқ-атворини бузиб қўйишлари ҳам мумкин.

Болаларнинг чин инсон бўлиб ўсишини, истаган ҳар бир ота давримиз талабларини англаб олиши, яхши одамларга эргашиши, яхши ниятларни рўёбга чиқариш учун курашини ва бошқаларни ҳам шунга ўргатиши зарур.

Қуйида икки оиладаги икки хил тарбияни кўриб чиқамиз.

Иккала оиладаги оталар ҳам меҳнатдан бўйин товлайдиган одамлар эмас эди. Биринчи оилада ота болаларини меҳнатга ўргатади. Болалар улғайиб, ишлаб маош ола бошлайди. Лекин табиатан зиқнароқ бўлган

ота болаларини бир хилда кўрмайди. Кўп маош оладиган ўглининг ённи олиб, бошқаларини менсимайди. Натижада болалар бемехр, бир-бирини кўролмайдиган бўлиб қолади.

Иккинчи оилада ҳам ота фарзандларини меҳнатга йўллади, уларнинг топгани то ўзлари бола чақали бўлгунча ўртада баҳам кўрилди. Бир болани иккинчисидан ажратилмади. Болалар бир-бирига суянчиқ бўлиб ўсишди. Бу оилада она ҳамма оналар каби меҳрибон эди. Ота эса жиддий талабчан фарзандни эркалаш, севиш нималигини билмайдиган одамдек кўринади. Аслида бирор боласи бетоб бўлиб қолса, унинг эзилаётганлиги сезилиб турар, кечалари ўғли ёки қизининг усти очилиб қолса, авайлаб кўрпани тортиб қўяркан, буни болалардан бирортаси фаҳмлаб қоларди. Отанинг бу илтифоти ёки меҳрибонлиги болаларда унга муҳаббат уйғотарди. Мана бу оилада тарбияланган ўғил-қизлар иноқ, муҳаббатли, одамлар орасида иззатли бўлиб ҳам етишди.

Машҳур совет педагоги А. С. Макаренко бола тарбиясида оталарнинг роли ҳақида гапирар экан, бундай деган эди:

«Сиз фақат гражданин бўлибгина қолмай, балки яна ота ҳамсиз. Бинобарин, оталик бурчингизни мумкин қадар яхшироқ бажаришингиз керак, сизнинг обрўйингизнинг асоси ҳам шунда. Энг олдин Сиз ўз болаларингизнинг ғоя-амалларини, нималарга қизиқиши, нимани яхши кўриши, нимани ёмон кўриши, нимани исташи ва нимани истамаслигини билишингиз керак. Сиз унинг ким билан дўст эканлигини, ким билан ва нима ўйнашини, нималар ўқишини, ўқиганларини қандай тушунишини билишингиз керак. Ў мактабда ўқиб юрган вақтда унинг мактабга, ўқитувчиларга қандай қараши, қандай қийинчиликларга учраганлиги, синфда ўзини қандай тутиши сизга маълум бўлиши керак. Буларнинг ҳаммаси сиз доим, болангизнинг жуда ёшлигидан бошлаб билиб туришингиз керак. Турли нохуш ҳоллар ва тўқинишларни сиз қўққисдан билиб қоладиган бўлмаслигингиз керак, сиз уларни олдиндан сезиб туришингиз ва олдини олишингиз лозим»<sup>1</sup>.

Афсуски, баъзи оталар оилавий ҳаётдаги ўз бурчларини тушуниб етмайдилар. Улар ўзларининг асосий вазифалари фақат оилани моддий жиҳатдан таъмин-

<sup>1</sup> Макаренко А. С. «Болалар тарбияси ҳақида лекциялар». Т., «Ўқитувчи», 1967, 30-бет.

лаш деб ҳисоблайдилар. Бундай оилаларда кишига ҳаёт бағишлайдиган энг муҳим нарса-илиқ сўз, меҳрибонлик, ғамхўрлик, шодлик етишмайди. Бундай хонадонларда тарбия топган болалар бемеҳр, одамови, худбини бўлиб етишадилар.

Одатда болалар отанинг меҳр-муҳаббати, эркалаши, диққат-эътиборига муҳтож бўладилар. Буни тушуниб етмаган баъзи оталар иш билан бандлигини важ қилиб, бола тарбиясига эътибор бермайди.

Бола тарбиясини тўғри йўлга қўйган қатор оилаларни бевосита кузатишда боланинг яхши ёки ёмон тарбияси ана шу мақсад учун сарфланган вақтга эмас, балки тарбиянинг савиясига боғлиқлиги аниқланган. А. С. Макаренко «Ота-оналар китоби»да «Тарбиялаш учун кўп вақт керак эмас, балки озгина вақтдан ҳам оқилона фойдалана билиш керак»,— деб ёзган эди.

Дарҳақиқат, кўп ота-оналар болалари билан бирга бўлган озгина вақтда ҳам уларга ижобий таъсир кўрсатадилар. Шартли равишда бир оилани олайлик. Эрхотин олий маълумотли. Оила бошлиғи заводда инженер, унинг рафиқаси мактабда муаллима. Уларнинг тўрт ўғли бор, учтаси мактабда ўқийди, биттаси боғчага қатнайди. Ота билан она кун бўйи давлат иши билан банд бўлишларига қарамай, ўз фарзандларини кишилар ҳавас қиладиган даражада тарбиялайдилар.

Шак-шубҳасизки, ўғил бола ота изидан боради. Уларнинг оиласида йўлга қўйилган яхши одатлар ҳаммага тааллуқли. Бу оилани чинакам аҳил ва меҳнаткаш оила деб атасак янглишмаймиз. Оилада катталарнинг ҳам, кичикларнинг ҳам ўзига хос, муносиб ўрни бор. Улар ўртасида ўзаро ҳурмат, бир-бирларига ғамхўрлик одат тусини олган. Болалар уй ишларида ота-оналарининг энг яқин ёрдамчиларига айланган.

Ота ишдан қайтгач, рўзғор ишларига қарашишни, болалари билан бўлишни, суҳбатлашишни ҳеч қачон қилмайди. У умр йўлдошининг олий маълумот олишида чинакам дўст ва вафодор ёр сифатида ғамхўрлик қилди. «Ҳурмат қилсанг, ҳурмат кўрасан» деганларидек, хотин ҳам эрининг иззатини жойига қўяди.

Юқорида келтирилган мисолдан кўринадики, кишиларга ва жамиятга ҳурмат кўзи билан қараш оила аъзоларининг, отанинг онага, онанинг отага, ота ва онанинг болаларга, болаларнинг эса ота-онага ҳурматидан бошланади.

Оилада болани тўғри тарбиялаш учун айниқса ота болалар билан бирга бўлишга, суҳбатлашишга вақт топиши, уларнинг турли саволларига жавоб бериши керак. Болаларнинг мактабдаги ва уйдаги ишларини суриштириб, қандай нарсаларга қизиқишларини билиши зарур.

Демак, ота болаларга меҳрибонлик, жонкуярлик қилиш билан бирга ўзининг аёлмандлиги, болажонлиги билан фарзандларига оилада «эркак», «ота», «эр» қандай бўлиши кераклигини амалда кўрсатяпти.

*Ўғил болани оилавий ҳаётга тайёрлаш жараёнида унда аёллар ҳақида кенг ва чуқур тасаввур, тушунча ҳосил қилиш керак.*

К. Марке кишиларнинг чинакам маданиятини уларнинг аёлларга бўлган муносабати белгилайди, деган эди. Аёл сенга шу ёруғ оламни инъом этиб, сени еру кўкка ишонмай, авайлаб катта қилган онадир, сени ҳеч ким камситишига йўл қўймайдиган сингилдир; ўз онангдан ҳам кам ҳурмат қилмайдиган болаларингнинг онаси — рафиқангдир.

Хотин-қизларни ҳурмат қилиш эркакнинг муқаддас бурчи. Ана шу бурчини ҳамма ҳам англаб, тушуниб етмайди. Онасига қўл кўтарган, хотинини таҳқирлаган, синглисини уйидан қувиб юборган, ўтган кетган аёлларни ҳақоратлаган, оилада уларни камситадиган эркакни эркак деб бўлмайди. Хотин-қизларни нима учун ҳурмат қиламиз? Ожиз жинс бўлгани учунми? Еки эркакларга нисбатан кучсизлиги учунми? Йўқ. Мутлақо! Бугунги кунда қиз-жувонлар ўз қадрини биладилар, уни ҳимоя ҳам қила оладилар, улар қаттиқ-қўл ва равшан ақлга эга, кўп ўринда маънавий ахлоқий ва жисмоний жиҳатдан эркаклардан қолишмайдилар, ҳурмат-эътиборга сазовордирлар.

Ўғил болаларда қизларга муносабат ёшликдан оилада олган тарбиясига қараб шаклланади. Бунда отанинг ибрат кўрсатиши ҳал қилувчи роль ўйнайди. Оилада эркак кишининг рафиқасига ҳурмат ва садоқати, уни болаларининг онаси сифатида ардоқлаши, умуман эркакдаги диловарлик, хотин-қизларга илтифотлилик ўғил болаларда, қизларга аёлларга нисбатан ҳурмат ҳиссини тарбиялашда катта ёрдам беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ўғил болани тарбиялашда унда оталик бурчи ҳиссини шакллантириб бориш зарур. Бу эса отадап шахсан намуна бўлишни,

Ўзининг зиммасидаги шарафли вазифасини тўла-тўқисадо этишни тақозо қилади. Шунинг учун у болаларни тарбиялашда буюк кишиларнинг қуйидаги фикр-мулоҳазаларини доимо ёдида тутиши лозим: «Ота бўлиш жуда осон. Аксинча оталик қилиш қийин» (В. Буш), «Туғдирган эмас, тарбиялаган ота» (Менандр), «Ота донолиги болалар учун чинакам сабоқдир» (Демокрит), «Мақтаблар кўплигига қарамай, яхши оталарсиз яхши тарбия бўлмайди» (Н. М. Карамзин), «Кимки зиммасидаги оталик бурчини бажармаса, у ота бўлиш ҳуқуқидан маҳрумдир», (Ж. Ж. Руссо).

### Амалий машғулот

*Тема: Ота-она боланинг биринчи мураббийси*

1. Бола тарбиясида онанинг роли.
2. Оилада отанинг бурчи ва ўрни.
3. Оиლა аъзолари ўртасидаги ахлоқий муносабатлар психологияси.
4. Оилада қиз бола тарбияси. Қиз бола келажакда келинчак, уй бекаси, рафиқа ҳамда онадир.
5. Оилада ўғил бола тарбияси. Ўғил болаларда йиғитга, эркакка хос фазилатларни шакллантириш. Ота ибрати.



## ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАР ОДОБИ ВА ПСИХОЛОГИЯСИ

### 1- §. Янги турмуш қурган келин-куёвларнинг ўзаро муносабатлари

Муҳаббат ўз йўлига, аммо бирга ҳаёт кечирмоқ учун орзу-интилишлар бяр бўлмоғи керак. Бусиз ҳақиқий бахтли оила қуриб бўлмайди.

*Н. К. Крупская*

Оила инсонлар ижтимоий ҳаётининг муҳим ячейка-сидир. Жамият мазмунан ўзгариши, янгиша шакл касб этиши мумкин. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам ўз ҳаёт-тийлигини сақлаб қолган оила мавжуд бўлади. Бунинг боиси шундаки, биринчидан, оила янги авлодларни етиштириш ва тарбиялаш манбаидир. Иккинчидан, оилада инсон шахс сифатидаги ўзлигини ярата олган. Шунинг учун оилага социал институт деб қаралса, унинг аъзолари социал группа бўлиб келган. Илгариларин оиланинг мавжудлиги кўп жиҳатдан унинг иқтисодий-хўжалик асосларига боғлиқ бўлган, ҳозир эса социал группаларнинг ўзаро шахсий-психологик муносабатларига боғлиқдир.

Йигит ва қиз танишиб учрашиб турадилар. Ниҳоят, улар ўз муносабатларини қонуний расмийлаштирмоқчи бўладилар. Никоҳ қайд этилиб, тўй бўлди. Хўш, бу янги оила ташкил топди деганими? Қонуний жиҳатдан ҳа, лекин аслида-чи? Оила энг аввало бир бутунликни тақозо этади. Бошқача айтганда, келин ва куёв дуторнинг алоҳида-алоҳида торлари бўлиб қолмай, бир хил товуш берадиган созда туриши лозим. Бунинг учун йигит ва қиз орасидаги муҳаббат улар куёв ва келин бўлганидан сўнг яна ҳам мустаҳкамланиши, уйғунлашиб кетиши керак. Ана шундагина янги турмуш қурган келин-куёвларнинг ўзаро муносабатлари самимият, тенглик ва адолат асосига қурилади. Француз ёзувчиси Анатоль Франц «Севги оловга ўхшаган нарса, қалаб турмасанг ўчиб қолади», деб ёзган эди.

Айрим ҳолда, тўйдан кейин, келин-куёв ўртасидаги меҳру-муҳаббат сусайгандай бўлиб қолади. Бунинг сабаби бир томонда турмуш икир-чкирлари айрим қийинчиликларнинг келиб чиқиши бўлса, ккинчи томондан ёш келиннинг рўзгор тута билмаслиги, уй ишларига нўноқлиги, ўзига қараб юрмаслиги, маънавий жиҳатдан ўзини бойитиб бормаслигидир. Маълумки, бирон қиз учрашувга ясанмасдан, ўзига оро бермасдан бормайди, албатта. Лекин айрим келинчаклар сочини тарамай, уст-бошини дазмол қилмай, ташқи кўрinishга қарамай қўяди. Бу «майда-чуйдалар» эмас, балки аҳамиятга молик нарсаларки, уларнинг ҳаммаси йиғилиб муҳаббат иморатини емириши мумкин.

Латофатлилик — аёлларнинг энг гўзал фазилатларидан биридир. Ҳар қандай киши ўзида йўқ нарсаларни бошқалардан қидиради ва уни қадрлайди. Хarakterларнинг турли-туманлиги муҳаббатнинг сўнишига олиб келмаслиги лозим. Севган кишидаги нуқсонларни кечирришга, уларни одоб билан йўқотишга ҳаракат қилиш маъқул, унинг қизиқишини ҳурматлай билиш, интилишини рағбатлантириш, ёстиқдошини ҳурмат қиладиган кишининг бурчидир. Лекин бундан, совет ахлоқига зид қарашлар, виждонсизлик шахсиятпарастлик, худбинлик, мансабпарастлик каби иллатлар билан келишиш керак, деган хулоса келиб чиқмайди. Агар томонлардан бири бу камчиликларни йўқотмаса, йўқотишни хоҳламаса, яхшиси ундан иккинчи томон кечгани маъқул. Худди шу нарса «характерларнинг тўғри келмаслиги», «умумий манфаатнинг йўқлигида» кўринади.

Уйда, оила аъзолари ўртасида ўзаро ҳурмат, самимият ва хайрихоҳлик, ўзаро ёрдам муносабатлари таркиб топса, уларнинг кайфияти ҳамиша чоғ бўлади ва мамнуун ҳаёт кечирадилар. Врачлар касалликларнинг сабабларини ўрганар эканлар, кўп касалликлар онлавий жанжаллар туфайли вужудга келадиган асабий ҳолатлардан бошланишини аниқлаганлар. Уларнинг таъкидлашларича инфаркт ва инсультларнинг ярми оилавий жанжаллардан сўнг юз берган. Шунинг учун, ҳар бир киши ишда, кўча-кўйда ўзини қандай тутса, уйда ҳам шундай тутиши, ҳеч қачон эркак «кўча хандон, уй зиндон» бўлмаслиги керак. Уйда ўзини тута билиш тарбияланганлик даражасини белгилайдиган асосий ўлчов бўлиши лозим. Уйда соқоли олинмаган,

кир майка ва эски оёқ кийимда юрган эркак хотинига нохуш кўринади. Аёл учун ҳам бу жуда катта психологик аҳамиятга эга. Енгил ва чиройли уй кийимида аёл ўзини яхши ҳис қилади, унга қатъият ва назокат бағишлайди, барча ишлари енгил кўчади.

*Оилавий муносабатларда катта ўрин тутадиган омилардан бири эр-хотиннинг ўзаро ишончидир.* Муҳаббат бор жойда ишонч ҳам бўлмоғи лозим. Агар оилада ўзаро ҳурмат ва ишонч бўлмаса, майда-чуйда воқеалар, турмушдаги қийинчиликлар оиланинг бузилиб кетишига олиб келади.

Халқимизда «эр-хотиннинг уруши — дока рўмолнинг қуриши» деган мақол бор. Оилада айрим келишмовчиликлар, кўнгилсиз воқеалар бўлиб туриши мумкин. Аммо бундай келишмовчиликлар оила манфаатларига зид бўлмайди.

Оила сирини кўчага чиқариш одобдан саналмайди. Оиладagi ҳар бир муаммони эр-хотиннинг ўзлари ҳал қилгани маъқул. Табиийки ҳеч ким ёмон ният билан оилавий ҳаётга қадам қўймайди. Аммо айрим кўнгилсиз воқеалар бўлиб туриши оилавий бурчни тўғри англаб етмасликдан келиб чиқади. Зеро, оилани сақлаш ва уни мустаҳкамлаш эру хотиннинг вазифаси, бурчи ҳисобланади.

Оиланинг бузилишига кўпинча «характерларнинг бир-бирига тўғри келмаслиги» баҳона қилиб кўрсатилади. Баъзан ҳаётда бунинг аксини кўрамиз. Шундай бўладики, куёв қаллиқлар, бир-бирига жуда тўғри келади. Лекин оила бузилиб кетади. Негаки, икки ёш оилавий ҳаётдан фақат ҳузур-ҳаловат ва роҳат — фароғатни қидирадилар, турмушдаги қийинчиликларни, ҳатто, кундалик ташвишларни ҳам кўтара олмадилар. Буларнинг ҳаммаси уларга оилада берилган тарбиянинг ёмон оқибатидир. Бунга болаларимиз доимо ҳузур-ҳаловатда, қийинчиликларни кўрмай яшасинлар, дейдиган ота-оналар айбдор. Турмуш жуда мураккаб нарса. «Бахтли оилаларнинг ҳаммаси бир-бирига ўхшайди, — деб ёзган эди Л. Толстой — Бахтсиз оилаларнинг эса ҳар бири ўзича бахтсиздир». Ажралиш сабаблари хилма-хилдир. Лекин бу ҳолларнинг ҳаммасида эркак ҳам, аёл ҳам инсоф юзасидан иш тутмоғи лозим.

Йигит ва қиз биргалашар экан, олдинда юксак масъулият турганини, ажралишар экан, бир-бирига нисбатан одамгарчиликни йўқотмаслик ва болалар учун

янада кўпроқ масъулиятни сезиши лозим. Ҳаётини булутсиз мовий осмон деб тушуниш жиддий хатодир. Бахтга ҳеч ким меҳнатсиз, ғам ташвишсиз, курашсиз эришиши мумкин эмас. Шунинг учун оила бахтини авайлаб асраш, ҳимоя қилиш шарт.

Маълумки, оилада рўзгор ташвиши кўпроқ аёл зиммасига тушади. Уйни саранжом-саришта тутиш, дид билан безатиш, турмуш ўртоғига ҳурмат, илтифот билан қараш, ғам-ташвиш ва шодлигига шерик бўлиш, кўнглини овлаш ва доимо ўзига ром қилиб туриш лозим.

Эр ҳам хотиннинг ҳурматини жойга қўйиши, уни камситмаслиги ва иззатнафсига тегмаслиги керак. Хотинига яхши муомалада бўлмаган эрнинг оиласида тотувлик бўлиши қийин. Эр-хотин одатда бир-бирига дўст, ҳасратдош, маслакдош бўлади. Зеро, ҳаётий муаммоларга дуч келганда ҳам, бахт-қувонч суруридан баҳраманд бўлиш онларида ҳам эр-хотиндек бир-бирига яқин кишилар бўлмайди.

Келин ва куёв муносабатида бепарқликнинг пайдо бўлиши ёмон оқибатларга олиб келади.

Одатда қизлар турмушга чиқишдан олдин ўзларининг хулқ-атворларига қатъий риоя қилишади, кўп нарсалар билан қизиқишади, севган йигитлари билан учрашганда ўзларининг жамики яхши ва ижобий фазилатларини намойиш қилиш мақсадида ташқи қиёфаларига ҳам эътибор бериб юришади.

Куёвга чиққандан сўнг, бундан кейин ҳам эрга маъқул бўлиб, унинг ҳавасини келтириб юриш лозимлигини унутиб қўйишади.

Еш келин-куёв ўзаро муносабатларга жуда катта эътибор билан қараса, ўзаро ҳурмат ва ишончни ардоқласа, бир-бирини тушуниш ва кўнглини топиш учун, интилса, баъзан севимли кишиси учун ён беришдан оранмаса, ўртадаги муҳаббат куёши порлаб туради.

Оила бахти — турмушнинг ширинлигидадир.

Янги турмуш қурган келин-куёв қўша қариб, бахтли оила қуриб кетишлари учун қўйидагиларга амал қилишлари мақсадга мувофиқдир.

Келин:

1) эрининг характерини ўрганиши, тушуниши, кўнглини топишга интилиши, қувонтириши;

2) янги оила шароитига мослашиши, келинлик — бекалик, аёлликни ўрнига қўя олиши;

3) қайнона-қайнотани ўз ота-онасидек кўриб ҳур-

матлаши, уларни маслаҳатгўй деб билиши, дилидаги-ларни тушуниши, оғирини енгил қилишга ҳаракат қилиши;

4) оила сирини ташқарига чиқармаслиги, баъзан айрим нарсаларни ичига юта билиши, ўзаро муносабатда бир-бирини ҳурматлаши, оғир-вазмин, вафо-садоқатли, оила шаънига муносиб хатти-ҳаракатда бўлиши;

5) характеридаги ёмон одатлар: ўжарлик, манманлик, катта керимлик, «сендан камманми» «бўлганим шу»ларга йўл қўймаслиги айрим нарсаларда бир-бирига ён бериб муросою мадора қила олиши керак.

Куёв:

1) онани бир қўлида тутса, рафиқани иккинчи қўлида тутиб ҳурматлаши, ҳар иккала томонга муносиб муомалада бўлиши, онаси билан рафиқаси ўртасида меҳр иплари мустаҳкам боғланишига ўз ҳиссасини қўшиши;

2) аёл табиатини тушуниши, тенглик «қонуни»га амал қилиб, аррани баровар тортишга уриниши, оилага рафиқага, фарзандларга содиқ бўлиб яшаши;

3) қайнона-қайнотасига ўғилдек бўлиши, амалда буни исботлаши, уларни сийлаши, зинҳор иззат талаб бўлмаслиги даркор. Акс ҳолда ўртага совуқчилик тушиб муносабатга дарз кетади.

Албатта, ҳар бир оиланинг ўз анъана, ибратли одатлари бор. Шунинг учун келин ва куёв муносабатларидаги психологик ўзига хосликни ҳам ҳисобга олиш керак. Аммо ҳар қандай шароитда ҳам келин-куёв муносабатларининг асоси меҳр-муҳаббат, ирода, меҳнатсеварлик, ахлоқ-одоб нормаларига рноя этиш бўлиб қолаверади.

## 2- §. Келин-куёвларнинг ота-онага муносабати.

### Қайнона ҳам она.

Оиладаги катта ёшли оқил киши ёшларга ҳаётга кўприк бўлмоғи, ўзининг босиб ўтган кўп қиррали ҳаёт йўли эса фарзандларига сабоқ бўлиши керак.

*Донолар бисотидан*

Никоҳ қайд этилиб оила қурилгач, келин-куёвни қайнона-қайнота билан табриклаймиз. Гарчи тил лексикасида уларни шундай деб атасак-да, аслида қайнона ва қайнота-келин-куёвлар учун ҳам ота, ҳам онадир.

Фарзандлар ўз ота-онаси олдида қандай бурч ва

масъулиятли бўлса келин-куёв ҳам қайнона-қайнотаси олдида шундай бурчли ва масъулиятлидир. Чунки улар келин-куёвга ўғлим, қизим деб муносабатда бўладилар. Ҳаётда буни исботловчи мисоллар жуда кўплаб учраб туради. Улуғ Ватан уруши йилларида ўғли ҳалок бўлиб, келини билан она-боладек бир умр яшаган оилалар кам эмас. Қайнона-қайнотага фарзандек муносабатда бўлиб, уларни ҳурматлаб, иззатлаб хизматларини қилгани куёвлар ҳақида ҳавас билан «барака топкур», дейишгани кўп эшитилади. Бундай оилалардан аҳиллик, иноқлик, файз-барака аринмайди.

Ҳар қандай ота-она фарзандларининг бахтли-саодатли бўлишини истайди. Фарзандларнинг бахти энг аввало уларнинг турмуш ўртоқлари билан иноқлигидадир. Шундай экан, ота-она келин ва куёвларига ўз фарзандларидек меҳр қўяди. Гап ана шу илиқ муносабатни умр бўйи сақлаб қолиш, мустаҳкамлашда.

Оиланинг мустаҳкамлиги кўп жиҳатдан келин-куёвлар ва қайнона-қайноталар орасида шаклланган муносабатларга ҳам боғлиқ. Уларни ота-она каби ҳурматлаш, хизматларини қилиш, улар билан бамаслаҳат иш тутиши, қариганларида кўнгилларини кўтариб суянчиқ бўлиш лозим.

*Оилавий муносабатлар системасида келин-қайнона муносабати алоҳида ўрин тутади.* Бунинг миллий-анъанавий асослари бор. Хусусан ўзбек хонадонларида оталарга муносиб иззат-икром кўрсатилиши билан бирга, она сўзининг ўрни, таъсири ўзгачадир. Чунки оиланинг ички юмушлари кўпроқ аёллар зиммасида бўлиб, келиннинг уй-рўзгор тутиши, кийиниши, ахлоқ-одобдаги ижобий хислатлари ёки эпсизлигини қайнона баҳолайди, унга йўл-йўриқ кўрсатади, кўмаклашади, танбеҳ беради. Янги оиллага келган келин ўзига қилинаётган муносабатларни ҳар доим ҳам сазимий деб билмайди. Ёки, аксинча, қайнона ҳар доим ҳам адолатли бўлавермайди. Муносабатларнинг бундай мураккаблиги келиндан зукколик, босиқлик, лозим бўлган тақдирда одоб юзасидан ён беришни ҳам тақозо этади.

Оила бошлиғи — қайнонада гап кўп дейишади. Зеро қайнона келинга меҳрибон, инсофли бўлса, яхшилигини гапириб, камчилигини бафуржа, ётиғи билан тушунтирса, ҳар икки томонга яхши. Келин ҳам уйга меҳр қўяди. Қайнонанинг ҳам айтгани айтган, дегани деган бўлади.

Она-боладек яшас и қайнона-келиндарни кўриб бехатиёр меҳрини товланади, уларга ҳавас қиласан. Келинга фарзандидек қараб, меҳригиёсини улашаётган қайноналар қанчадан-қанча. Улар келиндан иззат-ҳурмат кўриб, ҳар дами хуш ўтади. Қайнона билан келин аҳил оилада мамнунликни, тотувликни кўрасиз.

Она ўғли айтган қизни кўриб келди-ю, яхши орзу-ўйлар фикрини чулғаб олди:

— Қаранг-а, йиллар ўтиб, ўғилгинам ҳам катта йигит бўлибди. Уйимизга келин келади. Яқиндагина ўзим ҳам келин эмасмидим!... Энди бўлса — «қайнона». Келиним ўз онасидек кўрармикан, ҳурмат қилармикан? Ажаб эмас, онасидек меҳрибон, маслаҳатгўй бўлсам, яхши гапириб «болам-бўтам» деб билганини мақтаб, билмаганини ўргатсам, албатта, келин ҳам қиздек бўлади, — деган ички бир туйғу унинг кўнглидан ўта бошлади...

Мава, тўй ҳам бўлди, келин келиб уйга файз кирди. Қайнонанинг яхши ниятлари ушалди. Келин қайнона ўйлаганидан ҳам афзал бўлиб чиқди. Эсли, ҳушли чаққонгина, қайнонаси атрофида парвона, ҳурматини ўрнига қўяди. Қайнона ҳам келинни еру-кўкка ишонмайди, ардоқлайди. Ҳа, ҳурмат қилсанг ҳурмат кўрасан, деганлари шу-да!

Турмуши тотув ўтсин деган ҳар бир келин қайни-бўйинларни ҳам ўз туққан-туғишганларидек кўриб ҳурматлаши лозим. Қайнона ҳам она! Келин кўрганда бир болам икки бўлди, деб қувонади, ўғли билан қўша қариб ували-жували бўлишларини истайди. Шундай экан, қайнонанинг кўнглини топишга интилган яхши.

Оилада, қайнона-келин ўртасида борди-келди гаплар ҳам бўлиб туради, албатта.

Қайнона «болам» деб ҳаётнинг аччиқ-чучугини тортган одам сифатида уй рўзгор тутиш, муомала-муносабат, одамгарчилик, умуман ёш келинга — аёлларга кўрик бўлган фазилатлар ҳақида ётиғи билан «жон болам» деб гапирса, келин «қошини чимирмай», «тумшаймай», тилига эрк бермай тўғри қабул қилиши одобдан. Қайнонани дўст деб билган, тушунган келин суюкли келин бўлади. Турмуши ширин, тотув ўтади. Бу билан турмуш ўртоғининг ҳам ҳурматини қозонади. Онасининг иззат-ҳурматини жойига қўяётган рафиқасини ҳар қандай эркак ардоқлайди. Бир муҳаббатига икки му-

ҳаббат қўшилади. Бундай келини хонадонига бошқа катта-кичиклар ҳам сийлашади.

Баъзан қайнона ноҳақ ҳам бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда кексалигини ҳурматлаб оғирлик қилиш айрим нарсаларни ичига ютиш сўзсиз яхшилик келтиради.

Бафуржа гап уриниб келганда ҳақиқатни тушунтириб ўртасидаги совуқчиликни кўтарган маъқул. Кексаликнинг ўзига хос «инжиқликлари» борлигини тушуниш лозим. Қишининг ёши улғайиб борган сайин белидан қувват, кўзидан нур кетиб кўнгли нозиклашиб қолади. Шунинг учун бола-чақанинг моддий, маънавий мададига муҳтожлик сезади.

Кейинги пайтларда онладаги носоғлом муҳит, қайнонанинг ноҳақ жабр-зулмидан ёш жонига қасд қилиб ўзини ёқиб юбориш фактлари ҳам рўй берапти. Бу замонамизга ярашмаган ҳолдир.

Ўз жонига қасд қилиш заифлик, иродасизликдир. Ўзига ишонмаган одамгина бунга қўл уради. Турмушда учрайдиган ҳар бир қаршилик ва нохушликлар олдида таслим бўлиб, тушкунликка учрайвериш инсон деган буюк номга доғ тушириш билан тенгдир.

Қизлар келинлик ҳам умрнинг лаззатли даври эканини унутмаслиги керак. Эрталаб барвақт туриб қайнота-қайнонага ҳурмат билан салом бериш, улардан ҳол-аҳвол сўраш келинликнинг зийнати. Ўқишга ёки ишга кетгунча у ёқ-бу ёқларни йиғиштириб, нонушта ҳозирлаш, биргаллашиб хушчақчақлик билан бир дастурхон атрофида овқатланишнинг завқи ўзгача. Келиннинг елиб-югуриши хонадонга бирам ярашадими, кўриб кўзингиз қувонади. Ишга кетаётиб келин қайнона кўнглини хушлайди: «Ойижон, кетяпман, яхши ўтиринг, ўзингизни уринтириб қўйманг. Ҳар қанча юмуш бўлса келганимдан кейин қиламан, хўп-ми, десачи? Қайнонанинг кўнгли тоғдек кўтарилади. У ҳам келинга қўлидан келганича яхшилик қилишга ҳаракат қилади.

Афсуски, айрим келинлар оила, тотли турмуш қадрини билмай ўз бахтларидан ажраб қоладилар. Қуйидаги қайнона билан келиннинг муносабатига разм солинг.

Келинининг кўзи ёриган Шарофат ая икки жонининг саломатлиги учун жон куйдираётган шифокорларга раҳматлар айтиб, гиргитон бўлади. Эрта-индин уйим тўлиб, келди-кетди бўлади, деб рўзгорини бутлади.



Бугун барвақт уйгонди. Бир тандир нон, сомса ёпди. Ғимир-ғимир билан вақт пешин бўлганини сезмади. Уғлининг қўлига икки тугун тутқазиб шоширди:

— Келинимнинг кўзи тўрт бўлди, тезроқ борақол, болам.

Узи тўғри ошхонага ўтди-да, қуюқ-суюққа уннаб кетди.

Маҳалла-куйдан муборак бўлсинга чиққан қадрдонларини айлапиб-ўргилиб айвонга ўтқазди, чой қуйиб, дастурхонга таклиф этади.

Вақт ҳам алламаҳал бўлиб қолди. Ҳамон келиндан дарак йўқ. Шу пайт эшикдан ўғли кўринди. Лекин у ёлғиз, кайфияти бузуқ. Шошиб ўғлига пешвоз чиққан она савол назари билан сўради:

— Нима гап?

— Қудаларингиз қизига 10—15 кун қараймиз деб, уйларига олиб кетишди. Уларнинг шароити бошқачароқмиш, — деди ўғли асабийлашиб.

Шарофат ая ўғлининг кўнглини авайлаб аламини ичига ютди.

Қудаларидан қаттиқ ранжиган куёв томон жим-жим ўтираверди. Орадан анча вақт ўтди. Шу орада куёвни кўча-кўйда учратиб, қайнота қаттиқ-қуруқ гаплар қилди. «Куёв бола, хотинни эплай олмасангиз бошини очиб қўйинг», деган сўзлар билан кўнглини совитди. Хуллас, икки ёшнинг турмуши бузилди. Шарофат аяга набирасини кўриш насиб бўлмади. Бир куни тўсатдан у вафот этди.

Аёл ҳозир пушаймонда, ўғилчасини етим қилгиси йўқ. Эрка ўсгани, ҳаётнинг паст-баландини тушунмагани бошига бало бўлди. Тиниб-тинчиб кетса бўладиган оилага тушганди. Пишиқ-пухтагина бўлмади. Бўлар-бўлмас гапларни ташиб, ўртага совуқчилик солди. Умр мурасини ўйламади. Отанинг «Хотамтой»лиги, онанинг катта керимлиги қиз бахтининг заволи бўлди.

Қайнона келинга шу гапларни такрор-такрор айтди:

«...Эрта турганнинг хосияти кўп. Аёл киши чаққон, саранжом-саришта бўлса, исрофгарчиликка йўл қўйма-са, уйи уй, жойи жой бўлади. Оилада нималар ўтмайди, дейсиз тасаддуқ. Хотин киши огир, вазмин, дилдор бўлгани яхши. Эрга мулозаматли хотин суюкли бўлади».

Энди ўйлаб кўрса, қайнонаси ёмон гап айтмаган

экан Онасидан хатонлик ўтган. Қизи уйдан гап олиб келганда уришиб, қайриб ташламаган. Бамаъни оналардек: «Қайнонангнинг шаънига шу гапларни айтгани уялмадингми? Бир нарса деган бўлса, боласи қатори кўриб айтган. Мен ҳам у кишининг ўрнида бўлсам, шу гапни айтган бўлардим. Қайноналик келин — қарқара келин, қайнонасиз келин масҳара келин, дейишди. Ушаларни ҳурмат қил, меҳнатингни аяма... Уйнинг ўша ер. Аҳил яшасанг сендан минг-минг рози бўламан» деса ўзига ҳам, қизига ҳам фойда эди-ку.

Ёшлар ҳам кексаларнинг белидан қувват, кўзидан нур кетиб, кўнгиллари нозиклашиб қолганини тушунишлари, иложи борица дилларини хушнуд қилиб, хизматларида бўлишса нур устига нур бўлади. Қилганлари бир кун ўзларига қайтишини унутмаслик лозим.

### 3-§. Ота-онанинг келин-куёвга муносабати

Ота-оналар билан фарзандлар ўртасидаги муносабат ҳам севишганлар ўртасидаги муносабат сингари оғир ва шу қадар ҳаяжонлидир.

*А. Морца*

Феодализм асорати ўлароқ, қисман ханузгача сақланиб келаётган иллатлардан бири онавий ҳаётда келинга паст назар билан қаралиши, уни камситилишидир. Айниқса қайнона (ёмон қайнона, албатта) келинга «кун бермайди», унинг «кўзини очирмайди», ҳар бир ҳаракатини, оғзидан чиққан ҳар бир сўзини тергайди, ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ, дейди, келин қанча елиб-югурмасин, қўлини касов, сочини супурги қилиб ишламасин, қанча одоб сақламасин, бари бир қайнона уни назарига илмайди, камситади, асабига тегади, унга яхшилиқни, илиқ сўз айтишни раво кўрмайди. «Қайнона қайнайди, келини айнайди». «Итнинг ёви — девона, келиннинг ёви — қайнона», «Қизимнинг қайнонаси ёмон, ўзимнинг келиним ёмон», «Қизгинамнинг боласи — қантак ўрик донаси, ўғилгинамнинг боласи — ҳай-ҳай унинг онаси!», «Қарға келса қарамадим, зағизғон келса санамадим, қўлдан келганни аямадим — ҳеч қайнонамга ярамадим», «Қиз чоғим — султон, келин чоғим ултон» (ултон — оёқ кийимининг тагчарми); «Отам уйи — майдон, қайн уйи — зиндон» каби халқ мақол-

ларда ана шу ҳол ифодаланган ҳамда ёмон қайноналарни инсофга, адолатга чақирилган, келинларга эса муроса қилиш, сабр-тоқатли бўлиш ҳақида панд-насихатлар берилган.

Ўтмишда қайнона, қайнота, эр билан бир қаторда оиланинг бошқа аъзолари, айниқса, қайпэгачи ва қайнсигиллар ҳам келинга адолатсиз муносабатда бўлардилар, унга ўз зуғумларини ўтказардилар, доим нордон ва тагдор гаплар қиладилар, унинг ҳар бир ҳаракати ва гап сўзини тергардилар, ҳатто, унинг кўзига яққол кўриниб турган яхшилнкларини ҳам назарга илмасдилар. «Янгамнинг шўрвасини ширин қилган акамнинг масаллиги». Мазкур мақол қайнсигил тилидан келинни камситиб айтилган.

Шу боисдан келинчаклар номидан айтилган «Қайним-қайниёғим, қайнсиглим юрак доғим» мақоли ёмон қайнсигиллар ҳақидадир.

Фарзандлар оила қуришдек бахтга муяссар бўлар экан, шубҳасиз бу уларнинг ота-оналари учун қувончли воқеадир. Шу кундан эътиборан улар қайнона-қайнота бўладилар. Оилавий ҳаётда қайнона-қайнотанинг келин ва куёвга муносабати ғоят мураккаб ва нозик туйғулар билан боғлиқ.

Келин тушган хонадон янада файзлироқ бўлиб кетади. Эрта тонгдаёқ ҳовли-жойлар супуриб-сидирилган, чой тайёрланган бўлади. Келин қайнона-қайнотага таъзим билан салом беради. Булар феодализмнинг патриархал ҳукмронлиги белгилари эмас, балки халқнинг характери, удум ва одатлари билан боғлиқ латофатли урфдир.

Чақалоқ барча қусурлардан ҳоли туғилгани каби қайнона-қайнота билан келин-куёвларнинг муносабатлари ҳам дастлабки кунларда пок ва самимий туйғуларга асосланган бўлади. Гап ана шу самимиятни умр бўйи сақлаб қолишда. Афсуски, ҳаётда у ёки бу сабабларга кўра муносабатларнинг бузилиш ҳоллари рўй беради. Баъзи ҳолларда бунга келиннинг рўзғор ишларига тайёр эмаслиги, уқувсизлиги, куёвнинг калондимоғлиги сабаб бўлса, аксарият пайтда қайнонанинг инжиқлиги, келинига ўз қизидек муносабатда бўлмаслиги, куёви эса қудаларнинг фарзанди эканига етарли эътибор бермаслиги сабаб бўлади. Қуйидаги кундалик ҳаётимизда учраши мумкин бўлган икки воқеани кузатайлик.

Қарс икки қўлдаи чиқади. Қачон тенглик қонуни

бузилса, ўртадан тивчилик, ҳузур ҳаловат кстади. Бир-бирига оқибатсиз оилага тушиб, орзу-умидлари топталган келин шундай ҳикоя қилади:

«...Ўқимишли оилага келин бўлдим. Қайнотам, қайнонам ҳам оқ-қорани таниган, замонавий кишилар эди. Ўртоғим, қайнсингилларим институтни битиришган, ҳаммалари ишларди. Эрта билан барвақт туриб, нонуштага бирор иссиқ овқат тайёрлашга уринаман. Уй-ҳовлиларга қараб чиқаман. Дастурхон ёзиб, ҳаммаларини чойга таклиф этаман. Столни йиғиштираману ишга чопаман. Қайтиб келгач кечки овқатга уннайман. Нима иш қилсам ҳам ўз ойижонимнинг режаларини эслайман, ойм ғоят режали иш тутардилар. Яхшиям ишга солиб, ўргатган эканлар. Бўлмаса қийналардим, яна гап-сўзга қолардим.

Тутган ишим қайнотамга ёқарди, шунинг учун: «Ба-рака топинг, кам бўлманг», деб кўнглимни тоғ қилардилар. Меҳрим ҳам уларга кўпроқ тушганди.

Қайнонам анча қийин, унча-мунча одамнинг ишини ёқтиравермасди. Нима иш қилсам, ёнимда разм солиб турарди. Қараб турганларини сезардим, негадир эсанкираб, қилар ишимни билмай қолардим. Шунда, ё қўлимдан бир нарсани тушириб юборардим, ё бўлмаса, ишим унмай диққат бўлардим. Ўз ҳолимга қўймай, ҳадеб камситар эдилар. Шундай бўлгандан кейин, билганингни ҳам унутиб қўяр экансан. Бир ишга тутинсанг, қўлинг бормай, зириллаб турасан. Қўйинг-чи, овқатдан ҳам бир камчилик топиб, кўнгилни ҳижил қилишар: «ё суюқ, ё қуюқ, ё шўр, ё тузи паст» деб ранжишарди.

Аввалига уялардим, кечирим сўраган вақтларим ҳам бўлди.

Кейинги сафар огоҳроқ бўлишга тиришдим. Барибир бўлмасди, яна бир нарсадан айб топиб туришарди. Уйлаб ҳайроп бўламан. Уйда ҳам шу овқатларни қилганман. Бувимнинг сўзларини эслайман: «Боламнинг қўли шакар, овқати бирам мазали бўлибдики, ичиб танам яйради...» Бу мақтовлардан эриб кетардим. Эртасига, индинига ҳам овқат қилгим келиб турарди. Ҳозир нега энди бундай? Уйлаб сиқиламан.

Яна қайнонам икки гапнинг бирида: «Ўғлимга муносибмассан, удди-шуддинг йўқ, деб камситиб турса, қилган ишимни ёқтирмай руҳимни чўктирса, қандай қилиб кўнглим исисин уйга?

Қайнсингилларимдан ҳам хафа бўламан. Ёш бўла

туриб, бундай эгилишни билишмайди, одамга ачиниш-майди. Тиллари узун, бирам аччиққи, жон-жонингдан ўтиб кетади. Ахир эрта-индин ўзлари ҳам келин бўлишадиган...

Алам жуда ўтган пайтлари ўртоғимга гапириб йиғлардим. Мени юпатиш, далда бериш қаёқда, унинг ўрнига қўполлик қилиб баттар дилимни оғритарди. Эркак эркакдай бўлса, ўз калласи, ақли билан иш тутиб, ҳар икки томонга муносиб илиқ сўз топса, кўнглинг исиб муҳаббатингга муҳаббат қўшилади-ку.

Лекин сени тушунмаган одам билан ўтган умр зое экан. Ўзингга ўзинг «Ким учун бу уйда яшаяпсан?» деб савол берасан киши.

Борди-келди гаплар ўртага совуқлик тушираверади. Энди ойимларни гуноҳкор қила бошлашди. Уйга фақат икки-уч ойда бир боришимни шарт ҳам қилиб қўйишди. Бунисига чидай олмадим.

Онам бечоранинг гуноҳи нима? Қиз боққаними? Ўқитиб олий маълумотли қилганими? Уша уйда тиниб-тинчиб кетишимни ўйлаб, насиҳат берганими?

Она ҳеч қачон қизининг бахтсиз бўлишини истамайди. Хўрлансангиз, албатта, ташлаб қўймайди. Ичида бахтсизлигига куйса-да, бағрига олиб, дардига малҳам бўлади.

Қайнотам ҳам бора-бора уйдагиларнинг гапини маъқуллайдиган бўлди. Мен бу уйда ёлғиз эдим. Хуллас, қўлимдан келганича уларни ҳурматлашга, шу уйда муросою мадора қилиб кетишга кўп тиришдим. Ҳар қанча оғирчиликка кўндим. Бўлмади, хўрлик ўтди. Ҳозир ота-онамникидаман. Яқинда она бўлишимни ўйлаб, тақдиримга куяман. Боланинг келажаги нима бўлади? Ота-онамга ҳам ачинаман. Ҳар куни қош-қовоғимга қарашиб, бир ўтлари ўн ўт бўлишяпти...»

Хўш, кўнгилсиз воқеанинг сабаби нимада? Бунда кўпроқ онла бошлиғи бўлмиш қайнонани айблаш керак. Аввало уйда бўйига етган қизлари бўла туриб ҳамма юмушни келин устига юклаш инсофданми? Нечук ота-она ўз қизига ачинади-ю, келинга раҳмсиз бўлади. Келин ҳам фарзанд-ку!

Бўлар-бўлмасга айблаш, бегуноҳ қудаларга ҳурматсизлик яхшиликка олиб бормайди. Ўйламасдан ёмонлаб юбориш, қаттиқ гаплар фақат ўртадаги ҳурматни кўтаради, кўнгилни қолдиради. «Ўтирса ўпоқ, турса сўпоқ», дейишса келин қандай қилиб уйга меҳр қўйсин.

Қайсингилни...г келинотига меҳрибон, яқин бўлгани қандай яхши! Яхши она қўлида тарбия топган қиз янгасига жуда меҳрибон бўлади. Ўзи ҳам ундан кўп нарсаларни билиб, ўрганиб олади. Қиз боланинг яхши номини чиқарадиган, ҳаминиш кунига ярайдиган киши келинотидир. Онадек меҳрибон янгани ҳурматлаш ҳар бир хаёли қизнинг бурчи.

Уйнинг катталари фарзандларига сўзи ўтадиган бўлиши, қайси томон ноҳақ бўлса, қайириб, йўлга сола билиши лозим.

Фарзандга ота-онадан яқин, меҳрибон киши борми? Бир оз кўрмасанг соғинасан, юрагинг узилиб у томон учишга тайёр турасан. Улар ҳам йўлингизга нигорон бўлишади. Ота-онани вақтида кўриш, ҳол-аҳвол сўраш ҳар бир фарзанднинг бурчи. Келин ҳам бировнинг боласи. Ота-онасини ўн-ўн беш кунда бориб келгани учун уни гуноҳкор қилиш одамгарчиликдан эмас. Этни тирноқдан ажратиб бўладими?

*Умуман мана шу ёш оиланинг бузилиб кетишига асосан қайнона-қайнотанинг худбинлиги сабаб бўлади.*

Иккинчи мисол. Қиз келин бўлиб тушган оила кўп фарзандли бўлиб, ёш келин-куёв чоғгина хонада туришарди. Қизига совға қилишган гарнитур сизмагани учун тўйдан кейин ҳам очилмади. Бундан кўнгли тўлмаган қизнинг ота-оналари куёвни чақириб олиб ўз уйларига кўчиб келишни, жуда бўлмаса, ижарага жой топиб мустақил яшашни таклиф этишди. Куёв оиладаги бош фарзанд бўлиб, ота-онаси не-не орзу-умидлар билан келин кўрганини, ҳеч бўлмаса, битта фарзандли бўлишгунча улар билан бирга яшашлари кераклигини тушунтирди. Қолаверса иш жойида уй олиш учун навбати борлигини ҳам айтди. Лекин қайнона-қайнота бунга кўнмай ўз айтганларида оёқ тираб олишди. Кенг ҳовлида ўйнаб-кулиб юрган қизимиз қафасга тушгандек яшашига йўл қўймаймиз, дейишди. Аввалига қизлари турмуш ўртоғини қувватласа-да, кейинчалик ота-онасининг таъсирида у ҳам бу уйдан «чиқиб кетамизга» тушиб олди. Қайнона-қайнота қудалари куёви учун ота-она эканини, куёвининг фарзандлик бурчи ҳам борлигини ўйлаб ҳам кўрмадилар. Куёв эса ўзи ва ота-онасига қилинган ҳурматсизликни кўтаролмади. Оила бузилди.

*Юқорида кўрилган ҳар икки оилада рўй берган кўн-гилсизликка сўзсиз қайнона-қайноталар сабабчи бўлди. Улар келин-куёвни қўллаб-қувватлаш, маънавий мадад*

*Бериш ўрнига, гўё уларга жонлари ачиган бўлиб, гам-хўрлик кўрсатаман деб тузатиб бўлмас хатога йўл қўйдилар. Ёшлар ҳаётига ўринсиз аралашшиш уларнинг бахтсизлигига олиб келди.*

Келин бамисоли бир ниҳол. Уни авайлаб, парваришлаб ўстирилса, меваларидан баҳраманд бўлиш мумкин. Бунинг учун унга ўз фарзандидек муносабатда бўлиш, билганини мақтаб, билмаганини бафуржа ётиги билан ўргатиш лозим.

Куёв ҳам ўғилдир. Унинг мустақил оилавий турмушга ёрдам бериш, лекин зинҳор беҳуда аралашвермаслик керак.

Қайнона-қайнота келин ва куёвнинг ижобий хислатларини рағбатлантирсалар, улардан фақат лозим бўлган пайтда маслаҳат ва амалий ёрдамларини аямасалар, ёш оилаларнинг мустақил илдиз отишига ҳисса қўшган бўладилар.

Агар қайнота-қайнона бағри кенг, одил бўлишса, келинни ўз фарзандидек кўришса, яхшисини ошириб, ёмонини яширса, келин-куёв тинч-тотув яшаб, уларга меҳр-муҳаббат бир умр ҳамроҳ бўлиб қолади.

Ушанда қиз бола борган ерини уйим, ўз жойим деб кетади. Кўз очиб кўргани билан қўша қариш бахтига муяссар бўлади.

Ўғлига бахт истаган ва ўзини ҳам иззат-ҳурматда бўлишни ўйлаган ҳар бир она келинга раҳнамолик қилса, нур устига нур бўларди. Шундай қилинсагина ўғил-қиз ҳам ота-онани бошига қўяди.

Қайнона билан келин чиқиша олмаганидан бузилган оилалар оз эмас! Жабр-жафо кўраётган келинчакларчи?! Фейл-атворида шахсий манфаат, гина-қудрат, киборлик туйғуси устун келган қайноналар ёшлар бахтига зомин бўлмоқда. Ота-она билан келин-куёв муносабати ҳар бир ҳолатда ўзига хосликка ҳам эгадир.

«Ўғлимизни орзу-умидлар билан уйлантирган эдик. Келиннинг гапига кириб, рўзғорини бошқалади, бизни ташлаб кетди» дея ҳасрат қилади бир она.

Фарзанд умрбод ота-она қучоғида бўлиши шартми-кан? Хизмат тақозоси билан бошқа шаҳарларда турадиган ёки бола-чақали бўлганидан кейин бошқа уйга кўчиб ўтган ўғил-қизлардан ранжиб юриш керакми? Инсон меҳри масофа билмайди. Энг муҳими, ёшлар фарзандлик бурчларини унутмай, ота-она ҳурматини жойига қўйишса, шунинг ўзи кифоя. Бир эшикдан ки-

риб-чиқиб, ота қадрини топтайдиган, она дилига яра соладиган фарзандлар ҳам йўқ эмас.

Оиланинг тақдири қайнона билан келин муносабатига кўп жиҳатдан боғлиқ. Қайнона борки, гўзал фазилатлари билан келинга ибрат. Унга билмаганини ўргатади, адашса уни йўлга солади, зарур пайтларда ёрдамини аямайди. Қайнона борки, нуқул қилдан қийиқ қидиради, келинини камситади, ёмонлайди. Натижада оилада асабийлик, хунобгарчилик ҳукм суради.

Қайнона оқкўнгил, одил, сабр-тоқатли ва хушмуомала бўлиши керак. Вазият билан ҳиосблашиши, келиннинг баъзи гуноҳларини кечириши шарт. Шунда у ҳурмат, обрў қозонади.

Шундай қилиб, фарзандларнинг бахти аввало қиз билан йигит ўртасидаги муҳаббатга, қолаверса, қудандаларнинг ёши оилага ғамхўрлиги, муруввати, оқиллона муносабатига боғлиқ. Кимки умид билан ўғил-қиз ўстириб келин-куёв қиларкан, охиригача меҳр-муҳаббатини аямаслиги, уларни қаноти остида асраб, оёққа турғазини керак. Шунда ўғил-қизи олдидаги қарзини ўзган бўлади.

#### 4- §. Оила бахти

Ўз уйида бахтли бўлган кишигина бахтлидир.

*Л. Толстой*

Инсон ва инсоният мавжуд экан, у англаш қобилиятига эришган замонлардан буён бахтга интилади. Куррамизда бахтли бўлсам деб орзу қилмайдиган бирор киши топилмайди. Замон ва макон ўзгаради, авлодлар ва элатлар алмашинади, ижтимоий ҳаёт шакллари янгиланади, аммо инсондаги гўзалликка, покликка, бахтга чанқоқлик ҳеч қачон йўқолмайди. Чунки бахт — умрнинг мазмунидир.

Бахт — фалсафий тушунча бўлиб, у нисбий характерга эга. Инсоннинг мазҳаби, маслаги, эътиқоди, билими, ёши ва ҳоказолари, замирида унда бахт ҳақида маълум тушунча шаклланади.

Биров бахтни кийим-кечакда, пул ва бойликда, мансабда, бошқа биров ўз севган кишиси билан бирга ҳаёт қуришда, шодлик ва қайғуларини у билан бирга тартишда, учинчи киши эса бахтни илм-фанни эгаллашда



деб биледи. У буни пул ва бойликдан мансаб ҳамда онла манфаатидан ҳам, бошқа нарсалардан ҳам устун қўяди.

Бахт маълум даражада маънавий бойликка эга бўлишда деб ҳисобловчилар кўпчиликни ташкил этади. Ўз навбатида маънавий бойликни ҳар ким ўзича талқин этади.

Бахт маълум даражада маънавий бойликка эга бўёшларни қизиқтириб келган ва мунозараларга сабаб бўлган. Академик Короленко айтганидек, қуш учиш учун тугилса, одам бахт учун туғилади. Бахтли бўлишга ҳаракат қилиш — инсоннинг олижаноб фазилатларидан ҳисобланади.

Одамзод дунёга келибдики, яхши яшашга, ҳаёт лаззатларидан имкони борича тўлароқ фойдаланишга интилиб келган. Ҳар ким қаерда ва қандай яшаши, қаерда ишлашидан қатъи назар, **биринчи навбатда ўз турмушидан, ўз ишидан, ўз юриш-туришидан хурсанд бўлиши керак.** Бахтли бўлишнинг биринчи шarti мана шу. Сиртдан қараганда бекам-кўст кўринадиган, ейишичиш, кийим-кечак, вазифа-мансаб ва бошқалардан камчилиги йўқ киши ўз истагига етишмаган, ҳаётдан норози бўлса, уни чинакам бахтли, деб айтолмаймиз. Ҳамма нарсанг етарли, ҳеч кимдан каминг йўқ, деб инсоннинг ўз мақсадига эришиш учун курашига халақит берувчилар хато қиладилар.

Ҳар бир одам ўз эътиқоди, идеали, ҳаётий тушунчасига амал қилиб яшашга ҳаракат қилар экан, бунга у тўла ҳақли. Масаланинг иккинчи томони ҳам бор: ўз ҳаётидан хурсанд бўлиб яшаш — бу хаёлга келган ишни қилавериш, ўз билганича яшайвериш деган сўз эмас, албатта. Бировларнинг ҳақи ҳисобига яшовчи киши ҳам ўз ҳаётидан миннатдор бўлиши мумкин. Чайқовчилик қилиб кун кўрувчи ҳам порахўр, ўғри ҳам «мен бахтли яшаяпман, чунки ҳаётимдан мамнунман», деб даъво қилиши мумкин. Турмуш, ҳаёт, касб-кор кийиниш, еб-ичиш у ёки бу одамни хурсанд қилар экан, шу билан бирга унинг ҳаётини, ижтимоий ва шахсий фаолияти бошқаларнинг ҳаётига, фаолиятига, чинакам инсоний фаолиятларга зид бўлмаслигини керак. Киши оддийгина турмуш кечириши ҳам, ҳашаматли яшаши ҳам, врач, агроном ё оддий ишчи бўлиши ҳам мумкин, аммо буларнинг ҳаммаси ҳалол меҳнат эвазига, ақл, ирода, биллак кучи эвазига яратилиши керак, акс ҳолда, у ўзи-

ни бахтли ҳисобласа ҳам, аммо бу чинакам бахт бўлмайдими.

Демак, ўзининг ақлий ва жисмоний имкониятларидан максимал даражада фойдаланиб, бу имкониятларни янада кенгайтириш учун иштирокчиликда, ишда, турмушда, шахсий ва ижтимоий фаолиятда чин инсоний фазилятлар доқрасидан чиқмасдан яшаш, ўз ҳаёти, турмуши ва кундалик ишидан миннатдор бўлиш бахтли умрнинг асосий омилларидир.

Бахт кенг маъноли тушунча бўлиб, оила бахти унинг ажралмас қисмидир.

Хўш, оиланинг бахти нимада? Қандай қилиб оилавий бахтга эришиш мумкин?

Одатда, бундай саволлар оила қуришга жазм қилган ёш йигит ва қизларни, шунингдек, оилавий ҳаёт эндигина қадам қўйган келин ва куёвларни ғоят ўйлан-тириб қўяди.

Ёшлар киши турмушини янада гўзал қиладиган ҳаётий масалаларни ўз вақтида тўғри тушуниб олсалар, шак-шубҳасизки, кўп хатолардан, сўнгги пушаймонлардан ва бахтсизлик ҳолларидан евақланиб қоладилар. Одатда, кишилар «оила бахти»ни ўзларича тасаввур этадилар. Баъзилар «оила бахти»ни пул ва бойликда, мансабда десалар, кўпчилик оила бахти — меҳр қўйган кишинг билан ҳаёт қуриш, у билан бирга шодлик ва қайғуларингни бирга тортиш, эл олдида уялиб қолмасликда деб тушунадилар.

Социалистик жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли аъзолари — аёллар илгаригидек, уй чўриси, эр қули, «мазлума», «ожиза»лар эмас, балки озод, мустақил ва жасоратлидирлар. Энди улар жамиятимиз ҳаётида актив фаолият кўрсатиб, ажойиб ғалабаларга эришмоқдалар.

Оилада ҳам аёлларнинг қўли ниҳоятда зарур. Аёл уйнинг кўркидир. Ҳар бир аёл уйда бека ҳамда онадир. Бунга у асло унутмаслиги керак ва ҳамшиша шунга муносиб бўлиш учун интиломли лозим.

Айрим аёллар иш билан банд эканликларини пени қилиб, ўзларини оила ташвишларидан четда тутишга уринадилар. Бошқача айтганда, аёлларга хос назокат, нафосат ва нафисликни йўқотиб қўядилар.

Орамизда оилани менсимайдиган аёллар ҳам учрайди. Бундай аёл ўз бахтига ўзи зомин бўлади. Бир кун келиб қилмишига яраша жазосини тортади. Чунки донишманд Навоий айтганидек:

*Вафо қилган — вафо топғусидир,  
Жафо қилган — жафо топғусидир.*

Эр-хотиннинг тотувлиги, оила аъзолари ўртасидаги ўзаро ҳурмат, ишонч, самимий муносабат, оиланинг яхши йўлга қўйилган ички ҳаёти тўғри тарбиянинг асосидир.

Аҳил ва бахтиёр оилалар турмушини кузатиш, ўрганиш натижалари шуни кўрсатмоқдаки, оилавий бахт эр-хотиннинг бир-бирига содиқлигидан, меҳр-муҳаббатлигидан, жамоат ишларида, ўқишда, уй юмушларида, болалар тарбиясида ўзаро ҳамдард ва ҳамкорлигидан юзага келади.

Ижтимоий ҳаётда муносиб ўрнини топган аёл ўзини бахтиёр ҳис этади. Ҳаёт унинг учун янада гўзал, янада маъноли бўлади. Гап шундаки, меҳнат қилаётган аёл ҳам маънавий, ҳам моддий жиҳатдан оила саодатини таъминлашда эр билан баравар иштирок этаётганидан фахрланади. Бинобарин, унинг ҳар жиҳатдан эр билан тенглиги таъминланган бўлади. Ана шу тенглик оиладаги ўзаро ҳурмат-эҳтиромнинг асоси бўлсагина майда-чуйда гапларга ўрин қолмайди.

Аҳил оиладаги кишиларнинг ҳаёти сермазмун, ижтимоий фаолияти серунум бўлади, оила саодати ҳам ана шундадир. Бундай оила бекаларидан бири оилавий бахтни қуйидагича таърифлайди:

«Дарҳақиқат, ҳар бир аёл ўз бахтини ўзи қуршаб қўлга киритса, тиришса, қийинчиликларни енга олса, турмуши яхши ўтар экан. Киши бахтини ҳалол меҳнатдан топар экан. Эзгу ниятлар билан Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини тугатиб, муаллима бўлдим. Турмушга чиқдим. Ҳозир тўрт фарзанднинг онасиман. Ҳар қанча қийинчилик бўлса ҳам ишни ташлаб уйда ўтиришни ўзимга эп кўрмайман. Хотин киши тadbиркор бўлса, бир оз қийинчиликни зиммасига олса, кейин ўзига фойда бўлар экан. Турмуш ўртоғим олтин, мен билан баравар жон куйдирадилар. Қайнонам ҳам қараб ўтирмай уй юмушларига, невараларига қарашадилар. Мен улардан ширин сўзимни, хизматимни аямайман. Бўш вақтимда уйга қарайман, ҳамма ёқни сарайжом-саришта қиламан. Ишдан келиб, овқатга уннайман. Хуллас, уй ишларига бемалол улгураман.

Киши астойдил ҳаракат қилса, ҳамма ишнинг уддасидан чиқади. Мен ўзимни бахтли аёл деб ҳисоблай-

ман Чунки, қадрдон оилам, сеvimли ишим бор. Уйда ўтирадиган баъзи аёллар, ҳатто, уй юмушларини ҳам кўнгилдагидек бажаришмайди. Майда-чуйда гапларга берилиб, куйларини кеч қиладилар».

Ҳақ гап. Ишлаётган аёллар уй юмушларини ўз вақтида бажариб, дам олишга ҳам вақт ажрата оладилар.

Ҳаётий фактлар эр-хотиннинг бир-бирига самимий муҳаббати, вафодорлиги, ишончи ва ҳурмати, оғир-вазминлиги, ақл билан иш тутиши оила бахтиёрлигининг муҳим омиллари эканини кўрсатади.

Оилада бахтли бўлмаган киши қисилиб, ўксиниб яшайди. Ўзида бор қобилият, имкониятларни юзага чиқаришга ҳам ожизлик қилиб қолади.

Ҳар бир киши ўз оиласининг бахтиёр бўлишини истар экан, бунинг учун у оила бахти ўз қўлида эканини унутмаслиги ва ҳар бир оила аъзосининг бахти ҳақида жон куйдириши керак.

Оиланинг бахти асосан нимада экани ҳақида турли ёшдаги, жамиятда турлича мавқега эришган кишиларнинг фикрларидан мисоллар келтирамиз:

— Оилада қадринг, ўрнинг бўлиши — катта бахт. Оилада эркакми, хотин кишими, фарзандми, ота-онами, келинми-куёвми—ҳамманинг ўз ўрни, ўз қадри бўлгани яхши.

— Оиланинг бахтиёрлиги аввало унинг бутунлигида. Фарзандларнинг ота-она меҳрига тўйиб, улар бағрида қувнаб, яйраб-яшнаб катта бўлишида.

— Оила бахти тенги билан қовушиб, қўша қаришда. Эр-хотиннинг бир-бирига меҳр муҳаббатли бўлишида, бир-бирини тушунишда, ўқишда, ишда, рўзгор тебратишда, фарзандларни тарбиялашда бир-бирига мадалкор бўлишда, баробар жон куйдиришда. Аррани баробар тортишда, тенглик қонунига амал қилиб яшай олишларида.

— Аёл кишининг лобарлиги, чаққонлиги, сабр-қаноатлилигида, ҳаё-андишалилигида, эрнинг ҳурматини ўрнига қўйишда. Қайинбўйинларини сийлашда, қўлидан келган хизматини аямасликда «Келин», «рафика», «она», «аёллик»ни ўрнига қўя олишида.

Эркак кишининг аёлмандлигида, болажонлилигида, «эркак», «эр», «ота», «фарзанд», «куёв» деган муқаддас номи ва бурчларига муносиб хатти-ҳаракатларида. Келин-куёвнинг қайнона-қайнотага фарзанддек муноса-

батда бўлишларида, бир умр бир-бирларини ҳурматлаб, вафо-садоқатли бўлиб қолишларида.

— Ота-оналарнинг ўз фарзандларига ҳар жиҳатдан ибрат-намуна бўлишларида. Уғил-қизлари келажакда бахтли бўлиши ғамини ейишларида, уларни қобил-маъқул қилиб тарбиялашларида.

— Оила бахти фарзандларнинг ёшлиқдан меҳнатда чиниқиб ўсишида, бирор касб-ҳунарни эгаллаб эл-юртга ҳалол хизмат қилишида. Бўйи етган қизни ўз тенгига узатиш, ўғлини ўз муносибига уйлантириш ва уларнинг ували-жували бўлиб кетишларида, яхши келин, яхши куёв деб ном чиқариб ота-онага раҳмат ёғдиришларида.

— Қайнона-келиннинг она-боладек яшаб, бир-бирларининг ҳурматларини жойига қўя олишларида.

— Фарзандларнинг ота-онага ҳурматда бўлишида, уларнинг маслаҳати, раъйи билан иш тутишида, кексалик кўнглини тушунишида, уларни тез-тез кўриб дилларини қувонтиришида;

Бахт ҳақидаги тушунчага замон ва макон ўзгариб боришининг таъсири катта, албатта. Масалан, бундан бир неча ўн йиллар илгари севган ёри билан турмуш қуришга муяссар бўлиш чексиз бахтиёрлик ҳисобланарди. Чунки даврнинг ҳақ-ҳуқуқсизлик характери таъсирида бунга эришиш мушкул эди. Кейинроқ, 30-йилларда бир мартагина тўйиб овқат ейишни бахт деб билганлар ҳам учраган. Очарчиликдан силласи қуриган кишилар ўзга бахтни тасаввур қила олмаганлар. Улуғ Ватан уруши йилларида миллионларча кишилар урушнинг тугашини энг олий бахт деб орзу қилган эди. Шубҳасиз, маънавий эътиқод бирликларига давр ўз муҳрини босган.

### Топшириқ

Хўш, сиз бахт деганда нимани тушунасиз? Оилавий бахтга эришиш учун нима қилмоқ керак? Шу ҳақда шахсий мулоҳазаларингизни ёзиб келинг.

Журналист Умида Абдуазимова қуйидаги мақолада<sup>1</sup> ўзбек оилаларига хос яхши удум, одатларни тарк

---

<sup>1</sup> Умида Абдуазимова. Меҳр ва ишонч қурган иморат. Инсон одоби, Т., «Ёш гвардия», 1988.

этмасликка чақиради. Оила бахти кўп жиҳатдан аёлга боғлиқлигини ифодаламақчи, унинг ақл билан иш юри-тиши, режа билан рўзгор тебратиши, сабр-қаноатли бў-лиши, умр йўлдошининг ҳурматини жойига қўйиши, миришкорлиги, фарзандларига оқилона меҳрибонлиги оила бахтининг муҳим омиллари эканига ишонтирмақчи бўлади.

«Тошкентдаги Киров район алоқа бўлимига қараш-ли киоск сотувчилари Муборак ая ва Ўлмас ака Саъ-дуллаевларнинг оила қурганларига қирқ йилдан ошди. Таниш-билишлари, ҳаммаҳаллалари уларга ҳавас би-лан қарашади. Бир-биридан билимдон ва меҳнаткаш ўн бир нафар ўғил-қизларини олқишлаб сўзлашарди. Бунинг сири нимада эканлигини Муборак ая билан бўл-ган суҳбатда аён бўлди.

Муборак ая мана ҳозир тўйлар фасли. Жуфт-жуфт бўлиб ЗАГС дан ўтаётган йигит-қизларнинг кўзига қа-расангиз битта истакни пайқайсиз: улар шу дақиқалар-да жуда бахтли бўлишни хоҳлайдилар. Бунинг учун илк қадамни қандай бошламоқ керак? Ахир сиз бахт-нинг узун йўлларини одимлаб ўтгансиз...

— Эр хотиннинг уриши-дока рўмолнинг қуриши, де-ган мақолни биласиз-а? Мен шу мақолни сингдирол-майман. Эр, хотин бир-бирининг кўнглини ниҳоятда авайлаши шарт. Бир дарз кетган жойнинг синиши осон. Кўнгли авайлаш дегани — ширин сўз, яхши муомала дегани.

— Наҳот, шунча умр давомида сиз доим ширин сўз бўлиб қолдингиз? Болаларнинг ташвиши, иш, рўзгор-осон эмас. Баъзан одам қийналади. Шундай пайтда ҳам кулиб туришни тасаввур қилолмайман.

— Бунинг учун фидойилик керак. Ўзингдан кўра жуфтли ҳалолнинг яхшироқ кўришинг зарур. Фидойи-лик аёл киши учун машаққат эмас. У табиятан меҳри-бон. У меҳрини сарфлаб улгуриши керак. Қимки шун-дай қилмаса ўзига, ўз жуфти ҳалолига бепарволик би-лан қараётган бўлади.

Бир кун Ўлмас акангиз, бир кун мен киоскада со-тувчилик қиламиз. У кишининг навбати кун саҳарлаб турмасам бўлади-ку! Йўқ, мен туриб, ҳафсала билан нонушта тайёрлайман. Ўз қўлим билан чой тутаман. Болаларим ёш бўлиб, тунларим уйқусиз ўтганда ҳам шу одатни тарк этмаганман. «Яхши боринг», деб куза-тиб, «Яхши келдингизми?» деб қаршиламаган куним бўл-

маган. Замонавий ёшларга бу одат бир оз ғалати туюлиши мумкин.

«Севса бусиз ҳам севаверади-да»,— деб ўйлашлари мумкин. Севги — олий туйғу, уни мангуликка ушламоқ учун қаттиқ истак, яна айтаман, фидойилик керак...

Олинг, дастурхонга қаранг, келиним ёпган нон бу.

— Келинингиз билан турасизми?

— Ҳа, иккитаси билан. Бирида учта, иккинчисида тўртта фарзанд бор. Тўртта куёвим бор. Уларда ҳам тўрт-бештадан фарзанд. Ҳаммалари тотув, бир-бирларининг феълини тушуниб, умр кўришмоқда.

— Муборак ая, сизга ҳавасим келаяпти. Катта ҳовлида қарийб йигирма киши яшаркансизлар. Биз айрим ёшлар эса фақат турмуш ўртоғимиз билан ҳам чиқиша олмайдик, кўнгил хираликлар қилиб турамыз.

— Шунга ҳайрон қоламан-да. Қайнона-қайноталаридан бўлак бўлиб яшашни орзу қиладиган келинлар ҳам йўқ эмас. Бу бир жиҳатдан мустақилликка интилишдир, деб уларни оқлайман, иккинчи жиҳатдан эса...

Қани, айтинг, қайси ота-она фарзандига ёмонликни раво кўради? Сизга айтсам кўпчилик бўлиб яшаганда гап кўп. Қолаверса, буви ва бувалари билан яшаган набиралар соғломроқ, оқибатлироқ ҳам... Тўғри, ҳар бир оила ўзига хос олам. Узатган қизларим уйимда узоқроқ меҳмон бўлиб қолишса ҳавотирланиб тураман. Оиласидан «шикоят дафтар»ни очсалар, энг аввало айбни ўзларидан қидираман. Шунинг учун ҳам қизларим «ипнинг узуғи, нинанинг синиғи»ни ташиб келаверинмайди.

— Бугун-ку пири бадавлат онасиз. Фарзандларингиз топганини тўрт томонингиздан туттишди. Лекин эрхотин бир умр камтаргина маош билан яшагансизлар. Рўзғордаги етар-етмасликлар ҳам сиздаги ўзингиз айтган меҳрли кемтиган пайтлари бўлмаганми? «Эркаксиз. Топишли-туттишли бўлинг» қабилидаги гаплар ҳеч бўлмаса кўнглингиздан ўтгандир?

— Бундай танг дақиқаларда аёл кишига ақл кўмакдош бўлиши шарт деб ўйлайман. Бизда ҳам шундай бўлди шекилли. Меҳнатдан қочмадик. Нопок йўлга кирмадик. Болаларнинг каттасиникини кичигига кийдирдик. Лекин ейиш-ичишдан қисинмадик. Улар соғлом ўсишди. Аёл барибир аёл-да. Унинг чиройли буюмларга ҳаваси келади. Лекин имкони бўлмаган жойда шу

ҳавасни тийиб ўрганса, ўзига ҳам, оиласига ҳам яхши. Ёш пайтларим эди. Ўртоқларимдан бири май байрами арафасида қошиқдеккина туфли келтириб берди, фалон пул. Олиб қолдим. Эримга айтай десам, чўнтагини биламан, ота-онамдан сўрай десам, бу кишининг номуслари келади. Бериб юборай десам кўзим қиймайди. Охири айтдим. «Олавер, икки кундан кейин пулини бераман», дедилар. Ҳордиқ кунлари уйга кеч қайтдилар. Чарчоқ... Меъеридан ортиқ ишлаган кўринадилар. Туфлини олдим, шу-шу ортиқча нарсага оғиз очмадим.

— Демак, аёлга **сабр-қаноат** ҳам даркор демоқчисиз-да?

— Англадингиз. Ундан ҳам феъли кенглик кўпроқ даркор. Улмас акангиз меҳмондўст. Ёру-биродарлари кўп одам, баъзан устма-уст меҳмон кутишга тўғри келиб қолади. Иш, болалар, яна мезбонлик қилиш малол. Лекин шу малолли сездирмасангиз дўстлари олдида эркак шаънига соя ташлагандек бўласиз. Оғирликни ичингизга ютасиз-да феъли кенглик билан меҳмон қаршилайсиз.

Муборак ая, Сиз бу билан «аёл ўз зиммасига кўп юк олсагина бахтиёр яшайди» демоқчисиз? Ахир у ҳам эркак билан тенг ишласа...

— Йўқ, юк олмасин, ўз юкини олсин, жамият ишига иштирок этиш менга уй ишимдек зарур. Кўчага чиқиб дунёни кўраман. Одамларнинг ўй-мақсадларини биламан. Ўз-ўзим билан ўралашиб қолмайман. Ишда ҳам ҳамма имконияти қадар ишласа, давлатимизнинг иқтисоди бундан ҳам юксалади. Халқимиз бемалолроқ, бахтиёрроқ яшайди. Ундан кейин агар эр билан хотиннинг **бир-бирига жони ачиса, қайишса, рўзғор юкини баробар кўтаришади**. Бизнинг ҳам боя айтганимдек, рўзғор тебратишимиз, ишлашимиз осон бўлмаган. Аммо бу юкни икковлашиб кўтарганмиз. Шунинг учун оғирлигини сезмаганмиз. Агар фарзандларимиздан бирортаси ноқобил бўлганда мен бугун оналар номидан оғиз тўлдириб гапириб ўтирмасдим. Катталари эл-юрт хизматида, кичиклари ўқияпти. Ҳаммаси меҳнат нима эканини, ҳалолликни билишади. Шунга қувонамиз отаси билан.

— Аҳиллик ҳам бахтни бўлдиради денг!

— Бўлмасам-чи! Ўзимнинг қайнонам тўқсонни қораладилар. Ҳамон биргамиз. Мен уларга келин, келинларим иккаламизга. Жигарларинг билан аҳил бўлсанг кўнглинг бут бўлади.



— *Фидойилик, ақл, сабр-қаноат, феъли кенглик, аҳиллик* — яна нима тилардингиз ёш оилаларнинг бекаларига?

— *Катта ишонч, катта садоқат!*

Болаларимнинг дадаси билан бирга яшай бошлаган илк кунларимизданоқ келишиб олганмиз. «Бир-биримизга доим рост гапирамиз. Ҳаётимизга хиёнат аралашмайди», деб. Ҳозиргача икковимиз ҳам шу аҳдга содиқмиз. Ёлгон аралашган оила — омонат. Оила иморати мустақкам бўлиши учун эса уни меҳр билан, ишонч билан қуришимиз керак.

— Барча самимий суҳбатларингиз учун раҳмат. Оилангиз, ўғил-қизларингизнинг оилалари ҳар доим ҳаммага ўрнак бўлиб қолаверишини истаймиз.

— Раҳмат.

### ЯХШИ УДУМЛАР

Яширмайман, меҳмон кутиш одоби хусусида ҳар бир хонадонда кўп гапирилади. Эҳтимол, мен айтмоқчи бўлганларим ҳам янгилик эмасдир. Бироқ, яқинда олганим бир мактуб сабаб бўлиб, республикамиз бўйлаб юрганларимда кўрган, ҳавасим келган удумларимизни, баъзан ранжитадиган келишиксиз одатларимизни ушбу қўлланмага киритишга қарор қилдим. Мана ўша мактуб:

«Ҳурматли Ойшахон опа!

Сизнинг одоб-ахлоқ, онлавий муносабатлар, таълим-тарбия, ота-оналар вазифаси ва фарзандлар бурчи ҳақидаги суҳбатларингиз, мақола ҳамда рисоаларингизни қизиқиш билан кузатиб борамиз. Тажрибали педагог-олима, кўпни кўрган аёл, қўша-қўша келинларнинг онаси эканлигингизни биламиз. Суҳбатларингизнинг кўпи ҳаётдан олинган, турмушнинг сўқмоқ йўлларида дуч келинадиган пасту-баланди ҳақида бўлгани учун гапларингиз биз ёшларни кўпинча ўйлантириб қўяди.

Жуда тўғри айтасиз, киши қалбидан аввало одамийлик, олижаноблик, эзгулик ўрин олган бўлсин. Бунинг устига киши хуштакаллуф бўлса, бундайлар ҳаётда қоқилса ҳам йиқилмайди. Ана шу фазилатлари бўлган киши эртами-кечми иш жойида, жамиятда, оилада ўз ўрни, ўз қадрига эга бўлади.

Бугун оиламизда ҳаммамизнинг дилимизни хира қилган бир воқеа ҳақида сўзлаб бермоқчиман. Шу воқеа

туфайли оиламиз маънавиятда, маданиятда икки тараф бўлганга ўхшайди. Мен эса овсинимни оқлашимни ҳам, койишимни ҳам билмаяпман.

Яқинда қайнимнинг уйи бузилди. Шу вақтгача тиқ этиб ташқарига чиқмаган икки кабутардек бир-бирига жуда мос деб юрганмиз икки киши-икки тарафга орақасига қайтмас бўлиб кетди. Ўртада бўзлаб қолган болани ўйласам қондаси ҳеч бир китобда битилмаган одобимиз, ички маданиятимиз, киши қалбининг нозиклиги ҳақида хаёл суриб кетаман.

Ҳаммасига сабаб мавридсиз келган меҳмон холос.

Мавридли, мавридсиз меҳмон... Мавридли меҳмон кишининг ичига ёқилган чироқ. Лекин мавридсиз меҳмонга қандай қилиб бемаврид келганини англатамиз? Назаримда овсиним худди шу нарсанинг урдасидан чиқмади, шекилли...

Ҳовлида жуда кўпчилик яшаймиз. Шанба куни эди. Яқин қариндошларнинг бириникида тўй бор эди. Ёш болали овсинимдан ташқари ҳаммамиз тўйга кетдик. Биздан сўнг эшик тақиллабди. Қайнимнинг ўртоғи экан. Матлуба салом бериб анъанага кўра «келинг» дебди. Йигит ҳам кўп келиб юрган жойи, ортиқча такаллуф қилдирмай ҳовлига кирган. Матлуба нима қилишини билмай ҳовлидаги катта сўридаги хонтахта ёнига кўрпача солибди, сўз орасида ҳамманинг тўйга кетганини айтибди. Меҳмоннинг қайнимда зарур иши бор эканми ёки унинг хотинини синамоқчи бўлибдими, ишқилиб туриб кетмабди. Матлуба нон-чой қилишга мажбур бўлибди. Сўри чеккасида ўтириб чой узатибди. Кейин енгил овқат қилган. Эндигина сузиб келганда қайним келибди. Уни «хотининг ёлғиз» деб қайнонам тўйхонадан биздан илгари юборган эдилар.

Қайним ўша куни ўртоғига сир бой бермабди, меҳмон қилиб иззатини жойига қўйиб кузатибди. Меҳмон кетгач, хотинига ёлғиз бўлатуриб ҳовлига эркак кишини киритган аёл билан умр қилолмаслигини айтган. Уни бу кескин сўзидан қайтаришга, овсиним бу ишни аввало унинг дўсти учун қилганини тушунтиришга қанча уринмайлик, қайнонам қанча зорланмасинлар — ҳаммаси беҳуда бўлди. Улар ажралиб кетишди.

*Қамоли эҳтиром ила Эътиборхон.  
Марғилон шаҳри.*

Эшик жинги роғи эшитилди...

Оила аъзоларидан ёшроғи, кўпинча ўғил болалар югуриб эшик очишади. Келган киши қариндош бўлса кулишиб, сўрашиб, меҳмону мезбон баравар ҳовлига кириб келишади. Борди-ю, келган одам оила аъзоларининг биронтасига тегишли одам бўлиб, киришга фурсати бўлмаса, эшик очган киши тегишли кишини чақиради:

— Сизни фалончи акам (ё опам) йўқлаяптилар,— дейди.

Меҳмон билан муомала қилиб қайтган киши оиланинг бошқа аъзоларига, хусусан ота-онасига, дўст ёки ҳамкасбининг аввало уйининг тинчлигини билдиради, лозим бўлса келишнинг сабабини айтади. Бу ҳам китобларла ёзилмаган қоида, одоб нормаси.

Борди-ю эшик қоққан киши эркак бўлса, уйда аёл (қиз, келин, хотин)дан бошқа ҳеч ким бўлмаса-чи? Эшик очган ҳаё билан саломлашади. Келган кишининг кимлигини билгач, илтифот билан «Уйга кириш, марҳамат! Ҳадемай дадам (ёки акам) келиб қоладилар», дейди. Эркак киши фаросатли бўлса, аёл, айниқса қиз билан ёлғиз бўлган хонадонга киришни ўзига эп билмайди, «бир айланиб келиш» баҳонасида вақтинча хайрлашади. Уйимизга бошқа шаҳардан келиб ҳам келинларнинг ёлғизлигини кўрганда оғир юкини омонат қўйиб «шаҳар айланиб» кетган меҳмонлар кўп бўлган. Бу ҳам халқнинг одоб китобига битилган қоида, ахлоқ нормаси.

Эшик қоқиб келган кекса бўлса, ёши улуғ киши бўлса, унинг кимлигидан қатъи назар уйга таклиф этилади. Тўрга, қулай ва юмшоқ жойга ўтқазиб, дастурхон ёзилади. Меҳмон отангдан улуғ деганлар. Бундай меҳмонлар ҳақиқатдан ҳам хонадонга файз олиб киради. Бу ҳам халқимизнинг қадимий удуми, китобларда битилмаган қоида.

Инсонлар ўртасидаги алоқа, борди-келди, дўстлик, ҳамкорлик, қариндошликнинг бўлиш-бўлмаслиги асосан улар ўртасидаги муомаланинг қандайлигига, яъни: расмий, самимий, «тил учида», «хўжа-кўрсинга», «жонини бериб» қилганига боғлиқ.

Эшигингизни қоқиб келган киши ёши ва жинсидан қатъи назар, сизнинг муомалангиз самимийми ёки одатдаги «келин!» деган сўзни «мажбурият», «одамгарчилик» юзасидан айтаяпсизми-юзингиз, кўзингиз, хатти-

ҳаракатларингиздан, имо-ишорангиздан билиб олади. Меҳмонга нисбатан самимийлик, илтифот меҳмон билан мезбон ўртасида ўзаро ҳурмат меҳр иплариининг боғланишига олиб келади. Қарабсизки, яна бир қадрдон ошно, дўст орттирдингиз. Қалб уйингиздан яна бир ёрқин чироқ пайдо бўлди.

Мен жуда аҳил икки дугонани биламан. Эгачи-сингилдек жуда қадрдон бўлиб кетишган. Одатда ёш ўтганда ҳам дўстлик, меҳр-оқибатнинг охориини тўкмай асраб қола олган «қиз ўртоқлар» шундай бўлишади. Булар эса, ...Санобарнинг ҳикояси:

-Манзураҳоннинг қизига совчи бўлиб борганимда танишганмиз. Лекин ўша совчи бўлиб борганимда остонадан ўтганданоқ ўзига ҳам, уйига ҳам ҳавасим келган, мана шу кишилардай қуданг бўлса, дегандим. Тақдир бўлмадими — қуда бўла олмадик. Лекин, мени дастлаб Манзураҳон ўз муомаласи билан шайдо қилди. Эру хотин фан доктори экан, биздек оддий одамлар билан муомала қилармикин, деб чўчиброқ борган эдим. Тўғри, қизини бермади, лекин кўнглимга ҳам заррача озор етказмади.

— Қизим катта бўлиб, эшигим очилганига шукур. Аммо эндигина мактабни битирди, ижозат берсангизлар, ўқишдан бир давон ошиб олсин, битиришга яқин узатсамми дегандим...

Манзураҳоннинг аввал ширин, мулоҳазали сўзига ҳавасим келганди, кейин уй тутишига, саришталигига ҳавасим келди. Бу хонадонда унинг ўзига ўхшаган ажабтовур тароват бор эди. Ҳар гал келганимда нимадир ўрганиб кетаман, ўз хонадонимда мана шундай файз бўлиши ҳақида орзуим кучаяди. Бир мен эмас, икки қизи ўқишни битиргунича» эшигининг турми бузилди» «остонаси ўйилди» Манзураҳоннинг. Келганлар ҳам ота-онадан, ҳам қизларидан рози кетди. «Баракалла сизга, раҳмат эшиттирадиган яхши қизлар ўстирибсиз. Ўзингизга ўхшаб бир хонадоннинг фариштаси бўлиш уларга насиб қилсин. Бахтини кўриб, шодланиб юринг!» дегувчилар кўп бўлади. Дугонамга қараб, қиз боққан ота-она учун бундан аъло мукофот бўлмаслигини ҳис қилиб турардим.

Санобархоннинг сўзини тинглаб, биринчи учрашганимда хонадони ва ўзидан бездириб юборадиганлар ҳам оз эмас, дегим келди. Қўшнимизнинг «ўтириб қолган» қизи бор. Яна билмадим, лекин менинг наза-

римда бунга унинг ўзи сабаб бўлиб қолди шекилли. Дастлаб совчиларга:

— Қизли уй карвонсарай эмиш. Карвонсарой бўлмай ўлсин. Дуч келган одам кириб келавераркан-да. Дастурхон ёз, чой қўй... Бо худо! Менинг вақтим бор эканми? Эшикданоқ «ковушини тўғрилаб» қўядиган бўлдим...

Шундай меҳмон кутган, кишига шундай муомала қилган хонадондан қандай қиз чиқишини кўз олдига келтириш қийин эмас. Сочимиз оқариб, ёшимиз улғайгани, қолаверса, бир умр ёшлар тарбияси билан шуғулланганимиз учун ҳам, кўча-кўйда айрим ёшларнинг ножўя қилиғи, хатти-ҳаракатларига бепарқ қаролмаймиз, уларни тартибга чақаришни ўз бурчимиз деб биламиз. Шундай дақиқаларда айримлар кўзини лўқ қилиб, бетгачопарлик билан онаси, бувиси тенги одамга:

— Ишингиз нима? Менга хўжайинмисиз? Боринг, йўлингиздан қолманг,— деганини ҳам эшитганман.

Ота-онага меҳр, каттага ҳурмат, меҳмонга мулозаматни киши аввал ўз уйида кўради.

Бизга таниш бир оила бор. Бир нарсадан диққат бўлсам ёки ҳаётимда бирор қувончли воқеа бўлса, шу хонадонга чиққим келади. Уй эгалари шундай ширинсўз, самимий кишиларки, «ичингга кириб» кетишади. Диққат бўлиб чиққан бўлсам, дам ўтмай, ташвишларимни унута бошлайман. Айланиб-ўргилишади, дастурхон ёзишади. Кўнгилни хушнуд этадиган гапларни топиб-топиб гапиришади. Қувончимга шерик қилгани чиққан бўлсам, худди ўзлари юлдуз қучган одамдек яшнаб кетишади. Мен эса яна ҳам қанотланаман.

Мулозаматнинг самимийлиги уй эгаларининг хатти-ҳаракатлари, юз-кўзлари, имо-ишораларидан шундоққина кўриниб туради. Бу уйда самимият ҳукмрон бўлгани учун ҳам дастурхонга қўйилган ҳамма нарса тотли туюлади, оддий овқат бўлса ҳам тансиқ таомдек иштаҳа билан ейсиз. Нега шундай? деб кўп ўйлайман. Ахир ҳамманинг дастурхонида шу нозу неъматлар борку? Буғдой нон топгани билан, буғдой сўз топа олмаганларнинг уйида киши тўкин дастурхон устида ҳам қисиниб ўтиради.

Меҳмонга кўрсатилган илтифот, самимият кайфиятни чоғ қилади, руҳни кўтаради, мезбон билан яна ҳам яқинлаштиради.

Меҳмон кутиш режасини, ташриф буюраётганлар-

нинг ёши, одатига қараб қандай таом бериш, нима билан сийлашни олдиндан белгилаш мумкин. Лекин меҳмон кутиш, у билан суҳбат қуриш алоҳида санъат эканини, уни мезбон ҳар гал алоҳида илҳом билан бажариши кераклигини унутмаслик лозим. Мезбоннинг ахлоқ ва одоби, ячки маданияти, инсонга муносабати меҳмонга нисбатан муомаласида яққол намоён бўлади.

Бир ён қўшнимиз келин туширди. Келин бизнинг институтда таълим олаётган қиз эди. Яхши қиз, андишали, одобли. Жуда шу хонадонга муносиб. Икки томонга ҳам таниш чиқиб қолдингиз, ёшларга икки оғиз бир нарса денг, дейишди. Нима дердим?

Келин бола — ўқувчимга ҳазил аралаш:

— Ой қизим, иложи бўлса, қайнонанинг этагини маҳкамроқ ушла! Бу этакда сеҳр кўп. Йиллар ўтиб маҳалланинг энг обрўли, энг назокатли, энг пири бадавлат аёли бўлсанг, ажаб эмас! — дедим. Сабаби, қайнона, бўлмиш Хосиятхонни яхши билардим. Ер қи-мирлагач эски шаҳардаги уйи бузилиб, кекса қайнота-қайнопаси билан шу ердан ҳовли қилишди. Кексалар, етти бола, куни билан усталарга овқат пиширади, чой тутади, гувала ағдаради, ғишт тахлайди, кир ювади... Хуллас қуш тиларди-ю, Хосиятхонда тиним бўлмасди. Қайин-бўйин жуда сероб, кечқурун бўлди дегунча кексаларни кўргани ё қайинэгачиси болалари билан, ё қайинларидан бири, кўпинча шаҳарнинг турли чеккасида ака-укалар бараварига йиғилишарди. Кунни билан ҳордим демай, яна меҳмонларга мулозамат қиларди. Шунча йилдан бери бирон кимсанинг бу хонадондан қовоқ уйиб чиққанини билмайман.

Ана шулар эвазига бугун Хосиятхон етти фарзанднинг ардоқлиги, кексаларнинг суюқлиси, келинларининг эса умидлиси бўлиб ўтирибди. Бугун тўйга келганларнинг кўпи унга ўхшасам дейди.

Қўлимга микрофон тутиб ёшларни табрикланг, дейишганда худди шу гаплар хаёлимдан кечди. Аммо булар ҳақида ҳозир — тўйда гапиришнинг хонасимми? Келин болага кейин ҳаммасини тушунтираман дедиму унга фақат шу тилакни билдирдим:

— Худди қайнонанига ўхшаб очил дастурхон устида очиқ чеҳра билан юртин, қизим!

Мукамбархонни ҳамма дастурхонли аёл дейишади. Тошкентнинг марказий маҳаллаларидан бирндаги уйларнинг учинчи қаватига кўчиб келганига кўп йил бўлди. Шу ерда икки фарзандининг эмаклаганидан то вояга етгунигача онанинг ҳам завқли-нашидали, ҳам ташвишли-ҳаяжонли кечмишларининг барчасини бошидан кечирди. Баланддамиз деб оғринмади, домдамиз деб тортинмади, уйига тунми, кунми келган меҳмонга ҳамиша энг аввали ширин сўз, кўнгилни кўтарувчи мулоҳазали муомала топди, тансиқ таом бўлмаса-да, ҳамиша бир пиёла чой тутиб, келганнинг ҳожатини чиқарди.

Ажаб, бир хил тоифа одамлар фақат ўз ҳамкасблари, яхши танишлари орасидагина ўзларини сувда юрган балиқдек ҳис қиладилар. Мукамбархонни эрининг ҳамкасблари — республикада ва Иттифоқда таниқли артистлар ичида ҳам, олий мактабда ўқийдиган қизларининг дугоналари орасида ҳам, таниқли ёзувчилар, журналистлар, бола тарбияси билан банд бўлиб «уйда қолиб кетган» аёллар даврасида ҳам кузатганим бор. Барчага баравар мулозаматли, ўрнида қувноқ, ўрнида мулоҳазали ва босиқ аёл. Замон билан баравар одимлайдиган аёл. Кўп ўқиганиданмикин? Кўп кузатганиданмикин? Яхши тарбия кўрганиданмикин? Менинг назаримда одамларга ички самимий меҳрида, уларга фидойижонлигида. Қиши Мукамбархонга ўхшаб одамлардан маънавий озик олса, улар билан мулоқотдан гурурланса, одамларга қалби очиқ бўлсагина қай вақт бўлишидан қатъи назар, эшигини чертиб кирганларни очиқ чеҳра билан қаршилайди, уларга дастурхон ҳам, саришта жой ҳам топа олади.

Мукамбархонни шунинг учун ҳам «дастурхонли аёл» дейишади.

\* \* \*

Ҳар ким ҳам ўз ақлий камолатига, маданиятига, ички маънавий эҳтиёжларига қараб дўст, ошно орттиради, шу хислатларини намоён этиб мулоқотда бўлади ва одоб сақлайди. Шунинг учун одоб ва муомала бир томондан, кишининг ўз қадр-қимматини билишига, иккинчи томондан эса теварак-атрофдаги кишиларни астойдил ҳурмат қилишга, уларга илтифот ва тақаллуф кўрсатишга асосланиши керак.

А. П. Чеховнинг инсоннинг ҳамма нарсаи — юзи ҳам, кийими ҳам, қалби ҳам, фикри ҳам гўзал бўлиши кераклиги ҳақидаги сўзнинг асл меваси кишилар билан муомалада намоён бўлади. Халқимизнинг «Ўзига боқма — сўзига боқ», «Ошнинг таъми туз билан, одамнинг таъми сўз билан» каби мақолларида ҳикмат кўп.

Инсон оламни фаҳмлаш ва борлигини нутқ орқали ифодалаш қобилияти билан бошқа мавжудотлардан фарқ қилади. Унинг буюклиги ҳам шунда. Ҳар бир сўз — инсон ички дунёсининг овози, одоби ва маданиятининг кўзгусидир.

Сўз меҳмон ва мезбон одоби, халқимизнинг меҳмондўстлик анъаналари, меҳмон кутиш маданияти, умуман кишиларимиз муомаласидаги катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, муомала маданияти хусусида борар экан, партиянинг ҳар бир халқнинг прогрессив анъаналарини қўллаб-қувватлаш, улардан барча баҳраманд бўла оладиган анъана ва удумларни ривожлантириш, улар асосида ягона революцион анъаналарни шакллантириш ҳақидаги программа кўрсатмасини эсламай илож йўқ.

\* \* \*

Ота-боболардан қолган баъзи яхши одатлар, расм-русмлар ҳам борки, улар инсоннинг инсонга ҳурмати, меҳр-садоқатини оширади. Чунончи, сертакаллуфлик, меҳмондўстлик, ҳаё-андишалилик, ёши улуғларни сийлаш, болажонлик, аёлмандлик, одамохунлик ва ҳоказолар, халқимизга хос одатлар бўлиб, кўпларнинг ҳавасини келтиради.

Тўй-маърака, катта-кичик йиғинларда кишиларимиз тилидан ҳурмат, эътибор рамзида «Ассалому алайкум», «Хуш келибсиз», «Хуш кўрдик», «Қадамингизга ҳасанот», «Марҳамат қилинг», «Лаббай», «Жоним билан», «Бош устига», «Хўп бўлади» каби сўзларни эшитасиз. Шу сўзлардан ўзингиз шу хонадон учун ардоқли киши эканлигингизни биласиз, кўнглингиз хушнуд бўлади.

Ҳурматга ҳурмат билан жавоб қилиниб: «Қуллуқ», «Раҳмат», «Ташаккур», «Хушвақт бўлинг», «Тўй муборак», «Янги меҳмон муборак», «Ҳорманг», «Саломат бўлинг», «Қўша қаринг», «Ғам кўрманг», «Кам бўлманг», «Кўп яшанг», «Олтин бошингиз омон бўлсин», «Пирин бадавлат бўлинг», «Болаларнинг роҳатини кў-



ринг», «Орзу-умидларнингиз рўёбга чиқсин» каби яхши истаklar билдирилади.

Меҳмон келганда одатимизга кўра мезбонлар уни очиқ чехра билан, қўллари кўксиди «Хуш келибсиз!» дея қаршилаб, иззат-ҳурмат билан тўрга ўтқазишади, ҳол-аҳволини сўрашади. Дастурхон ёзиб, уйларида бор нозу неъматлар билан сийлашади, тавозе билан ҳар дам дастурхондаги немъатлардан олиб ўтиришга ундашади. Бундай муомала-муносабат ҳаммага ҳам ёқади. Мезбон шу тариқа меҳмоннинг кўнглини хушлай олса, ўзида йўқ суюнади. Меҳмон ҳам «Яхши одамлар экан. Борди-келди қилсам. Яхши кутсам» дея эзгуликни кўнглига тугиб қўяди.

Одамлар ўртасида меҳр-муҳаббатни кучайтирадиган, мушкулларни осон қиладиган яхши одатларни тарк этмаслик керак.

Янги уйга кўчиб келган пайтларимиз қўни-қўшни, қариндош-уруғ, ошна-оғайниларни меҳмонга чақирганимиздаги бир воқеани ҳеч унута олмайман. Меҳмондорчилик қизиган пайт эди. Меҳмонлар ўтирган уйга ҳали чой, ҳали иссиқ таомлар ташиб турибман. Шунда ўтирганлардан бири гап орасида:

— Ҳа, айланилар, «хуш келибсиз!» дейиш ҳам яхши одат-а?... деб қолди.

Мен алланечук бўлиб кетдим. Ниманидир ўрнига қўя олмаётганимни сездим. Ўзим ҳижолат бўлдим. Ушанда онагинамнинг:

— Бу менинг хатоим, сенга ўргатиш мендан лозим эди. Меҳмон кутганда доим қўлинг кўксингда бўлсин, кулиб тургин. «Меҳмон отангдан улуғ», «Меҳмон олдида мушугинга ҳам пишт дема», деганлар. Қўлингдан келгунча меҳмоннинг иззат-ҳурматини жойига қўйгин, Унга манзур бўладиган таомлар билан кўнглини хушла, кирган-чиққанингда «Хуш келибсиз, хуш келибсизлар!» дейишни одат қил. Бу меҳмоннинг ҳурматп, айланай болам, деган гаплари эсимда.

Сидқидилдан «хуш келибсиз» деган кишининг юзларидаги ёғду, кўзларидаги майин табассум суҳбатдошининг руҳини кўтаради. Самимий муносабат, кўрсатилган илтифот ҳар қандай жоҳиллик ўтини ўчиради. Қаттиқ дарғазаб кишига салом берилса, у хушёр тортади. Эшикни чертганингда ичкаридан чиққан нотаниш кишини кўриб салом берсангиз, «Сиз кимсиз?» демасдан саломингизга алик олади, такаллуф билан сизни ичка-

рига таклиф этади. Меҳмон келишини билган ҳонадонда ҳаммаёқ йиғиб-терилади, рўзғор бадастир қилинади, оёқ қўллар одатдагидан чаққонроқ ҳаракатда бўлади. Бу — бир хонадондаги кўриниш. Айни шу хислатларни юртимизга, шаҳримизга келган меҳмонларни кутганда ҳам кузатамиз. Чет эллардан, қардош республикалардан келган меҳмонларни, делегатларни ҳам шундай кутамиз. Уларга, ҳурмат рамзи сифатида шаҳар кўчаларини «Хуш келибсиз!», «Марҳабо», «Хуш келибсиз, азиз дўстлар» шиорлари билан безаймиз. Илиқ, самимий мулозамат делегатлар ўртасидаги ҳар хил мунозарали масалалар тинчлик, яхшилик билан ҳал қилинишига ёрдам беради.

Қишилар билан муомала-муносабатнинг ҳам ўзига хос одоби, меъёри борки, унга амал қилиш ҳар бир инсоннинг бурчидир.

### *Ота-онага ҳурмат*

Жаҳоннинг ҳамма халқлари каби ўзбек халқи ҳам қадим-қадимдан ота-онани оламда энг улуғ, энг мўътабар, энг муқаддас зот деб билади, унинг сон-саноксиз мақоллари ва ибратли сўзларида ота-онанинг фарзанд учун меҳрибон, вафодор, содиқ, ғамхўр, мададкор, мураббий, моддий ва маънавий таянч эканлиги, уларни умрбод эъзозлаш, ҳурмат қилиш, улар бошлаган ишларни давом эттириш ниҳоятда зарур ва муқаддас бурч эканлиги қайта-қайта уқтирилади: «Давлатинг — ота-онанг», «савлатинг ўғил-қизинг», «Олтин кумушнинг эскиси бўлмас, ота-онанинг баҳоси бўлмас», «Дунёда ҳар нарса топилар, ота-она топилмас», «Ота-она экилиб бунёдга келмайди», «Олти оға йиғилиб ота бўлмас, етти янга йиғилиб она бўлмас», «Отаси борнинг унуми бор, онаси борнинг тиними бор», «Она — меҳрибон, ота — ғамгузар», «Она билан бола — гул билан лола», «Онанинг бир қўли бешикни, бир қўли дунёни тебратади», «Онага боланинг олалиги йўқ», «Ўнг қўлим, сўл қўлим, иккови ҳам ўз қўлим», «Она меҳридан ота қаҳри ортиқ», «Отанинг сўккани — севиш, онанинг ургани — ўпиш», «Оқ» деганлари — олқиш, «қора» деганлари — қарғиш», «Қари бор уйнинг зари бор», «Қарини сийла, ўзинг ҳам қартаясан», «Бола ҳам она дейди, она ҳам она дейди», «Онасин суйганнинг боласин суй», «Ота олқиш — олтин», «Ота-онанинг дуоси ўтга-сувга

Сотирмас», (бу мақолларда «ота-онангга ўла-ўлгунча хизмат қил, берган сути, тузи, тарбиясини оқла, улардан ҳеч қачон юз ўгирма, рози қил дейилмоқчи), «Отасини оғритган — эл ичида хор бўлур, онасини оғритган — парча нонга зор бўлур».

Педагог суҳбати: «...Агар юракда яқин, азиз кишига меҳрибонлик қарор топмаган экан, инсонийликни тарбиялаб бўлмайди. Одамларга муҳаббат ҳақидаги сўз ҳали бу муҳаббат деган гап эмас.

Оила — бу самимийлик, меҳрибонликни тарбиялашнинг ҳақиқий мактабидир; онага, отага, бувага, бувига, ака-укаларга, опа-сингилларга бўлган муносабат инсонийликни синаш ҳисобланади<sup>1</sup>.

Болаларда ота-оналарга нисбатан иззат-ҳурматни тарбиялаш — ўзбек оиласининг асрлар давомидаги яхши анъанасидир. Доно халқимиз ота-оналик меҳрини жониворлар мисолида ҳам чиройли таърифлаб берган: қора қўнғиз боласини оппоғим, типратикан эса юмшоғим, деб суяр экан.

Ота-она меҳри дунёдаги жамики ўткир нурлардан иссиқ ва латофатли. Шундай экан, инсон учун ота-онадан ортиқ давлат ва қувонч бўлиши мумкин эмас. Ота-она бизга белининг қувватини, кўзининг нурини, умрининг лаззатини, бутун ҳузур-ҳаловатини берди, энг муҳими — бизга ҳаёт бахш этди.

Инсонга ота-она ҳам худди ҳаёт сингари бир марта берилади. Бу ширин тухфадан фойдаланиб, ота-онани рози қилмаган фарзанд бир умр ҳасрат-надомат чекади.

Оилаларимизда ота-она уйнинг файзи, севинч рамзи бўлиб қолди. Қадимги ривоятларда ота-онани улуглаш фарзанд учун ҳам фарз, ҳам қарз экани ҳақида бундай дейилади: яхши фарзанд хоҳ йигит бўлсин, хоҳ қиз бўлсин, аввало ота-она ҳурматини жойига қўя билсин.

Отанг билан онанг сенга ҳаёт бахш этишди. Бир парча этдан тарбиялаб вояга етказишди. Улар сенинг бахтинг учун қўлларидан нима келса, шуни қилишди, энди сен уларнинг саломатлигини сақлашинг, дилларини оғритмаслигинг керак. Одам кексайган сари кўнгли нозик бўлиб қолади. Сен қизмисан — ўғил, бари бир,

<sup>1</sup> Сухомлинский В. А. «Тарбия ҳақида», Т., «Ёш гвардия», 1977.

ота-онанг кўнглини хушлашинг керак. Уларнинг ҳолидан ҳар кунни, ҳар он хабардор бўлиб туришинг, елкангдаги қарзни узишинг лозим.

«Фарзанд бурчи ота-онага меҳрибонлик, итоаткорлик, қариганда суянчиқ бўлиб ота-она шухратини кўтариш...»<sup>1</sup>,— дейилади «Қобуснома»да. Ота-онани ранжитган ноқобил фарзанд оқпадар бўлган. Ота суймаган ўгилни эл ҳам суймаган. Навоий ҳам болалар ота-онани ҳурматлаши зарурлигини уқтириб, шундай ёзади:

*Жонни фидо айла ато қошига,  
Жисмчи қил садқа ано бошига.  
Тун-кунчунга айлагали курбон,  
Бирисин ой англа, бирисин қуён.*

Фарзанд ота-она учун қанчалик ширин ва азиз бўлса, ота-она ҳам болага шунчалик ширин ва азиздир. Ота-она гўё мустаҳкам қўрғон, сени доим хавф-хатардан сақлаб туради. Бошингни тоғ, юрагингни шер қилган ҳам ота-онадир.

Ота-онанинг фарзанд деб чеккан заҳмати шунчаликки, фарзанд умр бўйи уларнинг хизматини қилса ҳам узолмайди. Фарзандлар ота-онага меҳрибон бўлиб, ҳол-аҳволидан доим хабар олиб турса, уларни сийласа, кўнглини топиб шод этса, ўгил-қизи ҳам ундан ибрат олиб, кексаларни ҳурматлайдиган, одобли бўлиб ўсади. Қелажақда улардан ўзига ҳам қайтади. «Қайтар дунё», Ҳар ким экканини ўради» деган гаплар ана шу ҳақида айтилган.

Ҳаётини, унинг паст-баландини, турмуш икир-чикирларини, бола тарбиялашни, яшашни, хуллас, ҳаммасини ота-оналардан, донишманд кексалардан ўрганилади.

Она-Ватаним, она халқим дардимга малҳам, юрагимга мадор, деб мунис оналаримизни, бузрукворим, белимнинг қуввати, ҳаётим чинори, ишонган боғим, суянган тоғим, деб оталаримизни шарафлаймиз, қўшиқларда мадҳ этамиз.

Оталар-ҳаётимиз чинори бўлса, оналар ҳаётимиз чиноридир. Шунинг учун доимо уйимизнинг тўри, кўнглимизнинг гули уларга бахшида бўлиши лозим.

---

<sup>1</sup> Қайковус, «Қобуснома» XI асрда ёзилган. Бу асарни XIX асрда атоқли ёзувчи Огаҳий ўзбек тилига таржима қилган.

Инсоннинг садоқати ҳеч қачон унутилмас экан. Шу хусусда бир воқеани ҳикоя қилиб бермоқчиман.

Меҳринисо хола боодоб ўғил ўстирди. Ҳа, Одилжон ота-онанинг ҳурматини жойига қўядиган, бола-чақанинг қадрига етадиган солиҳ йигитлардан, толеига туширган келини Муҳаббатхон Меҳринисо хола ўйлаганидан ҳам афзал, эсли-ҳушлик, чаққон, лобаргина чиқди. У елиб-югуриб хизматини қилади. Бирин-кетин неваралар туғилди, суюнди, айланиб-ўргилиб бирга боқишди. Аммо қарилик, хасталик ўз ишини қила бошлади. Глаукома касали онанинг кўзини ожиз қилиб қўйди. Ушанда ўғли, келини анча ҳаракат қилишди, аммо иложи бўлмади. Энди қандай бўлмасин онанинг кўнглини хушлашга тиришишди. Келиннинг яхшилиги ўша кезларда яна ҳам билинди.

Орадан ўн икки йил ўтди. Меҳринисо хола оғриб, бирдан оёқ-қўли ишламай, фалаж бўлиб қолди. Ўғил-қизлари қайғуришди, қанча-қанча докторларга боришди. Келин бутун қийинчиликни ўз устига олиб қайнонага меҳр билан қаради. Оғзига ёқарли таом пишириб тутишга уринди. Ишни ҳам қўйиб, ётиб қолган қайнонани оқ ювиб, оқ таради, шу алфозда уч йил ўтди. Лайтишга осон. Муҳаббатхон келин эмас, қиз бўлиб хизмат қилди.

Тўғри, холанинг икки қизи бор, улар тез-тез келиб оналарининг ҳолидан хабар олиб туришади. Лекин, улар ҳам уй-жойли ўз ташвишлари етарли. Кўришдики, келин улардан аъло қараяпти, хотиржам бўлиб, кўнгиллари жойига тушди. Ҳар сафар келиндан миннатдор бўлиб: «Барака топинг, онамизни шунчалик иззат-ҳурмат қилаяпсиз. Укам билан қўша қаринг. Сиз ҳам ҳамisha ҳурматда бўлинг, болаларингиздан кўринг» дейишарди.

Одилжон рафиқасининг оқилалигини қадрлайди. Уни ҳурматлашга, аяшга, ҳар ишда унга кўмакдош, меҳрибон бўлишга интилади.

Ҳозир улар тўрт фарзандга ота ва она бўлишди. «Қуш уясида кўрганини қилади», деганлар. Болалар ҳам одобли, одамларга қайишадиган, меҳнаткаш бўлишган.

«Ҳурмат қилсанг — ҳурмат кўрасан», деб бежиз айтишмаган.

Афсуски, баъзи подон болалар она қалбининг садосини тушунмайдилар, бу қалб қувончи нимада экани-

ни билмайдилар, болалари кўчада бўлса, онанинг кўзлари ҳам кўчада эканини, болалар қошларида бўлишса, онанинг кўнган ҳам ором олишини англамайдилар.

Энди орзу-умидлари кўкка совирилган, қариганда ёлғизлик, хўрлик аламини тортаётган бир онанзорнинг додига қулоқ беринг. У юрагида тўлиб-тошган дардини оқ қоғозга битиб, кўзининг оқу қораси, ёлғиз ўғли Аҳмаджон билан келини Саодатни бир оз инсофга келтиришни илтижо қилиб сўрабди.

Эри фронтда ҳалок бўлган аёл қаттиқ қийинчиликлар билан ёлғиз ўғлини катта қилган. «Ўғил ўғай ота кўлида эзилмасин» деб ёш умрини бева ўтказган. Ўғлини ўқитган, ҳунарли қилган. Охири бир бошини икки қилиб, энди роҳатини кўраман деганида ошига заҳар тушган.

Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, қайнона-келин ўртасида «ғиди-биди» гаплар чиқиб, «мен-сен»га бориб қолишади. Келин бўлар-бўлмас гапларни баҳона қилиб уйига аразлаб кетаверган. Қайнона келинига «болам» деб уй-турмушдан, ҳаё-андишадан насихат қилмоқчи бўлган, келин бўлса жеркиб қайнонанинг кўнглини олритган. Энг ёмони қизини бузган ҳам ўз онаси бўлган. Боласи уйдан нолиб келганда койиб, насихат қилиб жўнатмаган, аксинча, қизини ҳимояга олиб куёви, қудасига қаттиқ-қуруқ гаплар айтиб бемаънилик қилган. Неча бор қўйди-чиқдига боришган. Охири бир кун онани эски ҳовлида ёлғиз қолдириб, ўғил, хотини ва болалари янги уйга кўчиб кетишган. Ёлғиз қолган она хўрланган, кечалари ухламай юм-юм йиғлаб чиққан. Ўғлининг бағритошлигидан, ҳаддан ошган келинининг қилмишидан ўкинган, эзилган. Жонидан ортиқ кўрган невараларини соғиниб саргайган.

Она шу умидда ўғил ўстирганмиди? Тиригимда суянчиқ, ўлигимда обрў бўлар деб ўйламаганмиди?

Аҳмаджонни бағритош, бемехр деб бўлмайти. У ўғил-қизчасини яхши кўради. Ишдан кела солиб уларни бағрига босади, юз-кўзларидан ўпиб эркалайди. Лекин ўзини ҳам, бир вақтлар ана шундай жажжигина мурғак эканида бағрига босиб ўпган, зўр умидлар билан катта қилган онасини ёлғиз ташлаб, қандай виждон билан эл орасида юраркан?

Мана энди она кексалик ҳаловатидан маҳрум. Қозонини ўзи осади, чойини ўзи дамлайди, жойини ўзи солади, кирини ўзи ювади... Дарднинг кимга айтади?

Йўқ, бу одамгарчиликдан эмас, Аҳмаджонга ҳаёт берган, одам қилиб элга қўшган ким? Кечани кеча, кундузн кундуз демай унинг бахтини ўйлаган ким? Ҳа, онаизор! Ҳали ҳам у ўғлига шамолни раво кўргиси келмайди. Уғли билан бўлишни, улар билан қувонишни истайди. Аҳмаджон бир маҳаллар қучоғида ором олиб ширин ухлаб, оқ сутидан баҳраманд бўлган меҳрибон онага шу кичкина бахтни ҳам раво кўрмади.

Одатда ота-она фарзандининг кўтариб келадиган нарсасини эмас, ўзини кутади, соғ-саломат кўришга зориқиб, кўзлари нигорон бўлади. Аммо фарзандлар ўз бурчларини ота-оналарига фақат пул билан ёрдам беришдан иборат деб биладилар. Аслини олганда, фарзандлик бурчини бу таҳлитда тушуниш тамоман хато дир.

Фарзандларнинг ота-оналарига меҳру оқибатлари ҳар хил бўлганидек, ота-оналарнинг моддий ёрдамга эҳтиёжлари ҳам ҳар хил дир. Баъзи ота-оналар касаллик ёки қарлик сабабли болаларнинг моддий ҳимояларига муҳтож бўлсалар, баъзилари бунга эҳтиёж сезмайдилар. Лекин бундан қатъи назар, ҳамма ота-она боласини ҳар дам кўриб тургиси, унинг орзу истакларига, интилишларига шерик бўлгиси келади. Агар фарзанд бирор сабаб билан бошқа ёққа кетса, ота-она бу айрилиқни оғир кечиради. «Болам нима бўлди экан, танижони соғмикан?» деб минг ташвиш тортиб этини ейди, соғиниб сарғаяди. Иложини топса, шундай кезларда орқасидан бориб кўриб келади. Фарзандга ота-оначалик меҳрибон, ота-оначалик қадрдон, беғараз дўст йўқ дунёда.

Ота-она ўз жигаргўшасини яхши одам бўлиб ўссин, дард кўрмасин, ёмон йўлга кирмасин, орзу-ҳаваслари рўёбга чиқиб, бахтли бўлсин, эл-юртга ҳалол хизмат қилсин дейди, деганини юзага чиқариш учун не-не машаққатлар тартади!

Шундай экан, ота-оналарни камоли эҳтиром билан ҳурматлашимиз, умр бўйи азиз-мукаррам қилиб бошимизга кўтаришимиз лозим. Ўз ҳузур-ҳаловатимиз билан бўлиб узоқда қолган, йўлимизга интизор ота-онани нутмайлик.

*Топшириқ:* Ота-она ҳурмати деганда нимани тушунаси? Шу ҳақда мулоҳазалар дафтарингизга ёзиб келинг.

Педагог изоҳи:— Оилада эркак кишининг фэйзи ўзгача, салобати улуғвор. Оқил эр бош бўлган хонадон обод, бола-чақа бахтиёр яшайди. Эркакнинг асили диёнатли, мард бўлади, сўзидан қайтмайди. Яхшиликка кўкариб кериб, ёмонликка беомон бўлади. Покликни шарф тожи қилиб эл-юрт ташвишида яшайди. Ота-онани бошга қўйиб, жигаргўшаларига меҳрибон, аёлман, болажон бўлади. Оилада эркак кўп ҳолларда аёлдан 4—5 ёш катталиги, ҳаётнинг паст-баландини кўпроқ билгани учун унга кичик хўжаликнинг бошлиғи сифатида қаралади ва ҳурмат қилинади.

Эркакнинг ўрни, қадри бор хонадонда тиҷлик-то-тувлик бўлади, аёллар сийланади. Уруш-жанжалга ўрни қолмайди. Волида меҳрибонларимиз надари бузрукворларимизни қандай сийлашганини, эр ҳурматини қаттиқ тутишганини, сўзларини икки қилишмаганини яхши биламиз. Оналаримизнинг «Жим даданг уйдалар», «Даданг ҳафа бўладиган иш бўлмасин-а», «Даданг нима деркинлар», «Ота рози — ҳамма рози» каби сўзларини эслаб қолганмиз. Ота ҳурмати улуғлигини оналаримиз намунасида кўрганмиз.

«Қизик, отамлар қачон кўчадан келмасинлар аввал онамизни йўқлардилар,— деб хотирлайди Фазлиддин ака,— тўғри ошхонага ўтиб, ойим билан икки-уч оғиз гаплашиб, кейин бошқа ишга тутинардилар. Онамиз уйда йўқ кунлари отам ўзларини қаерга қўйишни билмай қолардилар. Бир-бирларига жуда меҳрибон эдилар. Ёшлиқдан бир-бирларини ҳурматлаб, кўнгил қоларли ишларга боришмагани учун ҳам шунақа яшашган».

Хўш, ота-боболар, доно онахонлардан қолган яхши удумлар давом этиптими?

Ҳозирги аёлларимиз ўқимишли, оқ-қорани таниган кишилар, эркаклар билан ёнма-ён туриб хизмат қилишади. Уйни ҳам, ишни ҳам эплашади. Бундан жамиятимизга ҳам, оилага ҳам катта манфаат етади, албатта.

Лекин афсуски, баъзи оиладаги бурчини, аёллик латофатини, ўзбек аёлларига хос иффат-назокат, ҳаёандишани унутиб қўяётган хотинлар ҳам йўқ эмас.

Бугун Қодиржоннинг кайфияти суст. Кун бўйи ўзи билан ўзи гаплашди. Ишида ҳам тайин бўлмади. Эрталаб хотини кайфиятини бузди. Ҳар галгидек жанжал арзимаган нарсадан чиқди. Чой устида ўғилчаси қўли-



даги чинни пиёлани синдириб қўйди. Хотини боланинг юзига «тасир-тусир» қилиб икки шапалоқ урди.

Бундан Қодиржоннинг асаби таранглашди:

— Ярамас, болани ҳам шунақа урадимиз?

— Ҳа, мен «ярамас» сиз «оппоқ». Мана бу «оппоқ» ҳам худди ўзингизга тортяпти. Бу гап Қодиржоннинг жон-жонидан ўтиб кетди. Кейинги пайтда хотини ўзгариб қолди. Нега? Уқитмаса бўлармиди? Ўйлаб толади. Ўзи биладиган ўқимишли аёлларни бирма-бир хаёлидан ўтказди. Хотинига таққослаб кўради. Ўзидан ноҳақлик ўтмаганини ҳис қилади. Сиз бу ҳолатга қандай баҳо берасиз?

— Хотин киши уй-жойни, бола-чақа, муросою мадорани ўйламаса, охири нима бўлиши маълум. Тарбия жараёнида боланинг «қулоғи кар, кўзи кўр» пайтлари бўлиши маълум. Шўхлик қилиб, бирор нарсани тушириб юборади, тўкади ёки синдиради. Бунинг учун болага бақириш-чақиришнинг ҳожати йўқ. Яхшиси, «Қара, нима иш қилиб қўйдинг? Мана бундай ушлаш керак. Юрганда секин, оёқнинг тагига қараб юриш лозим», дейилса, олам гулистон. Эҳтиётсизлиги орқасида шу ишнинг содир бўлганига бола ачинади. Бошқа пайт огоҳроқ бўлади. Шу йўсинда болани онгли ҳаётга кўниктириб бориш, ўзининг ҳам, фарзандининг ҳам асабини асраган бўлади.

— Бола олдида ота шаънига бўлар-бўлмас гапларни гапириш унинг тарбиясини бузади, ота обрўсига путур етказди. Сиз бунга қандай қарайсиз?

— Эр-хотин ўртасидаги арзимас жанжаллар, келиш-мовчиликлардан бола хабардор бўлмагани маъқул, албатта. Чунки бундай ҳолларда болада иккиланиш, шубҳаланиш пайдо бўлади, ота-онанинг сўзига ишончи сусаяди. Айниқса, бола олдида оила бошлиғи-эр ҳақида, ундаги камчиликлар ҳақида гапириш тарбия ишига путур етказди, деб ўйлайман.

— Эркакнинг фазилатлари ҳам ҳаминиша тўла-тўқис бўлавермайди. Айтайлик, сизда унинг вафодорлигига шубҳа туғилса-чи?

— Ҳаётда ҳар хил ишлар бўлади. Баъзи эркакларнинг йўлдан адашган ҳолларини эшитамиз. Бу, албатта, ёмон. Хотини, болаларини ўйлаб ачинамиз. Бундай ҳолларда баъзи аёллар ўта изтироб чекса ҳам, сирини ошкор қилмасликка уринади. Бунга аёл ор-номус деб билади ҳамда эрининг шаънига ёмон гаплар айтишга тили

бормайди. Ҳар ҳолда болаларининг отаси, шунча йил бирга яшагани учун юз хотирини қилади. Тўрт оёқли от ҳам қоқилади, дейишади. Яхши кунларга умид боғлаб, сабр қилади.

Педагог изоҳи:— Айрим ҳолларда эркак хаёлининг бузилишига аёлнинг ўзи ҳам сабабчи бўлади. Бола-чақа, иш билан бўлиб унинг эрга эътибори сусаяди. Эркак табиати худди аёлларники каби доимо эътиборни талаб қилишини унутмаслик керак. Аёл ҳаминиша ўзига қараб юргани яхши. Бунини кўрган кўз қувонади. Ўзида ҳам, бошқаларда ҳам яхши кайфият туғдиради. Афсуски, айрим аёллар юриш-туриш, кийиниш, муомала, муносабат масаласида бефарқлик қилишади, палапартиш юришади. Уйда ўзларини бир алпозга солиб қўйишади. Ваҳоланки, кексалар онангни отанга пепардоз кўрсатма, деб бежиз айтишмаган.

Давлат идораларида раҳбарлик лавозимида ишлаётган айрим аёллар оилада ҳам «буйруқчи»га айланиб қолмоқдалар. Аёллик латофати-ю назокатларини йўқотиб, эркаксимон бўлиб бормоқдалар.

Эр-хотин ўртасидаги келишмовчиликларнинг сабаби ўрганилса, уларнинг кўпчилиги арзимаган гаплардан бошланганини кўрасиз. Кўпинча эркакнинг гапига аёл терс жавоб беради, аёлнинг гаплари эрга оғир ботади. Шу билан жанжал бошланади, асаблари бузилади. Шундай ҳолларда икковидан бири битта гапдан қолса, оғирлик қилса, ширин гапирса, «кечиринг» дейишдан орланмаса — олам гулистон.

Бир оз фурсат ўтиб қизишган томон ҳовуридан тушади. Уйлаб сизни нотўғри хафа қилганидан ҳижолат тортади. Сиздан уэр сўрайди. Яна чеҳрангизда табасум жилваланади.

Умуман айтганда, аёл яхши ният билан бир ёстиққа бош қўйган азиз умр йўлдошининг кўнглини топишга интилиши, ундан ширин сўзини, хизматини аямаслиги, эътиборли бўлиши маъқул. Оилада эркак кишининг қадр-қиммати, обрўси унинг ўзига ҳам боғлиқ. Шундай бўлса-да, фарзандлар кўз ўнгида «ота» обрў-эътиборини мустаҳкамлашга бепарво қарамаслик керак.

*Топшириқ:* Отангиз ёки ўзингизга яқин кишининг оиладаги қадри, обрўсини таҳлил қилинг. Назарингизда қандай камчилик ёки бефарқликка йўл қўйилган? Сиз уларга ёрдам бера оласизми?

## 5- §. Ажралиш сабаблари ва унинг ёмон оқибатлари

Ҳаётларини бир-бирига боғламоқчи бўлганлар никоҳга қадар ҳамма нарсага кўзларини катта очиб қарашлари, никоҳдан кейин эса баъзан кўриб-кўрмаганга олишлари керак.

*М. Скюдери*

Оиланинг бузилиши, бир ёстиққа бош қўйганларнинг ажралиши ҳаётдаги энг нохуш воқеаларнинг биридир. Ҳеч бир йигит-қиз аҳду паймон билан турмуш қураётганда ажралишни кўзламайди. Демак, ажралиш — оилавий муносабатда мутаносиблик бузилишининг натижасидир.

Афсуски, оила бузилишидан икки томон — эр ва хотингина кўнгилсизликка учраб қолмайди. Бундан кўпроқ орадаги болалар озор чекадилар. Юқори синф ўқувчиси ёзган иншонинг ушбу сатрларига эътибор беринг: «Дадам, ойим ва мен бирга яшардик. Дадам бизни жуда яхши кўрардилар. Дам олиш кунлари учаламиз сайрга чиқардик. Аввалига аҳил яшаганмиз. Лекин ойим дадамга «Сиз ҳам одамларга ўхшаб пул топишни ўргансангиз-чи, қачонгача маошга яшаймиз, мен ҳам яхши кийингим, курортларга боргим келади», деб хархаша қиладиган одат чиқарди. Дадам эса ҳеч нима демасди. Кейинчалик ойим арзимас нарсага жанжал кўтарадиган бўлдилар. Дадамни «гадойвачча» деб ҳақорат қилдилар. Мен йиғладим. Дадам ортиқ чидай олмай уйдан кетиб қолди. Бувим ҳам ойимнинг ёнини олдилар. Шу-шу ойим иккимиз қолганмиз. Зерикамиз. Дадам бошқа уйландилар. Фарзандли бўлишди. Мен билан баъзан кўришиб турадилар. Шунда ҳеч ажралгим, уйга ёлғиз қайтгим келмайди. Роса йиғлагим келади. Аммо кўз ёшимни ойимга кўрсатмайман. Чунки кечалари ойим ҳам мендан яширинча йиғлаганларини кўрганман. Яна эзилмасинлар дейман. Юрагим сезиб турибди. Ойим ўшанда тузатиб бўлмас хатога йўл қўйганларини тушундилар. Афсуски, кеч... Менинг айбим нима? Нега мен ота меҳридан айрилиқда бўлишим керак?!»

Ҳаётда бу каби болалар мусибати учраб туради. Статистик маълумотларга қараганда, СССРда ҳар йили 18 ёшгача бўлган 700 мингдан ортиқ болалар ажралиш туйфайли отасиз ёки онасиз қолмоқда.

Жамиятимиз ажралишлар камайиши ва оилавий муносабатлар мустаҳкамланишидан манфаатдордир. Аҳил ва мустаҳкам оилада инсон руҳи ривож топади. Натижада унинг ишлаб чиқаришдаги ва ижтимоий фаолияти активлашади. Соғлом никоҳли оилаларда болалар тарбияси ҳамда ўзаро муносабат масалалари ижобий ҳал этилаверади. Шунинг учун оила мустаҳкамлигини сақлаш социал масала сифатида катта аҳамиятга эга. Аммо бу давлат ва жамият умуман ажралишга қарши деган гап эмас. Чунки ҳаётда асосли ажралишлар ҳам рўй беради. Масалан, томонлардан бирининг руҳий касалликка чалиниши, спиртли ичимликка муккасидан кетиши, жиноятчига айланиши ва бошқа ҳолларда ажралиш иккинчи томонга ҳамда болаларга енгиллик туғдиради. Аммо бу ажралишнинг умумий белгиси эмас.

Улуғ Октябрь социалистик революциясига қадар оилавий-никоҳ муносабатлари диний реакцион қонунлар асосида ташкил топган эди. Никоҳдан ўтиш томонларнинг ихтиёридан ташқарида бўлиб, асосан отонининг истаги билан амалга ошарди. Қиз-жувонларнинг ҳуқуқсизлиги шаръий ҳисобланар, улар ўзларига умр йўлдош танлаш имкониятидан бутунлай маҳрум этилганди. Шунингдек, улар ажралиш ҳуқуқига ҳам эга бўлмаган. Агар эр «жавоб» бермаса, у билан мажбуран яшаган, кўпинча мажбурий никоҳдан халос бўлиш учун ўз жонларига қасд қилган. Аёллар марксизм-ленинизм ғоялари тантана қилганидан кейингина ажралиш эркинлигига эришдилар. Совет ҳокимиятининг дастлабки кунларидаёқ В. И. Ленин «ажралиш эркинлигини таъминламай туриб демократ ёки социалистман, дея олмаймиз, чунки акс ҳолда мазлум аёл жинси тўлатўкис маънода озодликка эришмаган бўларди», деган эди. Шунинг учун ҳам дастлабки совет ҳужжатлари қатори «Никоҳни бекор қилиш ҳақида»ги декрет қабул қилинган ва бу билан зўрлик асосидаги никоҳларга зарба берилган.

Совет давлати оилани мустаҳкамлаш ишига ҳамisha катта эътибор бериб келди. Статистик маълумотлар бу ғамхўрлик ижобий натижага олиб келганини кўрсатмоқда. Буни никоҳ ва ажралишнинг Ўзбекистон ССРдаги динамикасидан ҳам кўриш мумкин.

КПСС XXVII съездида таъкидланганидек: «Гарчанд кейинги йилларда эр-хотиннинг ажралиши ҳоллари камайган бўлса-да, бу ҳали ҳам каттагина миқдорни таш-

	1940	1980	1986
Қайд этилган никоҳ (минг)	49,3	173,3	185,7
Қайд этилган ажра- лиш (минг)	18,8	22,5	23,8
Ҳар 100 никоҳга аж- ралиш сони	38,4	13,0	12,8

кил этади. Нототув оилалар ҳам анча-мунча бор. Ана шуларнинг ҳаммаси, аввало болалар тарбиясига, шунингдек эркак билан аёлнинг маънавий ҳолатига, уларнинг меҳнат ва жамоат активлигига салбий таъсир кўрсатади. Жамият, албатта, бундай ҳодисаларга бефарқ қараб тура олмайди»<sup>1</sup> Масалан, Республикамизда ҳар юз никоҳга ўртача 13 та ажралиш тўғри келса, Тошкент шаҳрида бу рақам 35 тани ташкил этмоқда. Ажралиш муаммолари билан кўплаб социолог олимлар шуғулланишади. Уларнинг фикрича, ажралишнинг кўпайишига аёлларнинг жамиятдаги мавқеи ва мустақиллиги ортиб бораётгани ҳам сабаб бўлмоқда. Билими, касб-кори, мутахассислик даражаси юқори бўлган аёл ўз тақдирини белгилашда ўзини кўпроқ мустақил, қатъий сезаверади. Аммо бу ажралишнинг характерли белгиси эмас. Ҳар бир ажралишга томонлар муносабатидаги мутаносибликнинг бузилиши сабаб бўлади.

Маълумки, кўрсатадики, аксарият ҳолларда ажралишга ёш эр-хотинда масъулият ҳиссининг йўқлиги, никоҳдан ўтиш ва оила қуришга енгилтаклик билан, жиддий қарамаслик, оилавий ҳаётга тайёр эмаслик, турмуш қийинчиликларига бардош бера олмаслик ва ҳоказолар сабаб бўлади.

Тадқиқотлар ажралиш кўпинча эрнинг ташаббуси билан рўй беришини кўрсатмоқда. Айниқса ёш йигитлар ажралиш ва унинг оқибатларига енгилтаклик билан қарамоқдалар. Кейин эса пушаймон қилмоқдалар. Нега шундай? Олий маълумотли инженернинг ҳикояси: «Мен уйландим, аммо бирга узоқ яшамадик. Энди ёлғизликнинг, бир неча йиллар ортда қолган бахтсизли-

<sup>1</sup> Совет Иттифоқи Коммунистик партия XXVII съездининг ма-терналлари. Т., «Ўзбекистон», 1987, 58-бет.

гимнинг сабабларини таҳлил қилиб, тушуниб етдим. Оилам бузилишига кўпроқ мен сабабчи эканман. Тенг-қурларимнинг ўғил-қизларини кўриб юрагим эзилади. Тўғри, бева аёллар ёки ёлғиз эркаклар кам эмас. Лекин уларнинг ҳар бирида сеvimли умр йўлдоши топиш, оилали, фарзандли бўлиши иштиёқи бор, албатта.

Оила бузилишининг асосий сабаби, менимча, йигит ва қизнинг оилавий ҳаётга тайёр эмаслигидадир. Мен уйланганимда оила қуриш жиддий масала эканини билардим, аммо оилавий ҳаётга махсус тайёргарлигим йўқ эди. Турмушда қандай қийинчиликлар рўй бериши мумкинлигини, оилавий муносабатларнинг асосий принциплари нималардан иборатлигини билмас эдим. Агар умр йўлдоши билан яхши яшаб кетолмасам ажралишим, унинг жавобини бериб юборишим мумкин деб ўйлардим. Кейин тушунсам, мен рафиқамдангина эмас, севги, оила ва фарзанд каби умр мазмунини ташкил этувчи бебаҳо бойликдан ҳам ажралибман».

Ана шундай афсус-пушаймонлар тез-тез қулоққа чалинади. Демак, оилавий ҳаётга тайёр бўлмай туриб никоҳдан ўтиш кўнгилсиз оқибатларга олиб келар экан.

*Кўп ажралишлар ота-оналарнинг ёш оила ишларига ўринсиз аралашуви билан ҳам содир бўлмоқда.*

Гап шундаки, ота-оналар уйланган ўғлининг, турмушга чиққан қизининг энди вояга етганини, ўз фикри, мулоҳазасига эга эканлигини ҳисобга олмай, уларга «ҳалиям бола» қабилида муомала-муносабатда бўлиб, оилани мустақил бошқаришларига имкон бермай, уларнинг ишига беҳудага аралашавериш ёшларни бир-биридан бездириб, ўзларидан бегона қилиб қўядилар, ҳатто, оиланинг бузилишига ҳам сабаб бўладилар. Ёш оилалар илдиз отиб, мустаҳкамланиб боришда атроф-муҳит, ота-онанинг раҳнамолиги муҳим роль ўйнашини унутмаслик керак. Ҳаммага маълумки, оиланинг асоси — меҳр-муҳаббатдир. Ўзаро меҳрибонлик, оиланинг барча аъзоларига нисбатан самимий ҳурмат, эр-хотин ўртасидаги ишонч ва эҳтиром — муҳаббатнинг яққол ифодасидир.

Ёшлар орасида ўткинчи ҳис-туйғу билан ҳақиқий муҳаббатнинг фарқини англамай, бир умр бахтсиз бўлиб қоладиган ёки оила қуришнинг асоси муҳаббат эмас, балки иқтисодий осойишталик, бекаму кўст яшаш деб биладиган йигит ва қизлар ҳам кўплаб топилади. Бундай фикрлаш мешчанликдир. Муҳаббат табиатни гул-

латувчи, дилларни яратувчи, янгидан-янги куйлар яратувчи бир мўъжизадир.

Турмушда муҳаббатни поймол этиш, ижтимоий тенгликка риоя қилмаслик, худбинлик, ўз билармонлик, дидсизлик ва шунга ўхшаш нуқсонлар оилада ихтилоф келиб чиқишига сабаб бўлади. Халқимиз «Оиланинг бахти тотувликда», «Уйда роҳати йўқнинг кўчада фароғати йўқ», дейди. Оилавий можаролар натижасида киши руҳан азоб чекади, эр-хотиннинг асаби бузилиб, иш қобилияти пасаяди.

Оилавий ҳаётда эр ва хотин ўртасидаги муносабатлар муҳаббат билан чегараланиб қолмайди. Бунда маънавий ҳамфикрлик ҳам керак. Шунинг учун ғоят бой ҳаётий тажрибага эга Н. К. Крупская: «Муҳаббат ўз йўлига, биргаликда яшаш учун яна эътиқодлар бирлиги ҳам бўлиши керак» деган эди.

Оила қуриш — ғоят масъулиятли иш. Оила қураётган ҳар бир шахс буни чуқур англаб етиши, бошқа бир шахснинг ҳаётини ҳам ўз жавобгарлиги остига олаётганини ҳис этиши керак. Шу жиҳатдан, коммунистик ахлоқ нормаларини ўзида мужассамлаштирган, мустаҳкам ва чинакам бахтли оила қуриш масаласи ижтимоий аҳамият касб этади.

Баъзи ёшлар бир-бирларини тузукроқ синамай, билмай туриб, оила қуришдек мураккаб ва масъулиятли ишга қадам қўядилар — турмуш қурадилар. Бунинг оқибатида кўп вақт ўтмай суд оstonасига борадилар, ажралишга ҳаракат қиладилар. Улар бундай енгил-такликлари билан фақат ўзларига эмас, балки яқин кишиларига, ота-оналарига ва қариндош-уруғларига ҳам ташвиш келтиришларини кўпинча ўйламайдилар. Оилавий ҳаёт тўрт кунлик — вақтинча иш эмас, балки умр бўйи садоқатнинг шодлик ва ғам-қайғу дақиқаларида ҳамдардликнинг синовидир.

*Севги ва бир-бирини тушуниш, маслак бирлиги, ҳурмат ва дўстлик оиланинг мустаҳкамлигини таъминловчи заруратдир.*

Табийки, ҳар бир шахс ўзининг алоҳида хусусиятларига эга. Шу сабабли отанинг ўрнини она, онанинг ўрнини ота боса олмайди. Аммо ҳар қайсиси оилага ўз фазилати билан фойз киритади.

Аслида оилавий турмуш кишиларнинг шахсий иши бўлса ҳам, уларнинг жамият олдидаги масъулияти каттадир. Чунки оила совет жамиятининг кичик ячейка-

си бўлиб, у шу жамиятнинг бўлгуси гражданларни тарбиялаб возга етказди.

Эр-хотин ўртасидаги жанжалларнинг, оилавий можароларнинг сабаблари ўрганилганда кўпинча эр ёки хотиннинг оилавий ҳаётдаги бурч ва масъулиятни тўғри тушунмаслиги, ношудлиги, муомала-муносабатни билмаслиги, умуман оилавий турмушга тайёр эмаслиги маълум бўлади.

Халқимизда «Эркаласа онаси, талтаяди боласи» деган нақл бор. Дарҳақиқат шундай.

Баъзи оналар, қиз бола узатилиб кетади, ота-онасиникида ўйнагани-кулгани қолади, деган нотўғри тушунча билан кап-катта қизларини ўз майлларига ташлаб қўйиб хато қиладилар. Яна шундай тоифадаги оналар борки, қизларига «яхши ўқисанг, одам бўлсанг бас, уй ишларини ўзим эплайман», деб ҳатто бўйи етган ўз қизларига «чўри» бўладилар, ўзларининг қадр-қимматларини ерга урадилар. Меҳнатда чиниқмаган, қийинчиликларни кўрмаган қиз кейинчалик қандай қилиб баркамол аёл бўла олади? Қиз боланинг ақл-фаросати меҳнат билан ўткирлашади, уни меҳнат маънавий камолотга етказди. Айни кучга тўлган даврида юмуш билан чарчамайди, озмайди. Балки меҳнат туфайли унинг рангига ранг, қонига қон қўшилади, чиройи очилади. Уни ҳар қандай ишни режа билан қилишга ўргатилса, у ҳамма нарсага — ўқишга ҳам, тикиш-чатишга, ҳам ота-онага қарашишга ҳам вақт топади, улгуради.

Аёл киши кўп нарсани билгани яхши. Чунки турмушда ҳаммаси керак бўлади. Ўқиш, бирор ҳунарга эга бўлиш билангина мазмунли ҳаёт кечириш мумкин, дейдиган кишилар қаттиқ янглишадилар. Бошига тушса ҳамма нарсага кўникади, қиз бола турмуш кўргач, ўша оиланинг домига тушиб кетади, деб ишонамиз. Бироқ янги оиланинг домига тушиш осон эмас. Бунинг учун келинчак ўзининг яхши томонлари билан уларга ёқиши керак.

Келин ўзининг уч хислати уй ишларига эпчиллиги, одоби ва зийраклиги билан қадрланади, янги оиладагилар олдида ҳурмати ошади, юзи ёруғ, дили чароғон бўлади.

Қиз бола уйли-жойли бўлди, дейлик. Энди уй-жойни, эрни «эпламоғи» керак. Қайин-бўйинлари билан чиқишиб, аҳил яшашни билиши, вақти етиб она бўлганида фарзандини тарбиялаб ўстиришни ҳам удалай олиши



керак. Қиз бола уқувли бўлса яхши, буларни қийналмай эплаб кетади. Уйда тик ўсган бўлса-чи? У ҳолда дакки ейди, туртки эшитади, ношуд номини олади. Ўз онасига ланъат келтиради. Оилада жанжаллар рўй беришига, ҳатто турмуши бузилишига ҳам сабаб бўлади. Ҳаётини мисолларга назар ташлайлик.

Ҳаётда ўз бахтини бой берган жувон шундай ҳикоя қилади: «Институтни тамомлайдиган йилим турмушга чиқдим. Тузуккина хонадонга келин бўлдим. Ҳусним ҳам бор. Орқам билан битта соч. Лекин келин бўлгандан кейин қараб туролмайсан. Юмуш қилишинг керак. Қизлик пайтимда уй ишларига унча уринмаганимдан ишга қовушолмай тоза қийналдим. Таъналар эшитдим. Уйимизда ҳамма юмуш ойим билан келинойимдан ортмас эди. Биз қилган иш ойимга ёқмасди. Мен «ўқиш бўлса, бас», деб юразерибман. Ҳаётнинг бу тарафларига ақлим етмабди. Қайнонам икки гапнинг бирида «Бунча ивирсиқсан, уй тутишни билмасанг, эрни эплай олмасанг, ўлиб бўлдим, сендек ношуд келиндан», дерди. Эрим ҳам бора-бора онасининг томонига ўтиб олди. Мени ҳақоратлайдиган бўлди. Мен бўлсам бу аламларга чидай олмадим. Уйга бориб онамга кўз ёшимни тўкардим. Ахир бўлмади, битта болали бўлганимизда ажралишдик. Уйласам, ўзимдан хатолик ўтган экан. Хотин бўлиб уйга кўнгли қўймадим, эримга тузукроқ равиш қилишни ўйламадим, қайин-бўйинларимнинг кўнглини ололмадим. Оқибат уйим бузилди. Бироқ бу ўринда қайнонамдан ҳам домонгир бўламан, ўтирсам ўпоқ, турсам сўпоқ, дерди. Ўз боласидек кўриб, билмаганларимни юзимга солмай ўргата қолса бўлмасмиди. Ёш новда эдим, эгилардим, албатта. Лекин энг аччиги, юрагимни йиллар давомида эзиб келаётган аламли нарса — фарзанд доғи. Аччиқ қилиб етти ойлик боламни қайнонамга ташлаб кетибман. Бола бечора она меҳрига қонмай дунёдан ўтди. Ҳаёт мени қаттиқ жазолади. Уч марта уй қилдим. Аммо фарзанд кўрмадим. Қандай қилай, гўдакнинг қарғишига учрадимми? Тирноққа зор бўлиб қолдим. Бунинг учун ўзимни ҳеч кечиролмайман. Энди минг-минг пушаймон бўламан. На чора, ҳаммаси бейфойда экан!

Ҳозир ёлғизман. Яхши ҳам ишим бор экан овунаман. Онам ҳаётлар. Бошқа-бошқа яшаймиз. Қариндош-уруғларим ўз ҳузур-ҳаловати билан».

Қизнинг бахтсиз бўлишида шубҳасиз она ҳам айб-

дор. У қизининг келажагини ўйлаб, уни ҳаётга тайёрлаши, иш ўргатиши керак эди. Уйда бўйига етган қиз бола туриб бутун юмушни келин устига юклаш билан унинг меҳнатга ҳавасини, ташаббусини бўғиб қўйган, рўзғор ишларига қўл урдирмай ихтиёрини ўзига ташлаган. Қизи уйдан нолиб келган вақтларида уни юпатиб, насиҳат қилиб жўнатмаган. Унинг ўрнига «ҳа ўша бе-маъни қайнотангининг кўзини бир очиб қўяй. Сени қул қилиб сотганмидим?» Тор қорнимга сиққан кенг уйимга ҳам сиғиб қоларсан», деб кўнглини икки ёғлик қилган.

Ажралишларнинг сабабларидан бири бўлғуси куёв билан келинга ҳамма нарса: зеб-зийнат, данғиллама уй, ҳатто, уй жиҳозларигача тайёрлаб қўйилиши. Нима учундир ота-оналар боламиз уйланар экан, тўй ҳаражатларини ўз пешана тери билан ишлаб топсин, уйни ҳам ўзи қурсин, демайдилар-да, йил-ўн икки ой меҳнат қилиб, бор бутларини «ўғилнинг бошини иккита қилиш»га сарфлайдилар.

Натижада шу бўладики, ҳеч нарсага бели оғрмаган елкаси офтобда куймаган, ҳамма нарсага осонгина эга бўлиб олган «куёв тўра» меҳнат, қийинчиликлар, тежаб-тергашлар эвазига келган буюмларнинг қадрига етмайди. Келин бола билан ораларида сал кўнгилисиз гап ўтса, охир-оқибатини ўйламай, хотиннинг баҳридан ўтиб юбораверади. Агар ўша куёв бир оз машаққат, азият чекиб, елкаси қорайиб ғишт қўйиб, лой қориб, қурилиш материаллари излаб ўзига уй қурганда, уй анжомларини ҳам пешана тери билан ойлик маошини тўплаб сотиб олганда эди, оилани бузишдан аввал дўнписини ерга қўйиб, оз мулоҳазага борармиди, оила сақланиб қолармиди?

Фарзандни вояга етказиш, едириб-ичириш, қийинтириб, кам-кўстсиз улғайтириш — ота-оналик бурчи. Аммо ўғил уйланишга кетадиган сарф-харажатларни ўзи ишлаб топгани, ўзи уй қуриб, жой қилгани, рўзғор буюмларини ўз пулига сотиб олгани маъқул. Ота-она баҳоли қудрат ёрдам бериши, мададкор бўлиши, аммо фарзандларининг тайёрга айёр бўлишига йўл қўймаслиги керак. Улар ҳар бир сўмини меҳнат билан топса, унинг қадрига етадиган бўлади.

Ота ҳам аксарият ҳолларда уй-жойли, мустақил оилага эга бўлган ўглини ўтқазиб қўйиб: «Оила деб аталмиш аравага қўшилдинг, энди аравангни ўзинг тор-

тасан, ўғлим. Катта ҳаёт йўлининг бошида турибсан, йўлинг оқ бўлсин, рўзгор тебратиш ўз қўлингда», дея олмайди. Бу эркатоёй ўғлини талтайтириш, оилали бўлса ҳамки, елкада кўтариб такасалтанг, иродаси бўш, мустақил ҳаёт кечира билмайдиган, ҳаётга, онгли курашга тайёрланмаган ландавур қилиб қўйиш демакдир. Ота оила бошлиғи — бўлажак ўғлига авлоддан-авлодга, отадан ўғилга ўтиб келаётган рўзгор тебратиш санъатини, қонун-қоидаларини ўргатиб бориши, хуллас уни оила қуришга тайёрлаши, бунинг учун энг аввало меҳнатга ўргатиши, ҳамма ноз-неъматлар, оиланинг фаровонлиги ва тўқин-сочинлиги, рўзгорнинг бутунлиги меҳнат туфайли эканлигини амалда исботлаши ва буни ўғлининг онгига сингдириши керак. Бундан ташқари, оилада топилган маблағни оқилона сарфлаш, тежамкор бўлиш, турмуш учун энг зарур нарсаларнигина харид қилиш, эр-хотиннинг топган маблағларини бамаслаҳат, режали ҳаражат қилиш каби оддий қоидаларни ҳам тушунтириши зарур.

Мана шундай ҳаётий сабоқлардан бебаҳра ёш оилаларнинг ажралиши кўплаб учрайди.

Баъзи ота-оналар ўз фарзандларининг майлига қарамай уларни уйлантирадилар ёки эрга берадилар ва кўпинча шундай ёшлар ўз фарзандларининг тақдирини «орзу-ҳавас» қурбони қиладилар. Утмишдан мерос бўлиб қолган бундай қолоқ «орзу-ҳавас» ҳаётимизга доғ туширмоқда, айрим ёш оилаларнинг бузилишига сабаб бўлмоқда. Ота-она «орзуси» деб икки ёшнинг поймол бўлган севгиси ҳақида жуда кўп мисолларни учратиш мумкин.

Қудалар-ку тенги билан, келин-куёв-чи?

Баъзан ўғлини қаршисига ўтқазиб қўйиб, жаҳл билан насиҳат қилаётган амалдор ёки пулдор отанинг у билан бўлган қўйдаги диалогини эшитиб қоласиз:

— Келиб-келиб топганинг шу бўлдими? Мен киму, ўша қизнинг ота-онаси ким, бунинг фарқига борасанми ўзи?! Менинг «фалончи» деган номим бор, бутун шаҳар танийди, уларни ким ҳам танирди? Тўғри, колхозчи бўлсаям, жуда одамохун одамлар экан, лекин эртага қуда уйимга меҳмон бўлиб келиб, у кетмондан, мен савдодан гапирсам, бу ёғи қандоқ бўлади? Йўқ, ўғлим, бошқа қиз топ! Хўп десанг фалончини қизини олиб бераман. Отаси қисман, «фалончи» бутун умри катта ишларда пшлаб ўтяпти! Ўғли бутун бошли универмагнинг

директори-я! Қуданг борми деса бор дегундай. Ана ўша менинг тенгим!

Масъул ишда ишлайдиган Қ. исмли амалдор шу мулоҳазалар билан студент ўғлини севган қизи қолиб, ўзига ўхшаш амалдорнинг қизига уйлантирди.

Тўй ҳашаматли ўтди, шаҳарга овозаси тарқалди: тўкин-сочин дастурхонлар ёзилди, кечаю кундуз тандир-тандир нон ёпилди, ўнлаб қўй бўғизланди. Хилма-хил таомлар пиришилди. Қиз томон қимматбаҳо гарнитур билан келди, куёвнинг отаси эса катта маблағ эвазига солинган кошонани тақдим этди. Емак-ичмак ошиб-тошиб, совға-салом ҳеч қаерга сиғмай кетди. Тўй кунин келин-куёв шаънига кўп илиқ гаплар айтилди. Аммо келин-куёв бир-бирига ярим тескари боқиб, бир нуқтага тикилганча ўтирар, гўё бу тантананинг уларга дахли йўқдек эди.

Тўйдан кейин ҳам келин-куёвнинг офтоби ёришмади. Ниҳоят, қизнинг ўзи тилга кирди:

— Билиб турибман... Иккимиз ҳам ота-оналаримиз орзуси қурбони бўлдик. Иккимиз ҳам иродасизлик қилдик... Мен бошқа йигитни севардим. Очиқ гапирганим учун кечиринг мени...

— Синглим, мени ҳам кечиринг... Сиз-ку қиз боласиз. Мен йигит бошим билан иродасизлик қилдим. Бу гапни отамга гапириб рад қилишим керак эди. Мен ҳам бошқа қизни севардим... Энди нима қилдик?

-- Ажрашамиз. Кеч бўлса-да, хатони тузатамиз.

Қиз билан йигитнинг бу ниятларидан хабардор бўлган «тенгини топган» қудалар ўзларини қаёққа уришни билмай қолишди. Ҳар иккисига насиҳат қилиб кўрдилар, ҳатто йигитнинг отаси кап-катта ўғлига тарсаки тортишдан ўзини тийиб туролмади. Ахир тўйга кетган ўн минглаб сарф-харажатларни, совға-саломларни ким қоплайди! Охири натижа бўлмади. Келин-куёвлар никоҳни бекор қилишни сўраб, судга ариза ёздилар. Аммо суд уларнинг аризасини қайтариб, агар ўртада болалар бўлмаса, никоҳни ҳар иккисининг розилиги билан ЗАГС органи бекор қилиши мумкинлигини тушунтирди. Никоҳ ЗАГС органи томонидан осонгина бекор қилинди. Ойлаб, йиллаб қилинган тайёргарликлар, минг-минг сўмлаб харажатлар кўкка совурилди»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Тўхтасинов А., Раҳимов Н. Никоҳ, оила, жамият. Т., «Ўзбекистон», 1986.

Ўзбекистон ССР Никоҳ ва оила ҳақидаги кодексининг 19-моддасига асосан бир хил насл-насаб чизиғи бўйича тўғри туташган қариндош-уруғлар ўртасида, туғишган ака-укалар ўртасида, опа-сингиллар ўртасида, фарзандликка олинганлар билан фарзандликка олганлар ўртасидаги никоҳга йўл қўйилмайди. Қонун билан белгиланган бу қоидалар ахлоқий ҳамда биологик мулоҳазаларга асосланади. Биологик тадқиқотларнинг кўрсатишича, никоҳ қанча узоқ қарииндош билан тузилса, авлод шунча соғлом бўлади. Чунки яқин қариндошлар ўртасида никоҳ туфайли қон қўшилиши болалар саломатлигига салбий таъсир кўрсатади.

Афсуски, айрим ота-оналар қонун билан белгиланган ана шу қоидага амал қилмайдилар, қариндошлик ишлари узилмасин деб, бир-бирларига яқин қариндош бўлган йигит-қизларини қовуштириб, кейин жазосини тортадилар.

...Суд залида аввал бир-бирларига яқин қариндош, бугунги кунда эса эр-хотин бўлган М. билан О. ўтиришибди. Ҳар икковининг юз-кўзларига қаттиқ пушаймонлик, маъюслик ва оилавий бахтсизлик из солган. М. ҳасрат билан ҳикоя қилади:

— Икковимиз ака-сингиллардай эдик. Ота-оналаримиз бизни мажбуран, зўрлаб никоҳлашди. Мана, энди табиат бизни жазолади: биринчи ўғлимиз гунг-соқов бўлиб туғилди... Олиб бормаган жойимиз, кўрсатмаган врачимиз қолмади. Бунга даво йўқ, бу туғма касаллик, дейишяпти. Кейин иккинчисига ҳомиладор бўлдим. Яна ногирон бола туғилмасин, деб дори ичдим. Натижада ошқозон касалига мубтало бўлдим. Буниси ҳам гунг-соқов бўлиб туғилди.

М. аламли кўз ёшларини тиёлмади. Эри О. эса гўё бу ишларга гуноҳкордай бошини қуйи эгди.

— Икковимиз жуда иноқмиз, турмушимиз тўқин-сочин. Аммо, бахтсиз болалар туғиляпти. Бизни ажратиб қўйишингизни сўраб, рози-ризолик билан ариза ёзиб келдик...

Яна бир никоҳ бекор қилинди. Ажралишган эр ва хотингина эмас, уларнинг яқинлари ҳам бундай руҳий азоб чекдилар. Чунки улар кейинчалик бахтсиз бўлиши муқаррар бўлган никоҳга илгарироқ йўл қўйгандилар.

Ҳаётий кузатишлар никоҳларнинг бекор бўлишига асосан қуйидагилар сабаб бўлаётганини кўрсатмоқда:

1) келин-куёвларнинг турмушига ота-оналарнинг ўринсиз аралашуви;

2) янги оиладаги шаронт билан ҳисоблашмаслик;

3) умр йўлдошини маълум «мақсад»ни кўзлаб (бўлажак қайнота-қайнонанинг мансаби, обрўси, бойлигига қизиқиб, қизнинг ҳусну жамолига ёки йигитнинг муттаҳассислиги ва ҳоказоларга учиб) танлаш;

4) оилада «тенглик қонуни»нинг бузилиши;

5) эр-хотин характерларининг келишмай қолиши;

6) ота-онанинг тарбияда йўл қўйган хатолари;

7) хотиннинг уй-рўзғор тута билмаслиги;

8) эр-хотиндан бирининг ичиши;

9) эр-хотиндан бирининг бевафолиги;

10) узоқ муддат фарзандсизлик.

Ажралиш натижасида томонларнинг кейинги ҳаёти аввалигисидан бутунлай фарқ қилади. Айниқса, фарзандлари билан қолган аёл учун жуда кўп муаммолар келиб чиқади. Гарчи болаларнинг отаси нафақа тўлаб турса-да, оилани иқтисодий бошқариш энди кескин ўзгаради. Қатор қийинчиликлар туғилади. Бундан ташқари, томонларнинг характерлари, воқеа-ҳодисага муносабатлари, таниш-билиш, қариндошлараро мулоқотлар ўзгаради. Ота-онаси ажралишган оиланинг фарзандлари улардам бирининг меҳрига қонмай кўнгли ярим бўлиб қоладилар. Бундай болалар ғоят эмоционал, ҳис-туйғуга берилувчан, арзимас гапни ҳам кўнглига оладиган ёки аксинча, тошмеҳр, лоқайд бўладилар. Яъни улар кескин фарқланувчи характерлари билан бошқа болалардан ажралиб турадилар.

Ажралишнинг кўнгилсиз оқибатларининг олдини олиш учун эр-хотин оилани сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга ҳаракат қилишлари зарур. Оилавий ҳаётда келишмовчилик, тортишув, ҳатто, жанжаллар бўлиши мумкин. Аммо улар оила бахтини бузмаслиги, хўрланиш ва камситишларни келтириб чиқармаслиги керак. Бир-бирининг камчилигига тоқатли бўлиш, ўз камчилигини таҳлил қила билиш оилани асраш ва мустаҳкамлашнинг шартларидан биридир.

#### Амалий машғулот

Тема: Эр-хотиннинг тотувлиги ва оила бахти.

1. Оилавий бурч нима?

2. Эр-хотин тотувлигинини боси нимада?

3. Эркак қайси фазилатлари билан аёл ҳурматини қозонади?
4. Қиз-аёлларга хос фазилат — одатлар.
5. Ажралиш сабаблари ва унинг ёмон оқибатлари.

## БАҲС

Тема: Қиз шаъни ва йигит ғурури.

Педагог изоҳи:— Жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси каттами, кичикми, аёлми, эркакми, миллати ва касб-коридан қатъи назар, шахсий, ижтимоий ҳаётда бахт-саодатга, ҳурмат ва эътиборга эришиши учун энг муҳим инсоний фазилатларни эгаллаб олиши зарур. Камтарлик, хушфезллик, ориятлилик, меҳнатсеварлик, вафодорлик, ватанпарварлик ва халқпарварлик каби қатор инсоний фазилатлар борки, улар киши учун бутун умри давомида зарурдир. Бу фазилатларни асосан ёшлик йилларида эгаллаш керак. Болалик ва ёшлик йилларида ҳосил қилинган кўникмалар киши умрининг охиригача сақланади ва рўёбга чиқиб туради.

Бугунги баҳсимизда ана шу инсоний фазилатлардан шаъни, йигит ғурури ҳамда бахт хусусида мулоҳаза юритамиз.

### ПЛАН:

1. Қиз шаъни ҳақида.
2. Қизлардаги қайси хислатларни эъзозлайсиз?
3. Йигит — эркакларнинг қайси фазилатларини ёқтирасиз?
4. Қизнинг ҳусни нимада?
5. Севишган қиз билан йигит ўртасидаги муносабат.
6. Бахт ва бахт учун курашмоқ.

— Қиз шаъни деганда, мен қизларнинг ўз иффатини, ор-номусини сақлай билишини, севгида вафодорлигини, ҳаётга ақл кўзи билан қарашини тушунаман.

Йигит ғурури деганда йигитларнинг мағрурлигини, мардлигини, диловарлигини, тўғри сўзлигини, маданиятлиги, зиёлилигини тушунаман.

Қиз боланинг жамийи бойлиги — унинг номуси, бу бойлик ҳар қандай меросдан ҳам қимматлидир.

Ҳаётда шундай вазиятлар бўладики, қизлардан мустаҳкам ирода талаб қилади. Айрим пайтларда қизлар «ўта» ширин сўзлар, «интиқиб» боқишлар, ўта меҳрибон ҳаракатлар олдида лол бўлиб қоладилар. Уткинчи ҳавас, ҳиссиётларга берилиш вақтида қарши ҳаракат қила олмаслик уларнинг бутун ҳаётини издан чиқаради.

Барча орзу ҳаваслари чилпачин бўлади. Қиз бола авало кўпчилик олдида ўзини тута олиши, энг муҳими, ҳар қандай вазиятда муносиб хатти-ҳаракат қила олиши, муомала-муносабатда бўлиши лозим.

— Қизлар-аёллардаги қайси фазилатларни ёқтира-сиз?

— Қизлардаги ҳаёни, аёлларга хос нозикликни, ота-онага ва ўз оиласига садоқатни, бардошни, катталарга, оиласига, бўлажак умр йўлдошига самимий ҳурматни, керак ўрнида ён бера олиш, ақл билан фикр юритган ҳолда иш кўришни, ширинсўзликни қадрлайман. Ҳам пазанда, ҳам сўзанда бўлса янада яхши.

— Йигит — эркакларнинг қандай хусусиятларини қадрлайсиз?

— Йигитларнинг, умуман эркакларнинг тантилиги — фидойилиги (дўстларига, оиласига ва ота-онасига), кечирувчанлиги, майда нарсаларга унчалик эътибор бермаслиги, яхши маслаҳатга (оғир пайтларда ҳам) кириш ва фарзандларига нисбатан талабчан ҳамда меҳрибон «боғбонлик», ўз сўзида устиворликни жуда-жуда қадрлайман.

— Қиз ҳусни нимада?

— Ёшлик — гўзаллик дейдилар. Ҳеч ким ёшлигини тарк этгиси келмайди, айниқса қизлар ҳамиша ёш, чиройли бўлишни истайдилар. Аммо ёшлик, чирой — ҳусн ҳамиша турадиган нарса эмас. Гўзал ҳусн ҳамиша ҳам бахт-толега кафил бўлолмайди. Қиз боланинг бахти учун ҳусн-чиройидан ташқари, ақл-идрок, фаросат, дид, уқув, одоб бўлиши кўпроқ зарур. Чунки жамиятда ҳам, оилада ҳам, бола тарбиясидан тортиб, кишилар билан муомала-муносабатда ҳам қизларнинг — бўлғуси оналарнинг, умуман аёлнинг ҳусни, келишган қадди-қомати эмас, кўпроқ ақл-идроки, уқувлиги, ижобий хулқи қадрланади. Қиз ҳам, йигит ёмон ёки яхши бўлиб туғилмайди онадан. Уни ёмон қилган ҳам, яхши қилган ҳам тарбиядир.

Қизлар учун керакли фазилатларнинг энг муҳимларини ҳаё-иффат, зийраклик, орасталик, чаққонлик, дилбарлик, саранжом-саришталикдир.

Қизларнинг энг гўзали ҳаё ва иффат пардасига ўралганидир. Қиз боланинг ор-номуси гўё шиша. Синган шишани чегалаб бўлмайди. Қиздаги гўзалликни, жисмоний гўзалликни — латофат, дилбар, сулув, чиройли, кўркам, зебо каби сўзлар билан ифодалаймиз.



Қиз болада ташқи гўзалликдан ташқари назокат ҳам бўлиши керак. Йигитлар қизни чиройлилиги учун эмас, лобарлиги, назокати учун севса, қандай яхши. Чунки назокат ички гўзалликдир.

Зийраклик — қиз бола табиатига ярашадиган одат, бўлиб, унинг қадрини оширади, атрофдагиларда эътибор, яхши фикр уйғотади. Зийраклик — бировларнинг кўнглидагини фаҳмламоқ, хавф-хатарнинг олдини олмоқ, вазиятга қараб иш тутмоқликдир. Ўзининг илтифотли муомала-муносабати, хатти-ҳаракати билан бировларга шодлик улашмоқликдир. «хўп бўлади», «жоним билан», «лаббай», «хуш келибсиз», «ҳозир», «кечирасиз» сўзлари билан одамлар қалбига илиқлик, меҳр олиб кирмоқликдир. Зийрак қиз ота-онага раҳмат ёғдиради.

Педагог изоҳи:— Қиз ҳусни ҳаёсида, — дейди доно халқимиз. Қиз бола ўзининг малоҳати, бокира латофаги, иффати, ширин муомаласи, гард юкмаган ҳаёси, беғубор табассуми, мулойим кулгиси билан қиз.

Ота-боболаримизнинг ўғитларига қулоқ солсак, қиз кишига зебу зийнат эмас, ақлу ҳаё ҳусн. Одам учун жон қанча керак бўлса, аёл учун, айниқса қизлар учун ҳаё, иффат ҳам шунча керак. Ҳаё кетган жойда, бало ётади, деб тўғри айтган донишмандлар.

Ҳақиқатан ҳам, неча-неча замонлар ва авлодлар онгида ёмбидек қўйилиб қолган ахлоқ тушунчасига заррача путур етдими — тамом! Аёл киши табиат ато қилган нафосатидан айрилиб, одамлар кўзига хунук кўришиб қолади.

Иффат қизлар юзини ёруғ қиладиган шараф пардасидир. Бу парда баъзи нодон ёшлар хаёл қилганларидек, қизларнинг инсонлик қадру қимматларини ерга урмайди, эрklarига раҳна солмайди. Бу парда адолатсизлик, хўрлик кишани эмас, аксинча, уларнинг қизлик ғурурини ошириб, бўлғуси оилаларига қўрқмасдан, хадиксирамасдан дадил киришлари учун бахт йўлланмасидир. Шу йўлланмасиз оила қурмоқчи бўлган қизларнинг юздан тўқсон тўққизи, фақат бир кечагина келинчак бўлиб уйларига қайтиш хавфида қоладилар.

Бунга ким айбдор? Энг аввал қизнинг ўзи! Агар у ўзига маҳкам бўлса, йигитнинг бир оғиз ширин сўзига кўзлари сузилиб кетмаса, ўз бахтига ўзи зомин бўлмайди. Муҳаббат экан деб ҳар қандай чин-ночин ҳирсга таслим бўлавериш — ҳаёни қурбон қилиш бўлади.

Ҳаё шундай нозик, шундай эстетик бир ҳис пардасига

ўраланки, ўйламай иш тутган қиз унга доғ тушириб қўяди.

Балоғатга етган қизларга айтадиган сўзимиз:

Кўзингизни катта очинг, беғубор сақланиши лозим бўлган қизлик ифбатига доғ тушириб, сўнгра «аттанг» деб юрманг!

**«Ақлсиз гўзал лойга тушган япроққа ўхшайди»**  
(*молдаван мақоли*).

Ҳозирги йигит қизлар нима учун бир-бирларини севишларини билиш ҳар ҳолда қизиқарли эмасмикан? Баъзи бировлар кишининг ташқи қиёфаси учун, бошқа бировлар эса маънавий фазилатлари учун севиб қоладилар.

Ҳўш, бу ерда кимнинг нуқтан назари афзалроқ? Бунда ўзи танлаган йигит ёки қиз билан бахтли бўлиши учун кимнинг имконияти кўпроқ?

Маълумки, ҳозирги замонда келин бўладиган қизлар ўзларига турмуш ўртоғи, умр йўлдоши бўладиган йигит аввало зиёли, яъни ғоят юксак инсоний фазилат комплекси мавжуд бўлишини ҳисобга оладилар. Бу комплексга — ақл-идроқи, билимдонлиги, меҳрибонлиги, ахлоқ-одоби, маданияти киради.

Иккинчи ўринда эркакларнинг аёл кишига ўз дўсти сифатида муносабатда бўлиши, оилага ва болаларга жонкуярлиги, ирода, меҳнатсеварлик, хушёрлик, юмор ҳисси, ҳар томонлама камолот сари интилиши, жисмоний гўзаллиги туради.

Йигитларнинг қизларга нисбатан талаблари ҳам худди шундай. Улар саховат ва мулойимликни, фидоийлик билан аёлларга хос назокат ва садоқатни, бирга қўшилган ҳолда кўришни истайдилар. Ўзлари билан баравар меҳнат қилаётган хотинларининг ақл-идроқини, ишчанлиги, меҳнатсеварлигини, эр-хотинлик бурчига садоқатини муҳим аҳамиятга эга деб ҳисоблайдилар.

Баъзи кишилар ўзларини камтар, эркин тутиб, табиатнинг адолатсизлиги билан чиқишиб кетадилар, бошқа бировлар жазманларининг эътиборини кучайтириш учун ўзларида кўп фазилатларни намоён этишга беҳуда уринадилар. Масалан, эрта-ю кеч кўзгу рўпарасида ивирсийдиган, опасининг ёки бувисининг янги кўйлаklarини кийиб, тақинчоқларини тақиб кўраётган ёшгина қизалоқ нима мақсадда шундай қилади? Олдиндан бунинг жавоби маълум: у кимгадир ёқишга ҳаракат қилляпти.

Хотин-қизлар ўз умрининг сўнгги кунларигача беаниш билан шуғулланишдан тўхтамайдилар, чунки ҳеч қандай лекциялар ва қонун-қондалар ёрдамисиз улар биргина ҳақиқатни, эркак киши биринчи галда кўзи орқали севади, деган фикрни ўзларига сингдириб олганлар.

Кузатмаган пайтингизда ҳам беихтиёр шу нарсанинг гувоҳи бўласизки, эркаклар ясан-тусан қилган сатанг хотинларни маҳлиё бўлиб бошдан-оёқ кузатиб борадилар. Айни маҳалда табиий гўзал, мулойим, ақлли ва дилбар, соддагина қизлар ёнида ниҳоятда бепарво ўтиб кетадилар.

В. Шекспирнинг «Гамлет» трагедиясида Офелия: «Хуснига энг йўлдош иффат эмасми?— деб сўрайди. Бу саволга Гамлет шундай жавоб беради: «Бўлмасам-чи? Ва албатта иффат хусни тузатишга улгура олмасдан хусн иффатни сиқиб қўяди».

Гўзаллик билан иффат бирлашишига айни ўша гўзалликнинг жозибадор ҳукми ҳалал беради; четдан яхши кўрадиган кишилар ҳам, севгини шунчаки эрмак қиладиган кишилар ҳам, шундан ном чиқаришни истаган шухратпарастлар ҳам гўзалликка интилади. Эркакларга энг жиддий синов хотинларнинг «кўзга яқин бўлиши»дир.

Инсон учун биринчи бахт — унинг соғлиги, иккинчиси — гўзалликдир (*Афлотун*).

Мен биладиган бирдан-бир гўзаллик тансиҳатликдир (*Г. Гейне*).

Хушбичимлик баданга қандай даркор бўлса, маънолилик ҳам ақлга шундай зарур (*Эзон*).

### *Эркак эркакдай бўлса*

Танишим қўш карнай, қўш сурнай билан дабдабали тўй қилиб, ўғил уйлантирди. Микрофондан маҳаллага таралаётган куй-қўшиқ, бахт тилаб айтилаётган қутловлар тонгача тинмади. Ёш келин-куёв бахтли бўлиб кетишармикан? Бу савол балки сизни ўйлантириб қўяр? Начора.

Доно халқимиз, ота-онанинг вазифаси, энг аввало болага яхши исм қўйиш, унинг ҳунар ўрганиши, вил олиши учун шарт-шароит яратиш; уни ўйли-жойли қилишдир, дейди. Афсуски, ўша танишим иккинчи вазифани адо этмай учинчисига ўтиб кетди. Бола айне ҳу-

нар ўрганадиган ёшда — ўн саккизга кирганди. Керагидан ортиқча берилган эрк, пул болани жиноят кўчасига етаклашига оз қолди. Уни бир амаллаб қутқариб қолишди. Зора қуйилса, деган «яхши ният» билан бир қизга уйлантиришди. Бу ерда ота-онанинг хатти-ҳаракати хусусида тўхталиб ўтмоқчи эмасмиз.

Икки оғиз йигитлик ғурури ҳақида фикр билдирмоқчимиз. Бола ҳеч қаерда ишламайди, ўқимайди ҳам. Келин эса ҳозир отпуссада. Бирор ҳафта ўтар-ўтмас ота-онамни кўриб келаман деса, йигит йўлкирага пулни ота-онасидан сўрайдими? Эрта-индин келин ишга (у болалар консультациясида ҳамшира бўлиб ишлайди) ҳам тушар. Уйга эрининг хонадонига эшикдан тўртта нон кўтариб келади. Йигит-чи, йигит!? Эҳтимол, улар тез орада фарзандли ҳам бўлишар. Ушанда ҳам ўзи ота бўла туриб чақалоқнинг арзимаган эҳтиёжи учун отасидан пул сўраса, йигитлик ори келмасмикин?

— Йигит кишининг йигитлик ғурури, ор-номуси бўлгани яхши. Ҳар бир йигит-қиз жамият олдида ўз ахлоқи борасида муайян масъулиятни сезиши керак. Шу ўринда ўқув залида содир бўлган бир воқеани айтиб ўтиш жонздор.

Ҳамма мутолаага берилган. Пашша учса эшитилгудек жим-житлик. Шу пайт орқадан келган ғўнғир-ғўнғир товушлар хаёлимни бўлди. Фикримни бир нуқтага тўплашга уринаман, бўлмади. Орқамга ўгирилиб қарадим. Икки дугона ёнма-ён ўтиришибди. Бемалол овоз чиқариб гапиришар, кулишарди, гўё залда ўзларидан бўлак кимса йўқдек. Беандишаларга танбеҳ бериш ниятида: «Илтимос, қизларжон, халақит беряпсизлар, иложи бўлса...» Сўзимни тугатганимча ҳам йўқ эди, улардан бири жеркиб «Ҳа, бизнинг оғзимизга хўжайинмисиз, ишингизни билинг», деса бўладими. Қутилмаган гапни эшитиб, бирам изза бўлдимки, кўзимни қаерга яширишни билмай жовдираб қолдим. «Безбетлик ҳам шунчалик бўладими», дедим ўзимга ўзим. Утирганларга аста кўз қиримни ташладим. Ҳамманинг нигоҳи уларга қадалганди. Охири кишилар нафратига дош беролмаган икки дугона зални ташлаб, бирин-кетин чиқиб кетишди. Мана, кўрдингизми, орамизда қандай сурбет, бефаросат қизлар учрайди. Бу қизлар эрта-индин ўқитувчи-тарбиячи бўладилар. Ўзлари шундай тарбиясиз бўлатуриб, болаларга қандай қилиб одоб, ахлоқ ўргатишади. Бундайларга бефарқ бўлиш, менимча, жамият олдидаги ахло-

қий жавобгарлигимизни сезмаслигимиздир. Уларга жамоатчилик таъсирини ўтказайлик, танбеҳ берайлик. Бу бизнинг жамият олдидаги, коллектив олдидаги, ўз виждонимиз олдидаги бурчимиздир.

— Қиз бола шаънига ярашмаган хатти-ҳаракат одобдан эмас. Қизларнинг кўпчилиги узоқ областлардан келишган. Ота-она фарзандим ўқисин, одам бўлсин, деб бағридан узиб жўнатади.

Қиз боланинг қанақа тарбия топгани ўз куни ўзига қолганда билинаркан. Айрим қизлар бош боғларини йўқотиб қўядилар. Хоҳлаган томонларига бориб, истаган ишларини қилишни ўзларига эп кўрадилар. Киши ўзини бошқаролмаслиги ёмон тарбия кўрганлигининг, енгилтаклигининг аломати. Улар ўзларича: «ихтиёрим ўзимда, катта бўлдим. Ёшликда ўйнаб қолиш керак. Мени бу ерда ким кўриб ўтирибди, ўйнаганим, кулганим қолади, нима қилибди», ўқидингми, ўқидим қабилида иш тутиб, беш кунлик ҳузур-ҳаловат деб ўзларини бир умр бадном қилиб қўядилар. Лекин унда кеч бўлади?

Одобли қиз ҳар қанақа шароитда ўзини тута олади. Ақл идрокка таяниб иш кўради. Қиз болага ярашмаган ишларни ўзига ор-номус деб билади. Ҳамма ерда доимо ўзини содда, сипо тутати. Тиришқоқлиги, зийраклиги, одоби билан ота-онасига раҳмат келтиради, ҳар қандай шароитда ҳам ўз виждони олдида жавобгарлигини унутмайди.

— Кишининг жамият олдидаги маънавий жавобгарлиги уни ҳар қандай салбий хатти-ҳаракат, инсонлик шаънига иснод келтирадиган ёмон қилиқлардан ўзини тийишга мажбур этади.

Ёшларимиз орасида одамларга меҳрибон, хушфёъл, ширинсухан, ҳавас қилса, арзийдиган хушмуомала йиғит ва қизлар жуда кўп. Аксинча, ёш бўла туриб соқоқолни ўстирувчилар, ҳаддан ташқари калта кийим кийиб юрувчилар ҳам борки, улар аслида маданиятсизлик қилаётганликларини сезмасалар керак. Эндигина институт остонасига қадам қўйган ёшгина қизнинг ҳаддан ташқари бўялиб, калта кийиниб юриши мумкинми? Ҳурматли ўқувчилар ва курс раҳбарларининг гапларини ерда қолдираверган шундай бир қиз деканатга таклиф этилди.

Қиз салом-аликсиз кириб келди ва гўё хонада ҳеч ким йўқдек гердайиб бизга рўбарў бўлди. Унинг бепарво туриши ҳаммамизни ҳижолатга солди. Деканнинг на-

сиҳатларига: «Мен ёшликдан шундай юришга ўрганганман», деб қўрслик билан жавоб берди.

Шайх Саъдийнинг шундай бир ҳикмати бор:

*Кимга ёшликдан берилмас одоб  
улгайгач бўлади бахтсиз, дили ғаш.*

Шу ҳикмат маъзини чақолмаган бундай қизларнинг ёнимизда борлиги биз — ўқитувчиларни қаттиқ ранжилади.

### СЕВИШГАН ҚИЗ БИЛАН ЙИГИТ УРТАСИДАГИ МУНОСАБАТ

В. Короленко айтганидек, қуш учиш учун яратилганидек, инсон бахт учун яратилган. Баъзи ёшларнинг кўча-кўйда юриш-туриши, ҳеч тортинмай қизнинг елкасига қўл ташлаб ёки белидан қучиб туриши каби ҳолатлар кишини ғазаблантиради. Ахир севги сир сақланадиган, пок ва дахлсиз нарса, уни кишилар ўртасида намойиш қилиш сохталик ва одобсизлик эканини наҳотки ўша ёшлар тушунмасалар? Баъзи ёшларнинг юзаки ишқ-муҳаббатлари, пуч, оддий ҳавас, ўткинчи эҳтирос натижаси эканини тушунмай, мўътабар ота-оналари маслаҳатсиз, уларнинг розилигисиз оила қурадилар. Бундай одобсизларча «севиш» ва «севилиш» характерлари тўғри келмай ажралишларига олиб келади.

Студентлар М. исмли қиз Т. исмли курсдоши билан яқин муносабатда бўлади. Бу муносабат ҳатто жамоатчиллик орасида ҳам ошкор бўлади. Битирув имтиҳонидан сўнг уйига бориб, ота-она розилиги билан совчи юборишни ваъда қилган номард йигит ўз хоҳиши билан армия сафига кетиб, бир неча ойлардан сўнг адрессиз хат йўллайди ва қизнинг ихтиёри ўзида экани, кимга турмушга чиқса, чиқавериши мумкинлигини билдиради. Қизнинг ой-куни яқинлашиб, йигитнинг уйини сўроқлаб борган, унинг онаси билан бирга яшаётган эди. Қизнинг бундан кейинги ҳаёти қандай ўтиши ҳаммага аён. Севиш ва севилишда ҳам одоб билан иш кўриш, бундай кўнгилсиз оқибатларга олиб келмайди, албатта.

— Ёшлар жамиятда киши ўз юриш-туриши учун жавобгарликни ҳис қилиши сингари ахлоқнинг муҳим томонларига катта қизиқиш билан қарамоқдалар. Улар илғор ишчи ва колхозчиларга тақлид қилиб, комсомоллик виждони талаб қилганидек, юрак амри билан ўқишга, ишлашга астойдил киришмоқдалар ва ўзларини ҳар қачон яхши тутишга ҳаракат қилмоқдалар.

Ватанимиз гуллаб-яшнаган, одамларимизнинг онги ошган, дўстлигимиз мустаҳкамланган сари биз, совет кишилари, баъзи одамлар хулқ-атворида учрайдиган салбий томонларга сира тоқат қилолмайдиган бўлиб қолдик.

Мана, битта мисол.

Кутубхонадаги кўп китобларнинг биринчи курсларга керакли жойлари йиртиб олинган. Буни ким қилган? Фақат ўз манфаатини кўзлаган, орамизда юрган қандайдир ноинсоф студент қилган, албатта. Бу худбинликдан бўлак нарса эмас. Китоб қадрига етмаган, ўз устида ишлашни истамайдиган текинхўрнинг қилиғи бу. Бир киши келтирган зарар юзларча студентларга завол Ана шу зараркунанда студентларнинг «дўстлари» ҳам бордир. Шу кимсанинг китобга нисбатан ваҳшийлигини улар билишар, билиб туриб индашмас. Бу билан улар ўзларининг қўрқоқлиги, дўстига ҳамфикрлигини билдирадиларда.

— Орамиздан икки баҳо олувчи студентлар ҳам йўқ эмас. Улар жамият олдидаги бурчларини унутиб қўймоқдалар. Бундай студентларнинг ёмон қилиқлари ўзгаларга ҳам таъсир қилмай қолмайди. Буни ҳар биримиз назарда тутишимиз керак.

Жамиятимизнинг ахлоқ принципларидан бири — бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун жавоб беришидир. Шунга кўра қолақ студент, китобни йиртадиган студент, ўзи яшаб турган жойнинг озода бўлишига жон куйдирмайдиган студентнинг бўлиши мумкин эмас.

Биз ҳар бир киши учун жавоб берамиз. Чунки биз дўст, ўртоқ, биродарлармиз.

— Сиз бахтни қандай тушунасиз? Оилавий бахтга эришиш учун нима қилмоқ керак?

— «Бахт тилакда эмас, билакда», «Бахт йўлда эмас қўлда», «Бахтли одамни излама, бахт йўлини изла», дейди доно халқимиз. «Бахт» тушунчасини ҳар ким ўзича тушунади. Эндигина мактабни тугатиб олий ўқув юртига ёки ўзи севган касби бўйича ишга жойлашган қиз ёки йигит ўзини бахтли ҳисоблайди ёки институтни имтиёзли диплом билан битириб, ўз касбининг моҳир устаси бўлса, у ҳам ўзини бахтли деб билади. Шулар билан бирга ўзи ёқтирган киши билан турмуш қурса, ўзини бахтли санайди. Лекин, менимча, оилада бахтли бўлиш энг яхши бахт бўлса керак. Фараз қилайлик. Иш жойида, маҳалла кўй, ошна-оғайнилар ўртасида обрў

эътибори яхши, ҳамманинг назарида бахтлидек туюлган шахс оиласида бахтли бўлмаса, унга бундай бахт татимаса керак. Шунинг учун ҳар бир инсон оилавий бахт учун курашмоғи лозим. Яъни қўл қовуштириб нима бўлса шу бўлсин дейиш ярамайди.

— Институтга ўқишга кириб, ўзини бахтли ҳисоблаб, келажак ҳаётига енгилтаклик билан қараш натижасида бахтсиз бўлаётган кишилар ҳам бор.

Бахтли бўлиш, бахтга эришиш ҳамманинг ўзига боғлиқ.

Ҳар бир инсон ўз оиласида бахтли бўлса, бошқа жойда ҳам бахтга эришиш осон бўлса керак. Шунинг учун эндигина оилавий ҳаёт остонасига қадам қўйган келин-куёвга ҳам айтиладиган, билдириладиган тилак шу оддий «бахт» сўзи билан бошланади. Бахт ҳақида жуда кўп гапириш мумкин, чунки бахтнинг ўзи жуда кўп қиррالي. Унга эришиш учун жуда кўп курашмоқ лозим. Йўлда учраган қийинчиликларни енга олган унинг удасидан чиққан кишигина ўз бахтига эриша олади.

— Оила бахти учун нималар муҳим?

— Аввало ҳар бир йигит ва қиз оилада яхши тарбия топган бўлиши керак.

Икки ёш ўз муҳаббатларини синовдан ўтказиб, сўнг-ра турмуш қургани дуруст. Ёш келин ва куёв бир-бирини ҳурмат қилса, тушунса, лозим бўлганда ён беришни билса, рўзғор тебратишда режа билан иш юритса, чаққон-лобар бўлса, қайин-бўйинларини ўз ота онаси, опасинглиси, ака-укасидек кўриб сийласа, оилада тотувлик, бахт-саодат ҳукм суради.

## БАҲС

### Тема: Ўртоқлик ва дўстлик

#### Саволлар:

1. «Ўртоқ», «дўст», «биродар» тушунчаларини биласизми?

2. Жамият ҳаётида, инсон камолотида ўртоқлик, дўстлик муносабатларининг аҳамияти, қандай?

3. Кимни дўст деса бўлади? Қандай қилиб дўстларни кўпайтириш мумкин?

4. Дўстлик бўрондан кучли, пўлатдан, мустаҳкам, аини вақтда гулдан нозик дейишади. Нега?

5. Севги, муҳаббат ўртоқлик ва дўстликдан бошланади. Бу ҳақдаги фикрингиз?



— «Ўртоқ» — Советлар юртида ҳар бир гражданин бир-бирига ўртоқ. Совет кишилари бир-бирларига «ўртоқ» деб мурожаат қиладилар.

Биродар тушунчаси «ака-ука» маъносидадир. Киши таниш-билишларига худди ака-укага бўлган меҳру муҳаббат билан «биродар» деб мурожаат этади.

Дўстлик — кишиларнинг ишлаб чиқариш ва турмуш жараёнида шаклланидиган барқарор муносабатини, шунингдек коллектив миллат, халқлар ўртасидаги ўзаро яқинликни ифодаловчи ахлоқий муносабат шакли. Дўстлик ўзаро яқинлик, ҳамкорлик асосида, умумий манфаатлар, умумий ишонч ва эътиқод, умумий дунёқараш асосида пайдо бўлади ва такомиллашади. Дўстлик маънавий бирлик асосида вужудга келиб, ўзаро ҳурмат, ишонч ва ёрдам орқали мустаҳкамланади.

Жамият ривожланишида ўртоқлик, биродарлик ва дўстликнинг аҳамияти катта. Кишини киши эксплуатация қилишга асосланган жамиятда меҳнаткаш халқ оммаси ҳамда илғор мутафаккирлар ўртасида ҳақиқий дўстлик шаклланиган. А. И. Герцен ва Н. П. Огарев, Н. Г. Чернышевский ва Н. А. Добролюбов, Навоий ва Жомий, пролетариатнинг гениал доҳийлари К. Маркс ва Ф. Энгельс ўртасидаги дўстлик дўстликнинг буюк намуналаридир.

Социалистик жамиятда дўстлик ҳақиқий равнақ топди. Социализмда шахснинг миллий, ирқий чекланишлари тугатилди ва унда инсонларнинг дўстлиги асосида коллективизм, интернационализм, гуманизм ётади. Коммунистик жамият қуриш жараёнида дўстликнинг аҳамияти ортиб, мазмуни бойиб бормоқда. У шахсларнинг ўзаро яқинлигида эмас, халқлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Халқимизнинг «Киши то тирик экан, дўст орттириши керак», «Дўст орттирмоқнинг ягона йўли — дўст бўлишдир», «Бенуқсон дўст ахтарган — дўстсиз қолар» ва бошқа жуда кўп нақллари борки, булар бежиз айтилмаган.

Дўстлар дўстлик қоидаларига риоя қилиши зарур. Қимнинг дўсти кўп бўлса, дўстлари унинг улуғ хазинасидир. Янги дўст топганда эски дўстлардан юз ўгириш мунофиқликдир. Баъзи кишилар ярим дўст бўладилар ва улар билан яхши муносабатда бўлинса, аста-секин чин дўстга айланадилар. Ақлсиз билан асло дўстлашиш керак эмас, ақлсиз, нодон дўст ақлли душмандан ёмондир. Дўстим кўп деб ҳаммага бирдек қараш ҳам хато.

Мўл-кўл вақтингда ўзини дўст тутиб, муҳтожликда ташлаб кетадиганлар ҳақиқий дўст эмас, ош-нон дўстидир. Ҳасадли кишилар билан дўстлашиш хато, адоватли, ҳасадгўй кишилар дўстликка лойиқ эмас. Дўст уйининг йўли ҳеч қачон узоқ бўлмас. Уни йўқлаб туриш зарур.

*Жаҳоннинг шодлиги йиғилса бутун,  
Дўстлар дийдоридан бўлолмас устун,  
Ҳар қанча бўлса ҳам оламда аччиқ,  
Аччиқроқдир доно дўстдан айрилиқ.*

Ўзаро ҳурмат бўлмай туриб, ҳеч қандай дўстлик бўлиши мумкин эмас (А. С. Макаренко). Дўстлик гул каби нозик. Ноўрин бир сўз ёки ножўя ҳаракат орқали сезимли дўстдан ажралиб қолиш мумкин.

*Дўстим қолсин десанг мангу дўст бўлиб,  
Сўзлагил сен таъбу одатин билиб.*

Дўстлик пўлатдан мустаҳкам, бўрондан кучли. Вафодор дўстинг бўлса, барча қийинчиликларни осонлик билан енгасан.

*Икки дўст тураркан елкама-елка,  
Тоғларни ҳам осон айлайди тилка.*

Дўстлик, ўртоқлик инсонни бир-бирига яқинлаштиради.

— Самимий, идеал дўст топишга интилмайдиган кишини тасаввур қилиш қийин. Шу нарса ажабланарлики, дўстлашишни истаган барча кишилар бир-бирига қанчалик ўхшамайдиган одамлар бўлишига қарамай, улар орзу қиладиган дўстнинг образи бир хилдир. Бу дўст албатта фикрингни оғиз очмасингдан тушунадиган, ҳам доим беғараз ёрдамга тайёр, саҳоватли, ҳаётда омади, келган кишидир. Сен унга ишонасан, бутун юрак сирларингни айтасан ва энг оғир дақиқаларда ҳам унга суянасан.

«Дўстликнинг асоси ирода, дид ва фикр-мулоҳазанинг батамом бир-бирига мувофиқ келишидан иборатдир» (Цицерон). Бироқ, ўзи билан ҳамфикр бўладиган бундай кишини топиш ҳаётда камдан-кам кишига nasib этади. Бундай дўст сенинг яхши-ёмон сифатларингни тарозига солиб тортмайди. Сенинг хатоларингни қидириб қайта-қайта синаб ўтирмайди. Ўзи ҳам сендан кечмайди, сенинг ҳам ундан кечиб кетишингга сабаб бўладиган ишларни қилмайди. Сен билан дўстликни бошлашдан олдин умумий ~~иттифоқлар~~, орзу-истаклар, қизиқиш-

лар бир-бирига мос бўлиши учун ҳаракат қилади. Менимча, мана шундай олижаноб қалб эгаларини дўст деб атасак янглишмаймиз.

Хушмуомала, ростгўй, меҳрибон кишиларнинг дўстлари кўп бўлади, албатта. Бу дўстлар эса узоқ сафарга чиққанда, мусофир юртларда юрганда қалб-қалбга тўғри келганда орттирилади.

— Инсонлар ҳамхона, қўшни бўлиб яшаш жараёнида содиқ дўст ва дугоналар орттирадилар. Ҳар бир совет кишиси боғчага, мактабга борган пайтлариданоқ ўзига дўст ахтара бошлайди. Шу пайтдан бошлаб дўст сўзининг маъносини тушуна боради. Дўстлик сўзининг маъноси кишиларнинг бир-бирига ҳурмати, иззати, меҳрибонлиги керак бўлганда ўртоқларига ёрдам беришдан иборатдир. Қимми дўст дейиш мумкин, деган саволга мен шундай жавоб бермоқчиман: Ўз ўртоғи, дугонаси учун жонини беришга ҳам тайёр турадиган, ўртоғининг бошига тушган мусибатларга шерик бўладиган ва унга қўлидан келганича ёрдам берадиган мард ва жасур кишини дўст дейиш мумкин.

Айниқса ота-онадан, оиладан узоқда яшаб турган ёшлар тез иноқлашиб кетадилар. Улар бир-бирига турмуши гўзал ва мазмунли кечиши учун катта ёрдам берадилар.

Ўқиш жараёнида чинакам дўстлик биз ёшлар учун илму ҳунар билан баробар зарурдир.

Садоқатли дўстлари кўп бўлган инсон бахтиёрдир. Кишининг илму ҳунари туганмас бойлиги бўлса, дўстлари, дугоналари — иқболи ва истиқоболининг мустаҳкам таянчидир.

Студентлик ҳаётида инсон бошидан хилма-хил кечинмалар ўтади. Шодланганингизда ҳам, ғам-ташвишларингизда ҳам сизни ёлғиз қолдирмайдиган кишилар — дўстларингиз, дугоналарингиз бўлади. Улар билан қийинчиликларингиз ҳам енгиллашади.

Дилингизни ғам, ташвиш босганда ичингиздаги дардларни айтиб, юрагингизни бўшатадиган кишилар ҳамхона дўст-дугоналарингиз бўлади.

Одам ҳар томонлама қобилиятли, истеъдодли бўлсада, бошқа одамларнинг, дўст, ёру биродарларининг фойдали маслаҳатларини менсимаса, эл ҳурматига сазовор бўла олмайди. Ўзига муносиб, садоқатли, ақли расо, ҳамдард танлай олиш кишидан катта ақл ва дид-фаросатни талаб қилади.

Дўстнинг қандай эканлиги инсоннинг боши ёстиқ-

қа текканда билинади. Инсон бетоб бўлиб қолса, яқин дўстларини қумсайди. Улар билан кўришса, бир нафас суҳбатлашса, дарди енгиллашади. Шунинг учун ҳам «дўстнинг нигоҳи кўзга тўтиё, каломни дардга мўмнё», дейдилар.

Инсон ўзига кўп дўстлар орттириш учун улар билан ишонч ришталарини боғлай олиши лозим. У ўзининг достгўйлиги, дилидаги бор гапларни очиқ-ойдин айтиши, асло мунофиқлик ва рнёкорлик, маккорлик қилмаслиги зарур. Шундагина инсон дўст орттириши мумкин.

Улуғ Ватан уруши йилларида бутун совет халқининг мустаҳкам, бузилмас дўстлиги туфайли фашистлар Германияси устидан ғалаба қозондик. Дўстлик жангларда тобланди.

*Дўстлик — инсоннинг олий қиммати,  
Дўстлик — инсоннинг кадр-қиммати,  
Дўстингга ёмонлик кўрмагил раво,  
Дўст кўнгли оғриси топилмас даво.*

Ҳақиқий дўст ҳеч қачон ўз дўстига ёмонликни раво кўрмайди. Дўстининг хурсандчилигини ҳам, ғам-ғуссасини ҳам бирга баҳам кўради ва шу билан бирга дўстининг камчиликларини ошкора айтади.

Халқимизда «Юз сўм пулинг бўлгунча юзта дўстинг бўлсин», деган нақл бор. Агар киши ўз ҳаёти давомида бирор дўст орттирмадими, демак унинг умри бекор, мазмунсиз ўтган ҳисобланади. Шоир Эркин Воҳидов айтганидек:

*Дўст билан обод уйинг, гар бўлса у  
вайрона ҳам,  
Дўст қадам қўймас экан, вайронадир  
кошона ҳам...*

Инсон ҳаётининг энг самимий муносабати бўлган сеvgи ҳам дўстликдан бошланади. Аввал дўстлашиб, сеvgиб, сўнг турмуш қуриб, бахтли ҳаёт кечираётган кишиларни ҳаётда жуда кўп учратиш мумкин:

*Дўстлик кўпроқ ўхшар сеvgига,  
Дўстлар учун айрилмоқ малол,  
Дўстлик сўзин етсанг тагига,  
Сеvgидан ҳам қиммат эҳтимол.*

Демак, дўстлик севгидан ҳам ортиқ бир кучдир.

Йигит билан қиз ўртасидаги ҳар қандай дўстликни ҳам яқинлик муносабатига йўйиш тўғри эмас. Аксинча, ёшларга дўстлик, чин дўстлик қандай бўлиши кераклигини тушунтириш, ўргатиш керак. Йигитлар билан қизлар ўртасидаги дўстликнинг афзалликларидан бири шуки, йигит ўз дўстлашган қизга ҳурмати сабабли бошқа қизларни ҳам ҳурматлашга одатланади. Ўзида мавжуд бўлган нуқсонларни, дағал хатти-ҳаракатларни йўқотишга тиришади. Қиз ҳам унинг ҳурматиға жавобан йигитларга ҳурмат билан қарашни ўрганади.

Қиз билан йигит ўртасидаги дўстлик табиий. Бунинг ҳаёсизликка ҳеч қандай алоқаси йўқ. Чунки биз ҳаммамиз — йигит ҳам, қиз ҳам, катта ҳам, кичик ҳам бир мақсад йўлида хизмат қиламиз, ўқиймиз. Беғараз дўстликдан кулиш эмас, уни қўллаб-қувватлаш керак.

— Аслида севги ўртоқликдан самимий дўстликдан бошланади.

*Дарёнинг охири денгиздир албат,*

*Дўстлик охири бўлур муҳаббат.*

Янги танишган йигит ва қиз дастлаб «севги»ни ўйламайдилар. Аста-секин улар орасидаги дўстлик, самимийлик, меҳр-муҳаббат ортиб борган сари «севги» пайдо бўла бошлайди.

Баъзи қизлар «бир кўришда севиб қолдим», «куйдим», «ёндим» деб юрган йигитларнинг ширин сўзларига учиб, тез орада оила қурадилар. Лекин, афсуски, бу оиланинг замини мустаҳкам бўлмайди.

«Севги» деганда икки ёшнинг бир-бирига чин севгиси, дўстлиги, самимий ҳурмати тушунилади. Севгини доимо ҳурмат қилиб, асраш лозим. Севган ҳамда севилган кишида ҳамма вақт инсонга хос фазилатлар етарли бўлиши керак.

Ҳаётда шундай севгилар ҳам борки, улар пинҳона пайдо бўлади. Баъзи қизлар ўзи билмаган ҳолда йигитларни севиб қолади ва, аксинча. Бу пайтда икки қалб бир-бирига ўз севгисини билдиришга ҳаракат қилади-ю, лекин қизлик ғурури йўл қўймайди.

*Гар йўлда қоқилсинг*

*дармон муҳаббат.*

*Гоҳида юракда тўфон муҳаббат.*

*Гар пинҳон севса-ю,*

*севилса пинҳон*

Бизнинг тилагимиз ҳаётда барча севишган қалблар мақсадига етсин! Уларнинг ҳаёти барчага ўрнак бўлсин!

### БАҲС, МУНОЗАРА, СУҲБАТ НАМУНАЛАРИ<sup>1</sup>

**Тема:** Севги-муҳаббат — инсоннинг ноёб туйғуси

— Ф. Энгельс сўзи билан айтганда: «Машаққатлар орасида энг олижаноби, энг юксаги ва энг индивидуаллиги — муҳаббат машаққатидир».

— Ҳақиқатан ҳам юрагида муҳаббати бўлган инсон олижанобдир. Лекин бундан севган ва севилган киши олижаноб бўлавереди, деган фикр келиб чиқмайди. Бунинг маъноси шуки, агар кишининг муҳаббати ҳаққоний бўлса, у севган кишисига фақат яхшилик кўзи билан қараб, ўзи кўнгил қўйган инсонни машаққатлар чекиш эвазига бўлса-да, бахтли қилиш учун курашади.

Муҳаббат чўққисининг юксаклиги шундаки, уни забт этиш ҳар кимга ҳам насиб қилавермаганидек, чин севгини ҳеч ким ўзига кашф этиб бирорта юракка мажбуран кирита олиш қудратига эга бўлган эмас.

Севгининг ягоналигини у инсон ҳаётида фақат бир мартагина учраши, уни қайтадан яратиб бўлмаслигини яққол исботлайди.

— Чин севги-муҳаббатни қандай тушунасиз?

— Мен ҳақиқий севгини биринчи навбатда фидойилик, кейин эса инсонийлик ва вафодорликда деб тушунаман.

— Қиз ёки йигит бировни севиб қолса, қандай иш тутгани маъқул?

— Сева олмоқлик ҳам буюк бир бахтдир. Бахтга машаққатсиз эришилса, у қадрли бўлмайди. Лекин бу билан фақат машаққатли бахтга эришиш учун курашиш керак, демоқчимасман. Мен айтмоқчиманки, энг аввало инсон ўша ўзи ёқтирган кишисидаги фазилат ва нуқсонларни, унинг ижобий ва салбий томонларини, нимага кўпроқ қизиқишини, нимани ёқтиришини яхши билиб олганидан кейин, энг асосийси унга бахт ҳадя этаман деб, аксинча, уни бахтсиз қилиб қўймаслигини ўрганиб

<sup>1</sup> Булар Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти студентлари билан ўтказилган.

олганидан сўнггина юракдаги туйғуларини унга ошкор этса яхши бўлади.

— Қиз ёки йигит бировни севиб қолса, аммо у бошқани сева, нима қилиш лозим?

— Мен ушбу саволга жавоб беришдан олдин бир шоирнинг қуйидаги мисраларини келтиришни лозим топдим.

*Майли тоза севгим йўлида,*

*Қанча азоб бўлса чекайин.*

*Ахир инсон эрки қўлида.*

*Севмоқ осон, севилмоқ қийин.*

Ҳақиқатан ҳам севилмоқ машаққатли ишдир. Агар да севганингизнинг ўз ишонган севгилиси бўлса, бунга ҳеч қандай чора кўриб бўлмайди. Чунки сиз уни севдингиз, унга олижаноблик билан бахт ҳадя этишни истайсиз. Лекин, мана шу сиз унга ҳадя этмоқчи бўлган бахт уни ўз севгилисидан жудо қилиш ҳисобига бўладиган бўлса, у ҳолда сиз фақат бир кишини эмас, балки икки кишини буюк бахтидан маҳрум қилиб қўйишингиз мумкин. Агар армон билан бўлса-да, муҳаббатимга содиқ қоламан десангиз, уларга ҳеч қачон ёмонлик истаманг, аксинча, тоза ҳис-туйғуларингизни самимий дўст тариқасида уларга сарф қилишга урининг. Ахир, севи фақатгина турмуш қуриш билангина чегараланиб қолмайди-ку?

— Қиз бола оилали эркакни севиб қолса-чи?

— Менинг фикримча, бундай севгидан воз кечмоқ керак. Балки, айтишгагина осон, дерсизлар. Наиллож. Бошқача бўлишини тасаввур қилишни ҳам истамайман. Ахир ўйлаб кўринг, сиз онажонини ой, отажонини қуёш деб билиб уларнинг меҳр-муҳаббати остида униб келадиган ёшгина ниҳолларни пайҳон қилиб, ўрнини ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайдиган «қуёш»ларни тортиб олмоқчимисиз ва бунинг эвазига ўзингиз янги бир гулзор яратмоқчимисиз? Йўқ, асло бундай қила кўрманг, бу билан сиз ўзингизни ҳам, келажакингизни ҳам заҳарлаб қўясиз, чунки оилали ўша эркак сиз ўйлаганчалик «тўқис» бўлса, ҳеч қачон бебурдлик қилмаган, норасида фарзандларини ўқситмаган бўлур эди.

Педагог изоҳи:— Шу ерда бир нарсани айтиб ўтиш лозим. Баъзи қизларимиз муҳаббат деб бола-чақали эркакка кўнгил қўядилар. Бундай муҳаббатнинг охири кўнгилсизлик билан тугаши турган гап. Чунки бировнинг

бахтига бахт қуриб бўлмаслиги маълум. Бундай воқеалар қиз боланинг тажрибасизлиги, қолаверса ўзига ўзи «Мен нима иш қилаяпман, бунинг оқибати нимага олиб боради» деган саволни бериб кўрмаганлиги натижасидир.

Номард қилғиликни қилиб қўйиб, сўнг бола-чақаси борлигини «ўйлаб қолади».

Сизнинг тақдирингизни ўйладими?

Йўқ. Шундай қизларга савол билан мурожаат этсангиз, хотинига кўнгли йўқ эмиш деган баҳонани рўқач қиладилар. Балки ўша аёл бир вақтлар Сиздан ҳам сукудироқ бўлганини тасаввур эта оласизми?

Борди-ю ўша аёл сизнинг яқин кишингиз бўлса-чи? Албатта, ўша қизни лаънатлаган бўлардингиз. Пичоқин олдин ўзингга ур, оғримаса бировга, деган гап бекорга айтилмаган.

Қишилар шунақаларни кўрганда қўлларини бигиз қилиб «анави», «ўшани хотини», «болаларини қақшатиб тегиб олган» ёки «ўша» оилали бўла туриб ёш қизга уйланиб олган «куёв тўра» деб кўрсатишади. Бундайлар ҳақида жамоатчилик аллақачон ўзининг адолатли «ҳукмини» чиқарган. Бунақалар умрбод виждон азобида яшайди, одамларга қарай олмайди. Болалари катта бўлгач бир куни юзига солишини ўйламайди. Ўртада ота-она иснодга қолади, ёмон отлиқ бўлади. Кўча-куйда бошини кўтаролмай қолади. Охири касалликка чалинади, барвақт қариб дунёдан эрта кўз юмади. Ота-она шу умидда фарзанд ўстирганмиди?

Қизлар, ўзингизни бир умр виждон азобига қўядиган хатти-ҳаракатлардан эҳтиёт бўлинг, кўрган кўз қувонсин, ота-онангизга раҳмат айтсин!

Қиз бола номусига доғ тушириб қўйса, қандай иш тутгани маъқул?

— Ҳаётда бундай воқеалар оз бўлса-да учраб туради. Тўғри, иқдор бўлиш керак, ҳеч қандай хато қилмасдан яшашнинг ўзи мумкин эмас, аммо атрофга қаранг, дугоналарингиз, дўстларингиз бахтни қандай талқин қиляптилар. Нима учун ва нимага интилиб яшамоқдалар, нима учун оппоқ ҳарир либосларда қўлларида гул, юзларида севинч ва ҳаё билан бахт уйининг остоналарига қадам қўяётганларни кўрганда беихтиёр чексиз ҳавас билан боқиб уларга йўл бўшатишади, нима учун бағри кенг отангиз, мунис онажонингиз туну кун бошингизда парвона бўлиб, сизнинг бахтингиз, келажак-



гингиз ҳақида қайғурадилар. Айтинг-чи, нима учун? Шунинг учунки, ҳаёг инсонга бир маротаба берилади, демак, шунчаки эмас, чинакамига яшамоқ, ўткинчи «бахт»нинг қурбони бўлиб эмас, ҳақиқий бахтнинг султони бўлиб яшамоқ керак экан. Демак, улар ҳам чинакамига яшашнинг тарафдори эканлар. Лекин, энди иложингиз йўқ, сиз уларнинг ишончини оқлай олмадингиз. «Наҳотки инсон ўз айби, ўз хатосининг ўйинларига бир умр ўйнаса», деб оҳ-воҳ чекиб ўтиришдан ҳам бирорта наф йўқ. Шунинг учун энди албатта ақл ва чидам билан иш тутинг-да, агар ҳаётингизда бирор йигитни ёқтирсангиз, қилган хатоингизга иқрор бўлиб ундан кечирим сўранг. Инсон ҳаётга яшаш учун келади, жумладан, сиз ҳам яшашингиз керак. Агарда ўз виждонингиз олдида сўз бериб бундан кейинги ҳаётингизни сабр, чидам, юксак меҳр-муҳаббат билан мустаҳкамлаб олишга интилсангиз, албатта бахтли бўлиб кетишингизга ишонаман.

— Қиз ёки йигит бировни севса, аммо ота-оналар унга розилик бермасалар-чи?

Қиз ёки йигит бир-бировини севса, агар уларнинг муҳаббати ҳақиқий бўлса, бу катта бахт. Ота-оналар рози бўлмасликлари мумкин. Бунинг сабаблари жуда кўп. Йигитнинг ота-онаси юқори лавозимда ишласа, қизнинг ота-онаси эса оддий хизматчи бўлса ва, аксинча. Қиз ёки йигит хўжалардан бўлса, йигит тошкентлик, қиз эса хоразмлик бўлса, қизнинг ота-онасида йигит ота-онасининг қасди бўлса ва ҳоказо.

Демак, шундай экан деб йигит ва қиз ҳам ўз муҳаббатларини поймол қилмасликлари керак. Ота-оналарга таъсирларини ўтказа оладиган баобрў кишиларни ўртага қўйиш; қариндош-уруғлар ёки маҳалла комитетлари, қолаверса ёру дўстларга мурожаат этилса, иш яхшилик билан битади. Ота-она ўғил-қизининг бахтли бўлиб кетишига ишонса, албатта розилик беради. Бу борада ёшлар ота-оналарнинг юзини ерга қаратмасликлари лозим. Кейинги йилларда ёш оилаларнинг бузилиши кўпаймоқда. Бунга сабаб ёшлар ҳаётни фақат севгидан иборат деб тушунишидир. Менимча, севги бобида ҳар бир йигит-қиз «етти ўлчаб бир кес» нақлига амал қилишса, айни муддао бўлади.

— Севган кишинг сенга бевафолик қилса-чи?

Йигитда севгининг белгиси дадиллик, қизда эса тортинчоқликдир.

Агар севган кишинг севга бевафолик қилса, демак у йигит сени севмайди, сохта севгиси билан сени алдаган, бундай йигит учун ҳеч қачон куйинма, қудратинг, ироданг билан уни енг, токи у йигит бир умр қилган ишига пуйшамон бўлсин.

Агар у оила қурса, янги оиланинг бузилишига йўл қўйма. Уларга бахт талаб, уни унутишга ҳаракат қил. Сени ҳам ҳақиқий севги билан бахтли қиладиган инсон топилади. Ҳаёт курашдан иборат.

— Севгида, оила қуришда янглишмаслик учун нима-лар қилиш шарт?

Педагог изоҳи:— Қиз бола севгида оқила ва талабчан бўлгани яхши. «Муҳаббат қайноқ ҳис-туйғу, аммо унга ақл-идрок ҳомийлик қилмоғи керак»,— деган эди. В. А. Сухомлинский. Ҳа, баъзи ёшлар ўзларини ўта эркин ҳис қиладилар. Севги-муҳаббат, оила қуришда бу «эркинлик» кўпинча кўзларини «кўр» қилиб, ақл-ҳушларидан адаштиради. Тўғри, ҳозирги ёшлар эркин, ўз тақдирини ўзи ҳал қилиш ҳуқуқига эга. Лекин ахлоқий эркинлик билан бир қаторда инсонда ахлоқий бурч ҳам бор-ку, ахир!

Оила беш кунлик ҳузур-ҳаловат эмас, балки икки ёшнинг тўлишган муҳаббатининг меваси, бир умрлик аҳду паймони, вафо-садоқатидир. Уткинчи ҳис-туйғулар қурбони бўлиб, бир умрга бахтсиз бўлиб қолган ёшлар йўқми? Ҳоҳ йигит, хоҳ қиз бўлсин, аввало ҳис-туйғуларини жиловлай олиши керак. Кўнгилга қарасанг қоларсан уятга, ақлга кенгашсанг етарсан муродга, дейди халқимиз.

Эртанги кунни ўйлаш, кўра олиш ҳам оқил кишининг иши.

Айтайлик у сизга ёқиб қолди. Оромингизни йўқотдингиз. Назарингизда усиз ҳаёт йўқ. «Эҳтиросли севги» бора-бора ақлингизни лол, кўзингизни кўр қилди. Охири сиз «бахт» деб ўйлаган ўша «муҳаббат» қанча алам-хўрликлар келтирмайди дейсиз. Шунингдек, ота-она, дўстлар олдида юзингиз шувут бўлади. Ўзбошимчалик бошингизга етади. Келинг, яхшиси. туғруқхоналарнинг бирида содир бўлган воқеани эшитинг. Туғриқхонага 20 ёшлардаги аёлни олиб келишди. Кўп ўтмай у фарзанд кўрди. «4 кило 200 грамм, ўғил туғибди» деган шов-шув тарқалди. Фарзанд кўрган бир аёлу, қувончга тўлган бутун туғруқхонадагилар бўлди. Аммо бу қувонч кўпга чўзилмади. Орадан ярим соат ҳам ўтмай

хоналарга иккинчи хабар тарқалди. «Она боласидан воз кечармиш». Ҳамманинг юрагига ўт тушди, тинчлиги бузилди.

Наҳот шундай қилса? Бу фаросатли, ақлли аёлнинг иши эмасди. Бундай фожиа ҳеч кимнинг ақлига сизмасди. Туғруқхонанинг бош врач, юрист маслаҳатчиси ва бир неча аёл у билан алоҳида суҳбатлашиб, бунинг сабабларини сўрашди. Шунда қиз «Студентман, тўйим ҳам бўлмаган. Ота-онам мени ўқисин, илм олсин доб Тошкентга юборишганди. Энди бу воқеани эшитишса, улар олдида ким бўлдим.

Шундай соғлом боламни ташлаб кетиш мен учун ҳам оғир. Аммо ўзга чорам йўқ, деб йиғлар, юракдаги нола-си авжига чиқарди. Биз унинг кўзёшлари сабабини тез тушундик. У ташлаб кетаётган фарзанди учун эмас, алданиб қолиб, завола бўлган ўз умри учун қуйиниб йиғларди.

Туғруқхона коллективи онани юпатди, насиҳат қилиб кўнглини кўтаришди. «Оталаримиз, оналаримиз ҳамма вақт кечирувчан бўлишади. Яхшиси сиз болангизни олиб бош эгиб ота-онангиз олдига боринг. Ҳаммаси яхши бўлиб кетади», дейишди. Минг афсуски, фарзанд увол бўлишини заррача ўйламай ташлаб кетди. Унинг назарида тақдир ўйинчоқ, фарзанд эса ўша тақдирнинг ташландиғи эди.

Баъзилар буни эшитиб «тўғри қилибди, болани хор қилиб ўстиргандан кўра вақтида болалар уйига топширгани яхши бўлибди. Энди давлат боқади, кийдиради, ўқитади», дейиши мумкин. Ҳозир тўқчилик замон, етим фарзанднинг ўзи йўқ, давлатимиз ота-онасиз болалар эркин ва баркамол ўсиши учун ҳамма шароитни муҳайё қилиб қўйган. У ёлғиз қолмайди. Ҳамма тенгдошлари қатори кийинади, илм олади. Лекин шунини унутмаслик керакки, ўша фарзанд бир умр табиат ато этган ота-онанинг ғамхўрлиги-ю эркалашидан ва меҳру муҳаббатидан маҳрум бўлади. Бу эркалаш, меҳр ўрнини бошқа ҳеч нарса босолмайди.

Ёшларга айтадиган маслаҳатимиз: Хўш, ёқтирган кишингиз билан турмуш қурнишга аҳд қилдингиз. Қатор саволлар туғилади: бу масъулиятли вазифага ўзингизни тайёр деб биласизми? Ота-она розилигини олдингизми? Оила тебратишга қурбингиз етадимми? Бирор касб-ҳунарга эга бўлдингизми? У сизнинг қадригизга етадимми? Оила бахти учун, умрни яхши ва мароқдан ўтказиш учун

нималар муҳим? Ана шулар устида яна бир ўйлаб кўринг. Ҳаммасига ижобий жавоб бера олсангиз оилавий ҳаётга бемалол қадам қўйишингизни маслаҳат берардик. Агар шулардан биронтаси етишмаса, бу ишга шошилмаганингиз маъқул.

— Ёшлик — одамнинг ўз олдига катта мақсадлар қўядиган, уларга эришишни ва шахсан бахтли бўлишни орзу қиладиган давридир. Бу даврда йигит-қизлар дўстлик ва муҳаббат, қизлик иффи ва йигитлик ғурури, жисмоний ва маънавий гўзаллик, йигит-қизлар ўртасидаги муносабатларга доир саволларга зўр бериб жавоб излайди. Буларнинг ҳаммаси уларни ҳаяжонлантирадиган муҳим масалалардир.

Баъзан йигит ёки қиз тўсатдан севиб қолади, ундаги сеvgи шу қадар кучли бўладики, уни ҳаяжонга солиб, довдиратиб қўйганлигидан бошқаларнинг ёрдамига эҳтиёжманд бўлади.

Ёшларни ҳаётий темаларда кўзини пишитиб бориш мақсадида ўтказиладиган бахс кечалари катта тарбиявий аҳамиятга моликдир. Масалан, «Севишган қиз билан йигит ўртасидаги муносабат», «Муҳаббат-инсоннинг ноёб туйғуси», «Ўртоқлик ва дўстлик ҳақида», «Бу одобдан ва бу одобдан эмас», «Ахлоқий эркинлик ва бурч», «Қиз шаъни ва йигит ғурури», «Ёшлик — бебошлик эмас» каби темалардаги мунозаралар йигит ва қизларни кўп нарсалар ҳақида ўйлашга мажбур қилди.

Бир кун бемор табибдан «дардлар орасида осони қайси касаллигу, огири қайси?», деб сўрабди.

Табиб чуқур ўйга толибди-да: Эй, ўғил, энг оғир дард сеvgи дардидир, чунки унинг ҳар бир сўқмоғи сени турли қийноқ, азобларга солади. Лекин энг осон дард ҳам сеvgи дардидир. Чунки, сеvgининг ҳижрон ва қийноқлари бир кун сенга роҳат, бахтли ҳаёт бахш этади», дебди.

Сеvgи ёш танламайди, дейишади. Рост бўлса керак. Масалан, баъзилар мактаб парталариданоқ бир-бирларига ишқ-сеvgиларини айтадилар. Баъзилар эса ёшликлари ўтиб қолганда сеvgига дучор бўладилар. Шу пайт Абдураҳмон Жомийнинг бир тўртлиги эсимга тушди:

*Ишқ дардидан фориғ дил, дил эмасдир,  
Юраги дардсиз тан бир хору хасдир,  
Оламда юзингга келсин ишқ ғами,  
Қандай яхши олам, сеvgи олами,*

— Қўчаларда, транспорт ва хиёбонларда, кинотеатрларда кўплаб севишганларни учратиш мумкин. Ҳаммаси эмас, лекин кўпларининг бир-бирига муносабати, ўзини тутishi, ўзаро савол-жавоблари одоб чегарасидан чиқиб кетади. Бу катталарга нисбатан ҳурматсизлик-ку? Жамоат жойи, кўча-кўйда турли ёшдаги кишилар бўлади. Ўзларидан кичкиналарга ўрнакми, бу. Ахир бир-бирини синамасдан, балки синагандир, лекин ўзбекликнинг қизлик ҳаёси шаъни, ибоси, деган сўзлари бор-ку... Бу сўзларга эскилик сарқити деб қарашади, ўзларича маданиятли. Икки ёш орасидаги ҳаёсизликка кўпинча қизларни айбдор деб биламан. Ўзбекларда мақол бор: «Ғунажин кўзини сузмаса, буқача арқонни узмайди». Жудаям қўпол мақол, лекин маъноси чуқур. Кўпчилик дугоналаримнинг севган йигитлари бор. Баъзан уларга ҳавасим келса, бир хил вақтларда «ўлсин, йигит шунақа бўлса» деб ўйлайман уларни кўриб. Бир дугонамга нега йигитингизга ихтиёрингизни бериб қўясиз, кейин ҳурматингиз қолмайди-ку», десам «ўзининг йигити бўлмаганига, унданам аниғи, ҳеч ким қарамаганига ичи куйди», дебди. Мен қаттиқ хафа бўлдим, «менга нима, билганини қилмайдим», деб анчагана ўзимдан нафратланиб юрдим.

Лекин бир кун ажойиб воқеанинг гувоҳи бўлиб ичимдан ҳавасим келиб кетди. Гул бозори ёнида пушти сидирға, гулсиз материалдан чиройли кўйлак кийган қиз ва озода кийинган йигит учрашишди. Йигит қизга гул берди. Қиз ерга қараб, қўллари титраб, юзлари ёниб шундай одоб билан олдики, дугонам иккаламиз гулни олиб, ҳақини тўламай қотиб шуларга қараб турибмиз. Худди китоблардагидек, ҳақиқий одобли йигит ва қиз. «Бунақаси бўлмаган», деймиз йўлда кета туриб бир-биримизга. Ҳа, бундайлар ҳам бор, кўп. Уларнинг кўпчиликка кўринмаслик учун жамоат жойлардан ташқари жойларда учрашсалар керак, уларнинг сони ҳам кўп бўлса керак, бунга ишонаман. Яхшилик қанча кўп бўлса ҳам оз, ёмонлик қанча кам бўлса ҳам кўплик қилади. Жуда тўғри гап. Баъзи одобсизларни кўриб «ҳозирги ёшлар ёмон, эҳ бизнинг ёшлик йилларимиз қанақа эди» дегувчи қариялар ҳар қадамда мавжуд, бу гапни ҳар кун эшитиш мумкин.

— Севги, яхши кўриш, ёқтириш сўзлари — ҳар хилми? Ёки бари бир ҳаммаси севишми? Ҳеч ўйлаб ақлим етмайди.

— Севги нима? Фақ қутишми? Ёки севиб, унуттишми?

Мен ўз фикримни шу саволлар билан бошлаганим бежиз эмас. Чунки ҳозирги замонда қиз билан йигит орасидаги муносабат, яъни севги бутунлай ўзгариб, ўз аксини йўқотган. Ҳозирги йигит ва қизлар бойлик учун, мансаб учун бир-бирларини севишади. Мен севги йўқ, демоқчимасман. Севги бор. Ҳаёт борки унда севги ҳам бор. Фақат севги бошда эмас, юракда бўлиши керак.

Мен ўтмишдаги Фарҳод ва Ширин севгисини ҳақиқий севги деб биламан. Чунки улар ўз севгиси учун курашдилар. Фарҳод ўз севгисини меҳнатда исбот қилди. Яна Йўлчи ва Гулнор севгиси. Лекин золим бойлар қўлида бу севги паймол бўлди. Мен мана шу ўтмишдаги севгиларни мисол қилиб олишни бежиз эмас. Чунки уларни ҳозирги Фарҳод ва Ширинларга, Лайли ва Мажнунларга таққосламоқчиман. Ҳозирги йигит ва қизларнинг севгисининг ҳаммасини эмас, 90 процентини сохта севги деб биламан.

Ҳозирги йигитлар қизларга «мен сизни севаман сизсиз бир сония ҳам тура олмайман, сизсиз бу дунё менга қоронғи», деган ясама гаплар билан ўз севгиларини изҳор қиладилар. Кейин сал нарироқ юриб у қиздан чиройлироқ ва яхши кийинган қизларни кўрсалар яна шу гапларни қайтарадилар.

Ёки бўлмаса қиз ўз йигитини армия сафига кузатади. Унга ваъдалар беради, ишонч билан уни хизматга жўнатади. Оз кунлар ўтгач, бошқа йигит билан, ўз севгиларини, ваъдаларини паймол қилиб турмуш қуради. Мана шундай ҳолларни кўриб одамнинг севгига муносабати сўнади, албатта.

Яна бир мисол кўча-кўйда, хиёбонларда, кинотеатрларда кўп севишганларга боқиб ҳавас қиламиз ва уларга бахт тилаб қоламиз. Айрим севишганлар борки, уларни кўрган одамнинг эти жунжикиб, нафрати ошиб кетади. Шунда ўйлаб қоласан, киши, қани бу ерда қизнинг ор-номуси, қизлик шарм-ҳаёси, йигитнинг ғурури, мардлиги?! Бундай «севишганларни» мен «орсиз», «жонсиз жасадлар», деб атагим келади.

Мен севгини уч хил тушунаман: ёқтириб қолиш, яхши кўриб қолиш, чин юракдан севиш.

Менинг йигит ва қизларга бир тилагим бор. Бир-бирларингизни чин юракдан севинглар ва ҳар доим севгини асранглар!

— Севги муқаддас ҳисдир. У ҳар бир киши ҳиссиётида қачонлардир — эртами, кечми пайдо бўлади. Севги бу икки кишини, қиз ва йигитни бир-бирига боғлайдиган муқаддас кучдир.

Севишган қиз ва йигит орасидаги муносабат ҳамниша пок ва беғубор бўлмоғи лозим. Бу деганимки, агарда қиз ва йигит чиндан ҳам бир-бирини севишса, албатта, улар бир-бирларининг обрўси ва шаъни ҳақида қайғурадилар.

Менимча, қиз бола ўз йигитини қанчалик севмасин, унинг олдида ўз ҳаёсини, ибосини сақлаши, ўзининг қизлик гурурига, шаънига доғ туширмаслиги керак.

Йигит севган қизни билан учрашганда эса унга ҳирс кўзлари билан эмас, балки бир нозик гунчага қарагандай қарашни, қизнинг олдида ўзини тута билиб, уни ҳар қандай, балолардан асрай олиши керак.

Севишиш бир-бирига қувонч келтириш, севгилиси ҳақида қайғуриш, унинг ишига ҳурмат билан қараш ва ҳаётда умумий мақсадга эга бўлишдир.

— Йигит қизнинг табиатини ўрганишга интилмоғи лозим. Чунки қизлардаги чуқур ҳиссиётлар, туйғулар ҳаё пардаси ортида дафъатан кўрина қолмайди. Шунинг учун қизлар олами йигитларга сирли туюлади. Зотан, ана шу сирлилиқ, ҳаё қизларнинг маънавиятини безайдиган, уларни ҳурматлашга чорлайдиган заминдир. Демак, йигит энг аввало, умуман қизларни ҳурмат қилишни ўзида мужассамлаштиришга эришмоғи лозим. Сўнгра у конкрет қиз билан муомала, мунозара, суҳбат қилганида ундаги ўзига хосликларни, бошқа қизларда кўрмаган томонларини топишга эътиборини қаратади. Шу тариқа ўзининг тақдирига замин тайёрлайди. Йигит бу жараёнда ўз ҳиссиётларининг асири бўлиб қолиши мумкин эмас. У ақл тарозисини ишга солиб, қизнинг генетик (ирсий), миллий, ёш, жисмоний етуклиги ва ҳокозаларини ҳам ўлчашни зарур. Чунки оила қуриш келгуси авлодлар, миллат ва халқ истиқболи ҳақида ҳам қайғуришдир.

Муҳаббат — икки ёшнинг дунёқарашни, маънавий эстетик, маданий ва билим даражалари, ахлоқи ва ижтимоий бурчни ҳис этиши бир-бирига анча яқин келишидир. Ана шундай ёшларни баркамол инсонлар деб аташ мумкин. Зеро, муҳаббат ҳам етук қалбларда содир бўлади. Демак, йигит ва қиз муносабатлари муҳаб-

батга асосланмоги лозим. Бу ўз навбатида етукликни тақозо қилади.

— «Севги!» Бу нақадар олижаноб сўз. Бу сўз замирида қанчадан-қанча йигит ва қизларнинг кечинмалари, изтироблари, қувончлари ва қалб ҳароратлари ётади.

Инсон туғилиб улғаяр экан, унда севги, муҳаббат ҳис-туйғулари уйғота боради. Севгисиз инсон — инсон эмасдир, яъни унда қалб, юрак йўқдир.

Шундай экан, ҳар бир йигит-қиз севади ва севилади. Ҳар бир инсоннинг ўз жуфти бўлади.

Севги нозик бўлиб, севишган қиз ва йигит муносабати, деганда кўз олдимизга ҳозирги қиз ва йигитларимиз келади. Биз кўчада, транспортда, кино театрларда, иш ва ўқиш жойларида бундай инсонларни—севишганларни учратамиз. Уларга қараб ҳавасинг келади. Ортларидан «Қандай бахтли инсонлар!» деб қоласан, гоҳида.

Қизларимиз ифбатли, латофатли, иболи, ғурурли, номусли, йигитларимиз эса мард ва жасурдирлар. Лекин баъзида бунинг аксини кўрасан.

Кўча кўйда бир-бирларига осилган, ҳар хил қилиқлар қилиб юрадиган йигит ва қизларни ҳам учратишимиз мумкин. Биз бундайларни севишганлар дея оламизми? Улар ҳақиқий севги эгаларими? Менимча, йўқ. Улар фақат ҳавас учун шундай ишларни қиладилар. Уларнинг севгиси сохтадир.

Қалб жуда нозик бўлади. Уни оғритиш, синдириш жуда осон. Лекин уни қайтадан тиклаш жуда қийин. «Сен» ҳам бир оғиздан «сиз» ҳам бир оғиздан чиқади.

Шундай экан, ҳар бир йигит-қизга ўз севгани билан жуда эҳтиёткор бўлишни, севгилисини ранжитмасликни, ўз ғурур ва номусини поймол қилмасликни, пок севги билан яшашни маслаҳат берардим.

— Ҳаёт борки — севги бор, севги борки — ҳаёт бор. Севиш ўз вақтида ҳар бир қиз ва йигитнинг бошига, тушадиган савдо. Лекин бу вақтда кўпчилик қизлар ўзини қўлга олади, баъзилари, йўқ. Севишганлар ўртасидаги муносабат тўғрисида ўйлаб қаралса фикрлар бир хил бўлади, хатти-ҳаракатлар ҳам. Баъзилар «ўламан, қоламан», «севаман», «усиз яшай олмайман», дейди-ю, лекин бу баъзи ҳолларда ўткинчи бир кайфият эканлигини сезмасдан ўз шаънига доғ тушириб қўяди. Ўзбекларда жуда ажойиб мақол бор, «минолмаган отни минма». Албатта бу севишганлар ўртасидаги муносабатда



қўпол мисол бўлса-да, ўринли деб ўйлайман. Чунки баъзи қизлар севган кишилари билан ҳар хил муносабатда бўладилар. Кўчада бемалол қучоқлашиб, ўпишиб турадилар. Бу ҳол севганини исботлаши эмас. Бу менинг фикримча, ўзига, севганига ҳурматсизлик, маданиятсизликдир. Мен ўйлайманки, севишганларнинг муносабати фақат ўпиш, қучиш билан белгиланмайди. Қизлар ўзининг ибоси, одоби, иффати билан ажралиб турадилар.

— «Одамларда жуда ажойиб туйғу бор. Бу севгидир. Одам севиб ва севилиб бахтлидир. Қиз билан йигит севишган экан, аввалом бор, уларнинг муносабатлари пок ва чексиз бўлиши керак. Менимча, севишганлар ҳеч қачон оғиз кўпиртириб «Мен сизни жонимдан ортиқ севаман» демайди. Ахир бекорга айтишмайди» одам севгилиси билан учрашганда қизариб, сўз айтолмай лол қолса, бу одам чинакамига севади», деб. Севмаган одам эса ҳар хил баландпарвоз сўзлар билан ўз «севгисини изҳор қилмоқчи бўлади. Бу эса севги деб аталмиш пок туйғуга нисбатан ёлғончиликдир.

Менинг М. исмли дугонам бор. Мен уни Т. исмли дўстим билан таништириб қўйдим. Т. М. ни севиб қолибди. Бу йигит қизнинг севгани борлигини билмас эди. Лекин қиз ҳам бир оғиз «севганим бор», деб айтмади. Йигитнинг ёши 23 да, қизники эса 17 да. Йигит ёш бўлса ҳам, бир марта алданган экан. Армияга кетмасидан олдин бир қизни севаркан. Қиз уни армияга кузатибди, хатлар ёзиб турибди. Йигит армиядан қайтиб келса, унинг севгани турмушга чиқиб кетган экан. Турмушга чиқса ҳам хат ёзибди. Бу албатта Т. га алам қилган, лекин у ўзини қўлга олиб, унинг олдига борибди. Фақатгина «бахтли бўлинг», депти. Шунинг учун М. га гапни дангал айтибди. «Агар севганингиз бўлса орани очиқ қилайлик, бўлмаса ўзингиз биласиз». Шунда ҳам қиз эс-ҳушини йиға олмади. Кўп марта «учрашувга чиқди. Лекин халқда гап бор-ку, «касалингни яширсанг, иситмаси ошкор қилади» деган. Йигит қизнинг алдаётганини билиб қолди. Оралари бузилиб кетди. Йигитда эса қизларга бўлган ишонч сўнди. Т. менга «Сиз билардингиз-ку, бу қизни, ахир синфдошингиз-ку, нега менга бир оғиз «унинг йигити бор», деб айтмадингиз, ҳамма айб сизда!» деди. Айтинг-чи, ростдан ҳам ҳамма айб мендами? Ахир қандай қилиб айтаман унинг «севгани бор» деб. Ўйлаши мумкин, мендан рашк қилаяпти деб. Мен Т. га

айтмасам ҳам, «М»га эсингни ийиб ол, деб айтганман-ку! Гап таъсир қилмаса, айб мендами? Мана севгидаги ёлфончилик нимага олиб келади.

Менинг идеал қаҳрамонларим И. С. Тургеневнинг «Арафа» романи қаҳрамонлари Елена Стакова ва Дмитрий Инсаровдир. Бу асарни ўқиган ҳар бир инсон ўз севгисини шуларнинг севгисига ўхшасин деб орзу қилса керак, менимча.

— Буюк революционер Дзержинский: «Муҳаббат жасоратга чорлайди», деб бежиз айтмаган. Севишган йигит ва қиз ўртасидаги муҳаббат қанчалик мустаҳкам бўлса, улар орасидаги муносабат одоби шунчалик гўзал ва мазмунли бўлади. Машҳур педагог А. В. Луначарскийнинг фикри ҳам ажойиб: «Севги ҳаётнинг буюк безагидир. У табиатни гуллаб-яшнашига, ранг-баранг тусла товланишга, дилбар қўшиқлар куйлашга, гўзал рақслар тушишга мажбур этади».

Севги масаласи ёшларни муҳаббатга дучор бўлгунларига қадар ҳаяжонга сола бошлайди. Улар китоб ва қўшиқлардан, кинофильмлардан ва катталарнинг ҳикояларидан севги бойлик эканлигини, кишилар уни кутишлари ва унга интилишларини биладилар.

Лекин ҳозирги пайтда ёшларнинг барчаси ҳам севгини реал тушуна олмайдилар. Улар жисмонан ривожланганликлари билан тайёр бўлсалар-да, аммо социал жиҳатдан оила ва жамият олдидаги жавобгарликка тайёр эмаслар. Бусиз илк севгининг кўнгилсиз оқибатлари — енгилтаклик билан никоҳга кириш, оила бузилиши, идеалнинг амалга ошмаслиги, орзуларнинг пучга чиқиши юз бериши мумкин.

В. А. Сухомлинский «Севги ахлоқ гуллари, инсонда соғлом ахлоқ илдири йўқ экан — олижаноб севги ҳам бўлмайди», деганида ҳақ эди. Баъзан кўчаларда севишган йигит-қизларнинг бир-бирига ҳаёсизларча муносабатларини кўриб ҳайратланаман. Улар ҳақиқий севган киши муҳаббати билан жар солмайди, деган ҳикматни билишмасмикан деб ўйлайман.

Ҳозир 25 ёшдаман, баъзан ўртоқларим ёки ўзимдан кичик қизлар бирор кишини севганмисиз деб савол беришади. Бу саволга жавоб беришга албатта қийналадман. Чунки муҳаббатим тўғрисида жар солишга журъат этолмайман.

Менимча, севишган ҳар бир йигит-қиз оила қуришдан

олдни ўзининг оила қуришга тайёр ёки тайёр эмаслигини билиб олса, яхши бўларди.

— Менимча, яхши фарзанд хоҳ йигит, хоҳ қиз бўлсин, аввало ота-она билан ҳисоблашмоғи лозим. Ҳеч бир ота-она ўз фарзандига ёмонликни раво кўрмайди. Шундай экан, нега биз уларга қулоқ солмаслигимиз керак? Улар турмуш тажрибаси кўплиги учун ҳамма нарсага жиддий, чуқур қарашади. Сизни бахтсиз бўлиб қолмасмикан, деб чўчишади. Ота-онанинг куёв ёки келин олдига қўядиган ҳақли талабларига ҳурмат билан қараш керак. Ота-оналарнинг ҳамма ишда, жумладан, турмуш масаласида, севги-муҳаббат ҳам анча «кўзи ўткир»лигини ҳисобга олиш лозим. Биз, бу ўринда, онда-сонда учрайдиган жоҳил ота-оналарни назарда тутмаймиз, албатта. Одатимизга кўра ота-она қиз чиқаришда, ўғил уйлантиришда қуда томонни суриштиришади. Тузук одамлар эканига ишонмагунча бу ишга розилик беришмайди. Тўғри қилишади ҳам. «Синамаган отнинг ёнидан ўтма» деган мақол бор-ку?

Афсуски, буни биз эскилик «сарқити»га йўямиз. Ўзимиз билгандан қолмаймиз.

«Тошкент оқшомин» газетасида босилган У. Ҳамидовнинг «Буни умр савдоси дейдилар» мақоласи биз ёшлар учун гоят ибратли. Келинг, мақола мазмуни билан танишайлик.

Ҳури хола қуда бўлмишларини «элак-элак қилиб» суриштириб юрибди:

— Келин бўлмишнинг отаси сўконғичроқ дейишади, шу ростми?

— Акасининг ичадиган одати бормиш, тўғрими?

— Келиннинг опаси уч марта турмуш қурган дейишади. Шундан кўнглим ҳижилроқ бўлиб турибди...

Ҳозир ҳам у айвонда қўшнига куйиниб тушунтирарди:

— Эрталаб совчиликка бордим. Қарасам, кўча эшик тақатақ берк. Ҳовлилар супурилмаган. Ҳайрон бўлиб қолдим. Қиз бола деган барвақт туриб кўча эшик олдини супуриб қўймаганидан кейин билмадим, нима бўлади.

Раъно ичкари уйда турар, онасининг бу гапларини эшитиб ўйга толган эди. Кампирлар ҳам қизиқ-да. Келин билан куёв бир-бирини ёқтирганидан кейин бўлди-да. Укасини уйлантиришаяпти. Тўлқинжон ўша қизни яхши кўрар экан. Аммо Ҳури хола бўлғуси қудаларини ипидан-игнасиғача текшириб ётибди. Келиннинг

Ўзи Тўлқинга ёқса бўлди-да. Отасининг жаҳлдорлиги-ю, акасининг ичиб келиши билан нима иши бор? Шунақа дейди-ю, балки онаси ҳам ҳақлидир. Балки Раънонинг ўзи ҳам онасига қулоқ солганида қисмати бунчалик ўзгариб кетмасмиди...

Раънонинг Ҳақимжон билан танишиши тасодифан бўлди. Уша кун у бозорга тушди. Кун иссиқ, қўлида юк кўп эди. Ҳақимжон уни «Москвич» машинасида уйига элтиб қўйди. Аспирантурада ўқишини айтди.

Раъно беихтиёр уни тез-тез эслайдиган бўлиб қолди. Одобли, келишган, бунинг устига яқинда олим бўлади. Унинг ўзи олимларни жуда ҳурмат қилар, мактабда яхши ўқиган эди. Унинг синфни битиргандан кейин ТошМИга кирмоқчи эди. Киролмади, фабрикага кириб ишлай бошлади.

Бир ҳафтадан кейин эрталаб ишга кетаётган эди, ўзларининг бекатида яна ўша оқ «Москвич»ни учратиб қолди. Индамай турган эди, машина унинг шундоққина ёнига келиб тўхтади. Раъно ҳаяжондан юзлари қизарганича машинага ўтирди.

Уша кун улар анча батафсилроқ танишиб олишди. Ҳақимжон машина технологиясидан диссертация ёзаётган экан. Ҳозир лойиҳа институтининг лабораториясида вақтинча ишлаб тураркан.

Кейинги учрашганларида Ҳақимжон уни лабораторияга олиб борди. Бу аллақандай фотолаборатория эди: чекка-чекада турли аппаратлар, фотодорилар турарди. Ҳақимжон чироқларни ўчириб қўйиб, уни турли позаларда суратга олди. Кейинчалик Раъно бу лабораторияга тез-тез келадиган бўлиб қолди. Энди уни лабораториянинг қоронғилиги ҳам унчалик чўчитмасди. Эрта баҳорларга бориб Ҳақимжон уйланмоқчи эканлигини айтди. Раъно бу гапни Ҳури холага шипшитди.

— Уйланадиган одам совчи юборади, совчилар тўрт-беш марта келсин. Бир-биримизни суриштирайлик,— деди Ҳури хола.

Раънонинг жаҳли чиқди:

— Эскилик сарқити ўлганда ҳам қолмас экан-да. Ҳақимжон Бўкада турарди. Ота-онаси йўқ экан.

Она-боланинг тортишуви узоқ чўзилмади. Тўйни чўзиб ўтиришнинг ҳожати ҳам, иложи ҳам қолмаган эди.

«Гулистон» ресторанида чиройли тўй қилишди. Тўпланганлар келин-кўёвга яхши тилаклар билдиришди. Ҳамма хурсанд, фақат Ҳури хола кўз ёши қиларди.

Ҳақимжон билан Раъно Юнусободда яшай бошла-  
дилар. Ҳақимжон эрта кетиб, кеч келар, илмий иши  
чўзилиб кетаётганидан нолир эди. Кузда у илмий иши  
юзасидан Москвага кетди. Раъно фарзанд кутар, шу-  
нинг учун отпускага чиққанди. Ҳури хола куёвни ёқтир-  
магани учунми, уларникига кам келар, Раъно ҳам уйга  
кўп боравермасди. Бир оқшом эшик қўнғироғи жиринг-  
лаб қолди. Раъно очди.

Остонада ялтироқ рўмол ўраган, қишлоқдан келган-  
лиги кўриниб турган аёл, беш ёшлардаги бола турарди.

— Ким керак, сизга?— деди Раъно ҳайрон бўлиб.

— Сиз кераксиз!

— Аёл жавоб кутмай индамай ичкарига кирди.

Раъно баттар ҳайрон бўлди.

— Нима гап ўзи?

— Сизни ҳам машинага ўтқазиб илинтирдими? Дис-  
сертация ёқлаяпман дедими?

Раъно ҳадеганда тушунавермаган эди, аёл ҳаммаси-  
ни тушунтириб берди. Ҳақимжон ҳеч қанақа аспирант  
эмас, оддий фотограф экан. Куз пайтида отпускаи олиб,  
аллақайси қишлоқлардаги ҳамтовоқлари билан узоқ  
жойларга узум обориб сотаркан. Машинани ҳам шу пул-  
дан олган экан.

— Эҳтиёт бўлинг, Ҳақимжоннинг машинасига ўти-  
радиганлар кўп,— деди у чиқиб кетаётганида.

Раъно бошини чангаллаб қолди. Энди у «эркин му-  
ҳаббат»га ҳам, «янгича» муносабатларга ҳам туфурги-  
си келарди. Аммо энди кеч бўлган эди.

Туғруқхонада ётганда кетма-кет ёпирилиб келган са-  
воллар уни эзиб ташлади. Нима учун у енгилтаклик  
қилди? Нима учун Ҳақимжоннинг машинасида «катай-  
са» қилиш шунчалик мартаба бўлиб туюлди? Ахир Ҳа-  
қимжоннинг машинаси борлигининг ўзи бутун бошли  
давлатдек туюлгани рост-ку! Нима учун унинг қоронғи  
лабораториясига етаклашиб бораверди? Майли, яхши  
кўрибди-кўрибди, нима учун ақалли онасининг сўзига  
кирмади. Ахир совчилик, қуда суриштириш деган гап-  
лар минг йиллардан буён қўлланиб келинаётган нар-  
са-ку! Бунинг нимаси ёмон? Бунинг нимаси эскилик  
сарқити? Раънонинг ўзи тап-тайёр янгилик «сарқити»-  
нинг қурбони бўлиб ўтирибди-ку. Топган матохи шу  
бўлдими?

У қизчасини кўтариб туғруқхонадан қайтганида Ҳа-  
қимжон ҳам уйга қайтган экан.

— Қалай, диссертация битай деб қолдими?— деди у пичинг қилиб.

— Ҳали иш кўп. Яна бир йилларга чўзилса керак.

— Диссертациянгиз сизни қаёққа етаклаб боришини кўриб турибман.

— Ие, эшитдиларми ўзлари!— деди Ҳакимжон кўзлари ёниб.

— Қлара келибди-да! Майли, зиёни йўқ, худога шукур, ҳамма нарса жойида. Уй-жой бор, машина бор, яна нима керак?

Раъно юзини ўгирди. Энди уларнинг ўртасида катта-контон жарлик пайдо бўлган, унга кўприк солиш қийин эди.

Орадан ойлар ўтди, Нилуфар талпинчоқ бўлиб қолди. Аммо эр-хотин ўртасидаги жарлик кун сайин кенгайиб борар, буни Раъно сезиб турарди. Ўзи пиширган ошни ўзи ичишга мажбур бўлгани учун онасига бир нима деёлмайди...

Ана, айвонда Ҳури хола қўшнига куйиб-пишиб гапиряпти.

— Қиз бола деган ҳам кун ёйилиб кетгунча ухлаб ётадимми? Илгари замонда совчилар энг аввал ошхонага кирарди. Идиш-товоқ ювилмаган бўлса, ўчоқда кул тиқилиб ётган бўлса, айниб кетишарди. Ҳозирги замонда ўчоқ ҳам йўқ. Аммо қиз боланинг қанақалигини оstonасида билса бўлади. Билмадим, Тўлқинжонга ёқибди-ю, менга ўтиришмайроқ турибди-да.

Аввалги пайт бўлса Раъно онасининг устидан кулган бўларди. Йўқ, энди у кулолмайди. Келин бўлмишнинг дадаси сўконғичлиги ҳам, акаси кўп ичиши ҳам, опаси уч марта турмуш қургани ҳам — ҳаммасининг аҳамияти бор. Негаки одам ўзи ўсган муҳитдан таъсирланмай қолмайди. Ҳури хола тўғри қилади. Бу — умр савдоси. Унга пухта тайёрланиш керак,

## АДАБИЁТЛАР

- Маркс К., Энгельс Ф. О молодёжи. М., 1972.
- Ленин В. И. Коммунистик ахлоқ тўғрисида. Т., «Ўзбекистон», 1966.
- КПСС Марказий Комитети Пленуми материаллари. 1983 йил 14-15 июнь. Т., «Ўзбекистон», 1983.
- Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Конституцияси (Асосий Қонуни). Т., «Ўзбекистон», 1978.
- Умумий таълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг асосий йўналшлари. «Совет мактаби», 1984, № 6.
- Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Програмаси. Т., «Ўзбекистон», 1986.
- Крупская Я. Н. К.— Вопросы семейного воспитания и быта. Пед. соч в 10 ти томах, том 6, М., 1969.
- Макаренко А. С.— Болалар тарбияси ҳақида лекциялар. Т «Ўқитувчи», 1967.
- Сухомилинский В. А. —«Тарбия ҳақида», Т., «Еш гвардия», 1977.
- Ҳамидова Г. Социалистик oilанинг ахлоқий асослари. Т., 1970.
- Соболев А. Я. Севги ва oilадаги ўзаро ҳурмат. Т., «Ўзбекистон», 1976.
- Юсупов Э., Исмоилов Ф. Инсон одоби билан. Т., «Ўзбекистон», 1983.
- Миртурсунов З. Ф. Ўзбек халқ педагогикаси. Т., «Фан», 1973.
- Соболев А. Я. «Ота-оналар, сизлар учун», Т., «Ўқитувчи», 1976.
- Мирзакалон Исмоилий. Одамийлик қиссаси, Т., «Ўзбекистон», 1975.
- Сысенко В. А. Супружеские конфликты. М., 1983.
- Тўхтасинов Н., Раҳимов Н., Никоҳ, oilа, жамият. Т., «Ўқитувчи», 1985.
- Валиева Т. Ёшларда дўстлик, ўртоқликни тарбиялаш. Т., «Ўзбекистон» 1970.
- Валиева Н. Иффат ва назокат. Т., «Ўзбекистон», 1973.
- Тўраева О. Бола азиз, одоби ундан азиз, Т., «Ўқитувчи», 1986.
- Тўраева О. Ахлоқий эркинлик ва бурч. Т., «Ўзбекистон», 1976.
- Тўраева О. Қизлар тарбиясида оналарнинг роли. Т., «Ўзбекистон», 1969.
- Тўраева О. Oilада ўзаро ҳурмат ва бола тарбияси. Т., «Ўзбекистон», 1966.

## МУНДАРИЖА

Кириш		3
<b>I боб. Социалистик жамиятда никоҳ ва оила</b>		<b>7</b>
1-§. Социалистик жамиятда оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асослари . . . . .		7
2-§. Социалистик оиланинг ахлоқий асослари . . . . .		11
3-§. Оиладаги соғлом муҳит психологияси . . . . .		16
<b>II боб. Ешлар маънавий дунёсининг гўзаллиги</b>		<b>19</b>
1-§. Ешлик фаслининг ўзига хос одоби ва психологияси		19
2-§. Қизлик шаъни ва йигитлик ғурури		22
3-§. Ўртоқлик ва дўстлик		29
4-§. Севги ва муҳаббат . . . . .		37
5-§. Ахлоқий эркинлик ва бурч . . . . .		50
<b>III боб. Фарзанд — умр меваси</b>		<b>58</b>
1-§. Совет оиласи ва болалар тарбияси . . . . .		58
2-§. Оилада болаларни тўғри тарбиялаш шартлари . . . . .		65
3-§. Оилада болаларнинг ахлоқий тарбияси . . . . .		100
4-§. Ешларни оилавий ҳаётга тайёрлашда мактаб, оила ва жамоатчиликнинг ҳамкорлиги . . . . .		107
5-§. Ота билан она — боланинг биринчи мураббийси . . . . .		110
6-§. Қиз бола тарбиясида онанинг роли . . . . .		117
7-§. Қиз боланинг оилавий ҳаётга тайёрлаш . . . . .		126
8-§. Ўғил бола тарбияси . . . . .		129
<b>IV боб. Оилавий муносабатлар одоби ва психологияси</b>		<b>137</b>
1-§. Янги турмуш қурган келин-куёвларнинг ўзаро муносабатлари . . . . .		137
2-§. Келин-куёвларнинг ота-онага муносабати, Қайнона ҳам она . . . . .		141
3-§. Ота-онанинг келин-куёвга муносабати . . . . .		146
4-§. Оила бахти . . . . .		152
5-§. Ажралиш сабаблари ва унинг ёмон оқибатлари . . . . .		179